

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадiiй, ижтимоiiй-публицистик журнал*

## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 6 (193)

2013 йил, июнь

## МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ  
Жондин сени кўп севармен...  
(Ш. Сирожиддинов, Г. Одилова).....2

НАСР  
**Бенгал хикоялари.** (Рус тилидан Назира  
Жўраева тарж.).....7

Ф.М. ДОСТОЕВСКИЙ. **Иблислар.**  
Роман. (Рус тилидан Иброҳим Фафуров  
тарж.).....44

Н.СОСЭКИ. **Қалб.** Роман. (Япон тилидан  
Нодира Аминова тарж.).....115

ДРАМАТУРГИЯ  
М.БУЛГАКОВ. **Дон Кихот.** Драма. (Рус  
тилидан Низом Комил тарж.).....87

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ  
Замонавий рус шеърияти. **Шеърлар**  
(Рус тилидан У. Азим ва Х.Рустамова  
тарж.).....28

Жаҳон болалар шеърияти  
**Шеърлар.** (Рус тилидан А. Акбар,  
қирғиз тилидан Т. Адашбоев  
тарж.).....107

УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН  
**Улкан мерос** (М. Қўшмоқов).....140

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА  
Акмал САИДОВ. «Иблислар» – огоҳлик  
ва башорат романи.....85

Абдулла УЛУҒОВ. **Туш – ғаройиб**  
**жумбок**.....150

З АБДУРАШИДОВ. “**Катта бошлик**”  
фаолиятининг айрим кирралари.....162

Нарзулла ЖЎРАЕВ. **Таваллодан**  
**муножотгача**.....166

Мо ЯНЬ. **Қиссагўй.** Нобель маърузаси. (Рус  
тилидан А. Файзулла тарж.).....176

ЖАҲОН МАДДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ  
**Унутилмас сиймолар** .....186  
**Жаҳон бўйлаб**.....198  
**Муқоламизда** .....203  
**Тақвим**.....205



## ЖОНДИН СЕНИ КЎП СЕВАРМЕН...

Навоий рубоийларини инглиз тилига таржима қилиш ишлари ташаббускорларидан бири истеъдодли таржимон Қосим Маъмуровдир. Албатта, рубоий шаклий хусусиятлари ва ички қофияланиши жиҳатидан ғазалдан фарқ қилиб, вазн кўлланиши жиҳатидан соддароқдир. Шу маънода Қосим Маъмуров унинг оҳангини таржимага аниқ кўчира олиш, туркий рубоийлар жарангини инглизча янграйтиш имкониятини топган.

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз .*

Таржима:

*I love you more than my soul, oh, my dear,  
I love you more than all numbers, oh, my dear,  
Lovin  
g anything can not be more than that,  
I love you much more than that, oh, my dear.*

Рубоийнинг инглизча жаранги ҳам айнан шарқона оҳангга эгаки, бундай шеърлар инглиз лирикасида учрамайди. Аммо мазкур рубоийдаги “Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз” мисрасида шоир “сон” деганда айнан санок сонларни назарда тутмаган, балки “саналиши мумкин бўлган ҳар қандай мавжудотдан-да кучлироқ севаман” демоқчи. Бу эса чексизликни англатади. Шу ўринда таржимон сон сўзини соддагина қилиб – numbers (рақамлар, сонлар) сўзи билан таржима қилиб жиддий хатога йўл қўйган:

*I love you more than all numbers, oh, my dear*

Сўзма-сўз таржимаси:

*Мен сени ҳамма рақамлардан-да кўра кучлироқ севаман, азизим.*

Инглиз тилида “ҳамма рақамлардан кўра кучли севмоқ” деган ибора йўқ. Бинобарин, чет тилида ўта жўн чиққан бу иборани Навоий ҳам қўллаётгани йўқ. Агар таржимон “сондин” сўзининг байтдаги маъноси санаб адоғига етиб бўлмас чексизлик эканлигини тушунганида инглиз тилида бу сўзни – infinity (чексизлик) деб берган бўлар эди.

Кўриб турганимиздек, бу сўзнинг 1-маъноси чексизлик, чегара билмас масофа, 2-маъноси жуда катта санокқа эга бўлган реал ва мавҳум предметлар, катта санок сонлар. Баъзан араб рақамларини ҳам англади: Arabic numeral, arithmetic progression, base, coefficient, common factor, common multiple, computation, constant, cube, cube root.

Демак, бу сўз айнан санаб бўлмайдиган чексизликни билдиради. Инглиз бадиий адабиётида мазкур байт таржимасига айнан мос келувчи: Love more than infinity – чексизликдан-да кўпроқ севмоқ деган ибораси мавжуд. Шу мисрани мутаржим:

*I love you more than infinity, oh, my dear,*

деб таржима қилганда эди, инглиз тилида аслиятнинг бор маъноси ва бадиийлиги тўлиқ ифодалаб берилар эди.

Алишер Навоий рубоийлари орасида қофиялар тўрт бўлакка бўлинган ҳолда яратилганлари ҳам бор. Дастлабки уч бўлақда бир хил қофияли сўзлар келтирилади. Шеърда бундай усул қўлланилганда ички қофия санъати ҳосил бўлади. Бунга қуйидаги рубоий мисол бўлади:

*Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,  
Юз бирла сўзинг яхши, дудогинг яхши.  
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,  
Бир-бир не дейин, бошдин-аёгинг яхши.*

Навоий мазкур рубоийсида тавзий<sup>1</sup> санъатидан ҳам усталик билан фойдаланиб суюклининг “бошдин-аёғ” гўзал қиёфасини моҳирлик билан тасвирлаган.

Таржимаси:

*Your eyes and brows are good, eyelids are good,  
Your appearance and words are good, your lips are good,  
Your cheeks with marks are good, chins are good,  
Shall I name one by one, you are good from head to foot.*

Аслиятдаги отларнинг уюшиб келиши таржимага ҳам кўчган. Таржимон радифдан олдин келган қофиядош “қабоғинг, дудоғинг, сақоғинг, аёгинг” сўзларини инглиз тилида eyelids, lips, chins сўзлари билан бериб, тил имкониятидан келиб чиққан, натижада ўзаро оҳангдошлик ҳосил қилишга интилган ва бунга эришган. Таржимада рубоий оҳанги тўлиқ сақлаб қолинган ва инглизча бўёқдорликдан холи. Инглиз поэзиясида аруз бўлмаганидек, ўзбек шеърлятида ҳам ямб йўқ. Бундай қараганда, ямб билан аруз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бир-биридан йироқ бўлган икки шеърлий система ва анъанани “омихта” қилишда таржимон журъат билан қалам сурган. У инглиз ямбига асл нусхадаги ихчамлик ва эмоционалликни сақлай оладиган, янги оҳанг берувчи радифли қофия киритган. Натижада эса қандайдир учинчи – она тили

<sup>1</sup> Тавзий – ойдинлаштириш, очиб бериш, майдалаб тушунтириш санъати.

ва бўлак тилдаги шеърий унсурлар омихтасидан иборат назмий муштараклик барпо этилган. Энг қизиғи шундаки, аслиятдаги тавзиъ санъати таржимада қайта яратилган.

Алишер Навоий ёрни янада жозибалироқ тасвирлаш мақсадида ташбеҳ санъатидан ва унинг турларидан ҳам кенг фойдаланади:

*Дедим зақанинг тутуб, сақогингни ўпай,  
Кўз-қошинга суртубон қабогингни ўпай,  
Гулдек юзунг ислабон дудогингни ўпай,  
Иўқ, иўқ, иўқ, агар десанг аёгингни ўпай.*

Алишер Навоий бу ташбеҳда “-дек” кўшимчасидан фойдаланиб ташбеҳи мутлақ (аниқ ўхшатиш) хилини ҳосил қилмоқда. “Ўпай” радифли рубоий таржимасига ҳам оҳанг ва жарангдорлиги жиҳатидан шарқона услубнинг ғарбча жаранги, дея баҳо бериш мумкин.

Таржима:

*I said, holding by your chin your cheeks I kiss,  
Licking your eyes with eyelids your brows I kiss,  
Smelling your rosy cheeks your lips I kiss,  
If you say: No, No, No, your foot I kiss.*

Таржима шу даражада аниқ ва тушунарли чиққанки, инглизча матнданоқ Навоий оҳанги сезилиб туради. Ошиқнинг ёр лаби, ёноқлари, кўзу қошларидан ўпиш орзуси ва бу орзуга эришолмаса, яъни маънан баландда турган маъшуқа рухсат бермаса, ҳеч бўлмаса, оёғидан ўпиш ва ёр васлига етиш илоҳий ва мажозий ишқ савдоси дардига малҳам бўлиши иккала матнда (аслият ва таржимада) бирдек тушунарли ва чиройли ифода этилган. Рубоийда қўлланган саволу жавоб санъати ҳам таржимада қайта яратилган. Инглизча таржимага Навоий рубоийларининг оҳанги ва руҳиятининг кўчганлигига ва бу оҳанг таржимоннинг шуурига сингиб кетганидан таржимон бу қадар муваффақиятга эришган бўлиши мумкин.

Албатта, таржимада оҳанг муҳим. Ўзига хос жарангга эга лирик жанр чет эл китобхонида кўпроқ қизиқиш уйғотади. Қўшиқ мисолида айтадиган бўлсак, унинг матнидан кўра биринчи навбатда ёқимли оҳанги эътиборни тортади. Навоий ижодини инглиз тилига таржима қилишда маъно билан бир қаторда оҳанг биринчи ўринга қўйилиши зарур деб ўйлаймиз. Кейинги рубоийда ҳам Алишер Навоий ташбеҳнинг ташбеҳи мутлақ (аниқ ўхшатиш) хилини ҳосил қилмоқда:

*Ғурбатда ғариб шодумон бўлмас эмуш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмуш.  
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,  
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмуш.*

Таржимаси:

*A poor is said to be not happy in a strange land,  
People are said not to treat him friendly and kindly,  
Should there grows a red rose in the cage,  
Is said not to make a company like a prickle for a nightingale*

Бу рубоий таржимасида аслиятдаги маъно ва мазмун тўла сақлаб қолинган, аммо рубоийнинг бетакрор оҳангини ҳосил қилувчи о товушли аллитерацион қофияланиш (шодумон, меҳрибон, ошиён каби) инглиз тилида қайта яратилмаган. Тил имкониятларидан келиб чиқиб, “бўлмас эмуш” радифи ҳам мисра охирида эмас, балки бошида “Is said not to” тарзида келтирилади. Натижада аслият оҳанги таржимада биров сезилмай қолган. Аммо дидактик афористик руҳият тўлиқ сақланган.

Қачонки ўхшатиш фақат мушаббих ва мушаббихун бихдан ташкил топса, бундай усул ташбеҳи муяққад<sup>1</sup> деб аталади. Ташбеҳнинг бу тури Алишер Навоийнинг айрим рубоийларида, айниқса, катта маҳорат билан қўлланган:

*Эй шарбати лаълинг оби ҳайвондин алаз,  
Ҳайвон суйини қўйки, чучук жондин алаз.  
Не жондин алаз, не оби ҳайвондин алаз,  
Ким ҳар неки иўқ ондин алаз, ондин алаз.*

Таржимаси:

*Oh, the juice of your lips is sweeter than alive water,  
Don't say alive water, it is sweeter than soul,  
Is not better than soul, better than alive water,  
If there is nothing better than that it is much dearest than alive water.*

Сўзма-сўз:

*Лабинг шарбати тириклик сувидан-да ширин,  
Тириклик суви эмас жондан-да ширин,  
Жондан эмас тириклик сувидан ширин,  
Агар ундан азизроқ бир нарса бўлмаса, тириклик сувидан азизроқ.*

“Чучук жон” – ибораси ширин жон маъносида қўлланмоқда, аммо жон – муқоясада тириклик суви, яъни “оби ҳайвон”дан ортиқроқ эканлиги айтилмоқда. Лекин шоир қилинаётган муқоясалар суюқлик, яъни “лаб шарбати” атрофида бораётганлиги учун жонни “чучук” деб атайди. “Чучук” сувга нисбатан қўлланиладиган сифат, яъни ичса бўладиган сув, кейинчалик бу сўз “ширин сув” деб қўллаб келинган. Таржимон қўллаган “sweeter than soul” қалбдан кўра ширинроқ ибораси инглиз бадий тилида учрамади. Агар сувга нисбатан ишлатиладиган ва Навоий жонга нисбатан қўллаган “чучук” сўзининг инглизча маънодоши “pure” – тиниқ, шаффоф, тоза (сувга нисбатан) сўзи қўлланганда нур устига нур бўлур эди. Бинобарин, “pure than soul” – қалбдан кўра тиниқроқ, тозароқ ибораси инглиз шеърлятида учрайди:

*I represent a word that has no definition  
Authentic, genuine pure than a soul of a christian....*

Навоий ғазалиёти мисли бир уммон, бу уммонда дурни олиб чиқиш учун катта маҳорат талаб этилади. Рубоийдаги “чучук” сувга нисбатан қўлланганми ёки жонгами – муаллиф даҳосигагина аён. Аммо инглиз тилида “pure than a soul” ибораси қўлланганда мисрадаги икки маънони

<sup>1</sup> Мушаббих ва мушаббихун бих санъатлари ташбеҳ санъатининг асосий усуллари, жузвидан бўлиб, мушаббихда нима ўхшатиш бўлса, ўша нарса ё тушунча, мушаббихун бихда нимага ўхшатиш бўлса, ўша нарса ёки тушунча англашилади (Бу ҳақда қаранг: А. Ҳожиаҳмедов. Шеърлий санъатлар ва мумтоз қофия. Тошкент, «Шарқ» НМАК, 1998, 14-15 бет)

ҳам очиб бера олади. Зулқофиятайн санъати Навоий шеърларида энг кўп қўлланилган бадий усуллардан ҳисобланади. Бунда шеър мисраларида жуфт оҳангдош сўзлар қофия бўлади. Шеър мисраларидаги сўзлар икки ёки ундан ортиқ мартаба такрорланиб келса тақрир санъатини ҳосил қилади. Агар байт мисраларида ёндош жуфт сўзлар такрорланиб келса, муқаррар бадий санъати қўлланилган бўлади. Эътибор берилса, юқорида келтирилган барча рубоийларда келтириб ўтилаётган бадий санъатлар ишлатилган.

*Is not better than soul, better than alive water,  
If there is nothing better than that it is much dearest than alive water.*

Сўзма-сўз таржимаси:

*Жондан эмас тириклик сувидан ширин,  
Агар ундан азизроқ бир нарса бўлмаса, тириклик сувидан азизроқ.*

Кўриб турганимиздек, шоир айтмоқчи бўлган лабинг шарбати олдида “жон нима”, “тириклик суви нима” деган кучли ҳис-ҳаяжонга йўғрилган ўз фикридан қайтиш санъати ўрнига, таржимада яна орттирма нисбат бериш кўзга яққол ташланмоқда.

Шу мисра куйидагича таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди:

*No compare better or not than soul and alive water  
If there is the dearest its more better.*

Тириклик суви ёки жондан яхшироқ эканлигини муқояса қилиб бўлмайди,

Нимаки энг азиз бўлса, ўшандан-да азизроқ.

Алишер Навоий шеърлятида кўплаб бадий санъатлар қўлланилган бўлиб, биз улардан айрим намуналарни келтирдик. Умуман олганда, Алишер Навоий мумтоз шеърлятнинг бадий маҳорат сирларини пухта эгаллаган шоир. Шу сабабли унинг шеърлятида турфа хил бадий санъатлар учрайдики, уларни кенгроқ тадқиқ қилиш орқали шоир поэтикасига оид муайян хулосаларга келиш мумкин. Навоий рубоийларида қўлланган бадий санъатлар палитрасини чет тилида бор рангида қайта яратиш мушкул. Аммо шоир қўллаган сўз ва ибораларнинг таржима тилида ўқишли ва жарангдор эквивалентларини топиб ўгирилишида таржимонлар масъулдирлар. Зеро, аслиятдаги пурмаъно сўз таржима тилида жўн, сохта бирикма кўринишини олиши ҳеч гап эмас. Бу каби камчиликларга йўл қўймаслик учун Навоий асарларидаги сўзларнинг икки тиллик изоҳли луғатларини яратиш лозим кўринади.

*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,  
филология фанлари доктори,  
Гулноза ОДИЛОВА,  
филология фанлари номзоди*



## БЕНГАЛ ҲИКОЯЛАРИ

### ПОРОШУРАМ



*Порошурамнинг асл исми Ражшекхар Босу бўлиб, Фарбий Бенгалия (Ҳиндистон)нинг Вардхаман вилоятида 1880 йил 16 мартда дунёга келиб, 1960 йилнинг 27 апрелида вафот этган.*

*У адабиёт майдонида 1920 йилдан кўрина бошлаган. Бунгача ўзи даставвал қизиққан лингвистика ва кимё фанлари бўйича таниқли мутахассис олим даражасига кўтарилган, ўша вақтдаги қатор давлат мукофотларига сазовор бўлган эди. Олимнинг адабиётдаги ишларига “буюк ҳинду” Рабиндранат Тагор юқори баҳо берган. Айниқса, Порошурамнинг “Чалантика” деб аталувчи бенгалча изоҳли луғати бенгал миллатининг фахру ғурурига айланган. Енгил юмор ва ўткир ҳажв билан йўғрилган унинг катта-кичик асарлари бутун Ҳиндистонда шов-шувларга сабаб бўлган. Қатор унвону мукофотлар сирасида 1956 йилда берилган энг олий адабий мукофот Падма ёзувчининг фавқулодда истеъдод соҳиби бўлганидан дарак беради.*

### КИМ КЕТАДИЮ КИМ ҚОЛАДИ

**Б**оттешшор Шикдар – санъатга буткул берилган таниқли ёзувчи, бир сўз билан айтганда, адабиёт унинг касб-кори. Одатда ёзувчилик билан кун кўрадиган инсонлар муҳтожликда яшайдилар, лекин Боттешшор Шикдар бадавлат одам. У ўқувчилар озғига тушган катта-катта романлар муаллифи, кичик ҳикоялар, мақолалар, шеърлар, сайёҳатномалар каби майда-чуйда асарлар ёзишни ёқтирмасди. Унинг етти юз бетдан кам бўлган романи йўқ. Лекин ўқишга чанқоқ бенгал китобхонлари унинг асари пештахтада пайдо бўлиши биланоқ ютиб юборгудек бўлиб мук тушиб мутолаа қилардилар ва янги асарларини сабрсизлик билан кутардилар. Яқинда Шикдарнинг олтмиш беш ёшга тўлган куни шоҳона нишонланди. Қунларнинг бирида Боттешшор эрталаб ўз ишхонасида чой ичиб ўтирарди. Шу пайт хонага нотаниш кимса кириб келди.

– Исминм Прийоброто Рай, – деб ўзини таништирди истараси иссиқ йигит. – Менга беш дақиқа вақтингизни ажрата оласизми?

Кийинишидан у камбағалга ўхшамасди. Боттешшор уни ўтиришга таклиф қилиб, стулни кўрсатди.

– Утир, – деди ёзувчи, – ҳойнаҳой, бирон журнал чиқаришни мўлжаллаётган бўлсанг керак, нима, бирон нарса ёзиб беришимни истайсанми? Сени огоҳлантириб қўяй, майда-чуйда нарсалар ёзишга хушим йўқ. Маслаҳат олишни истасанг, марҳамат, бу хизмат ўн рупий бўлади.

– Йўқ, йўқ, мен бунинг учун келганим йўқ, – шошиб деди Прийоброто Рай. – Илтимос, менга айтинг-чи, “Прогамини” журналида босилаётган “Ким кетадию ким қолади” романингизни қачон тугатмоқчисиз?

– Олти-етти ойларда тугатсам керак. Нега сен бу ҳақда сўраяпсан. Романим сенга ёқяптими?

– Ажойиб роман ёзибсиз, қахрамонлари худди тирик одамдек кўз ўнгингда жонланади. Бу асарингиз мени жуда қизиқтириб қўйди, шунинг учун сил касаллар шифохонасида даволанаётган Олока тузалиб кетадими ёки йўқми, шуни билгани келгандим. – Прийоброто бу сўзларни ҳаяжон билан айтди. Муҳлисини ҳаяжонга солган бу сўзлар Боттешшорга жуда ёқиб тушди.

– Буни аввалдан сенга айтишимга ҳожат йўқ. Асарнинг давомини ўқиганингда билиб оласан, – деди у жилмайиб. – Аввалдан айтиб берсам романга бўлган қизиқишинг сўнади.

– Сэр, илтимос, Олокани кутқариб қолинг, – қўлини кўксига қўйиб илтижо қилди Прийоброто.

– Ана ҳолос! Қахрамоннинг изтиробини юрагингга бунчалар яқин олмасанг? Ўқувчиларга китобдаги воқеаларнинг яхшилик ёки ёмонлик билан тугаши ҳам бирдек ёқаверади. Мен сенинг буюртманг бўйича ёзолмайман. Агар сен хотимаси яхшилик билан тугайдиган китобни ўқишни хоҳласанг “Кураш” асаримни олиб ўқи.

– Илтимос, сэр, – деди Прийоброто синикқан овозда.

– Эсинг жойидами сени? Бор, миямни ачитма, сенга жавоб қиладиган ишларим кўп, Олоканинг ташвишини қилмай қўя қол, яхшиси, ўзинг даволан. Эс-ҳушинг жойида эмасга ўхшайди.

Ранжиган Прийоброто бошини қуйи солганча аста чиқиб кетди.

Кечқурун соат тўққиз яримда Боттешшор овқатланиб олмоқчи бўлганида телефон жириглаб қолди. У гўшакни кўтарди:

– Сизга ким керак? Ҳа, мен Боттешшорман. Ким сўраяпти?

– Ассалому алайкум! Мен доктор Шонжиб Чатуже бўламан, – деган овоз келди гўшакдан. – Мен сиз билан гаплашиб олишим керак. Эргалаб соат саккизда ёнингизга борсам, сизни безовта қилмайманми?

– Келаверинг, – деди Боттешшор. – Ўзи нима гап?

– Сэр, учрашганимизда тушунтираман. Яхши ётиб турунг!

Боттешшор доктор Шонжиб Чатуже ҳақида эшитгани эсига тушди. У икки йил аввал Англиядан қайтиб келганди. Ҳали ёш, айтишларича, яхши жарроҳ, обрўси баланд экан.

Эртаси куни эрталаб доктор Шонжиб белгиланган вақтда ёзувчиникига етиб келди.

– Салом, сэр. Қимматбаҳо вақтингизни кадрлайман. Бор-йўғи ўн дақиқа вақтингизни оламан. Истеъдодингизга гап йўқ. Мен “Прогамини” журналида босилаётган “Ким кетадию ким қолади” романингизни назарда тутаяпман. Уни мамлакатимиздаги барча одамлар катта қизиқиш билан мутолаа этяптилар. Сиз адабиётимизнинг буюк намояндалари бўлмиш Шорот Чатужени ва Тарашонкорни, Бонофул ва Прободха Шоннелни йўлда қолдириб кетдингиз.

Боттешшор мамнун қулиб қўйди.

– Эшитишимга қараганда ишингиз ниҳоятда кўп экан. Менинг асарларимни ўқишга қачон вақт топасиз?

– Бадиий асар ўқишга жуда қизиқаман, шунинг учун вақт топаман. Ҳаммаёқда – ҳатто бизнинг тиббиёт клубимизда ҳам фақат сизнинг



романингиз ҳақида баҳслашадилар. Яқинда мен бир қариянинг чуррасини операция қилган эдим, биласизми, оғрикни қолдирадиган уколдан сўнг, у дабдурустдан ўрнидан туриб: “Қандай ажойиб-а бу Олока!” деб қўйди. “Соғайиб кет, Олока!” Менинг қариндошларим ва дўстларим Олоканинг соғлиғидан хавотирланишяпти. Сиз бахтли одамсиз. Ҳамма бир оғиздан, “Боттешшор Шикдар замонавий адабиётнинг буюк намояндаси” деб айтяптилар. Ҳатто уста ҳикоянавис Дамодор Ношкорни у билан тенглаштириб бўлмайди деяптилар. Энди эса мен ўз илтимосимни айтмоқчиман. Бу нафақат менинг, балки дўстларимнинг ҳам илтимосидир: Олокани тезроқ тузатиб юборинг. У шифохонадан соғлом бўлиб чиқсин, эшитяпсизми? Мутлақо касалдан фориғ бўлсин! Унинг эри Хемонтор – бадавлат одам, шунинг учун ҳеч бўлмаса уни даволатгани Симлага олиб борсин. Уч ойдан сўнг у уйига соппа-соғ қайтиши керак.

– Бунинг иложи йўқ, доктор Чатуже, – эътироз билдирди Боттешшор, – роман фожиа билан тугайди: Олока вафот этиши керак.

– Бундай деманг, жаноб! Олока албатта соғайиб кетиши керак! Сил касалига чалинганларнинг ҳозирги замондаги даволашларида тўқсон фоизи соғайиб кетяпти. Уни яхшилаб даволанг, керакли муолажаларни – сульфидин каби уколлардан белгиланг унга... бу борада мен дўстим Борал билан маслаҳатлашиб ҳам олдим.

Борган сари бу кабиларнинг қадам ранжида қилишлари Боттешшорнинг асабига тега бошлади, кеча бир ақлдан озгани келган бўлса, бугун иккинчиси ташриф буюриб турибди. Уни уришиб ҳам бўлмайди. Доктор Шонжиб ҳурматли одам. Унинг мақтовлари ва бемаъни маслаҳатларидан қутулиш учун Боттешшор роман қандай яқун топиши ҳақида унга сўзлай бошлади.

– Доктор Чатуже, – деди у. – Олока тирик одам эмаслигини, балки бор-йўғи роман қаҳрамони эканлигини унутманг. Агар мен уни асраб қолсам, унда асаримнинг мазмун-моҳияти йўқолади. Шунинг учун Олока ўлиши керак, орадан икки йил ўтгач, Хемонтор беш йилдан бери уни кутиб юрган Шорбори исмли қизга уйланади.

Доктор Шонжиб ўзини тутолмай столга мушт туширди:

– Бемаънилик бу! – дея хитоб қилди у. – Бундай бўлиши мумкин эмас. Олоканинг эри фақат унга тегишли, ҳеч ким уни тортиб ололмайди.

– Сиз Шорборига яхшилаб қаранг-чи, у ҳар жиҳатдан: хусн-тароватда ҳам, меҳр-муҳаббатда ҳам, саломатликда ҳам Олокадан устун. Агар шунча кутишдан сўнг Хемонторга тегмаса, унинг юраги бунга дош беролмайди.

– Дош бермаса бермас. Айтганча, юрак ёрилишидан ўлиш осон эмас. Юрак жуда ҳам мустаҳкам матах. Агар мазаси қочиб қолгудек бўлиб қолса, дигитали, аминофилин, келлини қабул қилсин, кўкрагига борнидан компресс қилсин ва бошқа-бошқалар. Сизни ишонтириб айтаманки, унга ҳеч нарса бўлмайди. Уни соғлиқни саклаш вазири Ражкумар Амрита Каур ҳузурига жўнатинг. У Шорборини соғайтириб юборади.

– Асарим ва хаёлимда яратган персонажлар тақдири сизни қизиқтириб қолгани мен учун жуда қувонарли ҳол. Лекин сиз ҳам ёзувчининг аҳволини тушунишга ҳаракат қилинг. Биз ҳам комедия, фожиавий асар ёзишимизга тўғри келади. Инсонга хос барча изтироблару шодликларнинг бари Худодан, у ҳам инсонни ўз паноҳида асрайди, ҳам турли балоларга гирифтор этади. Халлоқи олам бу дунёни шундай яратганки, бири келиб, бири уни тарк этади. Биз ёзувчилар ҳам бу ишда унга эргашамиз. Тўғри, ғам-алам чекишни ҳеч ким истамайди, аммо уни китобда ўқиб, ҳис

этиш жуда ҳам қизиқ. Ана шунинг учун ҳам буюк шоирлар Ситани, Индумотини, Офелияни, Дездемонани яратганлар. Биз ҳам Эгам каби доимо шафқатли бўла олмаимиз.

– Шундай дейишга уялмайсизми? Яратган Эгамга тақлид қилиш мумкинми? Яратган Эгам ночор, шунинг учун ҳам у шафқатсиздир. Тушунапсизми? У сичқонга раҳм қилса, унда мушук оч қолади, агар балиқ, товук, эчки, қўйларга раҳм қилса, сиз билан биз ҳам озик-овқатдан махрум бўламиз. Агар у инсонга раҳм қилса, унда микроблар ўлади. Аксинча бўлса – инсон ҳалок бўлади. Шунинг учун у одамларга: “Иложи борича шафқатли бўлинглар, олий қонун бу ахимса<sup>1</sup> эканлигини унутманг”, деган. Сиз бўлсангиз ёзувчилигингизни ниқоб қилиб олиб, инсонни ҳалок қилмоқчисиз. Ахир шундай қилиш мумкинми? Ўз вақтида Вальмики, Калидас ёки Шекспир фожиавий асар ёзган бўлса нима бўпти? Бизнинг асримиз – Ганди асридир. Кимдир фожиавий асар ёзади ва ундан роҳатланадиганлар бор. Улар – тубан, шафқатсиздирлар. Одамларнинг ғам-аламлари шундоқ ҳам етарли, яна уларни ғамга ботиришнинг нима кераги бор? Сиз оптимистик руҳдаги асарларни ёзинг, одамларни йиғлатманг. Сиз қаламингиз билан одамларни яратиш, асраш ва йўқотиш мумкин дейсизми? Йўқ, сиз Шикдар-мошай, Олокани омон сақлаб қолишингизга тўғри келади! Шерлок Холмс ўлиб кетганди, аммо китобхонлар хоҳиши билан уни ҳаётга қайтардилар. Нима учун бундай қилиш сизнинг қўлингиздан келмайди?

Ниҳоят, Боттешшорнинг сабр-косаси тўлди.

– Кечирасиз доктор Чатуже, мен фикрингизга қўшилмайман. Биз ёзувчилар сизнинг соҳангизга, яъни тиббиёт соҳасига аралашмаймиз-ку, нега сиз менга ақл ўргатяпсиз? Умуман, бировнинг ишига аралашини яхши эмас!

– Йўқ, бу бировларнинг иши эмас, – ўрнидан сапчиб туриб кетди доктор Шонжиб. – Шифокорнинг бурчи одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишдан иборат, шунинг учун менинг муқаддас бурчим – инсонни ҳалок этмоқчи бўлиб турганларида унга қаршилик кўрсатиш, майли, билганингизни қилинг, аммо шуни билиб қўйингки, содик ўқувчиларингиз сизни лаънатлайдилар. Ҳатто қилган жиноятингизнинг жазосини у дунёда ҳам оласиз. Сизни огоҳлантириб қўяй, эҳтиёт бўлинг; ҳозирги замон ёшларидан ҳар нарсани кутса бўлади. Майли, мен кетдим. Агар фикрингиз ўзгаргудек бўлса, менга хабар қиларсиз. Хайр, омон бўлинг.

Боттешшорнинг кайфиятини бир пул қилган Шонжиб чиқиб кетди.

Биринчи бўлиб йўқлаб келган мухлиси Прийоброто Рай ғалати бўлса-да, ўзини тарбияли одамдек босиқ тутган эди. Доктор Шонжиб эса телбалардек бетгачопар экан! Унинг безбетлик билан тортишишига қараганда, у маст бўлса эҳтимол. Бундай одамларга беморлар ўз тақдирларини ишониб топширадилар. Лекин у – Боттешшор бу ақлдан озганларнинг гапига эътибор бермайди ва ўз қарорини ўзгартирмайди ҳам. Лекин доктор Шонжиб таҳдид қилиб кетди. Ундан эҳтиёт бўлмоқ лозим.

Орадан уч кун вақт ўтди. Кечқурун Боттешшор юқори қаватдаги айвонда чекиб ўтирарди. Унинг бошига дабдурустдан қаттиқ оғриқ кирди. Устига-устига зинадан чиқиб-тушиш унга оғирлик қилаётганди: бўғин оғриқлари кийнади. Хотини болалари билан синглисини кўргани кетганди. Боттешшор қаерга боришини, кимга юрагидаги гапларни

<sup>1</sup> А х и м с а – ҳинд фалсафасида зўравонлик қилмаслик ҳақидаги таълимот.

тўкишни билмасди. “Қани энди дўстларимдан биронтаси келиб қолса эди”, дея хаёлидан ўтказди у.

Шу тобда уйдаги хизматчиси ёнига келиб, уни бир хоним сўраётганини айтди.

– Уни шу ерга бошлаб чиқ, – деди Боттешшор.

Айвонда ёши йигирма бешлар чамасидаги дўндиққина, ўзига ярашиб турган кийим-бош кийиб олган ёқимтой бир аёл пайдо бўлди. У тиз чўкиб, ёзувчининг пойини тавоф қилди.

– Нима қиялпсиз? Қўйинг-қўйинг! – дея уни тўхтатди Боттешшор. – Ким бўласиз?

– Мени танимаяпсизми? Мен – Кодомбанила Чатержи бўламан. Киноларда ўйнайман. Ҳали экран юлдузи бўлганим йўқ, кўпчиликнинг айтишича, тез орада юлдуз бўлар эканман.

– Хўш, хўш. Мен киноларга кам тушаман. Шунинг учун киноюлдузларни унча танимайман! Хўш, нима қилиб турибсиз! Ана стул, ўтиринг.

– Сэр, мен билан сенсираб гаплашаверинг.

Қиз оғзига сақич солиб чайнай бошлади. Қаршисидаги меҳмоннинг маданиятсизлигидан Боттешшорнинг энсаси қотди. “Яхшиямки, ҳузуримда чекмаяпти”, деган ўй ўтди ёзувчининг хаёлидан.

– Ўйлашимча, Кодомбанила бу сенинг тахаллусинг бўлса керак, ҳақиқий исминг нима? – сўради ёзувчи.

– Уни айтиб бўлмаса-чи? Саньяси.<sup>1</sup> Эcran юлдузлари ҳақиқий исmlарини айтишга ҳақлари йўқ: бунга устоз рухсат этмайди. Агар Кодомбанила исми мни айтиш қийин бўлса, унда мени Коду деб чақираверинг.

– Йўқ, яхшиси, исмингни тўлиқлигича айтиб чақираверай. Хўш, нима учун меникига ташриф буюрдинг?

Аёл қаддини тик тутиб, кўзларини сузганча тантиқланиб гапира бошлади:

– О, сэр, қандай ажойиб роман бошлабсиз! Мен “Прогамини” журналида босилаётган романингизни назарда тутаяпман. Уни барча мақтаяпти. Одамларнинг айтишича, шу вақтгача бу каби асар яратилмаган экан. Ёнингизга сизга катта фойдаси тегадиган бир таклиф билан келдим. Агар бу асарингиз экранлаштирилса, ажойиб фильм яратилган бўлади. Лала Небучанд Нажар бунга ўн лакх<sup>2</sup> маблағ ажратмоқчи. Қаҳрамонингизнинг ролини мен ижро этаман. Режиссёрликка Дебоки Бошни ёки бошқа бирон-бир машхур кишини таклиф этадилар. Шундай қилиб, Лала-жи асарингизга ўн лакх маблағ ажратаяпти. Балки унданам кўпроқ ажратишса ажаб эмас. У мени ҳам хафа қилмайди. Барчамиз сизнинг розилигингизни кутиб турибмиз.

– Қандай эътирозим бўлиши мумкин, – мамнун жавоб қилди Боттешшор. – Бош қаҳрамонни сен ўйнашинг нур устига аъло нур. Аммо романни тугатишим учун менга олти-етти ой керак.

– Бу ёғининг ташвишини қилманг, дада<sup>3</sup>. Менга жуда кўп таклифлар тушган. Бу орада мен ҳам, Небучанд-жи ҳам банд бўламиз. Ҳозирча унга фақат сизнинг розилигингиз керак. Узил-кесил келишув эса ярим йилдан сўнг бўлади. Фақат бошқаларга ваъда бериб қўймасликка сўз беринг!

– Йўқ, йўқ, нималар деяпсан?

<sup>1</sup> С а н ь я с и – дарвеш маъносини англатади.

<sup>2</sup> Л а к х – юз минг рупийга тенг пул бирлиги.

<sup>3</sup> Д а д а – хурмат ифодаси.

– Кўрасиз, Олока ролини қойилмақом қилиб ўйнайман. Уни жуда севиб қолдим. Фильм якунида тўлишган Олока қўлида уч ойлик ўғли билан экранда пайдо бўлганида зални қандай олқишлар босиб кетишини бир тасаввур этинг-а. Томошабинлар сизни кўкка кўтаришади.

– Ё, худойим, сен ҳам уларнинг гапини қайтаряпсанми? – деди Боттешшор. – Сизлар мени жинни қилмагунча қўймайсизлар, шекилли? Кодомбанила, менга қара, асарим фожиали тугайди. Олока ўлади. Унинг вафотидан кейин орадан икки йил ўтгач, Хемонтор Шорборига уйланади.

Ҳайратдан кўзларини катта очганча Кодомбанила:

– Э, шундай денг, сиз Олокани ўлдирасизми? Унда кечирасиз... йўқ, мен ўйнолмайман... – деди.

– Ўйнай оласан, бунга ишончим комил! Фожиали ролни қойилмақом қилиб ижро этасан.

– Йўқ, йўқ, бундай бўлмайди. Мен на ўлишга, на Олока ролини ўйнашга рози эмасман. Сиз барча орзуларимни барбод этдингиз, дада. Ёнингизга бекорга келиб сизни безовта қилибман. Унда менга ижозат беринг. Дамодор Ношкорнинг хузурига бораман. Унинг қўлида ниҳоятда ажойиб “Кўнгил оққуши” номли романи турибди. Ундаги Монжула исмли қахрамон менга жуда ёқади.

Боттешшор ҳаяжонга тушди. Бундан бир неча кун аввал бир тентак танкидчи, “Дундубха” журналида Дамодор ўз романларида аср муаммоларини кўтариб чиқаяпти, у ерда жинлар муносабати ва ижтимоий масалалар ёритилган, Боттешшор эса ҳаяжонга солувчи муаммоларни ёритмаяпти, эскириб қолган мавзуларни қайта кўтараяпти, деб ёзганди. Бу мақоладан сўнг Дамодор ҳақида гап кетса, Боттешшорнинг иссиғи чиқиб кетадиган бўлди.

– Тўхта, тўхта, – кичкирди ёзувчи титраб-қакшаб. – Ўйлаб кўришим учун икки кун вақт бер. Агар Олокани кутқариб қолсам, у ёғи нима бўлишини ўйлаб кўраман.

– Дада, ўйлаб ўтиришга вақт йўқ! Эртага мен Бомбейга кетяпман, бугун эса сизнинг жавобингизни Небучанд-жигга етказишим керак.

Боттешшор бошини чангаллаганча бир дақиқа ўйга ботди-да, ниҳоят, унга розилик билдирди.

– Яхши, Олока тирик қолади, Шорбори эса ўлади. Сени ҳеч каерга боришингни ҳожати йўқ. Кўряпсанми, Кодомбанила биз ёзувчилар авлиёларга ўхшаймиз! Қаламимизнинг учи билан яратамиз, асраб қоламиз ва ҳалок қиламиз.

Кодомбониланинг чехраси қувончдан ял-ял ёниб кетди:

– Раҳмат, дада. Шундай қилганингиз маъқул. Сиз ақлли инсонсиз. Пойингизни олишга рухсат этинг. Романни яхшилик билан тугашини ўйлаб топинг. Сўнгги кадрда Олока қўлида бола билан пайдо бўлишини жуда ҳам истаяпман. Хайр, яхши қолинг. Бу хушxabарни тезроқ бориб Небучанд-жигга етказай.

Боттешшор Шикдар берган ваъдасининг устидан чикди: унинг “Ким кетадию ким қолади” романи Олока учун хайрли тугади.

Романнинг чиққанига саккиз ой бўлса-да, Кодомбаниладан ҳамон дарак йўқ эди. У қизни қандай топишни билмасди, мактуб ёзай деса, манзили ҳам йўқ.

Кунлардан бир куни Боттешшор янги роман устида ишлаб ўтирганди, кутилмаганда таниш овоз эшитилди.

– Мумкинми, Шикдар-мошай?

Хонага доктор Чатуже, унинг ортидан Прийоброто Рай ва қандайдир нотаниш аёл кириб келдилар.

– Салом, сэр, – дея саломлашди доктор, – сиз бизни жуда қувонтирдигиз. Манавини таниётган бўлсангиз керак, у – “сиз ақлдан озибсиз” деган Прийоброто Рай бўлади, бу эса сиз томондан ҳаётга қайтарилган Олока.

Олока Боттешшорга таъзим қилиб, оёғи остига юпқа қоғозга ўралган катта қутини қўйди.

– Сэр, бу малпо, – деди доктор. – Олока атайлаб сиз учун пиширган буларни. Татиб кўринг, сэр.

– Ҳеч нарсага тушунмаяпман, – саросимага тушиб деди Боттешшор.

– Нега? Бу сизнинг “Ким кетадио ким қолади” романингизнинг якуни!

Ҳозир сизга ҳаммасини тушунтириб бераман. Сиз кўриб турган Олока Прийобротонинг рафиқаси ва менинг қайнисинглим. У бир неча йилдан бери сил касаллари шифохонасида даволанаётган эди, дабдурустдан унинг қўлига сизнинг асарингиз босилаётган журнал тушиб қолади. У Олоканинг тақдирини ўқиб, “агар романдаги Олока яшаб кетса, мен ҳам тузалиб кетаман, агар у ўлса мен ҳам ўламан”, деган фикр миясига ўрнашиб қолибди. Биз уни қанча тинчлантирмайлик, у миясига ўтириб қолган фикрдан ҳеч қутула олмасди. Шунда унинг эри Прийоброто Рай ҳузурингизга келишга мажбур бўлган, лекин сиз уни ақлдан озганга чиқазиб, ҳайдаб юбордингиз. Сўнг олдингизга мен келдим ва ўзимнинг панд-насихатларим билан сизни жонингиздан тўйғаздим. Шунда хотиним, сизлар эплогмадингизлар, ўзим бориб кўндиришга ҳаракат қиламан, деди. У ҳузурингизга келиб, сизни кўндиришнинг удасидан чиқди. Сиз асарингизнинг сюжетини ўзгартирганингиздан сўнг бизнинг Олокамиз соғайиб кетди. Унга бир қаранг, юзидан қон томаяпти-я!

– Ёнимга келган Кодомбанила Чатержи, актриса, қаёқда қолди? – сўради Боттешшор.

– Унинг авлоди-уруғида ҳеч ким бунчалар паст кетмаган. У менинг рафиқам Онила эди. У сизни алдаган... Аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади дейишган-ку, жаноб. Ана шундай. Тирик Олокани дуо қилинг.

– Албатта, дуо қиламан, – ёзувчининг чехрасига табассум югурди.

– Сенга узоқ умр, соғлом фарзандлар тилайман, эринг сени ҳаммавақт севсин, бахт ҳеч қачон хонадонингни тарк этмасин... доктор, ҳаммаси равшан бўлди-қўйди, фақат сизнинг рафиқангиз Онилами ёки Кодомбанилами, нима учун келмади?

– У келолмайди, мошай. У туғруқхонада, фарзандли бўлди, чақалоқнинг оғирлиги тўрт кило! Лекин Онила қувватга киргандан сўнг келиб, албатта сиздан кечирим сўрайди.



## БИБХУТИБХУШОН БОНДОПАДДХАЙ

Бенгал ёзувчиси Бибхутибхушон Бондопаддхай 1894 йилда Ғарбий Бенгалиянинг (Ҳиндистон) Пашчимбанд вилоятида туғилиб, 1950 йилда вафот этган. У умри давомида ўн олти роман ва икки юздан ортиқ ҳикоя ёзган. Чуқур лиризм, ўз ватанига муҳаббат туйғуси унинг асарларининг асосий лейтмотивини ташкил этади.

Ёзувчининг кўплаб асарлари инглиз тилига таржима қилиниб, жаҳонга ёйилган. Танқидчилар таъбирича, “Бибхутибхушон

Бондопаддхай XIX аср ижтимоий реализмига асос солган ижодкордир”. Айниқса, унинг “Патер Панчали” романи катта шов-шувга сабаб бўлиб, муаллиф ижодининг чўққиси ҳисобланади. Б.Бондопаддхай асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган, улар асосида киносценарийлар ёзилган, ўзи ҳам шу соҳада самарали меҳнат қилган. У қатор мукофотлар, хусусан, Ҳиндистоннинг энг нуфузли мукофоти ҳисобланмиш “Рабиндр Пураскар” билан тақдирланган.

### ШУЛОЧОНА

#### 1

Оқшом. Шукия кўчаси бўйлаб жадал қадам ташлаб борардим. Мен ишлайдиган дорихона аллақачон очилиб бўлганди, мен бўлсам кечикяпман.

Дабдурустдан бир устун соясида турган кекса аёлнинг шарпасига кўзим туши-ю, қоқан қозикдек тўхтаб қолдим.

Наҳотки бу Шулочонанинг онаси бўлса? Ҳақиқатан ҳам у қизига жуда ўхшаб кетарди. Лекин қандай қилиб бу ерга келиб қолдийкин-а? Ақл бовар қилмайди... Орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Яна уни бу ерда – Калькуттада учратсам-а!

Мен аста аёлнинг отини айтиб чақирдим. Аёл иккиланиб мен томон ўгирилди. Мен ҳақиқатан ҳам бу аёл Шулочонанинг онаси эканлигига шохид бўлдим. У кимлигимни танимаса-да, мен томон аста юриб кела бошлади.

Мен ўзимни таништирганимда у тишсиз оғзини катта очиб, куларкан:  
– Сен Жодусан-а?! Ҳа, ҳа, Жодусан! Анчадан буён кўришмагандик...  
– деди севиниб.

Мен унинг овозини эшитишим биланоқ бундан йигирма етти йил аввал бўлиб ўтган воқеалар хотирамда зумда қайта жонланди. Биринчи жаҳон уруши пайтидаги Калькутта... У пайтлар қонқа юрмасди... Ҳа, бу кампир мен билган ўша Шулочонанинг онаси эди. Ўша пайтларда бу қиз менга дунёдаги энг гўзал қиз бўлиб туюлганди... Аммо уни тез орада ҳаёт денгизида йўқотиб қўйдим.

Ўша йилларда аёллар сочларини ўзгача турмаклаб, ажойиб сарилар кийишар эди. Аммо гўзаллик доимо гўзаллигича қолаверади. Шулочона

ҳақиқатан ҳам жуда ёқимтой киз эди. Унинг келишган қадди-басти гўё чампак гули каби сарвқомат эди, тимқора шахло кўзлари, орқаси билан битта бўлиб тўлқинланиб турувчи сочлари-ю нозик кўллари ва унинг ўта ёқимтой чехраси сув ёкалаб кетаётганимда ҳам, катта кўчадан жинкўчага бурилганимда ҳам, кимсасиз боғда айланиб юрган пайтимда ҳам кўз ўнгимда намоён бўлаверарди. Июль, август ойлари-нинг ёмғирли тунларида ёшлиқдаги мен ҳис этган орзу-умидларга тўла бу хотиралар ҳаёлимдан ўчиб кетган бўлса-да, лекин ҳозир қалбимни қайта жунбушга келтирди. Унутилган Шулочона яна кўз ўнгимда намоён бўлди. Бу ҳол айнан шу бугун, Калькуттада содир бўлди.

Бу оддий ишқий саргузашт эмасди. Дангал айтаман, саргузашт қахрамони мен эмасдим.

Ҳаммавақт муҳаббат бобида қизлар изтироб чекадилар, жавобсиз муҳаббат изтиробидан индамай, куйиб кул бўладилар, кун-бакун сўлиб борадилар...

Шулочона ҳам бу ҳолдан қочиб қутула олмаганини билардим. Орадан кўп йиллар ўтиб, ақлим тўлишгач, ёш ва соҳибжамол Шулочонага раҳмим кела бошлади.

Ўтган кунларни эшашнинг нима ҳожати бор! Ҳозир эса қаршимда Шулошонанинг онаси турибди, у жуда қариб қолганди, буни дарҳол сездим. Қизиқ, у нега тиланиб юрибди? Устун соясида у бирон пайса беришларига умид қилиб, қўл узатиб турганини ўз кўзим билан кўрдим. Унинг қизи ҳозир қаерда экан-а?

Кампир уялинқираб турарди, уни ноқулай аҳволдан қутқариш ниятида:

– Ҳойнаҳой, сиз шу яқин атрофда яшасангиз керак? Дўконга харид қилгани чиққанмидингиз? Соғлиғингиз яхшими? – деб сўрадим.

– Эҳ, ўғлим-а, бир амаллаб кунимни кўряпман! Ўзинг қандай яшаяпсан?

Мен унинг жавобидан қониқмадим. Анчадан буён ичимда қолиб кетган саволни бердим қизнинг онасига. Шулочона афтидан қирқ икки ёшларда бўлса эҳтимол, мен ноқулай аҳволга тушиб қолишдан чўчимай ундан қизи ҳақида сўраб-суриштираман бўлади. Ҳозир Шулошонанинг ҳаёти ўз измига тушиб кетган бўлиши керак.

– Ўғлим, қизим тирик бўлганида эди, у бугун... – шундай дея кампир ийғлаб юборди.

Мен донг қотиб қолдим, ўзимни йўқотиб гўлдирардим:

– Йўғ-е... У ўлди...

Биз бироз сукут сақлаб турдик. Сўнгра яна мен гап бошладим.

– Сиз ҳозир қаерда яшаяпсиз?

– Кўчада... Ҳа, ҳа, кўчада...

Гап нимадалигини тушундим. Ичим эзилиб, қандай аҳволга тушганим ёлғиз ўзимга аён. Тўғри, фақат бу кампир деб эмас. Мен унга бироз чойчақа бериб, хайрлашмоқчи бўлганимда, у мени гапга тутди:

– Сени учратганим яхши бўлди. Бечора қизим, икки боласини менга ташлаб, ўзи бу оламни тарк этди. Болаларнинг бири ўн олти ёшда, иккинчиси эса ўн тўрт ёшда. Бу ёшимда икки бола билан қолишнинг қанчалик оғирлигини тасаввур қиласанми! Мўъжазгина уйчада яшаймиз, яқин орада у жойдан ҳам қувиб юборсалар керак. Ижара ҳақини тўлашга пулимиз йўқ. Ана шунинг учун ҳам “кўча”да яшайпмиз деб айтяпман.

– Шулочона қачон вафот этди?

– Ҳадемай ўн тўрт йил бўлади. Ўшанда кичик ўғли икки ойлик эди. Қизимнинг вафотидан кейин ўғиллари мен билан қолган.

Кутилмаганда бир фикр ярқ этиб миямга келиб урилди. Шулочонани мен танисам-да, лекин асл ҳаёти мен учун жумбоқ эди. Ёш бўлганлигим сабабли ўша йилларда мен кўп нарсанинг асл моҳиятини тушуниб етмасдим. Соҳибжамол Шулочона мен учун абадий гўзаллик тимсоли бўлиб, шундайлигича қолган эди. Ҳозир эса унинг ҳаёти ҳақида батафсил билиб олишим учун имконият туғилганди.

Мен кампирга:

– Эртага соат бешда мени Шродханондо боғида кутинг, – дедим. – Турар жой муаммосини ҳал этамиз.

Кампир мени кўйиб юборгиси келмас, ҳозироқ бориб улар яшаётган кулбани кўришимни жуда хоҳларди. Хуллас, боришимга тўғри келди. Улар яшаётган хонани кўргач, бу ерда нафақат одам, балки ҳайвонни ҳам сақлаб бўлмаслигининг гувоҳи бўлдим. Деразасиз ертўлага ўхшаш пастак бир хона эди. Ҳатто ҳозир август ойининг ёмғирли, салқин куни бўлса-да, бу ерда нафас олиб бўлмасди.

Шу тоб Шулочонанинг келишган икки ўғли кириб келди. Айниқса, кичик ўғли келишган экан. Мен Шулочонанинг кўринишини унутаёзган бўлсам-да, фарзандларини кўргач, унинг ҳусни-жамоли яна кўз ўнгимда намоён бўлди. Улар сайёҳ гуруҳ билан бирга эканликларини – бири Кришна ролини ижро этишини, иккинчиси эса кўшиқ куйлашини сўзлаб бердилар.

Бахти қаро Шулочона!.. Бу гўзал аёлниг икки ўғли ва онаси эндиликда қандай ночор ҳаёт кечиришга маҳкумлар-а! Хонадаги торгина ёғоч каравотнинг сирти қоп билан қопланган бўлиб, унинг устида уладаси чиққан ёстиқ бор эди, холос. Бу каравот уч кимсанинг ётадиган жойи бўлиб, қария ўртада, болалар эса унинг икки ёнида ётар эдилар. Хонада синган тувак, таксимчанинг бир бўлаги, сопол кўзача бор эди, холос. Тортилган арқонда кир-чир латга-путталар осилиб ётарди, хонадаги бор нарса шулардан иборат эди. Наҳотки, бу хонанинг эгаси ташландик мана шу ўрадан уларни ҳайдаб чиқармоқчи бўлса?

Ҳикоямни давом эттиришдан аввал мен Шулочона билан қандай танишганимни ва у ҳақда нималарни билишлигимни сўзлаб бермоқчиман. Буларни айтмасам, ўқувчи учун кўп нарсалар тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин.

## 2

Мактабни тугатгач, коллежга кириш мақсадида Калькуттага келдим. Бечу Чатужо кўчасида истиқомат қилувчи ҳамқишлоғимнинг уйига келиб тушдим. У пайт дўстимнинг акаси бакалаврликка имтиҳон топшираётган эди, унинг олдида Прокашчондро Бошу тез-тез қадам ранжида қилиб турарди. У жуда ғаройиб кимса эди. Айтишларича, у Бенгалиянинг бўлинишига қарши ҳаракатда фаол иштирок этгани учун полиция томонидан калтакланган бўлиб, госпиталь ва қамоқхонага тушиб чиққан эди. Унинг шахсан ўзи бомба ташлаганини аниқ билмасам-да, аммо Алипурдаги портлаш бўйича олиб борилаётган суд жараёни давомида у полиция назоратида бўлган. Прокаш баланд бўйли, бақувват, зийрак ва ақл билан иш қилувчи бола эди. У Калькуттадаги европача услубдаги қадимги ўқув юртларидан ҳисобланмиш Президенси коллежини тугаллаш арафасида эди. У коллежни яхши битирувчиларидан бири ҳисобланарди. Биз Прокашни жуда ҳурмат қилардик. У келганида



хамманинг чехраси очилиб кетарди, айниқса, қизларни айтмайсизми! У уйимизга келган захотиёқ – Прокашга чой дамланглар, Прокашнинг орқасига ёстик қўйинглар, деган гаплар қулоққа чалинарди; Минни исмли қиз унга ўзи тўқиган нарсаларини кўрсатишга ошиқарди, Долли эса қийин уй вазифасини тушунтириб беришини илтимос қилиб, уни бизнинг ёнимиздан олиб кетар ва соатлаб у билан гап сотарди. Хуллас, Прокашни оиланинг барча аъзолари билан дўстлик ришталари боғлаб турарди. У атрофидагиларнинг ғазабини кўзгатмаслик учун ҳаммамиз билан очиққўнгиллик билан гаплашар эди.

Баъзан Прокаш ўзи билан бирга қорачадан келган, кўзлари катта, тиббиёт қоллежининг талабаси бўлмиш дўсти Шотиш Райни бошлаб келарди. Ўша кезларда ҳамма талабалар менга хушчақчақ ва ёқимтой бўлиб кўринардилар – улар келганида уй кулгу, қизгин суҳбатлару қўшиқларга тўлиб кетарди. Аммо дўстлар фақат хушчақчақлик билан кун ўтказмас эдилар, баъзида улар хонага қамалиб олиб, алланималар ҳақида сўзлашишар, шундай пайтларда эшик ва дераза ёнига келиб туриш ман этиларди.

Кунлардан бир куни ўзимни тиёлмай дўстим Шоротдан:

– Улар хонага беркиниб олиб нима қиладилар? – деб сўрадим.

Шорот шивирлаб:

– Ўртоқ, фақат ҳеч кимга айтма, улар анархистлар, – деди.

– Сенинг аканг ҳамми?

– Ҳа, уни ҳам гуруҳга қабул қилишган.

Барчалари хонада гаплашиб олишгач, уларда қандайдир бесаранжомликни сезардим. Анархистлар билан бир уйда эканлигимни ўйласам, этим жимирлаб кетарди.

Ана шу уйда мен Шулоchonанинг онасини биринчи бор кўрган эдим. Мен ўз хонамда китоб ўқиб ўтирганимда ўрта ёшдаги нотаниш бир аёл хонамга бош суқиб, Прокашнинг бизниқига келиш-келмаслигини сўради. У эгнига бевалар қиядиган дағал матодан тикилган кийим кийиб олганди. У чамаси ўттиз беш-ўттиз олти ёшларда эди. Оқ танли бўлиб, ҳали хуснини йўқотмаганди. Мендан Прокаш бабу келиши мумкинлигини эшитгач, ёнимга келиб ўтирди-да:

– Ўғлим, сен ўқийсанми? – деб сўради.

– Ҳа, биринчи курсда ўқийман.

– Бу уй сенинг ота-онангникими?

– Йўқ. Бу уй дўстимнинг отасиники, мен улар билан яшайман. Сизни аёллар хонасига кузатиб қўяйми?

Шулоchonанинг онаси билан танишиш мана шундай бошланганди. Тез орада мен ва дўстимнинг қариндошлари бева аёл бу ерга фақат Прокаш билан учрашиш учун келишини тушуниб етдик. Кейинчалик бу аёл Прокашдан пул олиб туриши маълум бўлди. У кўпинча бизнинг олдимизда ҳам торгинмай ундан пул сўрарди.

– Прокаш бобу, илтимос, ўн рупий бериб тур. Қизимга китоб олиб беришим керак, бўлмаса уни уришадилар, қизим мактабга боролмай қолади, – дерди у.

– Маълум бўлишича, бу беванинг қизи бор экан, – дедим дўстимга кунлардан бир куни. – Улар Прокашга ким бўладилар? Прокаш нега уларга пул беради?

– Унинг қизи мактабда ўқишини биламан. Айтишларича, қизи турмушга чиққан экан, аммо эри узокда бўлганлиги сабабли у ҳақда

ғамхўрлик қилмас экан. У онаси билан яшайди, Прокаш билан Шотиш эса уларнинг барча харажатларини кўтардилар. Бу ҳақда менга акам гапириб берган.

– Нима учун Прокаш билан Шотиш уларни пул билан таъминлаб турадилар?

– Улар анархистлар-ку, улар учун, айниқса, Прокаш учун муҳими, ўз Ватанига ва халқига хизмат қилиш. Акамнинг айтишига қараганда, уйдан келадиган пулнинг кўпини у ана шу бева билан қизига бериб, ўзи биздан дам-бадам қарз олиб туради. Яна икки ўқувчисидан оладиган ўқитиш ҳақини ҳам уларга берар экан.

Менда бу аёл турли баҳоналар билан Прокашдан уялмай пул ундиради, деган фикр туғилди. У ҳамма вақт қизини баҳона қилиб келарди. Бугун униси йўқ, эртага бошқаси йўқ, деб танда кўярди. Пул олиши учун баҳоналари жуда кўп эди. Прокаш гўё сеҳрли хазинабон каби унинг ҳамма истакларини бажо келтириб, уларнинг ҳеч қачон илтимосини рад этмасди. Ичимда жуда жаҳлим чиқарди. Уша вақтларда бу аёл ёш кўринарди, аммо мен уни ёмон кўриб қолганимдан кампир деб атардим.

Мен бир неча маротаба:

– Прокаш, улар сени шилишяпти, нега сен доимо уларга сўраган пулларини бераверасан, – деб айтишга чоғланардим, аммо ундан ҳайиққанимдан айтмоқчи бўлган гапим ичимда қолиб кетаверарди, бу сўзларни айтишга менда журъат етишмасди.

### 3

Кунлардан бир куни Шулочона онаси билан бирга бизникига кириб келди. Унинг гўзаллиги ақли ҳушимни ўғирлади. Мен – қишлоқи бир бола шунча вақт шаҳарда яшаб, бундай соҳибжамолни умрим бино бўлиб учратмагандим. Кўринишдан қиз ўн олти-ўн етти ёшларда эди. Юзи сутга чайиб олингандек, шундай оппоқ эдики! Сочларини айтмайсизми, қоп-қора зулукдек бўлиб, елкасида кулф уриб турарди.

Шулочона бир зумда уйдагилар билан чиқишиб, дўстлашиб кетди ва бизникига тез-тез қадам ранжида этиб турадиган бўлди. У одатда Прокаш билан қарийб бир вақтда уйимизга келар, фақат йигит билан суҳбатлашар, унинг олдидан сира жилмасди. Одатда Прокаш ўтирган стулнинг ортидан ушлаганча тик турарди. У бу одатини тарк этганини мен сира эслай олмайман.

Прокаш кетгач, Шулочона бизларга тегишиб, шўхлик қила бошларди. Балки у бизни одам ўрнида кўрмаган бўлса керак. Мен дарс тайёрлаётган пайтимда бирдан у пайдо бўлиб қолар, қўлимдаги китобни юлиб, қочиб кетарди ёки орқадан пусиб келиб, қўллари билан кўзимни беркитганча маҳкам ушлаб турарди ё бўлмаса рўпарамга ўтириб олиб, арвоҳлар ҳақида сўзлаб беришимга мажбур этарди. Шундай пайтда қандай қилиб дарс тайёрлаб бўлади дейсиз.

– Ўқишни бас қилинг, юринг, томга чиқамиз! – дерди қиз.

Томда у турли хил ўйинларни ўйлаб топарди. Масалан, ўзининг қўғирчоғи билан Доллининг қўғирчоғининг тўйини дегандай... Кунлар шу зайлда ўтиб борарди.

Прокашнинг олдида эса Шулочона бошқа одамга айланиб қоларди. Оғир-вазмин, камгап бўлиб, деярли кулмас, нимадандир уялгандек тортиниб гапирарди. Мен кўпинча унинг хафа бўлиб юрганини кўрардим.

Прокаш уни Шу деб чақирарди, биз ҳам унга эргашиб Шулочонани Шу деб атай бошладик. Бир куни Шулочона тўсатдан Шотишга буйруғона шундай деб қолди:

– Мени бундай деб чақирманглар! Мен сизни Прокаш каби чақиришингизни истамайман!

Унинг бу гапидан жуда жаҳлим чиққани эсимда. Шулочонага қанча гуруч бериш ҳақида гап кетганида мен жаҳл устида, бу мағрур ва мақтанчоқ қизга ҳеч нарса бериш керак эмас, у умуман биз билан ўйнамас-ўйнамас, деб юбордим.

Шу каби жанжаллар Шулочона иккимиз ўртамизда тез-тез бўлиб турарди. Шулочона бизни келиб-кетишни қанда қилмасди. Ҳамма қизни Прокаш келган куни келишига ўрганиб қолган эди.

Мен яна бир нарсани сезиб қолдим. Шулочона доим Шотишни кўрса, тескари ўгирилиб олар, у бўлса қизни жонидан ортиқ севарди. Дўстим Шоротнинг айтишича, она-боланинг барча харажатларини Шотиш ўз бўйнига олган экан. Лекин қиз Шотишни ёқтирмасди.

Ҳозир бир воқеани сўзлаб бермоқчиман. Кунлардан бир куни Шотиш келганидан кейин зум ўтмаёқ Шулочона онаси билан кириб келди. Қизнинг онаси Шотишдан қизи билан бирга Докхинешварга бориб келишни илтимос қилди.

– Амаки, йўқ деманг (қиз Шотишни амаки деб чақирарди), кетдик, мен ҳам сиз билан бирга бораман, – деди Шулочона.

Шотиш гўё ойни қўлга киритгандек мамнун жилмайди. Унинг чехраси очилиб кетди.

– Яхши, яхши, албатта бораман! – суюниб деди у. – Докхинешвардан биз Бораногорга ўтиб, Свами Одбхутанондо ибодатхонасини зиёрат қиламиз – бу Ганг дарёси соҳилидаги гўзал жойлардан бири ҳисобланади.

– Ундай бўлса бирийўла йигирма икки қудратга эга Шива ибодатхонасини ҳам зиёрат қилармиз? – деди Шулочонанинг онаси.

– Амаки, жуда зўр бўларди-да! – хитоб қилди қиз. – Тезроқ извошчини чақиринг.

Шотиш извошчини қидириб кетди, шу орада уларнинг ёнига Прокаш келиб қолди. Шулочона Прокашни ҳам ўзлари билан бирга боришини илтимос қила бошлади. Негалигини билмадиму, лекин Прокаш улар билан боришга рози бўлмади. Шунда Шулочона ҳам бормаслигини ва агар истаса, онаси усиз кетавериши мумкинлигини айтди. Шотиш арава топиб келди. Гап нимадалигини тушунгач, унинг авзойи бузилди. Прокаш Шулочонани кетишга увалло ундади, кўндира олмагач, қайсар Шулочонадан жаҳли чиқди. Аммо Шулочона ўз сўзида қатъий туриб олди. Шундай қилиб, бечора Шотишни Шулочонанинг онаси билан йўлга тушишдан ўзга чораси қолмади. Уларга дўстимнинг сингиллари ҳам қўшилиб олдилар. Шулочона эса Прокаш билан қолди.

Орадан икки йил ўтди, бошимдан кўп савдолар кечди. Мен дўстимнинг уйдан кетиб, коллеж ётоқхонасига жойлашдим ва шундан сўнг Шулочонани учратмадим. Коллежни тугатгунимга қадар мен на Шулочонани кўрдим ва на унинг онасини. Шотишни ҳам учратмадим. Уни полиция таъқибга олганди. Шунинг учун у турар жойини ўзгартиришга мажбур бўлганди.

Прокаш ҳам дом-дараксиз кетди. Уни охирги маротаба учинчи курсда ўқиб юрган пайтимда кўрган эдим. Бир йиллар ўтгач, Бенгалиянинг бўлинишига қарши ҳаракат вақтида полициячининг отган ўқидан ҳалок бўлганлигини эшитдим.

Орадан анча йиллар ўтди. Коллежни тугатгач, мен Калькутта яқинидаги бир ерга ишга жойлашдим. Кунлардан бир куни тўсатдан Ховра станциясида тушиб қолишимга тўғри келди. Уйга мен Шеялдохо орқали кетаётган эдим. У пайтларда Шеялдохо-Нортда поезд тўхтамасди. Ҳозир енгил машиналарнинг турар жойи бўлган вокзал ёнида қатор кичик қаҳвахоналар бўлиб, чой, шарбат ва бошқа егуликлар билан савдо қилинади. Мен шарбат ичгани ичкарига кирдим, одам кўп. Улар орасида бир йигит ва яхши кийинган қиз эътиборимни тортди. Улар тик турганча сопол идишда шарбат ичмоқда эдилар. Қизга ўғринча қараб, унинг ёши йигирма иккиларда бўлса керак, деб хаёл қилдим. Қиз шундай соҳибжамол эдики, асти кўяверасиз! Унга фақат менгина суқланиб карамаётган эдим, балки атрофдагилар ҳам унинг хусни-жамолидан кўз узолмаётган эдилар.

Бехосдан қиз жилмайиб мен томон яқинлашиб кела бошлади:

– Ахир бу Жоду-ку! – деди кафтларини жуфтлаб менга таъзим қиларкан.

Қизнинг овозини эшитиб, мен унинг кимлигини танидим:

– Шулочона! Қаердан келяпсан? Бу ерга қандай келиб қолдинг? Ойинг қаердалар? Соғлиқларинг яхшими? Ҳозир нима иш қияпсан?

Шулочона саволларимга жавоб бермай, гапимни бўлиб:

– Сен Прокаш ҳақида бирон гап эшитмадингми? – сўради энтикиб.

Прокашнинг ҳалок бўлганини билсам-да, унга бу ҳақда айтишга тилим бормади. У мени бир чеккага олиб ўтди-да, эски кадронлар ҳақида суриштириб кетди: Дўстим Шорот қаердалигини, унинг акаси Бинод нима иш қилаётганини, улар уйланишдими-йўқми, шулар ҳақида сўраб-суриштира бошлади.

Шулочона енгимдан тутиб:

– Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди, шунинг учун буни нишонлашимиз керак, юр, “Рая” меҳмонхонасига борамиз, – деди.

Шулочона худди ёшлик давридагидек ўзини эмин-эркин тутарди. У улғайган бўлса-да, болаларча қилиқлари, ўйламай-нетмай гапиришлари ҳали ҳам сақланиб қолганди. Кийган кийимига қараганда ўзига тўқ яшаши шундоқ кўзга ташланиб турарди: устида ҳаворанг ялтироқ ҳошияли сари, чиройли кофта, оёғига эса кумушранг гулдор туфли кийиб олганди. Нозик қўлларини тилла билакузук ва ингичка тасмали соат безаб турарди. “Агар ёш кизлар чиройли кийинмасалар, пардоз қилиб, атир сепмасалар, чиройли кўринадиларми?” Эғнидаги чиройли сариси Шулочонани янаям очиб юборганди, суҳбатдошимга суқланиб тикилар эканман:

– Енгимдан тортма. “Рая” меҳмонхонасида нима бор, яхшиси, трамвайга ўтириб, Коллеж-стрит кўчаси муюлишидаги “Национал” қаҳвахонасига борамиз, – дедим. Биз хойнаҳой шундай қилган ҳам бўлардик, аммо шу пайт Шулочонанинг ҳамроҳи уни чақириб қолди.

– Ҳадемай поезд келиб қолади, сен қаерга кетяпсан? – деди у буйруқ оҳангида соатига қараб қўяркан.

“У буйруқ бераяпти-ку! – ўйладим мен жаҳлим чиқиб. – Биродар, сен қаердан пайдо бўлиб қолдинг? Мен Шулочонани болалигидан танийман, у пайтда сен онангнинг қорнида эдинг. Энди унга буйруқ беряпсан-а!”

Илгаридан Шулочонанинг қўлидан ҳар қандай иш келишини яхши билардим – ҳозир бу яна бир бора тасдиқланди. Бечора Прокаш! Ана сенга Шулочонанинг муҳаббати! Ҳеч бўлмаганда Шулочона кабиларни... Қиздан нафратлана бошладим.

Ёш йигит Шулочона билан бирга станция томон кета бошлашди. Улар бир неча қадам босгач, Шулочона ўгирилиб:

– Мен Домдом худудида яшайман. Йўлинг тушса, кириб ўт, – деди.

– Онам жуда хурсанд бўладилар. Бизнинг уй Нореш Пала гулхонаси олдидаги қандолат фабрикасининг орқасида жойлашган.

Домдом худудидаги Нореш Пала гулхонаси олдидаги уйни қидириб топишга на вақтим, на хоҳишим бор эди.

\* \* \*

Кунлардан бир куни кечкурун Эспланада майдонидаги трамвай бекатида турган эдим. Трамвай келиб тўхтади. Вагонда Шулочона ўтирганини кўриб қолдим. У ойна олдида ўтирарди. Ўйлаб ўтирмай вагонга чиқдим-да, унинг ёнига бориб ўтирдим. Шулочона аввал бир чўчиб тушди, мени танигач, қувониб кетди.

– Кўрқитиб юбординг-а! Мен бўлсам вагонга сакраб чиқиб, ёнимга келиб ўтирган ким экан, деб ўйлабман! Кўришмаганимизга ҳам қанча йиллар бўлиб кетди-я! Охирги марта Шеялдохо станциясида учрашганимиз бўлди-да! Хўш, ишларинг қалай, яхши юрибсанми?

Трамвай Чадана муюлишига келиб тўхтаганини ҳам сезмай қолибмиз.

– Мен шу ерда тушаман. Тўқиш учун ип ва ўғлим учун ширинлик харид қилишим керак.

Мен ҳайратланганча ундан кўзимни узолмай турардим. Шулочона хижолат тортиб:

– Эримнинг қайтиб келганига бир йилча бўлиб қолди. Менинг яхши пул топаётганимни эшитиб, дарҳол югуриб келибди. Авваллари у мени излаб топишни хаёлига ҳам келтирмаганди, – деди.

– Ҳозир нима иш қиляпсан?

– Биласанми, Кемпбелда ҳамшира бўлиб ишляпман. Узоқ вақт ётоқхонада яшаб юрдим. Эрим қайтиб келгач, Домдом худудига кўчиб ўтдим. Ўғлимни кўришни истайсанми?

– Майли, кейинги сафар кўрарман. Юр, бирон жойда чой ичайлик.

– Менга қара, сен боламга тоғаси ўрнидасан. Маржон олиб беришга қарздорсан-а!

Афтидан, Шулочона ҳам онаси каби совғалар ундириб олишга ўрганган, шекилли. Ҳозирги “туғишган” тоғаси жиянига бир неча рупий совға қила олади, холос. Қизик, менга бегона бўлган бола учун онасига нега маржон совға қилишим керак экан?

Биз устун чироғи тагига келиб тўхтадик. Гўзал Шулочонага тикилиб қарар эканман, аввалгидек ундан кўзимни узолмасдим. Бундай гўзал хоним билан қаҳвахонага бирга киришга иймандим, чунки ўша 1913 йиллари Калькутта кўчаларида аёллар кам кўзга ташланардилар. Мен тахмин қилгандек, қаҳвахонадагиларнинг барчаси Шулочонага еб қўйгудек қарай бошладилар. У бўлса парво қилмай, тўхтамай жаврарди – ахир у жим туrolмасди-да.

– Ихтиёринг, – деди Шулочона. – Рост айтяпман, бизникига кирайлик, ўғлимни ҳали кўрмагансан-ку. Совғадан қочяпсанми? Уялмайсанми! Келишдик, сени биз шанба куни кутамиз, эшитяпсанми? Сени эрим билан таништириб қўяман.

Унинг ҳаёти сир-синаотга тўла эди: эри қаерда юргану қаердан келиб қолди. Бу ҳақда сўрашни жуда истасам-да, аммо журъат этолмадим. Бир нарсани аниқ билардим – Шулочона ёлғон гапирмаётганди. У ҳар вақт, ҳар қандай шароитда ҳам, ҳатто ўзига зиён келтирадиган шароитда ҳам тўғриси айтарди-қўярди, шунинг учун унинг гапига ишондим.

Биз чой ичиб бўлгач, Шулочона учун керакли нарсаларни сотиб олиб,

трамвай бекатига қайтиб келдик.

- Кетдик, Жоду! – деди Шулочона трамвай бекатига келиб тўхтагач.
- Кечирасан, Шулочона, бугун иложим йўқ. Ишларим кўп, боролмайман.
- Ишинг қочиб кетмайди, кетдик! – ранжиганнамо оҳангда деди Шулочона.

– Сенга айтадиган гапларим кўп! Ўтмишим ҳақида яна мен ким билан ҳам гаплашишим мумкин?

Сўнг у ҳаяжонланиб:

- Прокаш ҳақида ҳеч нарса эшитмадингми? – деб сўради.
- Йўқ. Қаерданам эшитай, – дедим мен. Ичимда эса: “Сенга унинг ўликми-тириклигининг нима кераги бор”, деб кўйдим.

– У тирик, полициядан қочиб юрган бўлса керак. У ҳақда менга сендан бошқа ким ҳам гапириб бериши мумкин?

– Шотиш бобу қаерда?

– Амакимми? У уйланиб, уйда ўтириб қолди. Қўлидан нима ҳам келарди дейсан, ахир, у Прокаш эмас-ку!

Қўнғирок чалинди.

– Жоду ростданам уйимизга бормайсанми? – унинг овозидан хафа бўлаётгани шундоқ сезилиб турарди. – Чик трамвайга! – кистади у мени.

У қўлимдан торта бошлади. Аммо мен трамвайга чиқмадим. Негадир оёғим тортмади. Устига-устак кечқурун ишга боришим керак эди, охириги поездга улгурмасам, ишга кеч қолишим тайин. Ишга кечикиш мумкин эмасди!

Ўшанда, бундан ўн етти йил муқаддам мен Шулочонани сўнгги марта кўриб турганлигимни қаердан ҳам билай?

#### 4

Шулочонанинг онаси мени хиёбонда кутиб турарди. Мен унга яшаётган уйининг ижара ҳақини бериб:

– Хўш, энди менга ҳаммасини – бор ҳақиқатни айтиб беринг, кўп нарсадан хабарим йўқ, – дедим.

Вақт чошгоҳга яқинлашмоқда эди. Атрофимизда болалар шовқин кўтарганча арғимчок учардилар.

Мен воқеани эшитар эканман, ич-ичимдан уларга ачиниб кетдим.

Шулочонанинг онаси жуда ёшлигиданоқ бева қолган экан. Улар Бурдван мавзесида яшабдилар. Шулочона саккиз ёшга тўлгач, уни қўшни қишлоққа эрга берибдилар. Эрининг ёши ўн учдан-ўн тўртга қараб кетаётган экан. Куёв кўримсиз бўлгани учун, ёш қизалоқ уникига боришни истамабди. Устига-устак, боланинг хулқ-атвори ҳам ўзига яраша – ўжар ва калтабин экан. Куёв саккиз яшар хотинини дўппослаб, азоб бераркан. Ниҳоят, онаси ерини сотиб, қизи билан Калькуттага кўчиб ўтибди. Шу пайт Шулочона ўн ёшларда экан, онаси уни мактабга бермоқчи бўлибди.

Аммо ўша вақтларда қизлар ўқишмас экан. Онаси қизини у мактабдан-бу мактабга олиб бораркан, жамғариб қўйган пулларининг таги кўриниб қолибди, бироқ Шулочонани мактабга жойлаштиришининг иложи бўлмабди. Бахтга қарши қиз ниҳоятда гўзал бўлиб, ташқи кўринишидан ўн уч яшар қизнинг нусхини бераркан. Устига-устак қиз ёвуз ниятли одамлар эътиборига тушибди. Қунлардан бир куни онаси уйига қайтиб келгач, қизига:

– Қизим, бизга бир чора – ўзимизни Ганг сувига ташлаш қолди, холос, бошқа йўл йўқ – сенинг номусингни сақлаш учун бундан ўзга иложимиз

йўқ. Ҳимоячимиз ҳам йўқ, – дебди.

Кечкурун соат тўққизларда Шулочона:

– Онажон, қачонгача биз ўзимизни дарёга ташламоқчи бўламиз? – деган саволни берибди. – Юринг, Аннапурна соҳилига борайлик!

– Кейин борамиз, қизим. Ҳозир у ерда одам кўп.

Кечкурун соат ўнларда улар Аннапурна соҳилининг зинапояларидан тушиб борибдилар.

– Сен ўзингни чўктира оласанми? Бунга журъат эта оласанми? Айт, журъат эта оласанми? – қатъий сўрабди онаси қизидан.

Қиз мутлақо қўрқмабди.

– Сиз билан бўлса қўрқмайман.

Шу пайт Жамини Гхош исмли йигит соҳил бўйлаб ўтиб бормоқда эди. У бир оз очик ҳаводан нафас олай деб ташқарига чиққан экан.

– Сизлар ярим тунда бу ерда нима қилмоқчисизлар? – сўрабди у она-болага яқинлашиб. – Тинчликми?

Шулочона эсанкираб йиғлаб юборибди. Онаси эса йигитга бор гапни рўйи рост сўзлаб берибди. Жамини уларни ўз уйига олиб кетибди. У она-болани уйига жойлаштирибди. Она-бола бу ерда икки ҳафта осойишта ҳаёт кечирибдилар. Жамини инсофли йигит экан. Кунлардан бир куни йигитнинг дўстларидан бири бу воқеадан хабар топгач, унда она-болани кўриш истаги туғилибди, дўстининг уйига кирибди-ю, бу ердан кетгиси келмай қолибди. У дўстининг уйига деярли ҳар куни келадиган одат чиқарибди. Шулочона ундан ўзини олиб қочар экан. Унинг қадам товушини эшитгудек бўлса, аёллар хонасига кириб оладиган бўлибди. Шулочона унга Какатуя, яъни тўтикуш деб лақаб қўйибди.

– Ойи, Какатуя ёмон одам. У қутичадаги тақинчоқларни кўрсатиб, мен билан кетсанг, шуларнинг барчасини сенга бераман, деди. Энди мен сира унинг олдига чикмайман, – дебди.

– Бечора қизим, ундан эҳтиёт бўл, – дебди онаси. – Ҳамманинг кўзига кўринаверма. Биз камбағал одамлармиз, ишқилиб, хато қилиб қўймайлик-да.

Жаминининг Шотиш Рай исмли яна бир дўсти бор экан. Она-боланинг бошдан кечирган қийинчиликларини кўриб, у уларни ўз уйига олиб кетибди. Аммо бу ерда ҳам уларга тинчлик беришмабди. Шотиш ҳам қизга ошиқи беқарор бўлиб қолибди. Шотишнинг онаси Шулочонанинг турмушга чиққанлигини билса ҳам, уни ўз ўғли билан никоҳлаб қўйишни таклиф қилибди. Шулочонанинг онаси рози бўлса-да, аммо қизи бунга қаршилиқ қилиб:

– Неча маротаба эрга тегишим мумкин? Ҳаммангиз эсингизни еб қўйибсиз. Агар мени ўқишга жойлаштирмасангиз, унда, яхшиси, қайнотамнинг уйига олиб бориб қўйинг. Ўша ерда яшаб, ўша ерда ўлганим яхши! Ҳаётдан жуда чарчадим, – дебди.

Ва ниҳоят, кунлардан бир куни қиз Прокаш билан учрашиб қолибди. Прокаш дўсти Шотишникига қадам ранжида қилган экан. Талабалар Прокашни ўз дўсти деб атар эканлар. Лекин у полиция рўйхатида тураркан. Прокаш Шулочонанинг бошидан ўтган воқеаларни билгач, уни қизлар мактабига жойлаштириб қўйибди. Вақти-вақти билан келиб, унинг ўқишидан хабар олиб тураркан.

Шотишнинг борган сари Шулочонага муҳаббати орта бошлабди. У Шулочона билан учрашишга интилар, қиз бечора бир ҳовлида яшаётганларидан ҳеч қаерга қоча олмас экан. У Шулочонага қимматбаҳо совғалар ҳадя этаркан. Шулочона эса унга:

– Амакижон, нега менга қимматбаҳо совғаларни ҳадя этияпсиз? Бунинг

тагида бир гап бўлмасин тагин! Мен совғаларингизни олмайман, – деркан.

Шулочона онасига:

– Ойижон, ҳаётим давомида турли хил одамларни кўрдим, аммо Прокашдек инсонни ҳали учратмадим, у мутлақо бошқа одам. Уйимнинг тагига етолмайман, у инсонми ёки фариштами? – дер экан.

Қайсидир байрам муносабати билан Шотиш Шулочонага қимматбаҳо сари, Прокаш эса оддий қўлда тўқилган сарини совға этибдилар. Шулочона Прокашнинг совғасини олиб, қувончдан боши осмонга етибди. Шотиш совға қилган сарисини у аҳён-аҳёнда кийса, Прокаш совға қилган оддий сарини эгнидан ечмас экан.

Кунлардан бир куни Шулочона Прокашга Шотишнинг қилаётган шилқимлигини айтиб берибди.

– Сизлар бундан буён унинг уйида қолмаслигингиз керак, – дебди Прокаш. – Бу ерда яшаб туриб, ўқишинг қийин кечади. Бошқа хонадонга кўчиб ўтишингиз керак. Сизларга ўзим ёрдам бериб тураман.

Бир оз наридаги жинкўчада Шулочонанинг узоқ қариндоши рафикаси билан истиқомат қиларди. Улар ўша ерга кўчиб ўтишга аҳд қилдилар. Шотишнинг хонадонини тарк эта туриб, Шулочона эгнига Прокаш совға қилган сарини кийди. Шотиш совға қилган барча қимматбаҳо кийим ва тақинчоқларни Шотишнинг уйида қолдириб кетди.

Қаттиқ ранжиган Шотиш бирон бир кимса билан, ҳатто Прокаш билан ҳам учрашишдан ўзини олиб қочиб юрди.

Онаси Шулочонани қойиб:

– Сен нега Шотишни хафа қилдинг? Уни бекорга қийнаяпсан? – дерди.

– Бир оз қийналса, ақли киради. Тўғри, биз камбағалмиз, лекин бундан буён ундан ҳеч нарса олмайман.

Ранжигани бир оз ёдидан кўтарилгач, Шотиш яна Шулочонанинг ёнига қатнай бошлади, ҳар сафар унга бирон нарса олиб келарди.

– Амаки, нега ҳадеб келаверасиз? Мен сизга ишонмайман. Сиз фақат ўз манфаатингизни ўйлайсиз. Буларнинг барчаси менга ёқмайди. Очиғи, сиз Прокашдан ибрат олсангиз яхши бўларди.

Нихоят, Шотишнинг сабр косаси тўлиб:

– Хўш, қани айтгин-чи, нима қилсам кўнглингни оламан? – деди. – Айт, ростини айт...

– Тезроқ уйланинг, амаки. Ана шунда мен хурсанд бўламан, – унинг гапига жавоб қайтарди Шулочона. – Агар мени хурсанд бўлсин десангиз, ўзингизга қаллиқ топиб, уйланинг.

Прокаш Шулочоналар истиқомат қилаётган уйдан қадамни узибди, Шулочонанинг ёнига дўсти келиб туришини сезиб қолибди, қиз эса Прокашнинг уйига борадиган бўлибди.

Шу пайтларда Алипурда фитначи-анархистларга қарши кураш бошланиб кетганди, қандай қилиб Прокашнинг бу ишга аралашиб қолганини Шулочонанинг онаси менга тушунтириб беролмади. Прокаш дом-дараксиз кетибди. Шулочона ўзини кўярга жой тополмаётганини кўрган онаси Прокаш ўқийдиган коллежга борибди. У ерда Прокаш анчадан буён дарсга келмаётганини айтишибди.

Орадан олти ой ўтгач, Прокаш кўп ширинликлар билан уларникига ташриф буюрибди. Йигитнинг келганини билган Шулочона ҳамма ишини ташлаб, у томон ошиқибди.

– Прокаш бабу, шунча вақтдан бери қаерларда юрган эдингиз? Нега кўринишингиз бир ҳолатда!

– Мендан ҳеч нарса сўрама, Шу. Энди менинг ишим чатоқ. Полиция



кетимдан изма-из кузатиб юрибди. Эҳтимол, сизларникига бошқа келолмасам керак. Балки сизлар билан бошқа кўришмасман ҳам, – деди Прокаш хайрлаша туриб. – Айт-чи, Шу, сен мени ёмон сўзлар билан эсламайсанми?

– Мен сизни жон-дилдан яхши кўраман, – деди Шулочона Прокашга. – Эҳ, негаям эрга текканман, сиз билан бахтли бўлган бўлардим... Пойингизни ола туриб, шуни онт ичиб айтаманки, бошим очик бўлганида сизни шундай оғир аҳволда асло ёлғиз ташлаб қўймаган бўлардим... – Шулочона шундай дея йиғлаб юборди.

– Қизим ҳеч қачон кўз ёши қилмаганди, – ҳикоясини тугатаркан деди бева аёл. – Мен қизимнинг йиғлаётганини кўриб қолдим. У Прокашдан имконият бўлиши билан ўзи ҳақида хабар бериши ваъдасини олди.

Прокаш шу кетганича дом-дараксиз кетди.

– Кейин нима бўлди? – сўрадим мен. – Сизларнинг ҳолингиз нима кечди?

– Прокаш шу кетганича қайтиб келмади. Ҳикоямнинг давомини эшит. Қизим ва мен бошимиздан қанча қайғули кунларни ўтказганимизни айтсам, ишонмайсан. Бахти қаро қизим, гўзаллиги сабаб Калькуттада эсини йўқотиб қўяёзди. Сен билан учрашиб қолганини менга сўзлаб берганди.

– Ҳа, мен қизингиз билан учрашган эдим, – дедим. Шу тобда яна йигирма йил аввалгидек қаршимда худди тирик Шулочонанинг гўзал сиймоси намоён бўлди. Катта шахло кўзлари, қалин зулукдек қоп-қора сочлари ва мафтункор қилиқлари-ю жон олғувчи кулишлари...

Ўша пайтлари ёшлигимга бориб мен ҳеч нарсани тушунмаган эканман; тажрибасизлигим учун Шулочона менга ўжар ва тантиқ қиз бўлиб кўринган экан. Нафақат мен, дўстимнинг уйидагиларнинг ҳаммаси Шулочона ҳақида шу фикрда эдилар. Мен бўлсам бировнинг гапига ишонган эканман. Энди мен марҳум Шулочонадан уни тушунмаганим учун кечирим сўраб турибман. Шулочона Прокашни жон-дилдан севган, севгисига шунчалар содиқ эканлигини билмабман-а!

Она ҳикоясида давом этди:

– Прокаш кетганидан сўнг, у кечгача йиғлади, қимирламай дераза ёнида ўтирарди. Шотишни кўргани кўзи йўқ эди. Биз уйнинг ижара ҳақини ўз вақтида тўлай олмаганимиз учун у ердан хайдаб чиқардилар. Калигхатдаги бир кичик кулбага кўчиб ўтдик. Кунлардан бир куни рожа номидан қандайдир одам келиб, бизга ўн минг рупия ҳада этди. Унинг айтишича, пул юборган жаноб Шулочона гапга кўнса, уни тиллага кўмиб ташлашга ваъда берганмиш.

– Ойи, мен сочимни кесиб ташлайман, сабр косам тўлди, – деди Шулочона жаҳли чиқиб.

– Аблахлар, мен уйда йўқлигимни билиб, уйни қуршаб олибдилар-да. Тавба, Калькуттада шундай ишлар бўлишига ақлинг бовар қилмайди. Қизим устидан керосин кўйиб, ўзини ёқиб юбормоқчи бўлибди. Мен ўз вақтида келиб қолибман, одамларни ёрдамга чақирдим. Разиллар қочиб кетишди.

– Шотиш сизларникига келиб турармиди? – сўрадим мен.

– Ҳа, келиб турарди, қизимга билдирмай менга пул ташлаб кетарди. Қизим уни кўрарга кўзи йўқ эди. У билан дурустроқ гаплашмасди ҳам. Хатларига жавоб ҳам ёзмасди. “Уни уйга киритманг, деб тайинларди менга. Нега у бизга пул беради? Нега биз у берган садақага яшашимиз

керак? Агар биз унинг садақасини олмасак, у уйланиши мумкин”, дерди қизим мендан ранжиб.

– Кейинчалик бизга оккўнгил, ёши улуг шифокор учраб қолди. У қўшнимиз эди. У Шулочонани тиббиёт коллежининг ҳамширалар курсига жойлаштириб қўйди. Қизим ўқишни тугатгач, ўша шифокорнинг касалхонасида ишлай бошлади. Бир куни қизим менга:

– Ҳамма ер ҳам бир гўр экан, – деди. – Энди мен у ерда ишлолмайман. Кетишимга тўғри келади.

Орадан икки ой ўтгач, Шулочона Кемпбелдаги касалхонага ишга жойлашди. Ўшанда биз Потолдангда истиқомат қилардик. Мен ҳар куни қизимни кутиб олиш учун касалхона эшиги олдига кечқурун соат ўн бирда келиб турардим, биз уйга бирга қайтардик. Аммо бу ерда ҳам бизни бахтсизлик кутиб турган экан. Шифохонадаги санитар аёллар Шулочонанинг соҳибжамоллигини дoston қилибдилар. Кўплар унга ошиқи беқарор бўлиб қолибдилар. Бу хушторлар қизимнинг кўнглини овламоқчи бўлганларида, у аблахларнинг қўлларидан зўрға қочиб кутулибди.

– Агар Прокаш қайтиб келганда, менинг азоб чекаётганимни кўрганда эди! Лекин мен уни ранжитадиган бирон-бир иш қилмаган бўлардим. Ойи-жон, сиз шу ерда ёлғиз яшайверинг. Мен касалхона қошидаги ётоқхонага кўчиб ўтаман, – дебди у онасига.

Шулочона ўз айтганини қилди. Ётоқхона қоровулига уни кўриши мумкин бўлган икки кишининг номини айтди: бири эри, иккинчиси Прокаш. Шулочона ҳамон Прокаш қайтиб келишидан умидвор эди.

– Прокашдан хат олиб турармидингиз? – сўрадим мен.

Она оғир хўрсинди:

– Бирорга ҳам хат келмади... Қизим фақат Прокаш ҳақида ўйларди ва унинг қайтиб келишига ишончи комил эди. Қизим мен билан сирлашарди. У Домдомда келиб-кетувчилар учун меҳмонхона очмоқчи эканлигини айтди. Онаси қизининг гапига ҳайрон бўлиб:

– Келгиндилар учун меҳмонхона? – дея сўради ажабланиб.

Қизим айтган гапини бажармай қўймасди. Меҳмонхонага келувчилар рўйхатига биринчилар қаторида Прокашни киритиб қўйди. У меҳмонхонани очишга очди-ку, лекин Прокаш ҳаётми, йўқми, билмасди.

Кемпбелда эрининг қишлоғидаги бир бемор даволанаётган эди. У қишлоққа қайтиб боргач, куёвимга биз ҳақимизда сўзлаб берибди, шундан сўнг у келиб биздан кечирим сўради. Бизни ҳимоя қилувчи ҳеч ким йўқ деб, уни қабул қилишга мажбур бўлдик, чунки қизимнинг соҳибжамоллиги сабабли ён-атрофдагилардан бизга тинчлик йўқ эди. Суянадиган дўстларимиз йўқ, атрофдагиларнинг барчаси душман эди. Бугун дўст бўлиб турганлар эртага душман бўлиб қолардилар. Қизим эри билан Домдомда яшай бошлади. Ким келмасин, барчани ширин муомала билан кутиб олардик, шунинг учун ҳам уйимиз мусофирхонага ўхшаб кетарди.

– Ҳойнаҳой, мен ўша кезлари Шулочонани учратган бўлсам керак. – Мен бу ҳақда қизнинг онасига сўзлаб бердим.

– Ҳа, ҳа, – деди аёл, – қизим менга айтганди. У шифохонадан бўшаб, хусусий фаолият кўрсата бошлади. Мўмайгина пул топарди. Шу орада икки ўғил кўрди. Куёвнинг қишлоқда катта қарзи бор экан. Уларни ҳам Шулочона тўлади. Бахтсиз кунларнинг бирида бир бегона кимса келиб Прокашнинг ўлгани ҳақида хабар берди. Қизим бу мудҳиш хабарни эшитиб, ҳушидан кетди. Ўшандан буён юрагида бир дард пайдо бўлди.

Охири шу дард уни олиб кетди. Прокашнинг ўлимидан кейин Шулочона олти ой яшади, холос.

Биз узоқ вақт сукут сақлаганча жим ўтирдик.

– Мен зиёратгоҳларга боришни ният қилгандим, – ғўлдиради кампир, – шунинг учун ҳам қизимни эрта турмушга берган эдим. Орзуларим амалга ошмади. Қизим бу дунё ташвишидан кутулиб кетди, лекин менчи, қариган чоғимда невараларимни боқишимга тўғри келаяпти. Эрини ичкилик балосидан қутқарди, куёвим ҳам вафот этди. Мен ҳам бандаликни бажо келтирсам, болалар ғирт етим бўлиб қоладилар. Улар қаёққа борадилар? Нима қиладилар, кечаю-кундуз шуни ўйлаганим-ўйлаган. Кўчада қоладилар-да. Яхши кунларни ҳам кўрганмиз. Бундан хабаринг йўқ. Ўз уйимиз ҳам бўлган... Шулочона мўмайгина пул топарди. Барча анжомларни дидига мос қилиб сотиб оларди. У яхши кийинарди, ўзинг шоҳиди бўлибсан-ку. Ўзига ёқмайдиган нарсаларни уйида сақламасди. Қизимнинг вафотидан сўнг жамғармамиз куёвимнинг қўлига ўтиб қолди. У одамлардан устама ҳақ олиб, қарз берарди. Охирги битим бизни хонавайрон қилди. У Ховрдаги уй учун икки минг рупий берди-ю бандаликни бажо келтирди. Бу битимнинг ҳужжатлари ҳали ҳам менда сақланиб турибди, аммо саводсиз бўлсам, уларни нима ҳам қилардим, ўғлим?

– Ҳа, орадан ўн тўрт йил ўтибди, улар энди яроқсиз. Улар ўз қийматини йўқотган.

Дабдурустдан эслаб қолдим:

– Уни вокзалда учратганимда ёнида бир ёш йигит бор эди. Унинг кимлигини биласизми?

– Озгин, қорачадан келган йигитми? Унинг қайниси эди. Домдомда биз билан яшаганди.

Мен катта хатога йўл қўйганимни жуда кеч тушундим! Шулочонага нисбатан мен ноҳақ бўлган эканман! У кўчаларда бир ўзи юришига тўғри келган, ўша вақтларда аёлнинг ёлғиз юриши ман этилганди. Шунинг учун ҳам у ҳақда турли хил миш-мишлар болалаб кетганди. Раҳмдил ва меҳрибон Шулочона бир умр амалга ошмайдиган орзу-умидлари ила севгилисини беҳуда кутарди.

Ҳар сафар Кемпбел шифохонаси ёнидан ўтиб кетаётганимда соҳибжамол Шулочонанинг ҳаёти ёдимга тушаверади.

*Рус тилидан  
Назира ЖЎРАЕВА таржималари*



## ЭЗГУЛИК РУҲИ

(Рус шеърятидан намуналар)

*Яхши шеър ўқиш байрам.*

*Яхши шеърни бошқа тилда ўқисанг, негадир шу заҳотиёқ таржима қилгинг келади. Бу байрамга бошқалар ҳам шерик бўлишини истасанг керак-да.*

*Шу сабабданми, ўқиб ёқтирганим яхши шеърлардан баъзиларини – ҳеч қандай мақсадсиз – йўл-йўлакай – умрим бўйи – таржима қилган эканман.*

*Рус шеърятини, бир қарашда ўзбек тилига етарли таржима этилгандай туюлади, аммо бу буюк уммоннинг қамрови жуда катта – фақат ўзбекчада ўқийдиган шеърхон учун очилмаган кўриқлар жуда кўп. Бу кўриқлар истеъдодли таржимонларини кутиб турибди. Таржима ўзига хос шоирлар мусобақаси эканлигини ва ўзбек тилидаги баъзи таржималарнинг, юмшоқ қилиб айтганда, номукамаллигини ҳисобга олсак, “очилган” кўриқларни ҳам қайта-қайта кўп бор очишимизга тўғри келади.*

*Энди шеърларини таржима этганим шоирлар ҳақида икки оғиз сўз.*

*Иннокентий Анненский рус “кумуш асри” шеърятини бошлаб берган шоир. Унинг шеърятидан саккиз қаторли биргина шеър менга ниҳоятда таъсир қилган ва шу сабаб, қачонлардир фақат шу саккиз қатор шеърни таржима қилган бўлсам керак.*

*Борис Пастернак – “кумуш аср” даврининг ва, умуман, рус шеърятининг энг юксак чўққиларидан – ниҳоятда улкан шоир. Унинг мағзи тўқ, тиғиз тасвирли, босиқ ҳаяжонли шеърятини қарийб бир асрдан буён эндигина ёзилгандай юракларни ҳаяжонлантириб келяпти. Шеърнинг эндигина ёзилгандай яшаши катта шеърятнинг энг муҳим сифатидир. Шоир – Нобель мукофоти лауреати. Бу мукофотни негадир ягона романи – “Доктор Живаго” учун олган. Аслида шоир Пастерак носир Пастернакдан жуда баланд. Бундай кутилмаган ҳолнинг юз бериши шеър таржимасининг ўзига хос қийинчиликлари билан боғлиқ бўлган бўлса керак. Чунки шеър оригинал яратилган тилга жуда боғланган ва бошқа тилда уни тамоман қайта яратишга тўғри келади. Таржимондан эса шоирга тенг истеъдод талаб қилинади. Бу ҳол ҳамма вақт рўй беравермаслигини ҳисобга олсак, носир Пастернак дунёга эртароқ кўринган ва истеъдодлироқ кўринган бўлиши мумкин...*

*Эдуард Багрицкий – рус поэзияси “кумуш даври”нинг кенжа авлодларидан. Унинг ижоди завқ-шавқли сурурга йўғрилган. Қисқа умри даврида ўлмас шеърлар ёзиш бу шоирга насиб этди. “Тарвуз” эса шоирнинг жуда машҳур шеъри.*

*Семён Гудзенконинг навқирон ёшлиги йигирманчи асрдаги энг даҳшатли урушда ўтди. Шоирнинг таржимаи ҳолидаги бу даҳшатли воқеа ижодининг асосий мавзуси бўлди. Куйида сиз ўқийдиган шеър ўтган аср рус поэзиясининг ҳар қандай антологиясидан, жумладан, Евгений Евтушенко тузган машҳур баёздан ҳам ўрин олган.*

*Сергей Орловнинг ёшлиги ҳам урушда ўтган. Унинг ҳам энг яхши шеърлари – бу даҳшатли хотирадан оловланган юрак парчалари, урушнинг даҳшатли фожеаларининг оғриғи.*

*Александр Межировни ҳаётда кўрганман. Жангчи шоир уруш қолдирган асорат туфайли тутулиб-тутулиб гапирар ва шеър ўқийётганда, бу ҳол жуда таъсирли тус оларди. У жуда катта, муҳими, ҳалол шеърят яратди. Адабиётда ҳалол ишлади.*

Роберт Рождественский олтмишинчи йилларда шаклланган Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский ва Белла Ахмадулинадан иборат машхур “тўртлик”нинг ёши энг улуғи ва етакчиси. Бу “тўртлик” шеърятнинг, ўзбекчасига айтсак, доврўғини дoston қилган. Иигирманчи йилларга муқояса этилиб, политехника музейининг залида ташкил қилинган ушбу шоирларнинг “Шеърят кечалари” бу маскандан стадионларга кўчиб чиққанига ўзимиз ҳам гувоҳмиз. Рождественский истеъдодига хос кўтаринкилик, ҳаётбахш жасорат уфуриб турган руҳ ва бир қарашда билинмайдиган олий маҳорат уни рус шеърятдаги мустақкам ўрнини белгилаб берган.

Инна Лиснянская “ур-йиқит” хушомадеўйликлардан ўзини четга ололган, адабиётнинг туб ва ҳалол мақсадларини теран англаган ҳамда ўзи ҳам шу йўсинда ижод этган шоира. Шўроларга ёқмаган ижодкорларни бадном этиш урфга кирган замонда, шоира бу қора ишларга қарши ҳамиша бош кўтарган, натижада, узоқ йиллар унинг шеърлари нашр этилмай, ёзув столида қолиб кетган эди. Бу жасур аёлнинг ижоди билан шеърхон фақат шўролар тугаши арафасидагина таниша бошлади. А. Сольженицин муқофоти соҳибасининг шеърлари жасур, озода ва ҳалол.

Иосиф Бродскийнинг илк шеърлариёқ рус адабиётига катта шоир кириб келаётганидан далолат бериб турар эди. Ундай-бундай шоирга бурилиб қараш қийин Анна Ахматова Бродскийни тан олди ва қўллаб-қувватлади. Бироқ, истеъдодсиз қора гуруҳларнинг назарида, бу тан олишнинг ўзидаёқ қандайдир бир аксилшўролик бор эдиким, уни таъқиб қилмаслик мумкин эмас эди. Шундай ҳам бўлди. Шоирга тўхтовсиз тазйиқ ўтказилди, матбуотда ижоди масхараланди, шеърларини нашр этиш тўхтатилди ва охир-оқибат, уни айблаб, суд ҳам қилинди. Қамоқ жазосига ҳукм этилди. Хорижга ҳайдаб юборилди... Бродский адабиётга янги нафас – янги ритм, янги оҳанг ва ўзгача теран маъно олиб кирган шоирлардан. Ўзи айтганидай, “катта шеърлар”, менимча, “ҳикоя-шеър”лар ҳам унинг ихтироси десак бўлади. Иосиф Бродский ҳам Нобель муқофоти лауреати.

Александр Ерёменко тахминан менинг тенгдошим. У билан умумдўстларимиз жуда кўп бўлган ва бизни бир неча бор таништиришга ҳаракат этишган. Аммо майда-чуйда тасодифлар туфайли бу иш кўп марта амалга ошмади. Еременко жуда ёш – энди шухрат топа бошлаганда вафот этди. Сизга тавсия этаётганим унинг энг машхур шеъридир.

Таржимон

## Иннокентий АННЕНСКИЙ

(1856 – 1909)

### ОЛАМЛАР АРО

Сайёралар учган Оламлар аро  
Бир юлдузнинг номи тилимда такрор...  
Бўлганим учунмас Унга мубтало,  
Чекканимдан ўзга нурлардан озор.

Елкамдан босса гар дунё билан баҳс,  
Ундан ўзгасининг жавоби бекор –  
У билан ёруққа тўлганимданмас...  
У билан ёруг ҳам даркормас, даркор.

**Борис ПАСТЕРНАК**

(1890 – 1960)

**КАСАЛХОНАДА**

Бекорчилар йўлкада жамдир –  
Кимга эрмак, кимгадир хатар...  
Машинага жойланди замбил,  
Кабинага чиқди санитар.

Оломону эшикхоналар  
Анграйганлар кўзидан қочиб,  
Фара билан йўлни саралаб,  
Тунга кирди “Тез ёрдам” шошиб...

Кўчалару одамлар хира  
Липилайди мошин йўлида.  
Қалқиб-қалқиб борар ҳамшира,  
Нашатирли шиша қўлида.

Ёмгир ёғар – қабулхонада  
Таралади тарновдан овоз.  
Қоғозларни зумда қоралаб,  
Тўлдиришар – расмиятга хос.

Шифохона лиқ тўла. Охир  
Унга пойгак кўрилар раво.  
Дори ҳиди атрофда анқир,  
Деразадан урилар ҳаво.

Парча осмон, бурда дарахтзор  
Тўртбурчак ром қучганда – жонли.  
Кўз ташлайди хонага бемор,  
Кўниктирмоқ учунми онгни.

Дўхтирлар бош тебратишидан,  
Саволлардан англайди аён –  
Бу синовнинг огир ишидан  
Энди омон чиқмоғи гумон.

Ташқарига боқар миннатдор:  
Шаҳар нури билан ёришиб,  
Ром ортида кўринар девор,  
Ёнгингами гўё қоришиб.

Шаҳар сочган нурга чўлғониб,  
Қизариниб кўринар қопқа,  
Заранг дарахт елда тўлғониб,  
Унга таъзим айлаган чоғда.

“Парвардигор, қандай мукаммал,  
Сенинг коринг, – ўйлайди бемор,  
Ўрин-тўшак, одамлар, ажал,  
Тунги шаҳар, девор, тўрт девор.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

30

Уйқу дори элитган чоғда,  
Йигляяпман беун, бетаҳдид,  
Эгам, сени яққол кўрмоққа  
Бераяпти ёшим халақит.

Ғира-шира чироқ шуъласи  
Караватга юзтубан қотди.  
Мен ўзимни ва ҳаётимни  
Тортигинг деб ўйлашим тотли!

Кетарканман жон таслим айлаб,  
Исинаман кафтинг ўтида.  
Ноёб узук каби авайлаб,  
Сен жойлайсан мени қутига”.

## НОБЕЛЬ МУКОФОТИ

Қайга борай? Ўради душман.  
Қайлардадир одамлару эрк.  
Таъқиб тинмас – ортимдан тушган,  
Қутулмоқнинг барча йули берк.

Тим қора кўл, қоп-қора ўрмон,  
Қулаб тушган арча йўлимда.  
Барча йўлим кесилган. Тамом.  
Ихтиёрим кетган қўлимдан.

Нима қилдим? Этдимми таҳқир?  
Қотилманми? Ёвманми сизга?  
Мен дунёни йиглатдим ахир,  
Юртим ҳуснин куйлатиб сўзда.

Ишонаман сўнг онимгача,  
Етар ёруғ кунлар шукухи:  
Разолатни енгар муқаррар,  
Зафар қучар эзгулик руҳи.

## ҲАМЛЕТ

Говур тинди. Саҳнага чиқдим.  
Тирав эшик тоқига манглай,  
Тингляяпман мозийни, токим  
Нелар кечар асримда – англай.

Коронгулик менга ўқталган,  
Минглаб дурбин пойлар бетма-бет.  
Эгам, бундай тақдир азалдан,  
Мумкин бўлса, мени озод эт.

О, нақадар ниятинг ўжар!  
Мен бу ролга розиман, бироқ  
Ҳозир ўзга томоша кечар –  
Бир бор тутгин режангдан йироқ.

Аммо саҳна забти зиёда,  
Қўзголади оқибат завол.  
Бир ўзимман. Дунё – риёда.  
Яшайш огир умрни ҳалол.

## Эдуард БАГРИЦКИЙ

(1895 – 1934)

### ТАРВУЗ

Шамол қутурмоқда.  
Сузади кема  
Азов денгизига ачиқма-аччиқ.  
Тарвузга қоронгу трюм ҳам тўла,  
Тарвузга кўмилган бандаргоҳ лиқ-лиқ.

Энди тонгга қадар ичмаймиз шароб,  
Қаровулда энди эснамай,  
Уч кечаю кундуз сузамиз шитоб –  
Ёйилган елканлар ҳилпирайди шай.

Оппоқ сочли денгиз аюҳаннос солиб,  
Чилпарчин бўлару қайтар қоядан.  
Думбирадай таранг тарвузни олиб,  
Юракнинг расмини ўяман.

Шўр денгизга чўқар саҳро офтоби,  
Тўлқинлар ҳилолни чиқишар судраб.  
Шамол зўраймоқда!  
Бўрон – шитобли!..  
Кетдик!  
Елканнингни, кема, ҳилпират!

Жингалак тўлқинлар кенгликлар аро,  
Трюмда тарвузлар, трюмда қаро...

Шамол ҳуштак чалар мисоли боцман,  
Булутлар устида булутлар – тигиз.  
Руль бўйин эгмайди,  
Вижирлар кема –  
Иигиштириб қўйдик елканларни биз.

Тўлқинлар аро учиб,  
Емгир аро – таваккал!  
Ҳуштакбоз мавждан чўчиб,  
Пайтаслаб юрамиз йўл.  
Ҳўнграйди ҳар мақомда  
Жами елкан жиққа ҳўл.

Биз телба беланчакда!  
Бозордай қайнар денгиз,  
Саёзлик сари судрар.  
У саёзли бағрида  
Энг охирги йўлимиз!



Жингалак тўлқинлар кенгликлар аро,  
Трюмда тарвузлар, трюмда қаро...

Тугатмадим сўнги шеъримни айтиб,  
Улимнинг нафаси юзимда аммо.  
Мен қарта ўйнадим,  
Яшадим дайдиб,  
Денгиз олиб келар даҳшатли совго.  
Бу қувноқ умримни бўлмагай сақлаб,  
Рулни юлиб кетди тўлқин – тенгсиз зарб!

Чўл офтоби ёнар чўнг уммон узра,  
Совуқни кесади – нурлари қирмиз.  
Кема гойиб бўлди,  
Тўлқинда сузар –  
Юракнинг сураги ўйилган тарвуз.

Қояга урилар оқ сочли денгиз,  
Балиқлар галаси сапчир осмонга.  
Мўъжаз тўлқинларда қалқийди тарвуз,  
У сузиб бормоқда соҳил томонга.

У ўша қиргоқда абадий қолар...  
Тўфон ювош тортган. Тинчиди денгиз.  
Юрагим ўйилган тарвузни олар  
Қулига севгилим – гўзал казак қиз.

Ҳеч кимнинг эсига ҳеч келмагайким,  
Унинг қўлидаги менинг юрагим.

## Семён ГУДЗЕНКО

(1922 – 1953)

\* \* \*

Ўлимга борганда қўшиқ куйлашар,  
Аммо йиглаш мумкин ўлимни кутиб.  
Жангда энг даҳшатли лаҳза – муқаррар  
Ҳужумни кутмоқлик минути.

Мана, чавақланган дала – бепоён,  
Мина тўзоидан қор тани – қурум.  
Портлаш. Енгинамда дўстим берар жон,  
Демак, ўтиб кетди ёнимдан ўлим.

Ҳозир келажакдир менга ҳам навбат,  
Улим фақат менга чўзмоқда қўлин.  
Совуқ қирқ биринчи, сенга минг лаънат,  
Сенга ҳам минг лаънат, пиёда қўшин!

Гўё барча мина менга интилар,  
Гўё таним магнит, ўтмасидан сал...  
Портлаш. Лейтенант бир қалқиб йиқилар,  
Яна ўтиб кетди ёнимдан ажал.

Бундай кутиб бўлмас ўлимни, ахир...  
 Жўнар окоплардан етаклаб бизни,  
 Совуқдан мурдадай тош қотган қаҳр –  
 Штикнинг зарбидан йиртилиб бўғзи.

Қисқа жанг тугади. Бир лаҳзалик жанг.  
 Кейин ароқ ичдик лабимиз яхлаб.  
 Бировнинг қонини ханжарим билан  
 Тирногим тагидан ташладим кавлаб.

## Сергей ОРЛОВ

(1921 – 1977)

\* \* \*

Уни ер шарига этдилар дафн,  
 Бор-йўғи оддий бир аскар эди у.  
 Бор-йўғи у аскар эди, дўстларим,  
 На-да мансаби бор, на-да унвони.

Энди мақбараси курраи олам,  
 Милён асрларнинг учмоқларида.  
 Сомон йўллари ҳам нур сочар ҳар дам,  
 Уни маҳкам тутиб қучоқларида.

Кўнгир қоялардан булутлар оқар,  
 Изгирин тоғларга босар тўшини.  
 Залворли чақмоқлар қайдадир чақар,  
 Шамоллар бошлайди югуришини.

Ахир, аллақачон тугаган қиргин...  
 Аскарни кутариб келиб дўстлари  
 Шундоқ Ер шарига этдилар дафн –  
 Худди мақбарага қўйишган каби.

\* \* \*

Қаро ернинг тагида маъдан,  
 Нени кутар мунча интизор?  
 Озод қилди уни асирдан,  
 Уни кончи йўқдан қилди бор.

Эритдилар олов-отаида...  
 Ҳоргин ишчи огир пўлатни,  
 Болгалади, сўнгра фронтга  
 Жўнатдилар снарядни.

Портлаш қандай даҳшатли бўлди!  
 Танга ботди осколка учиб...  
 Наҳот, шунча йўл босиб келдинг,  
 Темир, мени ўлдирмоқ учун.

\* \* \*

Мовий Волхов самоларида  
 Тонглар отиб, қонга ботади:  
 Уқ излари ҳаволарида,  
 Ботқоғида танклар қотади.

Балчиқ, балчиқ, балчиқ тўрт тараф,  
 Ҳар қадамнинг устида қиргин.  
 Бўзилади мардонавор саф –  
 Жон беради менинг дўстларим.

Қора-қурум қорнинг устидан  
 Полк ўрмалар, изида қон, кул...  
 Ғалабани сезади юрак,  
 Ақл билан ҳис қилмоқ мушкул.

\* \* \*

Қўшиқларсиз музлайди олам.  
 Шамоллар ўйнаган заминда  
 Қўшиққа ишониб яшайди одам –  
 Утга толпингандай аёзли тунда.

Заминда аслида қўшиқ тўқишмас,  
 Шунчаки ўтади рота шаҳардан  
 Шунчаки аёллар “уҳ” тортади, бас,  
 Гармошка жаранглаб қолади бирдан.

Сесканиб тушади оқлибос қайин,  
 Дераза тагига келар яқинроқ.  
 Кимнингдир юраги портлайди, кейин  
 Қўшиқ куйланади заминда янгроқ.

Ёмғир йиғисидай, шафақдай ёниб,  
 Худди чақалоқдай тугилади у.  
 Овора бўлмангиз қўшиқни тўқиб,  
 Заминда у мангу, ҳаётдай мангу.

**Александр МЕЖИРОВ**

(1923 – 2009)

**ПИЁДА ҚЎШИНЛАР ҲАҚИДА**

**ХОТИРА**

Мен душманга отган ўқлар  
 Қайтмагайдир ортига.  
 Пулемёт чалгисидан  
 Йиқилади ўт-ўлан.  
 Ухляпман бошим қўйиб  
 Синяв ботқоқлигига,  
 Оёқларим Невага ва  
 Ладогага тиралган.

Сўнг уйғониб тинч ётурман,  
 Танни тарк этмас чарчоқ.  
 Сўнаётган гулхан тафти  
 Учиб борар мисли қуш.

Ўнг биқиним музлаганда,  
 Сўлга айланганим чоқ,  
 Синяво ботқоқлиги  
 Билчиллаб кетар нохуш.  
 Ва ўрнимдан сакраб туриб,  
 Қадам ташлайман олга,  
 Қулогимга ҳуштак чалар  
 Шаитдан қўзголган шамол.  
 Фронт гарбга қоча бошлар,  
 Чақмоқ нақ Рейхстагда –  
 Мен иккинчи қадамимни  
 Олга қўйганим замон.

Оқ байроқлар осиб олар  
 Душман гарнизонлари,  
 Қуролларин ерга ташлаб,  
 Рақиб кўтаради қўл.  
 Шундоқ менинг елкамдаги  
 Кўк дала погонлари  
 Майнинг майда ёмгирида  
 Қорайиб бўлади ҳўл.

Мен-чи, яна югураман  
 Миналарга бериб чап,  
 Денгизларни ҳатлаб, кечгум  
 Жангоҳлар дарёсидан.  
 Мен Пильзенда ором олгум  
 Пиво кўпигин пуфлаб,  
 Сигаретим кули тушар  
 Берлин остонасига.

Рациялар хириллайди,  
 Баҳор боради яшнаб.  
 Фронтнинг чанг йўлларида  
 Чангга қоришиб тун-кун,  
 Мен душмандан “Сўзсиз таслим  
 бўл”, деб қиламан талаб,  
 Байроқларин Ғалабанинг  
 Пойига ташлаш учун.

Аммо тунда мудрарканман,  
 Недир тушар эсимга,  
 Киприкларим орасидан  
 Аён кўраман бирдан:  
 Ухляяпман бошим қўйиб  
 Синяв ботқоқлигига,  
 Оёқларим Невага ва  
 Ладогага тиралган.

## Роберт РОЖДЕСТВЕНСКИЙ

(1932 – 1994)

## АСКАР АЛЁШАГА ПЛОВДИВДА

## ҚҰЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

Бундан кўринад  
     йироқ-йироқлар  
 кўкка сингиб кетган  
 ўфқлар оша.  
 Пловдив қошида  
 ўйланиб турар,  
 ҳайкалга айланган  
     аскар Алёша.  
 Алёша, адашган ҳайкалтарошлар,  
 сенинг қиёфангнинг  
 тасвири хато.  
 Эҳтимол  
 сен ҳақда камроқ билишар,  
 аслинг тасаввур ҳам  
 қилишмас ҳатто.  
 Ахир бу тош уйқу  
     сенга хос эмас,  
 мудом ҳамдам эди лабингга кулгу.  
 Ғамгусор турибсан,  
     тинмасдан бирпас  
 сўзлардинг –  
 яшардинг, хуллас, сергулу.  
 Залворли, қорайган  
     ўрмон устига  
 туман йиқилади тушдай оқариб.  
 Мен йўлга чиқаман энди,  
     Алёша,  
 мен сендан  
     ўн йилга  
     каттаман, қарийб.  
 Алёша, дунёга келдим мен кечроқ,  
 аслида  
 менда ҳам қалб мардонавор.  
 Кўп нарсани кўрдим,  
 сен мендан кўпроқ –  
 ҳатто  
     ўлимни ҳам  
     учратдинг бир бор.  
 Тинчгина ухлашга  
     ҳақлидир марҳум,  
 Узр.  
 Аммо сенга  
 саволим талай.  
 Сўрагим қелади:  
     “Ёмонми ўлим?”  
 бироқ шивирлайман:  
 “Яшамоқ қалай?”

Ғалат туюлмасин сенга саволим,  
 Дилда бир тугун бор,  
                                 юборай ёзиб.  
 Жон фидо этганинг ҳаётда, ахир,  
 яшай оляпманми  
 сенга муносиб?  
 Ишонгин!  
 Сен менинг муаллимимсан –  
 ҳар бир қадамимга  
                                 қўясан баҳо.  
 Алёша, шу синчков нигоҳинг билан  
 ишиму режамга  
                                 боқдим доимо.  
 Шу нигоҳ олдидан йилларим ўтар,  
 кунларим  
                                 унга тик боқиб келажак.  
 Икки одам умрин,  
                                 эй, елкам,  
                                                 кўтар,  
 гувилла кўксимда, иккита юрак.  
 Ёлгончи дунёдан  
                                 зарра қўрқмайман,  
 қалбимда нима бор –  
 аскар қилар қайд...  
 Энди  
 Россияга мен қайтаяпман,  
 Алёша,  
                                 онангга нима дейин,  
                                                 айт?..

## Инна ЛИСНЯНСКАЯ

(1928)

\* \* \*

Мен ҳақимда ўйлама ёмон,  
 Қаҳри қаттиқ, бевафо замон.  
 Очлик бердинг – майли деганман,  
 Иўқлик бердинг – зайлинг деганман,

Ҳа,розиман,  
 Барига тайёр, –  
 Ичга ютдим бор фарёдими.  
 Фақат айла мақсадинг ошкор, –  
 Қайтар қурбон эътиқодими.

Умрим учун  
 Сўрадим нима? –  
 Фақат қалбни айтишига имкон...  
 Не рўй берди? Сездинг. Жимгина  
 Ерга қараб турибсан, замон.

**Иосиф БРОДСКИЙ**

(1940 – 1996)

**НАТЮРМОРТ**

Онаизор дедиким:  
– Ўғлиммисан, тангрим ё?  
Хочга парчин вужудинг...  
Уйга қандай кетай, оҳ?

Уйни ўзимга раво  
Қандай кўрай? Айт, бу дам  
Ўғлиммисан, тангрим ё,  
Иўқмисан, ё бормисан?

Жавоб айлади Исо:  
– Уликманми ё ҳаёт,  
Ўғлингманми, тангринг ё,  
Сеникиман, азиз зот.

**КУТЬ ТАДҚИҚОТЧИСИ**

Итлар еб бўлинди. Кундаликда ҳам  
Қолмади сўзга жой. Фикрини ёзди  
Ҳатто рафиқасин расмига. Рақам  
Ясама холлардай чеҳрани босди.  
Ёзди синглисининг расмига сўнгра, –  
Аяб ўтирмади – илм сабаби...  
Тизидан қора эт ўрлар тепага,  
Варьете қизларин пайпоги каби.

\* \* \*

Қафасга ёввойи ҳайвондай кирдим,  
Жазавамдан жазо ёнди баракда.  
Соҳилда яшадим, қартани урдим,  
Кечда овқатландим оппоқ фракда.  
Боқдим муз чўққидан – ястанди олам.  
Уч бор пичоқ едим, беш марта чўқдим.  
Кечдим мени боққан мамлакатдан ҳам,  
Мени унутганлар шаҳардан кўндир.  
Хўнлар саси сингган даштларда кездим,  
Удум – лаш-лушларни кийдим бемиқдор.  
Далада зироат экишдан бездим,  
Ичдим – қуруқ сувдан ўзга неки бор.  
Тушимда конвойнинг қарга қароги,  
Қувгинда нималар кўрмади бошим.  
Доддан бошқасини айтди томогим,  
Энди шивирлайман. Қирқдадир ёшим.  
Хўш, нелар айтайин ҳаёт ҳақида?  
Ҳа, узун... Кун кўрдим гам билан ҳамдам.  
Бироқ, то қолгунча тўпроқ тагида,  
“Ташакур, ташакур” деганим-деган.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

39

## Александр ЕРЁМЕНКО

(1950 – 1985)

\* \* \*

Келишганман, кўзимда ёлқин,  
Илон каби дономан – аён.  
Мен аёлни осмонга отдим –  
Ва меники бўлди у аёл.

Май шишани қўлимда ушлаб,  
Ресторанда кезинганим он,  
Рух тарайман жангчига ўхшаб,  
Кийик каби чаққонман, чаққон.

Шивир-шивир етар ортимдан, –  
Кўрсатишар – бармоқлар бигиз:  
“У аёлни осмонга отган,  
Ўша аёл осмонда ҳануз”.

Мен бу ишга иқрорман, иқрор:  
Бирор жойга бордимми – тамом –  
Қучишади такрору такрор,  
Пул беришар – мақтаб беармон.

Ҳали қанча бўлар тортишув, –  
Кўнглимда шу баҳсни туйганман:  
Нечун солдим эл ичра гулу,  
Нима ичиб, нима кийганман.

Бир айбимни олай бўйнимга,  
Шу шеърда ҳам айтайин бугун –  
Учмаганман фазо қўйнига,  
Бу ҳам фақат чекканим учун.

Ва албатта, яшаб абадий  
Меҳнат қилмоқ умрим режаси:  
Шу бепарво авлодлар ҳаққи, –  
Иўқолсин деб ёлгон пешаси,

Бу дунёда ҳар бир кас борким,  
Мендек, ростни айтолсин ҳалол:  
“Мен аёлни осмонга отдим –  
Ва меники бўлди у аёл”.

Рус тилидан Усмон АЗИМ  
таржималари



Анна АХМАТОВА

(1889 – 1966)

## ИТОАТ ҚИЛЯПМАН СЕНГА КУН САЙИН

\* \* \*

Бунча ўзгарувчан менинг қисматим,  
Ё кимдир борми бу ўйин ортида?  
Қани ўша қишлар? Ётиб ухладим,  
Эрталабки соат олтида.

Янгича, хотиржам ва газаб билан  
Яшайман ёввойи қиргоқлар бўйлаб.  
Ёқимли сўзлар йўқ. На бордир байрам,  
Энди айтолмайман очиб лаб.

Байрам бўлишига ишончим йўқроқ,  
Балки таъсиридир ям-яшил чўлнинг.  
Қуёш ялаб ўтган бу силлиқ қиргоқ,  
Гўё илиқ тўлқини йўлнинг.

Бахтга интизорман. Чиқмас чарчогим,  
Шундайин сокинман — қолган умримда.

Хеч қачон таърифга сизмаган титроқ,  
Орзулар бор эди тасаввуримда.

\* \* \*

Тополмадим юрагингга йўл,  
Гар кетмоқчи бўлсанг, кетавер.  
Олдиндан бахт тайёрланган, мўл,  
Ким бу йўлда боглай олса бел.

Йигламайман, қилмагайман арз,  
Бахтли бўлиш менга нораво.  
Чарчаганни ўпмагин бу тарз –  
Ўлим ўпар мени бепарво.

Ўтиб кетди энг азобли кун,  
Гўзал, оппоқ қиш билан бирга.  
Нима учун, оҳ, нима учун –  
Севгилимдан яхшисан, нега?

\* \* \*

Мана, яна бир ўзим қолдим,  
Санаш учун бўм-бўш кунларим.  
О, озод руҳ дўстларим менинг,  
О, ўзимнинг оппоқ қушларим.

Чақирмайман сизни қўшиқда,  
Қайтармайман кўз ёшлар билан.  
Аммо тунги гамгин мусиқа –  
Ибодатда унутолмайман.

Етиб олиб ўқ билан ўлим,  
Орангиздан йиқитар кимни?  
Қорақузгун узатиб қўлин,  
Сўнгра ўна бошлайди мени.

Бир бор бўлар фақат бир йилда,  
Фақат эриганда қалин муз.  
Екатеринанинг богида –  
Тоза сувга тўлганда ҳовуз.

Эшитяпман қанот товшини,  
Мовий гумбаз устидан равон.  
Билмам, очди ким деразани  
Тобутларнинг зулмати томон.

\* \* \*

Сен доим сирлисан ва ўзгарувчан,  
Итоат қиляпман сенга кун сайин.  
О, дўстим, севгингда йўқдир шафқат ҳам,  
Синовинг қахрли оловдай майин.

Тақиқлаб қўйгансан куйлаш, кулишни,  
Ибодат қилишни аввал этдинг маън.  
Сендан айрилмасам бўлди ишқилиб,  
Қолгани барибир! Нима бўлса ҳам.

Ер билан осмонга бегона бўлдим,  
Энди куйлашни ҳам жоним этар рад.  
Гўё сен дўзах ё жаннатда, дўстим,  
Олиб қўйдинг озод қалбимни фақат.

\* \* \*

Юбориб ўтирма кабутарларинг,  
Ёза кўрма ҳечам хавотирли хат.  
Юзимга елима мартнинг шамолин,  
Кеча кечда кўрдим ям-яшил жаннат.  
Тана ва қалбимга қуйилди сокин,  
Чодир остидаги теракдан фақат.

Кўраман шаҳарни худди шу ердан,  
Сарой ёнидаги дўкон, ертўла.  
Музтепада Хитой кўприги сари,  
Уч соатдан буён кутасан – совуқ.  
Лек кетиб бўлмайди эшик олдидан,  
Хайратга солади янги юлдузлар.

Сакрайман олмахон бўлиб дарахтда,  
Югуриб юраман сичқондай чўчиб.  
Чақиргим келади сени оққуш деб,  
Кўрқинчли бўлмаслик учун куёвга.  
Мовий қор айланар бошимда учиб,  
Кутиб туриш шартми ўлган келинни?

\* \* \*

Йигирма биринчи. Оқшом. Душанба,  
Зулматда товланиб кўринар пойтахт.  
Севги борлигини айтди оламда –  
Кайсидир бекорчи, қайси ақли паст.

Дангасаликданми, ё зерикишдан,  
Хамма осонгина унга ишонди.  
Хамма қўшиқ айтди севгидан, ишқдан,  
Тонгда - айрилиқдан қўрқиб уйгонди.

Ва лекин очилди сирнинг бариси,  
Уйқудай элитди сокинлик ҳар дам.  
Тасодиф урилиб кетдим. Ва мен ҳам  
Худди шу касалга чалингандайман.

\* \* \*

Кўришдик ўшанда такрор. Сўнги бор –  
Қиргоқда аввал ҳам учрашган жойда.  
Невада сув жўшқин оқар бегубор,  
Ва яна тошқиндан қўрқув ҳаммада.

Гаплашдик ёз ҳақда. Ва шундай деди:  
Шоирлик аёлга — ярашмаган иш.  
Қандай эслаб қолдим мен баланд уйни,  
Ва Петропавловнинг синчлари таниш.  
Ҳаттоки, бизники эмас-ку ҳаво,  
Нақадар мўъжиза – Тангри совгаси.  
Шу онда берилди менга бебаҳо,  
Телба қўшиқларнинг сўнгиси.

\* \* \*

Менинг соям қолди соғиниб бедор,  
Ҳали ҳам яшар у кўм-кўк хонада.  
Шаҳардан меҳмонлар келар беқарор,  
Сирланган идишлар қолмас панада.

Унча хотиржамлик эмас уйда ҳам,  
Қанча олов ёқсин, уй қоп-қоронгу.  
Шундан зерикади уй бекаси ҳам,  
Шундан эр винога қўйгандир ружу.

Эшитилар девор ортидан овоз,  
Мен суҳбат қураман меҳмон билан соз.

Рус тилидан Хосият РУСТАМОВА  
таржималари



*Ф.М.ДОСТОЕВСКИЙ*

**ИБЛИСЛАР**

*Роман*<sup>1</sup>

**ИККИНЧИ ҚИСМ**

**ТЎРТИНЧИ БОБ**

**ҲАММА КУТМОҚДА**

I

Яккама-якка жанг воқеаси жамиятимизда тез тарқалди, у қолдирган таассуротнинг ажойиб томони шунда эдики, ҳамма бир оғиздан Николай Всеволодовичнинг ёнини олишга шошилди. Кўпгина унинг собиқ душманлари ўзларини унга рўйирост дўст деб эълон қилишди. Жамоатчилик фикрида бундай қутилмаган тўнтариш юз берганига бош сабаб бир муҳтарама аёл томонидан оғзаки тарзда ғоятда топиб айтилган бир-икки оғиз сўз бўлдики, шу пайтгача бундай сўз айтилмаган ва юз берган ҳодиса бирданига бошқача тусга кирган ва бизнинг аксарият кўпчилигимиз унга ғоятда қизиқиб қолгандик. Бу шундай рўй берди: воқеа бўлиб ўтган куннинг эртасига вилоятимиз дворянлари саркорининг рафиқаси ўз таваллуд кунини нишонлаётган бўлиб, бутун шаҳар бу ерда йиғилганди. Юлия Михайловна ҳам Лизавета Николаевна билан бирга келган ва бутун жамоатга бош-қош эди. Лизавета Николаевнанинг чиройи ял-ял очилиб, бир гапириб, ўн кулар, бу бизнинг кўпгина хонимларимизга энди бошқача бир тарзда шубҳалироқ бўлиб кўринди. Айтиб ўтиш ўринлидирки, унинг Маврикий Николаевич билан унаштирилганига энди ҳеч қандай шубҳа қолмаганди. Истеъфога чиққан бир баобрў генералнинг (у ҳақда қуйироқда сўз боради) ҳазиллашиб берган саволига Лизавета Николаевнанинг ўзи ўша зиёфатда мен қаллиқ бўлдим, деб рўйирост жавоб берди. Нима бўлди денг? Хонимларимизнинг лоақал биронтаси ҳам бу унаштиришга ишонгиси келмасди. Ҳаммалари маҳкам туриб, Швейцарияда рўй берган ва албатта Юлия Михайловна ҳам қатнашган аллақандай ишқий саргузашт, қандайдир машъум оилавий сир-синоат борлигини тахмин қилишарди. Ушбу барча овозалар ёки яна нима дейиш мумкин, ҳатто орзу-хаёллар нега бунчалар тўхтамай тарқалаётгани ва нега бунда Юлия Михайловнани ҳам алоқадор қилинаётганининг сабабини топиш қийин. У ичкари залга кириб келгани ҳаманоқ ҳамманинг назари ниманидир кутгандай бўлиб унга ажабтовур тикилди-қолди. Шунини ҳам айтиб

<sup>1</sup> Давоми. Боши 2013 й. 1-2-3-4-5-сонларда.

ўтиш зарурки, воқеанинг ўзи яқинда бўлиб ўтгани ва унга тааллуқли баъзи бир ҳол-аҳволлар боис у ҳақда маълум қадар овоз чиқармасдан эҳтиёткорликни сақлаб пичирлашарди, холос. Бунинг устига, ҳокимиятнинг бу борадаги фармойишларини ҳеч ким билмасди. Шу нарса маълум эдики, ҳар икки рақиб ҳам безовта қилинмаганди. Мисол учун, Артемий Павлович эртаминан барвақт Духоводаги кўрғонига ҳеч қандай тўсқинликсиз жўнаб кетганлигини ҳамма биларди. Ҳеч шакшубҳа йўқ эдики, ҳаммалари кимдир бор овоз билан биринчи бўлиб гап очишини, жамоатчиликнинг бунчалар тоқатсизланаётганига чек қўйишини маҳтал бўлиб кутишарди. Бинобарин, бутун умидлари юқорида эслатилган генералдан бўлиб, сал ўтмай адашмаганликларини билдилар.

Ушбу генерал клубимизнинг басавлат, кўркли аъзоларидан бири бўлиб, у қадар бой бўлмаган помешчик, фикрлаш тарзи ҳам мутлақо ҳеч кимга ўхшамайдиган зот эди, эскичароқ бир йўсинда ойимлару хонимларнинг кетидан қолмас, бир чеккаси эса, катта-катта йиғинларда генералчасига оғзини тўлдириб ҳаммани ўзига қаратиб гапиришни беҳад яхши кўрар, бошқалар андиша ва эҳтиёткорлик билан пичир-пичир қилишаётганда, у баралла вағирлаб юборарди. Бизнинг жамиятимиздаги унинг алоҳида ўрни худди мана шунда кўринарди дейиш мумкин. У сўйлаганда, чет элларда саёҳат қилиб юрадиган русларнинг одатларига тақлид қилибми, сўзларни узун чўзиб, ширин лаҳжада талаффуз қиларди, деҳқонлар ислоҳотидан сўнг энг кўп хонавайрон бўлган илгариги бой рус мулкдорлари ҳам шунақанги қилиб сўйлашарди. Ҳатто Степан Трофимович бир куни айтган эдики, мулкдор қанча кўп зиён кўрган бўлса, тилини шунча ширин ва чучук қилиб сўзлайди, сўзларни чўзади. Айтмоқчи, унинг ўзи ҳам тилини чучук қилиб, сўлиш олиб сўйлар, аммо ўзининг бу одатига эътибор бермасди.

Генерал ҳаммасидан худди пухта хабардор одамдай гапга тушди. Бундан ташқари, у Артемий Павловичнинг узоқроқ қариндоши эди, аммо ораларида низо ва даъво-достон ҳам йўқ эмасди, устига-устак, бир маҳаллар у икки марта яккама-якка отишган ва ҳатто бир сафар Кавказга сургун қилиниб, унволаридан ҳам айрилган эди. Кимдир “қасалдан тургач” икки кундан буён кўчага чиқа бошлаган Варвара Петровна эслатди, ундан кўра кўпроқ каретасига кўшилган савлатли тўрт бўз отини гапирди, бундай отлар фақат Ставрогиннинг от заводларида етиштириларди. Генерал бирдан кутилмаганда бугун ёш Ставрогин от миниб кетаётганини кўрганини айтди... Ҳамма дарҳол жим бўлди. Генерал лабларини чапиллатди-да, бармоқлари орасида кимдир ҳада қилган олтин тамаки чубуқни ўйнаганча сўзини бошлади:

– Бир неча йил бурун бу ерда бўлмаганимга афсусланаман... яъни мен Карлсбадда эдим... ҳим-м. Ўша йигит ҳақида кўп қизиқ гаплар эшитдим, ўша пайтда турли овозалар тарқалганди. Ҳим-м. Нима, у ростдан биров телбароқми? Ўшанда кимдир гапираётган эди. Кейин бирдан эшитиб қолдимки, уни аллаким бир студент қариндош аҳли аёллари олдида ҳақорат қилибди, у эса кўрққанидан сандиқнинг тагига қочиб кириб кетибди; кеча эса Степан Висоцкий айтиб қолди, Ставрогин ким анов билан отишибди... Гаганов билан. Қутурган бир одамга от деб пешанасини ўғил болалик қилиб тутиб берибди; шундан қутулай дебди. Ҳим-м. Йигирманчи йилларнинг гвардиячилари шундай қилишарди. У бу ерларга келиб турадимми?

Генерал худди жавоб кутгандай бўлиб, жимиб қолди. Жамоатчилик тоқатдан тушди.

– Бунинг нимасига ҳайрон бўласиз? – кутилмаганда овозини баланд кўтариб деди Юлия Михайловна, ҳамманинг назари бирдан ўзига қаратилганидан хуноби ошиб. – Ставрогин ҳалиги Гаганов билан отишибди, студентнинг қилиғига жавоб бермабди, бунинг нимасига ажабланасиз? У ўз кўлида хизматкор бўлган одамни дуэлга чақиролмасди-ку!

Эътиборга лойиқ сўзлар! Оддий ва жуда равшан гап, бироқ у шу пайтгача ҳеч кимнинг калласига келмаган эди. Бу гап фавқулодда натижаларга олиб келди. Барча низо, тухмат, ғийбату латифанамо мишмишлар ҳаммаси биратўла орқага сурилди; бошқа бир эътиборли масала олдинга чиқди; янги бир киёфа кашф этилди, ҳамманинг янглишиб юргани аён бўлди, бу киёфа идеал даражадаги қатъиятли тушунчалар эгаси экан. Студент томонидан шармандаларча таҳқирга учраган бу одам алам-озорни ичига ютади, нега деганда, ҳақорат қилган кимса – унга илгари хизматкор бўлган, аммо эндиликда билим-маърифатли инсон, хизматкор ҳам эмас. Жамият тўс-тўполон бўлиб кетган, ғийбатлар авжида; енгилтак ҳавойи жамият башарасига тарсаки туширилган одамга нафратланиб боқади; у ҳақиқий тушунчалар даражасига ўсиб етилмаган, лекин унинг орқасидан аямай чайнаган жамиятнинг башарасига қарагиси келмайди, ундан ор қилади.

– Биз эса, сиз билан бу ерда бемалол ўтириб ҳақ-ноҳақ гаплар устида тортишамиз, Иван Александрович, – олижаноб бир тарзда ўз-ўзини қамчилагандай бўлиб дейди клубнинг бир шинавандаси бўлган чол шеригига.

– Ҳа-йе, Петр Михайлович, ҳа-йе, – бажонидил тасдиқлайди улфати, – бу ёшларни асти кўяверасиз.

– Бу ерда гап ёшларда эмас, Иван Александрович, – дейди гапга кўшилиб учинчиси, – ёшларда эмас масала; бу ерда гап ёшлардан биронтаси устида эмас, гап юлдузда; буни мана шундоқ тушунмок даркор.

– Э, бизга худди шу нарса керак; атовли одам қолмади ҳисоб.

Бунда ҳамма гап шунда эдики, “янги одам” ҳеч шак-шубҳасиз “чин дворян” бўлиш билан бирга, вилоятдаги энг бой ер-мулк соҳиби ҳам эдики, демак, унинг мададкор ва арбоб бўлмай ҳеч иложи йўқ эди. Дарвоқе, мен аввал ҳам, бизнинг ер-мулк эгаларининг умум кайфиятлари тўғрисида йўл-йўлакай эслатиб ўтган эдим.

Ҳатто жазава бошланди:

– У студентга жавоб бермаганидан ташқари, кўлини ҳам дарҳол тортиб олган, бунга алоҳида эътибор беринг, жаноби олийлари, – дерди бошқа бири.

– Янги судга ҳам бўйнидан судраб олиб бормабди тағин, – кўшиларди бошқаси.

– Янги суд эса унга дворян сифатида шахсан таҳқирлангани учун ўн беш рубль ажрим чиқарарди-да, хе-хе-хе!

– Йўқ, бу янги судларнинг сирини мен сизга айтай, – ўпкаси тўлиб дерди учинчиси. – Ким ўғрилиқ қилган ё қаллоблиқда қўлга тушган ва бўйнига қўйилган бўлса – вақт борида тезроқ уйингга қараб чоп, ўз

онангни ўлдир. Дарров оқлаб юборишади, хонимлар ҳам тепада туриб оқ батист рўмчаларини силкитишади: бегумон ҳақиқат!

– Ҳақиқат, ҳақиқат!

Орага ҳангомалар ҳам суқилди. Николай Всеволодовичнинг граф К. билан муносабатларини ҳам эслашди. Граф К.нинг охиригги ислохотлар борасидаги жиддий, айрича фикр-мулоҳазалари маълум эди. Унинг кейинги вақтларда бирмунча тўхтаб қолган ажойиб фаолияти ҳам маълум эди. Буни қарангки, яна бирдан Николай Всеволодович граф К.нинг қизларидан бирига унаштирилиб қўйилганлиги ҳаммага шак-шубҳадан холи бир гапга айланди, ҳолбуки, бундай гап чиқишига аниқ бир баҳонайи сабаб йўқ эди. Қандайдир ажойиб-ғаройиб Швейцариядаги саргузаштлару Лизавета Николаевна масаласига келганда эса, хонимлар буларни ҳатто эсламай қўйишди-я. Ўрни келиб қолди, эслатиб ўтайликки, Дроздовлар худди мана шу вақтга келиб шу пайтгача қолиб кетган барча ташрифларини амалга ошириб бўлдилар. Эндиликда ҳамма Лизавета Николаевнани шубҳасиз одмигина қиз экан, деб топди, ҳа, энди оғриқ асабларига “кичик” қилади-да, дейишди. Унинг Николай Всеволодович келган куни хушидан кетиб қолишини эса, энди студентнинг хунук қилиғидан кўрқиб кетган экан, деб тушунтиришди. Илгари қандайдир хаёлий бир тус, хаёлий бир пакка беришга интилган нарсалари энди ўзларига жуда ҳам одми ва жўн кўринарди; аллақайси оқсоқ аёл эса бутунлай эсларидан чиқди; эслашга ҳам уялишарди. “Юзта чўлоқ хотин бўлмайдами, – ёшлик – бебошлик-да!” – дейишарди. Николай Всеволодовичнинг онасига хурмат-эҳтиромини мисол келтиришар, турли яхши ишларини сўйлашар, унинг олимлиги, тўрт йил немис университетларида ўқиб орттирган билимлари ҳақида хайрихоҳлик билан ҳикоя қилишарди. Артемий Павловичнинг хатти-ҳаракатларини одобсизликка йўйишди: “Ўзингники ўзагингни узади”; Юлия Михайловнани эса тугал-тўкис юксак заковат эгаси деб топишди.

Шундай қилиб, ниҳоят, Николай Всеволодовичнинг ўзи кўриниш берганда, уни ўша жўн жиддий билан қарши олишди, унга қаратилмиш барча кўзлардан ўта бетоқат муштоклик аломатларини ўқиш мумкин эди. Николай Всеволодович дарҳол ўта сипо тус олди ва миқ этиб оғиз очмади, қоп-қоп гап айтгандан кўра шуниси ҳам ҳаммага айниқса маъқул тушди. Қисқаси, унинг омади юришган, ҳамманинг оғзига тушганди. Вилоятнинг жамиятида кимда-ким бир марта кўзга ташланса, шундан сўнг яширинишнинг сира иложи йўқ. Николай Всеволодович вилоят қонун-қоидаларию расм-русумларини худди аввалгидай миридан-сиригача нозик дўндириб бажарарди. Уни шўх-қувноқ деб бўлмасди: “Бошига кўп иш тушган, бошқаларга ўхшамайди; ўйламасдан бўладими”. Унинг мағрурлиги, ёнига ҳеч кимни йўлатмаслиги боис тўрт йил бурун уни ёмон кўришарди, энди булар одамларга ёқар, хурмат қилишарди.

Ҳаммадан ҳам Варвара Петровнанинг боши осмонда эди. Билмадим, Лизавета Николаевна борасидаги орзулари пучга чиққанидан у пушаймон қилардими, йўқми. Бу ерда оиланинг шаъни, ғурури ёрдам берган бўлиши керак. Фақат ғалати томони шуки, Варвара Петровна бирданига Nicolas ҳақиқатан граф К. хонадонидан қиз сайлаганига жуда қаттиқ ишонди ва бошқа яна бир ғалати жиҳати, худди бошқалар каби у ҳам шамол учуриб келган овозаларни чин деб билди; ўзи эса тўғри Николай Всеволодовичнинг ўзидан сўрашга юраги бетламасди. Бирок,

бир-икки марта сабри чидамади ва нега онанг билан мундоқ очилиб гаплашмайсан, деб киши билмас таъна қилди; Николай Всеволодович эса жилмайганча оғиз очмасди. Шундан сукунат розилик аломати деб қабул қилинарди. Яна нима дейсиз: шулар билан бирга у ҳеч қачон оқсоқ аёлни ёдидан чиқармасди. У ҳақдаги фикр юрагида тош бўлиб ётар, уни васвасалар, ғалати шарпалар, фоллар қийнарди ва буларнинг барига граф К.нинг қизлари ҳақидаги орзулар бир вақтнинг ўзида қоришиб кетарди. Лекин бу борадаги гап ҳали олдинда. Ўз-ўзидан равшанки, жамият аъзолари ўртасида Варвара Петровнага яна фавқулудда ва сермулозамат ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўла бошладилар, аммо бундан у кўпда фойдаланмас, меҳмон-изломга жуда кам борарди.

Бироқ у ҳокимнинг рафиқасини тантанали суратда бориб кўрди. Юлия Михайловна дворянлар саркори рафиқасининг зиёфатида айтган юқорида келтирилган сўзларидан ҳеч ким унингдек тўлқинланмаган, мафтун бўлмаганди, албатта: шунда унинг елкасини эзиб ётган тош тушгандай бўлди, уни ўша нахс якшанбадан буён бунчалар эзиб ётган азоб берган нарсаларнинг кўпи бирдан йитди-да кетди. “Мен бу хотинни тушунмаган эканман!” – деб айтди у ўзига хос шиддат ва талпинчоқлик билан тўғри Юлия Михайловнанинг ўзига: сизга миннатдорчилик билдиргани келдим, деди. Юлия Михайловнанинг боши кўкка етди, аммо ўзини улуғвор тутди. Ўша пайтларда у ўз кадр-кимматини жуда баланд тута бошлаган, баъзида ҳаддан ҳам ошириб юборарди. Мисол учун, сўйлашиб ўтиришаркан, мен ҳеч қачон Степан Трофимовичнинг фаолияти ва олимлиги ҳақида ҳеч нарса эшитмаганман, деди.

– Мен, албатта, ёш Верховенскийни ёнимга олганман, ундан меҳримни аямайман. У шошқалоқ, аммо ҳали ёш; илм-билими ҳам катта. Лекин у бари бир қандайдир назардан қолган собиқ танқидчи эмас-да.

Ўша заҳоти бунга жавобан Варвара Петровна, Степан Трофимович ҳеч қачон танқидчи бўлмаган, умр бўйи менинг уйимда яшаб келяпти, деди. Ўзининг илк даври юксалишлари ҳол-аҳволлари билан машхур, “буларнинг бари бутун дунёга яхши маълум”, энг сўнгги пайтларда эса – испан тарихидан асарлар яратди; яна ҳозирги немис университетларининг аҳволи ҳамда Дрезден Мадоннаси ҳақида нималардир ёзишни ният қилган. Бир сўз билан айтганда, Варвара Петровна Степан Трофимовични талатиб Юлия Михайловнага кўйишни истамади.

– Дрезден Мадоннаси дейсизми? Бу ўша Сикстин Мадоннасими? Сhere Варвара Петровна, мен бу сурат олдида икки соат ўтириб, кўнглим тўлмади. Мен ҳеч вақони тушунмадим ва жуда ҳайрон қолдим. Кармазинов ҳам тушуниш жуда қийин дейди. Энди, руслар ҳам, инглизлар ҳам ҳеч нарса топишолмай ҳайрон. Бу шухратлар ҳаммаси чолларнинг бақир-чақири.

– Янги модадир-да?

– Мен эсам, шундай фикрдаманки, биз ёшларимизни камситмаслигимиз керак. Улар коммунист бўлиб кетди, дейишиб айҳаннос солишади, менимча, уларни аяш ва кадрлаш лозим. Мен ҳозир ҳаммасини ўқиб боряпман – ҳамма газеталар, коммуналар, табиийёт фанлари – ҳаммасини оламан, чунки энди охир-оқибат ким билан яшаётганинг ва ким билан ишлаётганингни билиш керак-ку ахир. Бир умр ўз хаёлларингнинг юксак чўққисиди яшаб бўлмайди-ку. Мен ўзим учун хулоса чиқардим ва ёшларга ғамхўрлик қилишни ўзимга дастуриламал қилиб олдим,



шу билан уларни жарга қулаб кетишдан сақлаб қолмоқчиман. Варвара Петровна, менинг сўзимга ишонинг, фақат биз, жамият аъзоларигина жонбахш таъсиримиз ва айнан меҳримиз билангина уларни тубсиз жар ёқасида тутиб қола оламиз, анави нурли-нурсиз қари-қартангларнинг тоқатсизликлари уларни жарга иткитиб юборишга тайёр. Дарвоқе, менга Степан Трофимовични сўзлаб берганингиздан хурсандман. Миямга бир фикр келиб қолди: у бизнинг адабий ўқишларимизда фойда келтириши мумкин. Биласизми, вилоятимиздаги ночор мураббияларга ёрдам тариқасида пуллик ёзилиш йўли билан бир кунлик томоша, ўйин-кулгилар ташкил этмоқчиман. Улар бутун Россияда бор; бизнинг битта уездимизда олтигагача чиқади, улардан ташқари иккита телеграфчи қиз ишлайди, иккитаси академияда ўқийди, бошқалари ҳам хоҳлашади-ю, лекин бунга маблағлари йўқ. Рус аёлининг қисмати жуда ёмон, Варвара Петровна! Энди бу масалани университетларда кўришмоқчи, ҳатто давлат кенгашининг мажлисида ҳам кўриб чиқилди. Бизнинг ажабтовур Россиямизда нима маъқул келса, ўшани қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам, яна фақат шу меҳр-ғамхўрлик ҳамда бутун жамиятнинг бевосита ҳароратли иштироки билан мана шу буюк умумий ишимизни чинакам ҳақиқий йўлга солишимиз мумкин. О худойим, бизда ёрқин шахслар кўп дейсизми! Борликка, албатта, бор-а, аммо улар таркок. Жипслашайлик ахир ва биз кучли бўлажакмиз. Бир сўз билан айтганда, мен аввал адабий-бадий эрталик уюштираман, кейин енгил нонушта, сўнг танаффус ва ўша куни кечдаёқ бал. Биз кечани жонли манзаралар билан бошламоқчи эдик, аммо харажати кўп бўладиганга ўхшайди, шунинг учун йиғилганлар ниқоб таққан раққосларнинг икки давра ўйинларини кўришади, улар маълум адабий йўналишларни тасвирловчи ўзига хос либосларда чиқадилар. Бу қизиқ кулгили фикрни Кармазинов айтди; у менга кўп ёрдам берапти. Биласизми, у бизга ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган охирги асарини ўқиб беради. У қаламини ташламоқчи ва бошқа ёзмайди; бу охирги рисоласида у ўқувчилар билан хайрлашади. У рисоласига “Мерси” деган чиройли ном топган. Французча, лекин у буни кулгилироқ, ҳатто нафисроқ, дейди. Мен ҳам, мен ҳам ҳатто маслаҳат бердим. Менимча, Степан Трофимович ҳам ўзи ўқиб бериши мумкин эди, агар қисқароқ ва... унчалар илмий бўлмаса. Афтидан, Петр Степанович билан яна аллакимлар бир нималарни ўқиб беришмоқчи. Петр Степанович сизнинг олдингизга кириб ўтади ва дастурни элтади; ё яхшиси, ижозат берсангиз, ўзим олдингизга бораман.

– Сиз эса менинг ҳам бунга ёзилишимга рухсат этинг. Мен Степан Трофимовичга айтаман ва ўзим ундан илтимос қиламан.

Варвара Петровна уйга тамоман сеҳрланган ҳолда қайтди; у Юлия Михайловнани ҳар томонлама қўллар ва нима учундир Степан Трофимовичдан қаттиқ жаҳли чиқди; у шўрлик эса уйда ўтириб ҳеч нарсадан хабари йўқ эди.

– Мен бу хотинга мафтун бўлиб қолдим, тушунмайман, нега шу пайтгача у ҳақда янглишиб юрган эканман, – деди у Николай Всеволодович билан кечга томон бу ерга келган Петр Степановичга.

– Сиз бари бир қария билан ярашиб олишингиз керак, – дейди Петр Степанович, – у ич-этини еб қўйди. Сиз уни бутунлай ошхонага бадарға қилиб юборибсиз. Кеча у сизнинг қоляскангизга рўпара келиб таъзим қилган экан, сиз юзингизни ўгирибсиз. Биласизми, биз уни илгари

сурмоқчимиз; мен у билан боғлиқ баъзи нарсаларни паккага олиб кўйдим, у ҳали фойда келтириши мумкин.

– О, у асар ўқиб беради.

– Ёлғиз шунинг ўзи эмас. Мен ўзим ҳам бугун унинг олдига дарров кириб ўтмоқчиман. Унга айтиб кўяйми?

– Таъбингиз. Билмасам, буни қандай қилмоқчи бўласиз, – ботинмайроқ деди Варвара Петровна. – Мен ўзим у билан гаплашиб олмоқчи эдим, қаерда, қачон учрашсак бўлади, шунини айтмоқчийдим. – У қовоғини уйиб олди.

– Хўп, кун тайинлаб ўтириш шарт эмас. Мен унга маълум қилиб кўя қоламан.

– Майли, айтиб кўйинг. Ҳар ҳолда, мен тайин бир кунни белгилайман, унга албатта, шундай денг.

Петр Степанович иршайганча югуриб кетди. Умуман, эсимда қолганки, у шу кунларда қандайдир хуноби ошиб тажанг бўлиб юрар, ким кўринса, шундан худди аламини олмоқчидай хурмача қилиқлар қиларди. Қизиқ, унга ҳаммасини кечириб юбораверишарди. Умуман, шундай бир фикрга келиниб қолган эдики, бу йигитга бошқача, алоҳида бир қараш, муомала жойиз. Айтиб кўяй, у Николай Всеволодовичнинг яккама-якка олишувига беҳад қаҳру ғазаби келиб қаради. У ҳеч буни кутмаганди: унга ҳикоя қилиб беришганда, у ҳатто кулдай кўкариб кетди. Ўзини худди иззат-нафси ерга урилгандай сизди: нечукдирки воқеани фақат эртасига ҳаммадан кейин билди.

– Сизнинг ахир жанг қилишга ҳақингиз йўқ эди, – деб пичирлади у Ставрогиннинг қулоғига тасодифан клубда учрашиб қолганларида воқеа бўлиб ўтгандан беш кун кейин. Қизиғи яна шунда эдики, улар шу беш кун ичида ҳеч қаерда кўришмаган эдилар, ҳолбуки, Петр Степанович Варвара Петровнанинг ҳузурига деярли ҳар куни ров кириб, ров чиқиб турарди.

Николай Всеволодович унга ўта паришон нигоҳ билан сарасоф ташлади-ю, нима гаплигини тушунмагандай бўлиб индамай, тўхтамай ўтиб кетди. У клубнинг катта залидан буфетга ўтиб борарди.

– Сиз Шатовнинг олдига ҳам кирибсиз... Сиз Марья Тимофеевнани ошкор қилмоқчи эмишсиз, – унинг орқасидан чопқиллаб ва ҳатто қандайдир фаромуш ҳолда оғзи тинмай гапирарди унинг елкасидан тутиб.

Николай Всеволодович бирдан елкасидан унинг қўлларини силтаб ташлади ва қовоғини қаҳрли уйиб, шиддат билан ўгирилиб қаради. Петр Степанович унга жуда ғалати, узоқ жилмайиб боқди. Бу бир зумгина давом этди. Николай Всеволодович нари ўтиб кетди.

## II

Варвара Петровнанинг олдидан чиқиб, у дарҳол қариянинг ҳузурига йўл олди, унинг бундай шошилаётганининг бирдан-бир боиси олдинги бир хафагарчиликнинг ўчини олмоқчи эди, мен бундан шу пайтгача беҳабар эдим. Гап шундаки, ота-боланинг ўтган ҳафта айна пайшанба куни бўлиб ўтган охириги учрашувларида бир ёқаси, ўзи баҳсни бошлаган Степан Трофимович охирида Петр Степановични таёқ кўтариб уйдан ҳайдаб чиқарганди. Бу нарсани ўшанда у мендан яширганди; бироқ

мана энди Петр Степанович ҳар қачонгидай майдача такаббуруна қийшиқ жилмайган кўйи ҳар томонга кўзлари олазарақ бўлиб, ёвуз бир қизиксиниб қараганча кириб келганда, Степан Трофимович шу заҳоти менга, сен чиқиб кетма деган маънода хуфя ишора қилиб кўйди. Уларнинг ҳақиқий муносабатлари менга шундай аён бўлди, зеро, бу гал ораларида ўтган гап-сўзлардан бошдан-оёқ хабардор бўлдим.

Степан Трофимович нимкат (кушетка)да узаниб ўтирарди. Ўтган пайшанбадан бери у озиб, сарғайиб қолганди. Петр Степанович унинг ёнида тамомила бетакаллуфона, оёғини ҳеч торгинмай тагига босиб, отасидан кўра кўпроқ жойни эгаллаб ялпайиб ўтирарди. Степан Трофимович индамай ўз шаънини сақлаб нари сурилди.

Стол устида очилган китоб ётарди. Бу “Нима қилмоқ керак?” деган роман эди. Афсуски, мен дўстимизнинг ғалати бир сузтлиги ҳақида айтиб ўтмасам бўлмайди: у мен энди хилватдан чиқишим ва охирги маротаба жанг қилишим керак, деб орзу қилар ва бу орзу унинг васвос ҳаёлида борган сари кучайиб, мустаҳкамланиб борарди. У “чийиллаганлар” билан муқаррар тўкнашиб қоладиган бўлса, олдиндан барча усулларини ва ж-корсонларини билиб қўйиб деб, уларнинг энг асосий “катехизислари”га (ақиданома) қарашни лозим кўрган, шу йўл билан уларнинг барча номайи дастурларини маҳбубаси кўз ўнгида тантанали тарзда инкор ва рад этишни ният қилганди, у романни шу мақсадда топиб, ўқиб ўрганаётганлигини фаҳмладим. О, бу китоб уни қанчалар қийноққа соларди! У баъзан қаттиқ дилтанг бўлиб, китобни итқитиб юборар ва ўрнидан дик этиб туриб кетиб, жазава ичида хонада у ёқдан-бу ёққа юрарди.

– Мен муаллифнинг асосий ғояси тўғрилигига қўшиламан, – дерди у менга иситма ичида, – лекин худди шуниси билан даҳшатлироқ! Айни ўша бизнинг ғоямизнинг ўзи, бизнинг ғоямиз; биз, биз биринчи бўлиб уни экканмиз, ўстирганмиз, хозирлаганмиз, – боз устига биздан кейин уларнинг ўзлари нима янги гап айтоладилар! Бироқ, вох, худойим, бунинг ифодасини қаранг, бузилгани, абжағи чиққанини қаранг! – хитоб устига хитоб қиларди у бармоқлари билан китобни тақиллатиб уриб. – Бизми, шундай хулосаларга интилган эдик? Дастлабки фикр қандай бўлганлигини ким бу ердан аниқлай олади?

– Ҳа, маърифатингни яширяпсанми? – иршайди Петр Степанович китобни столдан олиб сарлавҳасини ўқиркан. – Айни вақти. Агар хоҳласанг, сенга бундан яхшироқларини ҳам келтираман.

Степан Трофимович яна мағрур сўз қотмади. Мен тўрдаги диванда ўтиргандим.

Петр Степанович нима мақсадда келганлигини тез тушунтирди. Ўз-ўзидан равшанки, Степан Трофимович ҳаддан ташқари таажжубга тушди, у беҳад дарғазаб бўлиб, кўрқув оғушида тингларди.

– Яна ўша Юлия Михайловна мени келиб ўқийди, деб ўйлаётгани хали!

– Яъни улар сенга сира ҳам муҳтож эмаслар, ахир. Аксинча, бу сен ҳақингда ғамхўрлик, шу йўл билан сен Варвара Петровнага ҳам суйкалиб борасан. Лекин бари бир ўқимайман деб айтолмайсан, журъатинг етмайди. Ўйлашимча, ўзинг ичингда жон деб турибсан, – иршайди у, – рост, қариган-чуриган чолларимиз жуда жиззаки. Бироқ қулоқ сол, ўлардай зерикарли бўлиб кетмасин-да. Нимани ўқийсан ўзи, испанларнинг тарихиними? Сен менга уч кун олдин кўришга бер, акс

ҳолда ҳаммани ухлатиб қўйма тагин.

Бу шоша-пиша қўполдан-қўпол, очикдан-очик найза санчишлар атайлаб қилинаётганлиги аниқ кўриниб турарди. Инчунин, Степан Трофимович билан бошқа мулоим тил ва нафис тушунчалар воситасида гаплашиб бўлмайти, деб гўё писанда қилинарди. Степан Трофимович ҳамон маҳкам туриб бу мазахларга эътибор бермасди. Аммо унга етказилаётган ҳодисалар уни борган сари қаттиқ ларзага соларди.

– Унинг ўзи буни... сиз орқали менга етказишни тайинладими? – сўради ранги оқариб.

– Яъни, қара, у ўзаро гаплашиб олишларингиз учун вақтини ва жойини таклиф қилмоқчи; бу кўнгилчан муносабатларнинг оқавалари. Сен у билан йигирма йил ноз-финоқ қилиб юриб, уни жуда ғалати кулгили нарсаларга ўргатгансан. Лекин энди хавотир олма, энди ишлар бутунлай бошқача; икки гапнинг бирида “энди кўзим очилипти” дегани деган. Мен унга тўппа-тўғри тушунтириб, миясига қуйиб қўйдим, ўрталарингиздаги дўстлик ўзаро ювинди ағдаришдан бошқа нарса эмас, дедим. Биродар, у менга жуда кўп нарсаларни гапириб берди; вой-бў, сен доим дастёрлик хизматини бажариб келибсан. Сени деб кизариб-бўзариб ўлдим уялиб.

– Мен дастёр бўлибманми? – ўзини тутолмай деди Степан Трофимович.

– Ундан ҳам батарроқ, сен нонхўр бўлгансан, яъни кўнгилли малай. Ишлаш ёқмайди, пул деса ўзимизни томдан ташлаймиз. Буларни энди у ҳам билади; ҳар қалай сен ҳақида гапириб берган нарсаларидан одам даҳшатга тушади. Оббо, биродар-ей, унга ёзган хатларингни ўкиб ичакларим узилай деди; одам уялади, виждонинг қийналади. Аммо сизлар шунчалар бузилиб кетгансиз, бузилиб кетгансиз! Садақада бутунлай бузилишга олиб борувчи алланима бор – сен бунинг равшан мисоли!

– У сенга менинг хатларимни кўрсатдим!

– Ҳаммасини. Лекин шунча нарсани ўкиб бўладими? Вой-бў, шунча кўп қоғоз қоралабсан-а, азамат, икки мингтадан ошиқ хат-а... Э, биласанми, қария, менимча, ўртангизда бир зумгина шундай вақт бўлганки, у сенга тегишни хаёлидан ўтказган. Буни сен аҳмоқларча қўлдан бой бергансан! Мен, албатта, сенинг нуқтайи назарингдан айтяпман, бари бир бу ҳозиргидан кўра анча маъқул эди, ахир сени “бировларнинг гуноҳига” уйлаб қўйиш ҳеч гап эмасди, кизикчилик учун масхарабозни пулга уйлантиришади-ку.

– Пулгайканми! У, у, нима, пулга дедими! – изтироб ичида ўкирди Степан Трофимович.

– Ҳа, бўлмаса-чи? Нима бўлди, мен сени ҳимоя қилдим. Бу сен ўзингни оқлайдиган бирдан-бир йўл. Сенга пул кераклигини унинг ўзи тушунган, ҳаммага ҳам пул керак, ҳар қалай, бу томондан қараганда, сен ҳақсан. Мен унга икки қарра икки дегандай лўнда тушунтириб қўйдим, иккингиз ўзаро манфаатдор бўлиб яшагансиз: у сармоядор, сен эса унинг ҳузурида кўнгилхушлик қилувчи кизикчи. Ҳар ҳолда, у пулига ачинмайди, аммо сен уни роса эчкидай соғган экансан. Фақат унга алам қилган жойи, йигирма йил у сенга ишониб келган, сен унинг олижаноблигидан фойдаланиб, фириб бериб юргансан, узоқ вақт алдатиб қўйгансан. У ўзи ҳам алданганини ҳеч қачон тан олмайди, лекин худди мана шу боисдан сен икки қарра тарсаки ейсан. Ҳеч тушунолмаيمان,

бир кун келиб ҳисоб бериш кераклигини наҳот ҳеч ўйлаб кўрмагансан. Ахир сенинг зиғирдак бўлса ҳам ақлинг бор эди, шекилли. Мен кеча унга сени ғарибхонага топширишни маслаҳат бердим, тинчлан, яхши ғарибхонага, сени хафа қилишмайди; у, чамаси, шундай қилса керак. Эсингдами, бундан уч ҳафта бурун Х. вилоятига менга ёзган охириги хатинг?

– Наҳотки сен унга кўрсатган бўлсанг? – даҳшатга тушиб ўрнидан сакраб туриб кетди Степан Трофимович.

– Йўқасам нима! Дарров кўрсатдим. Ўша у мени кул қилиб ишляпти, менинг талантимга гаши келади ва ҳоказо ва яна “бошқаларнинг гуноҳи” ҳақида ёзган хатинг-да. Оббо, сен биродар-ей, тозаям худбинликнинг чўққисига чиққан экансан-да! Роса хахолаб кулибман. Умунан, сенинг хатларинг ўлардай зерикарли; услубинг ундан баттар. Уларни кўпинча ўқимай ҳам кўяман, биттаси ҳалиям очилмаганча ётибди: эртага мен сенга қайтариб юбораман. Аммо манавиниси, охириги хатинг – буниси ҳаммасидан ўтиб тушади! Вой, куламан-ей, вой куламан!

– Баттол, баттол! – фарёд қилди Степан Трофимович.

– Оббо, ярамас, сен билан сира гаплашиб бўлмайди-да. Қулоқ сол, яна ўтган пайшанба кундай хафа бўляпсанми?

Степан Трофимович қаҳр-ғазаб билан қаддини ростлади:

– Мен билан бундай гаплашишга қандай ҳаддинг сиғади?

– Қандай гаплашай? Содда ва аниқ тил биланми?

– Лекин, қани, бир ўзинг айт-чи, газанда, сен менинг ўғлимман, йўқми?

– Бунисини сен яхшироқ биласан. Албатта, ҳар бир ота бундай ҳолда ўзини кўр бўлгандай тутлади...

– Жим бўл, жим бўл! – дағ-дағ титради Степан Трофимович.

– Ўзинг қара, худди ўтган галгидай яна бакир-чакир қияпсан, яна менга таёқ ўқталасан, мен нима, ўшанда битта хужжатни топиб олдим. Қизиқиб кетиб бутун оқшомни чамадонни титкилаб ўтказдим. Рост, аниқ бир гап йўқ, кўнглинг жойига тушсин. Бу анов полякка онамнинг хати. Аммо, онамнинг феъл-атвориға қараганда...

– Яна бир оғиз гапирсанг, шапалоқ тортиб юбораман.

– Вой, одамлар-ей! – бирдан менга қараб мурожаат қилди Петр Степанович. – Кўрдингизми, ўтган пайшанбадан бери аҳвол шунақа. Сиз шу ерда экансиз, хурсандман, ўзингиз бир хулоса чиқарарсиз жилакурса. Битта далил: мен онам ҳақида гапирсам, у хуноб бўлади, аммо унинг ўзи мени шунга мажбур қилмаяптими? Петербургда, мен гимназияда ўқиб юрган пайтларимда ким мени кечалари икки маротабалаб уйқудан уйғотиб, кучоклаб, худди хотинлардай йиғлаб, нималарни гапириб берганлигини биласизми? Онам ҳақидаги бепарда, беҳаё хангомалар! Биринчи марта унинг ўз оғзидан эшитганман.

– О, мен ўшанда буни энг юксак маънода айтганман! О, сен мени тушунмабсан! Ҳеч нарса, ҳеч нарса тушунмабсан.

– Лекин, ҳар ҳолда, сен мендан кўра тубанроқ қилиб айтгансан, тубанроқ, тўғрими, бўйнингга ол. Лекин ўзинг қара яна, ахир менга бари бир. Мен сенинг нуқтаи назарингдан айтяпман. Менинг нуқтайи назаримдан эса, сен ташвиш тортма: мен онамни айбламайман, сен бўлсанг, сен, поляк бўлса поляк, менга фарқи йўқ. Берлинда ишларингиз чатоқ бўлганига мен айбдор эмасман. Сиз иккингиздан бошқа ақллироқ

нарсани кутиб ҳам бўлмасди. Шуларнинг ҳаммаси жуда кулгили эмасми, ахир! Ўғлингманми, ўғлинг эмасманми, сенга бунинг нима фарқи бор? Қулоқ солинг, – деб мурожаат қилди у яна менга, – у менга бир умр сариқ чақа ҳам сарф қилгани йўқ, ўн олти ёшга киргунимча мени бир марта ҳам кўрмаган, кейин бу ерда мени хонавайрон қилди, энди эса сени бир умр юрагимда асраб келганман, деб қичкиради, олдимда худди актёрлардай ўйин қилади. Э, барака топкур, мен сенга Варвара Петровна эмасман, худо сақласин!

У ўрнидан туриб, шляпасини олди.

– Шу дамдан эътиборан сени оқ қилдим! – ўғлининг устидан кўлини чўзди Степан Трофимович ранги ўликдай оқариб.

– Ана, қандай тентаклик! – хатто ҳайрон бўлиб қолди Петр Степанович.

– Бўпти, алвидо, қария, бошқа ҳеч қачон олдинга келмайман. Рисолани олдинроқ келтир, кўлингдан келса, бемаъни гапларни ёзма: фақат фактлар, фактлар ва яна фактлар, яна муҳими, қисқа бўлсин. Алвидо.

### III

Дарвоқе, бу ерда бошқа баҳона-сабаблар ҳам йўқ эмасди. Падари борасида Петр Степановичнинг баъзи бир ниятлари ҳақиқатан пишиб етилганди. Менимча, у қарияни тамоман аянчли умидсиз бир аҳволга солмоқчи ва маълум бир маънода уни қандайдир аён жанжал-тўполонга италаб юбормоқчи эди. Бу унга бундан кейинги бошқа чет мақсадлари учун керак эди, биз булар ҳақида кейинроқ тўхталамиз. Мана шу чоғларда шу сингари ҳисоб-китоблар, мўлжаллар унда беҳад кўп йиғилган эди, – лекин бари қарийиб хомхаёлларга менгзарди. У Степан Трофимовичдан бошқа яна бир жафокашни кўз остига олиб кўйганди. Кейинчалик маълум бўлдики, умуман, унинг бундай жафокашлари оз эмас экан; аммо улардан биттасини у алоҳида кўз остига олганди, бу эса айни жаноб фон Лембкенинг ўзи эди.

Андрей Антонович фон Лембке ҳисобларга кўра Россияда бир неча юз мингларни ташкил этувчи арзанда бир қавмга (табиат томонидан) мансуб зот бўлиб, бу қавм балки ўзи билмаган ҳолда жамулжам қурч иттифоққа бирлашганди. Албатта, бу иттифоқ олдиндан қасддан ўйлаб топилмаган, балки ўз-ўзича, сўзсиз ва шартномасиз, қандайдир маънавий-ахлоқий мажбурият мақомида умргузаронлик қилар ва ушбу қавмнинг барча аъзолари ҳар доим, ҳар ерда ва ҳар қандай шароитда бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлашар, мададкорлик қилишарди. Андрей Антонович рус олий ўқув муассасаларидан бирида тарбияланиш шарафига муяссар бўлган эди, бу олий ўқув юртида алоқалари кенг тармоқ отган, бой-бадавлат хонадонларнинг ўсмир ёшлари таълим олишарди. Ўқув юртининг тарбияланувчилари ўқишни тугатишлари ҳамонқ давлат хизматининг бир бўлимига хийлагина йирик мансаб курсиларига тайинланардилар. Андрей Антоновичнинг бир амакиси инженер-подполковник, иккинчиси нонвой эди; аммо олий ўқув юртига суқилиб кириб олди ва бу ерда ўзига ўхшаган қавмдошларни кўплаб учратди. У шўх-қувноқ ўрток эди; ўқиши тўнгаккина бўлса ҳам, барча уни ёқтирарди. Аксаран, рус ёшлари юқори синфларга ўтгач, анча юксак замонавий масалалар устида муҳокама юритиб, мана, бизларга қўйиб беринглар-чи,

битириб чикканимиздан сўнг ҳаммасини ўзимиз ҳал қилиб ташлаймиз, деб хезланиб турганларида, Андрей Антонович ҳамон ўта маъсум одми ўқув машғулотилари билан шуғулланишда давом этарди. У ўзининг содда, бироз уятсизроқ қилиқлари билан ҳаммани кулдириб юрар, буни ўзининг олдига мақсад қилиб кўйганди. Дам муаллим маъруза пайтида унга савол билан мурожаат қилиб қолса, у қандайдир қизикчасига бурнини қоқар, – ва бу қилиғи билан муаллимни ҳам, ўртоқларини ҳам кулдирадди; дам ётоқхонада қандайдир бепардароқ жонли томоша кўрсатар, ҳамманинг олқишини оларди; дам фақат бурни билан (жуда қойиллатиб) “Фра-Диаволо” дан увертюра ижро этарди. Ўзини атай искирт, палпис қилиб кўрсатар, нечукдур буни қизик бир нарса деб топарди. Охирги йили у русча шеърлар ёза бошлади. Қавмнинг Россиядаги кўпгина вакиллари каби у ўзининг қавмга мансуб тилини саводхонлик даражасида чуқур билмасди. Шеър ёзишга қизикиши туфайли у тумтайган, уриб шалайим қилиб ташлангандек кўринадиган ўртоғи билан яқинлашди, бу йигитча камбағаллашиб қолган рус генералининг ўғли бўлиб, ўқув даргоҳида бўлажак буюк адабиётчи деб ҳисобланарди. У ёш шоирни хомийлик қаноти остига олди. Шундай бўлиб қолдики, ўқишни битирганларидан сўнг ушбу бадқовоқ ошно ўз хизмат соҳасини рус адабиётининг равнаки учун ташлаб, энди йиртиқ этикда лой кечиб, кеч аёз кузда енгил пальто кийиб, совукда дилдираб юрарди, у кутилмаганда уч йилдан кейин Аничков кўпригида собиқ шогирди Лембкени учратиб қолди, ўқув юртида уни ҳамма “Лембку” деб чақиришарди. Нима бўлди денг? Уни дастлаб бир қарашда таниёлмади ва ҳайрон бўлиб тўхтади. Унинг рўпарасида чиройли, шинам кийинган ёш йигит турарди, у ажиб бир тарзда қизғимтир чакка соқол кўйган, бир кўзли кўзойнак (пенсне) таққан, лакланган йилтироқ этик кийган, кўлида янги қўлқоп, устида кенг шармер пальто, қўлтиғида портфел кистирилганди. Лембке ўртоғига меҳрини сочди, ўзининг қаерда туришини айтди ва бирон кун кечкурун меҳмонга чақирди. Аммо бу пайтга келиб у энди қуруқ “Лембке” эмас, тўлик фон Лембкега айланганди. Ўртоғи унинг уйига ёлғиз қандайдир кин боис меҳмон бўлиб борди. Унча ҳам чиройли ва ҳашаматли бўлмаган, лекин устига қизил қалин мовут ёзилган пиллапояда уни эшикоға кутиб олди ва кимлигини суриштирди. Тепага жаранг-журунг кўнғироқ чалинди. Меҳмон ўзи кутган катта бойлик ўрнига ёнбошдаги чоғроққина хонада ўзининг ўртоғи “Лембку”ни кўрди, хона қоронғу ва эски, катта қорамтир-кўк парда уни қоқ иккига ажратиб турар, юмшоқ эса-да, лекин жуда эски қора-кўк мебел билан жиҳозланган, тор ва юксак деразаларга қора-кўк дарпардалар тортилганди. Фон Лембке ўзига раҳнамолик қилган генералнинг қандайдир жуда узоқ бир қариндошиникида жойлашганди. У меҳмонни очиқ чехра билан кутиб олди, ўзи сипо, мулойим одоб билан муомала қиларди. Жуда узоқ ва чуқур кетмай адабиёт ҳақида гаплашишди. Оқ бўйинбоғ таққан хизматкор нимтатиргина чой ва кичкина, думалоқ қуруқ печений келтирди. Ўртоғи кин билан маъданли сув сўради. Сувни бироз кечикиб келтиришди, Лембке хизматкорга яна бир карра уқтириб ва яна бир карра буюриб, бироз хижолат чекди. Яна ўзи меҳмондан биронта таом келтирсинларми, деб сўради, меҳмон рад этгач, бундан мамнун бўлди, ниҳоят, меҳмон кетди. Умас-бумас, Лембке хизмат пиллапоясида кўтарила бошлаган ва бу пайтда ўзи билан бир қавмдан

<sup>1</sup> Француз бастакори Д.Ф.Обернинг (1782-1871) кулгили операси (1830 й).

бўлган катта генералнинг уйида яшаб турарди.

Ўша пайтда у генералнинг бешинчи қизига кўнгили қўйган, чамаси, қиз ҳам унга бефарқ эмасди. Аммо бари бир Амалияни вақти-соати келганда қари генералнинг қадим ошнаси, кексароқ бир заводчи немисга узатишди. Андрей Антонович узоқ йиғлаб-сиқтаб ўтирмади, қоғозлардан елимлаб бир театр ясади. Қоғоз театр ичида парда кўтариларди, актёрлар чиқиб келар ва кўлларини силкитар эдилар; ложада томошабинлар ўтиришар, оркестр ишора билан камонларни ғижжакларга торгар, капелмейстер таёқчасини ўйнатар, кавалерлар ва зобитлар партерда ўтириб қарсақ чалишарди. Ҳаммаси қоғоздан ясалган, ҳаммасини фон Лембкенинг ўзи ўйлаб топган ва қўндирганди; у театр устида ярим йил ўтирди. Генерал атай бир оила кечаси уюштирди, театрни олиб чиқишди, Амалия билан бирга генералнинг бешта қизи, заводчи бой ва жуда кўп ойим ҳамда бегойимлар ўзларининг немислари билан диққат қўйиб томоша қилишиб, театрни мақташди; кейин рақсга тушишди. Лембке ғоятда мамнун бўлди ва юрак доғларидан қутулди.

Йиллар ўтди, хизматлар юқорилаб борди. Кўзга кўринган жойларда хизмат қилди, доим қавмдошлари раҳбарлигида ишлади ва ёшига нисбатан анча эътиборга сазовор лавозимларга эришди. Кўпдан буён уйланишни хаёл қилар ва анчадан бери эҳтиёткорлик билан қиз қидирарди. Бошлиқларга билдирмай бир журнал таҳририятига қиссасини жўнатган эди, аммо уни босиб чиқаришмади. Бироқ ўтириб бутун бир темир йўл поездини ясади, яна бир ажойиб нарса чиқди: одамлар вокзалдан чемоданлар ва юклар, болалари ва лайчаларини кўтариб чиқишар, яна вагонларга киришарди. Кондукторлар ва хизматчилар у ёқ-бу ёққа юришар, қўнғироқ чалинар, сигнал берилар, шундан сўнг поезд йўлга тушарди. Бу алламбало нарса устида у бир йил ўтирди. Аммо бари бир уйланиш керак эди. Унинг таниш-билиш доиралари ғоят катта, аксаран, немислар дунёсидан эди; аммо у рус доираларида ҳам айланиб юрар, кўпроқ албатта, бошлиқлар ўртасида бўларди. Ниҳоят, ёши ўттиз саккизга кирганда унга мерос ҳам тегиб қолди. Нонвой амакиси қазо қилиб, унга ўн уч мингни васият қилиб қолдирди. Энди жой масаласи қолди, холос. Жаноб фон Лембке анча обрўли юқори хизмат доираларида фаолият юритса ҳам, ўта камтарин одам эди. Унга қандайдир мустақил ҳукумат идораси бўлса, бас эди, унинг фармойишлари бўйича ўтин ғамланиб турса ёки шунга ўхшаган ёғлиққина бир жой бўлса, кифоя эди, бир умр шундай ишлашга рози эди. Лекин худди шу аснода кўпдан кўз тутилган Минна ёки Эрнестина ўрнига қутилмаганда Юлия Михайловна ўнг келиб қолди. Унинг амали дарҳол бир поғона баланд кўтарилди. Камтар ва батартиб фон Лембке шунда иззатталаб бўлишга ўзининг ҳақи борлигини сизди.

Эски тартиб-ҳисоб бўйича Юлия Михайловнанинг икки юзта қароли бор эди, бундан ташқари у ҳар томонлама қўллаб-қувватланарди. Бошқа бир томондан, фон Лембке чиройли одам эди, Юлия Михайловна эса қирқлардан ошиб қолганди. Ажойиби шундаки, у аста-секин ростдан ҳам уни яхши кўриб қолди, ўзини куёв деб ҳис қилгани сайин бу туйғу кучая борди. Тўй куни эрталаб қизга шеър ёзиб жўнатди. Қизга буларнинг ҳаммаси жуда ёқар, ҳатто шеър ҳам ўзига ёқди: қирқ ёш ҳазил эмас-да. Кўп ўтмай у маълум унвон ва маълум бир орден нишон олди, ана шундан сўнг бизнинг вилоятимизга тайинланиб келди.

Бизга келишдан бурун Юлия Михайловна эрининг устида кунт билан



ишлади. Унинг фикрича, эрининг қобилиятлари ҳам йўқ эмасди, кириб бориш ва кўриниш беришни қойиллатар, хаёлга ботиб эшитиш ва жим ўтиришни бошлар, виқор ва салобат билан қад ростлаб туришларни билар, ҳатто нутқ ирод эта олар, ҳатто баъзи бир фикр парчалари, ибтидо ва интиҳоларига эга, энг янги зарур либерализм жилваларини ҳам ўзлаштириб улгурганди. Шу билан бирга унинг қандайдир сезгир эмаслиги, узоқ вақт мансаб ортидан қувгандан сўнг, эндиликда тинч-осуда ҳаёт кечириб ўта мойил бўлиб қолганлиги Юлия Михайловнани ташвишга соларди. Унга ўзининг шуҳратга ўчилигини юқтиришни истарди, у эса кутилмаганда немис черковини қоғоз елимлаб ясай бошлади: пастор хутба ўқишга чиқади, художўйлар қўлларини таъзимга келтириб сомелик қилади, бир аёл рўмолчаси билан кўз ёшларини артади, бир қария бурнини қоқарди, охирида мўъжаз арғанун жаранглаб куй таратарди; анча-мунча харажат-чиқимга қарамай арғанун атайин Швейцариядан буюртма бериб келтирилганди. Юлия Михайловна бундан хабардор бўлгани заҳоти қандайдир кўрқиб кетиб, бутун ишни тортиб олди-да, ўзининг кутисига яшириб қўйди; бунинг ўрнига унга роман ёзишга ижозат берди, фақат ҳеч ким билмасин, деди. Ўшандан буён фақат ўзига ишонадиган бўлиб қолди. Чатоқ томони шунда эдики, бунда анча-мунча енгилтаклик ва ақли кўтаҳлик зоҳир эди. Қисмат уни узоқ вақт қари қиз холида тутиб турган эди. Энди унинг шон-шуҳратга ўч ва алланечук аламангиз ақлида ғоя кетидан ғоялар туғилиб келарди. Унинг хаёли ният-орзулар билан тўлиб-тошган, у вилоятни бошқаришни жон-дилдан истар, ҳозирнинг ўзидаёқ атрофини аён-ашрофлар қуршаб туришларини орзу қилар, шунга яраша йўналиш олганди. Фон Лембке ҳатто бироз чўчиди, лекин тез орада ўзининг амалдорона андишаси билан англаб етдики, умуман ҳокимлиги борасида кўрқиб ўтиришга ҳожат йўқ экан. Дастлабки икки, уч ой, ҳатто анча қониқарли кечди. Аммо кейин орага Петр Степанович сукулиб кириб қолди-ю, ғалати-ғалати воқеалар содир бўла бошлади.

Гап шундаки, ёш Верховенский илк қадамиданок Андрей Антоновичнинг ҳурматини жойига қўймай, унинг устидан ўзига ғалати бир ҳақ қозонди, эрининг обрў-эътиборини қаттиқ туриб кўрғайдиган Юлия Михайловна эса, бунга бутунлай эътибор бермасди; ҳар ҳолда аҳамият бериб қарамасди. Ёш йигит унинг арзандасига айланиб қолди, унинг уйида еб-ичар, ҳатто ётиб ухларди. Фон Лембке ўзини муҳофаза қила бошлади, одамлар ўртасида уни “йигитча” деб чақирар, елкасига ҳимояткорона қоқиб-суқиб қўярди, лекин булар билан ҳеч нарса ўзгаргани йўқ: Петр Степанович эса, чамаси, ҳатто жиддий гап устида ҳам гўё доим унинг устидан кулаётгандай бўлар, одамлар орасида турганда ҳам унга куракда турмайдиган сўзларни айтиб юбораверарди. Андрей Антонович бир куни уйга қайтиб, йигитча ҳеч қандай таклифсиз унинг хонасида диванда ухлаб ётгани устидан чиқди. Йигитча сизни сўраб келган эдим, йўқ экансиз, “мизғиб қолибман” деб баҳона қилди. Фон Лембке диққат бўлди ва яна хотинига арз қилди; хотини унинг тажанглигидан кулди ва айб ўзингизда, оёқда маҳкам туролмайсиз, деб пичинг қилди; ҳар ҳолда “бу бола ҳеч қачон менинг олдимда одобсизлик қилмайди”, деди; нима деганда ҳам, “у содда ва думбул, ҳали жамият чийригидан ташқарида”, деб қўшиб қўйди; фон Лембке аразлади. Ўшанда хотини уларни яраштириб қўйди. Петр Степанович кечирим сўраш ўрнига қандайдир қўпол ҳазил билан кутулди, бошқа бир пайт бўлганда бу

ҳазилни яна бир ҳақоратдай қабул қилиш мумкин эди; аммо айна пайтда тавба-пушаймон ўрнида кўришди. Заиф жойи шунда эдики, Андрей Антонович аввалданоқ фириб еб кўйди, яъники йигитчага ўзининг роман ёзганини маълум қилди. Йигитчани не хаёлда адабиётга яқин деб билдими ё анчадан буён бир ўқувчини орзу қилиб юрганиданми, у илк танишиб олган кезларидаёқ бир куни кечқурун унга икки бобни ўқиб берди. Йигитча зерикканлигини яширмади, тинмай эснади, бир оғиз ҳам мактамади, аммо кетаётганда, бўш вақтлари уйда бемалол ўқиб фикр ҳосил қилиш учун кўлёмани сўраб олиб кетди, Андрей Антонович эса бериб юборди. Ўшандан бери у ҳар куни келиб турса ҳам, кўлёмани қайтармас, сўраганда фақат куларди; охири, ўшанда уйга қайта туриб кўчада йўқотдим, деди. Бундан хабардор бўлгач, Юлия Михайловнанинг қаттиқ жажли чиқди.

– Сен қирҳани<sup>1</sup> ҳам унга айтмадингми, ишқилиб? – сочи тикка бўлиб чўчиб сўради у.

Фон Лембке қаттиқ ўйга ботди, ўйга ботиш эса унга тўғри келмас, докторлар буни тақиқлаган эди. Бундан ташқари, вилоятнинг ўзида иштташвишлар ошиб-тошиб ётарди, биз бу ҳақда қуйироқда тўхтаб ўтамиз, – бунда алоҳида бир моддият мавжуд эди, ёлғиз амалдорлик ориятигина эмас, ҳатто юрак ҳам изтиробда ўртанарди. Андрей Антонович уйланаётганда, оилавий низолар, тўқнашувлар бўлади олдинда деб сира хаёлига келтирмаганди. Минна билан Эрнестинани<sup>2</sup> орзу қилиб, бир умр хаёллар ичида яшаганди. У оилавий гумбур-гумбурларни кўтаролмаслигини ҳис қилди. Юлия Михайловна ниҳоят орани очиб, у билан рўйирост гаплашиб олди.

– Бундан хафа бўлиб юриш сенга ярашмайди, – деди хотини, – сен ундан бир неча баробар ақллироқсан, жамиятда тутган ўрнинг ҳам беқиёс юқори. Болада илгариги эмин-эркин қилиқларнинг асоратлари сақланиб қолган, менимча, булар унинг шўхликлари; аммо бирдан бўлмайди, аста-секин тузалади. Ёшларимизни қадрлашимиз керак; мен ғамхўрлик кўрсатиб келаман, уларни жарга қулаб кетишларидан сақлайман.

– Аммо оғзидан нима чиқаётганини ўзи билмайди, – эътироз билдирди фон Лембке. – Менинг сабр-тоқатим етмайди, у мен боримда ҳам одамлар ўртасида ҳукумат халқни арақ ичириб, қарахт қилиб қўйяпти, шу билан уни исён қилишдан сақляяпти, деб валдирайди. Ҳамманинг олдида мен бу гапларни қандай қилиб чидаб эшитишим керак.

Шуларни айтarkan, фон Лембке Петр Степанович билан яқинда бўлган бир гапни эслади. У Петр Степановични ўзининг либерализми билан тонг қолдирмоқчи бўлиб, унга ўзи йиғиб юрган шахсий турлитуман варақалар коллекциясини кўрсатди, ушбу русларга ва чет элларга тегишли варақаларни фақат ҳаваскор эмас, балки фойдали бир қизиқиш сифатида эллик тўққизинчи йилдан бери кунт билан тўплаб юрарди. Петр Степанович унинг мақсадини сизди ва кўполдан-кўпол қилиб, баъзи бир варақаларнинг бир қатор сўзида қандайдир бутун идоранинг ишидан кўра кўпроқ маъно бор, “сизнинг идорангиз ҳам бундан мустасно эмас”, деб айтди.

Лембкега бу қаттиқ тегди.

– Аммо бу бизда эрта, жуда ҳам эрта, – деди у худди ўтингандай бўлиб варақаларга ишора қилиб.

<sup>1</sup> Немис ибодатхонаси (тарж.).

<sup>2</sup> Асил немис қизлари тимсоли (тарж.).

– Йўқ, эрта эмас; мана, сиз кўрқяпсиз-ку, демак, эрта эмас.

– Бироқ, кўрқяпсизми, бу ерда черковларни бузишга чақиряпти.

– Нима бўпти бузса? Сиз ахир ақлли одамсиз-ку, албатта, ўзингиз ҳам ишонмайсиз, аммо жуда яхши тушунасизки, динга ишониш сизга халқни карахт қилиш учун керак. Ҳақиқат ёлғондан ҳалолроқ.

– Қўшиламан, кўшиламан, тамомила сизга қўшиламан, аммо бизда бу эрта, эрта... – башараси буришарди Лембкенинг.

– Шундан сўнг сиз қандай ҳукумат мансабдорисизки, ўзингиз черковларни бузишга қўшиласиз ва сўйил, таёқлар кўтариб Петербургга юришга розисиз, яна ҳаммасини фурсат билан боғлайсиз?

Оғзидан илиниб қолган Лембке шундай ёмон ўсал бўлди.

– Ундаймас, ундаймас, – кизишарди у тобора орияти кўзиб жаҳлга минаркан, – сиз, йигитча, бизнинг мақсадларимизни билмайсиз, шунинг учун янглишасиз. Кўрдингизми, азиз Петр Степанович, сиз бизни ҳукумат мансабдорлари деб атайсиз? Шундай. Мустақил мансабдорларми? Шундай. Аммо, қаранг, биз нима қияпмиз? Елкамизда мажбурият бор, натижада биз умумий ишимизга худди сизга ўхшаб хизмат қиламиз. Биз фақат сиз лиқирлатаётган нарсани тутиб турамыз, биз бўлмасак, у ҳар томонга сочилиб кетади. Биз сизга душман эмасмиз, ундаймас, биз сизга шундай деймиз: олға босинг, ўсинг, майли, барча эски, ўзгартириш керак бўлган нарсаларни чайқатинг, силтанг, кимирлатинг; аммо биз керак бўлганда, зарур чегараларда ушлаб турамыз, шу билан сизни ўзингиздан қутқарамиз, чунки биз бўлмасак, сиз Россияни лиқирлатиб, ўз муносиб қиёфасидан маҳрум қилиб қўясиз, бизнинг вазифамиз эса муносиб қиёфа ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборат. Яхшилаб ўйлаб кўринг, сизу биз ўзаро бир-биримизга зарурмиз. Англияда ҳам, торилар<sup>1</sup> ҳамда вигилар ўзаро бир-бирига зарур. Ана шу денг: биз тори бўлсак, сиз виги, мен буни айнан шундай тушунаман.

Андрей Антонович ҳатто эхтиросга тушди. У Петербург чоғлариданок ақлли ҳамда либералча сўйлашни яхши кўрарди, бу ерда эса, яна муҳими, ҳеч ким уларнинг гапларини эшитаётгани йўқ эди. Петр Степанович индамас ва ўзини қандайдир одатдан ташқари сипо тутарди. Бу нотикни янада жўштириб юборди.

– Биласизми, мен “вилоятнинг хўжайиниман”, – давом этарди у сўзида кабинетда у ёқдан-бу ёққа юраркан, – биласизми, мен вазифаларим кўплигидан биронтасини ҳам бажаролмайман, бошқа бир томондан эса, аниқ айтишим мумкин, менинг бу ерда қиладиган ишим йўқ. Барча сир шундаки, ҳамма нарса ҳукуматнинг қарашларига боғлиқ. Майли, ҳукумат ўзи ўша ерда республика ташкил этсин, майли, бунда сиёсатдан ёки эхтиросларни сўндиришдан келиб чиқсин, бошқа бир томондан эса, майли, ҳокимлар ҳокимиятини кучайтирсин, ана шунда биз, ҳокимлар республикани ютиб юборамиз; республика нима бўлибди: истаган нарсангизни ютиб юборамиз; нари борганда, мен шунга тайёрман... Бир сўз билан айтганда, менга ҳукумат телеграф орқали фармойиш берсин active devorante десин, ана шунда мен ҳам active devorante қиламан. Мен бу ерда жамоатнинг тўғри кўзига қараб туриб айтдим: “Марҳаматли жаноблар, вилоятнинг барча муассасаларини уйғунлаштириш ва гуллаб-яшнатиш учун фақат бир нарса: ҳокимнинг ҳокимиятини кучайтириш

<sup>1</sup> Тори (tory) – Англияда XII асрда вужудга келган оқсуяқлар ва руҳонийлар партияси. XIX аср ўрталарида Консерваторлар партиясига айланган. Виги (whigs) – XVII асрнинг 80-йилларида Англияда вужудга келган буржуазия партияси. XIX асрга келиб Либерал партияга айланган.

керак”. Кўринг, ушбу барча муассасалар – земство бўладими, судлар бўладими, – нима десамикин, икки ёқлама яшаши зарур, яъни албатта, улар бўлиши керак (бунинг зарурлигига кўшиламан), хўш, бошқа томондан эса, улар бўлмаслиги керак. Ҳаммаси ҳукуматнинг қарашига қараб. Шундай қору бор чиқадики, бирдан муассасалар зарур бўлиб қолади, ана шунда улар менинг ҳузуримда ҳозир бўладилар. Зарурат йўқолиши ҳамон улар ҳам ғойиб, ҳеч ким қидириб тополмайди. Мен active devorante<sup>1</sup> ни шундай тушунаман. Ҳокимнинг ҳокимияти кучаймагунча, у юзага чиқмайди. Сиз билан юзма-юз туриб гаплашяпмиз. Биласизми, мен Петербургда ҳоким уйида эшикда алоҳида соқчи туриши керак, деган гапни айтдим. Жавобини кутяпман.

– Сизга иккита соқчи керак, – деди Петр Степанович.

– Нима учун иккита? – тўхтади унинг олдида фон Лембке.

– Сизни ҳурмат қилиш учун биттаси камлик қилади. Сизга, албатта, иккита бўлиши керак.

Андрей Антоновичнинг пешонаси тиришди.

– Сиз... сиз ўзингиздан кетиб боряпсиз, Петр Степанович. Менинг кўнгилянликимдан фойдаланиб, турли пичинг, кесатиклар қияпсиз ва ўзингизни аллақандай bougu bienfaisant<sup>2</sup> ... қилиб кўрсатяпсиз.

– Ўзингиз биласиз, – тўнгилади Петр Степанович, – ҳар қалай, нима бўлмасин, сиз бизга йўл солиб берасиз ва бизнинг муваффақият қозонишимизни таъминлайсиз.

– Яъни биз деганда кимни айтмоқчисиз ва қанақа муваффақият? – ҳайрон бўлиб унга тикилиб қолди фон Лембке, аммо жавоб ололмади.

Юлия Михайловна бу суҳбатнинг ҳисоботини эшитгач, жуда норози бўлди.

– Лекин мен сенинг арзанданга амалдорларча дакки-дашном беролмайман-ку ахир, – ўзини ҳимоя қиларди фон Лембке, – бунинг устига кўз кўзга тушиб турса... Балки бирон нарса бехос оғзимдан чиқиб кетгандир... кўнгилянликдан.

– Ҳаддан ортиқ-а бу кўнгилянлик. Мен билмабман сенда варақалар коллекцияси борлигини, илтимос, уларни менга кўрсат.

– Лекин... лекин у уларни бир кунга сўраб уйига олиб кетди.

– Сиз яна бериб юбордингизми! – жаҳли чиқди Юлия Михайловнанинг.

– Фаросатсизлик ҳам шунча бўладими?

– Ҳозир одам жўнатаман, олиб келишади.

– У бермайди.

– Мен талаб қиламан! – тутаб кетди фон Лембке, ҳатто сакраб ўрнидан турди. – Ким экан у, шунчалар кўрқадиган ва мен кимман, ҳеч нарсага шунчалик қурбим етмайдиган?

– Ўтиринг, ўзингизни босинг, – тўхтатди уни Юлия Михайловна. – Сизнинг биринчи саволингизга менинг жавобим шу: уни менга ишончли одамлар тавсия этишган, қобилиятлари ҳам жойида, баъзан жуда ақлли гапларни ҳам айтади. Кармазинов мени ишонтириб айтдики, унинг ҳаммаёқда алоқалари бор экан ва пойтахт ёшлари ўртасида таъсири кучли экан. Агарда мен унинг воситасида уларни ўзимга тортиб, атрофимда уюштирсам, уларни ҳалокатдан қутқараман, иззат-нафсларини қондирувчи янги йўл кўрсатаман. У менга жон-дилдан садоқатли ва ҳамма ишда менга қулоқ солади.

– Аммо уларни эркалатиб ўтирсанг... худо билади, яна нималар

<sup>1</sup> Шиддатли фаоллик (франц.).

<sup>2</sup> Мурувватли кўрс (франц.).

қилмайдилар. Албатта, бу яхши фикр... – ночор ўзини ҳимоя қиларди фон Лембке, – аммо... аммо ана, қулоғимга етиб келди, фалон уездда қандайдир варақалар пайдо бўлибди.

– Аммо бу ёзда овоза бўлган эди – варақалар, қалбаки пуллар, яна алланималар, бироқ ханузгача биронта намунаси қўлга тушмади. Ким сизга айтди?

– Мен фон Блюмдан эшитдим.

– Оҳ, қўйинг шу Блюмингизни, ҳеч қачон менга уни гапирманг!

Юлия Михайловнинг фиғони ошиб ҳатто бир дақиқа тили калимага келмай қолди. Фон Блюм ҳоким идорасининг амалдори бўлиб, уни Юлия Михайловна негадир жини суймасди. Буни кейинроқ ҳикоя қиламиз.

– Илтимос, Верховенский тўғрисида ташвишланма, – деб гапга якун ясади Юлия Михайловна, – агар у қандайдир ножўя ишларда иштирок этганда, бундай гапларни айтмасди, сен билан ҳам, бошқалар билан ҳам бундай гаплашмасди. Маҳмаданалар хатарли эмас, ҳатто, айтиб қўяйки, бирон кор-хол рўй берса, мен биринчи бўлиб ундан биламан. У менга кўр-кўрона, кўр-кўрона берилган.

Воқеалардан бироз олдинроққа ўтиб бўлса ҳам, айтиб қўяйки, агарда Юлия Михайловна бунчалар манмансираб, иззатталаб бўлиб қолмаганда эди, ушбу барча бемаънидан-бемаъни одамлар вилоятимизда шунчалар кўп бузғунчиликларни қилмаган бўлардилар. Кўп нарсаларнинг масъулияти унинг бўйнида!

## БЕШИНЧИ БОБ

### БАЙРАМ АРАФАСИДА

#### I

Вилоятимизнинг камхарж мураббиялари фойдасига Юлия Михайловна томонидан режалаштирилаётган байрам олдиндан бир неча маротаба белгиланиб, сўнг яна кечиктирилмоқда эди. Юлия Михайловна атрофида доимий равишда Петр Степанович ўралашиб юрар, майдароқ бир лавозимда ишлайдиган Лямшин деган кимса югурдаклик қилар, бу кишим бир замонлар Степан Трофимович қошида гирдикапалак бўлган, кейинги пайтларда ҳокимнинг уйида фортепиано чалиб, назар-эътиборга тушиб қолганди; қисман Юлия Михайловна бўлажак мустақил вилоят газетасига муҳаррир қилишни мўлжаллаган Липутин; бир қанча бегойимлар ва оймқизлар ва ниҳоят, Кармазинов, гарчи бу зот оёқ тагида ўралашавермаса ҳам, аммо ғоятда мамнуният билан ҳаммага эшиттириб адабиётнинг бал рақси бошланганда, ҳамманинг оғзини очириб қўядиган чиқиш қилажагини овоза қиларди. Хайрия ва иона қилувчиларнинг сони кундан-кунга ошиб борар, шаҳар жамоатчилигининг барча аъён-ашрофлари шунда эди; ҳамма пул кўтариб келса, бошқа қоралар ҳам ёзиларди. Баъзан табақаларнинг аралашиб тургани ҳам яхши, дерди Юлия Михайловна, “акс ҳолда ким уларни маърифатга ошно қилади?” Ошкора қилинмаган хонаки қўмита ташкил бўлган, унда байрам халқона ўтади, деб келишилганди. Анча одам ёзилиб маблағ кўпайгач, бу янгидан-янги сарф-харажатларга ундарди; қандайдир ажойиб бир нарсалар қилгилари келар – шу туфайли байрам муддати кейинга суриларди.

Оқшом балини қаерда ўтказишни ҳамон келишилмаганди: саркорнинг рафикаси ўзининг улкан саройини бир кунга бериб турмоқчи эди; бу ёқда Варвара Петровна Скворешникани таклиф қиларди; қай бири афзал? Албатта, Скворешники бироз узоқроқда эди, аммо кўмитада кўплар у ерда “эркинроқ” бўламиз дейишарди. Варвара Петровнанинг ўзи байрам уникада ўтишини жон деб хоҳларди. Нима учун бу мағрур аёл Юлия Михайловна қошида тилёғламалик қилаётганлигини тушуниш мушкул эди. Балки унга ўз навбатида Юлия Михайловна Николай Всеволодович олдида ўзини ниҳоятда камтарин-камсуқум тутиб, уни илтифотларга кўмиб ташлагани пором келаётгандир, ахир бошқа ҳеч кимга у бундай илтифот кўрсатаётгани йўқ-ку. Яна бир қарра айтай: Петр Степанович ҳокимнинг саройида муттасил ва мунтазам тарзда ҳеч қанда қилмай ўша аввалдан учирма қилинган фикрни шивирлаб, пичирлаб қулоқларга қуярди: Николай Всеволодович энг сирли доиралар билан ғоятда сирли алоқалардаги одам ва эҳтимолки, бу ерга қандайдир топшириқлар билан келгандир.

Ўша пайтлар ақлларнинг кайфияти жуда ғалати эди. Айниқса, аёллар ўртасида қандайдир енгилтаклик шитоб билан урфга кирди. Бир қанча беҳад ҳавойи тушунчалар худди шамол совургандай сочилиб кетди. Одамга унчалар ёқавермайдиган шўх-шодон, ҳавойи нималардир тарқади. Ақлларда қандайдир бетартиблик расм бўлди. Кейин ҳаммаси барҳам топгач, Юлия Михайловнани, унинг атрофидаги, таъсиридаги одамларни айблашди; аммо ҳаммасига Юлия Михайловнани айбдор қилиш ҳам инсофдан эмасди. Аксинча, жуда кўп кишилар олдин янги ҳокимнинг рафикаси жамиятнинг бошини қовуштирди ва ҳаёт бирдан шод-қувноқ бўлиб қолди, деб оғизларини кўпиртириб мақтаб юришди. Ҳатто бир қанча жанжалли воқеалар бўлиб ўтдики, уларда Юлия Михайловнанинг ҳеч қандай айби йўқ эди; аммо ўшанда ҳамма қаҳ-қаҳ отиб кулар, калака-майнавозчилик қилар, уларни тўхтатадиган ҳеч ким йўқ эди. Тўғри, ўзини бир чеккага олиб турган анча-мунча одамлар тўдаси ҳам бор эди, ўша пайтдаги ишларнинг боришига улар алоҳида нуқтаи назар билан қарашарди; аммо ўшанда булар ҳам норозилик билдиришмасди; ҳатто илжайиб туришарди.

Яхши эсимда, ўша кунларда қандайдир ўз-ўзидан каттагина давра пайдо бўлди, чамаси, унинг маркази ҳақиқатан Юлия Михайловнанинг меҳмонхонаси эди. Юлия Михайловнанинг ён-атрофида ўралашган ушбу хос тўғарак доирасида ва албатта ёшлар ўртасида ҳақиқатан гоҳида одоб доирасидан ташқари турли-туман шўхликлар қилишга изн берилар, бу ҳаттоки қоида тусига ҳам кирганди. Тўғаракда бир неча ғоятда дилрабо аёллар ҳам бор эди. Ёшлар сайллар, оқшом зиёфатлари уюштиришар, чавандозлар тўдаси, экипажлар, якка отлиқлар тинмай шаҳар айланарди. Қувноқ можаролар, саргузаштлар уюштиришар, чақчақлашайлик деб, ўзлари можароларни, латифаларни тўқиб чиқаришар, ижро этишарди. Бизнинг кўхна шаҳримизни аллақандай Глупов<sup>1</sup> деган шаҳарга менгзашиб калака қилишарди. Уларни майнавозлар, мазахчилар дейишарди, улар ҳеч нарсани андиша қилиб ўтиришмасди. Чунончи, шундай бир воқеа бўлиб қолди, маҳаллий бир ҳарбий поручикнинг қорамағизгина, ёшгина хотини бор, эри яхши қарамагани учун ичкиликка берилганди, бир кечки зиёфатда енгилтаклик қилиб ўзига чиройли камзул ютиб

<sup>1</sup> М.Е. Салтиков-Шчедрин тўқиб чиқарган рамзий шаҳар номи. Роман воқеалари кечаётган Тверни ҳам шу ном билан аташарди (тарж.).

олиш учун ералаш деган катта қарта ўйинига қўшилади ва ютиш ўрнига ўн беш рублни ютқизиб қўяди. Тўлайдиган пули бўлмагани учун у эридан кўрқиб, худди қизлик пайтидагидек дадил қарз кўтариш пайига тушади, шу зиёфатнинг ўзида шаҳар саркорининг ўғлидан қарзга пул сўрайди, у ёш бўлишига қарамай жуда шилтаси чиққан, маза-матрасиз бир шилқим бола эди. У пулим йўқ деди, бу билан ҳам қаноатланмай бориб унинг эрига воқеани кула-кула айтиб берди. Моянага учма-уч кун кўриб юрган поручик хотинини уйга олиб келиб ўласи қилиб калтаклади, дод-фарёдига ҳам, ялиниб-ёлвориб тиз чўкиб кечирим сўрашига ҳам қарамади. Бу хунук воқеа устидан ҳамма шаҳарда кулиб юрди, гарчи поручикнинг шўрлик хотини Юлия Михайловнани қуршаган доирага тааллуқли бўлмаса-да, бироқ суворалар тўдасида юрадиган, поручикнинг хотинини биладиган шўх-шаддод, асов бир хоним унинг олдида шундоқ кириб чиқиб, уйига меҳмонга олиб кетди. Шу ерда уни бизнинг ўйинқароқ шумтакалар дарров бағирларига олишди, эркалатишди, совға-саломлар беришди-да, тўрт кун эри ёнига жўнатмай тутиб туришди. У шаддод-асов хонимникида турар, хоним ҳамда шўх ўйинқароқлар давраси билан бирга шаҳар бўйлаб чарх урар, ўйин-кулгилар, раксу тарваққосларда қатнашарди. Уни эрингни судга бер, деб қисташарди, уларга хангома керак эди. Ҳаммамиз сени қўллаймиз, ўзимиз гувоҳлик берамиз деб ишонтиришарди. Эри тўда ичига тушишдан кўрқиб индамасди. Шўрлик хотин қулоғигача кулфат шўрига ботганини сезиб қолди ва тўртинчи куни кўрқувдан дағ-дағ қалтираб, қоронғу тушганда ўз химояткорларидан қочиб поручикникига борди. Эр-хотин ўртасида нима кечганини ҳеч ким билмайди; аммо поручик ижарада яшайдиган пастаккина ёғоч уйнинг икки дарчасининг тавақалари икки ҳафтагача тим-тирс берк турди. Юлия Михайловна бу воқеадан хабардор бўлгач, шўх каллошлардан ранжиди, шаддот-асов хонимдан хафа бўлди, холбуки, асов хоним хотинни уйдан олиб чиқиб кетган куниёқ уни Юлия Михайловнага рўпара қилиб таништирган эди. Дарвоқе, бу ишларни тезда унутиб юборишди.

Бошқа бир гал, кичик лавозимдаги оилапарвар мансабдорнинг шаҳарда ҳамма танийдиган ўн етти яшар чиройли қизи бор эди, бошқа уездан келган, бу кичик лавозимдаги амалдор йигит шу қизга уйланмоқчи бўлди. Кейин бирдан гап тарқалдики, никоҳнинг биринчи кечасиёқ номусимни букди, юзимни ерга қаратди деб, дўндикчани тоза ўсал қилибди. Лямшин деганимиз бу ишнинг устида бор экан, тўйда ўлардай ичиб, шу ернинг ўзида учиб қолган экан, эрталаб тонг ёришар-ёришмас бу қувноқ хабарни бутун шаҳарга тарқатиб чиқибди. Бир зумда ўнтача одам йиғилибди, ҳаммаси отлик, баъзилари казакларнинг отларини ёллашибди, мисол учун Петр Степанович билан Липутин, Липутин денг, соч-соқолига оқ оралаган бўлишига қарамай, бевош ёшларимизнинг барча тўпалон-таралабедод эрмакларидан иштирок этарди. Бизнинг урф-одатларимизда никоҳ кечасидан кейинги кун ҳеч қандай тасодифларга қарамасдан извошларда жуфт-жуфт бўлиб эшикма-эшик юришади, шундай қилиб, ёшлар извошда кўчада пайдо бўлишлари ҳамон оқ чавандозлар тўдаси уларни қуршаб олиб, эрталаб то кун кўтарилгунча шовкин-сурон, қий-чув кулги билан шаҳар айланишган. Рост, уйларга кирмай, эшик-дарвозалар олдида кутиб туришган, келин билан куёвни очикдан-очик хўрламасалар-да, аммо бари бир жанжал чиқаришган.

Бутун шаҳарда шу овоза. Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулади. Аммо фон Лембке бунини эшитиб дарғазаб бўлди, Юлия Михайловна билан ўрталарида ғидибиди чиқди. Беҳад дилтанг Юлия Михайловна шўх-бевош ёшларни ўз уйига яқин йўлатмаслик фикрига келди. Аммо Петр Степанович уни бундай йўл тутмасликка унатди, Кармазинов ҳам бир-икки оғиз насиҳат қилди ва Юлия Михайловна эртасигаёқ ҳаммани кечирди. Кармазинов “ҳазил” ўткир бўлибди, деди.

– Бу ерларнинг урф-одати шундай, – деди у, – ҳар қалай жуда қизиқ ва... дадил; ўзингиз қаранг, ҳамманинг юзида кулги, фақат сиз ғазабланыясиз.

Аммо баъзи чидаб бўлмайдиган, тагизил маънодор ҳазиллар ҳам йўқ эмасди.

Шаҳримизда Инжил сотиб юрган бир китобфуруш пайдо бўлди, фуқаролар тоифасидан ўрта ёш бир хотин. Шу ҳақда бир гап очилди, зеро, шу яқин кунларда пойтахт газеталарида китобфурушлар ҳақида қизиқ бир нарсаларни ёзиб чиқишганди. Яна ўша найрангбоз Лямшин бир мактабдан ўқитувчилик ўрнини олишни кутиб, бекор санғиб юрган семинария битирувчиси билан бирга китобфурушдан гўё китоб сотиб олаётгандай бўлиб, унинг халтасига хориждан келтирилган бир тахлам шармсиз беҳаё суратларни солиб қўяди; кейин маълум бўлишича, бу суратлар худди мана шу мақсадлар учун бир жуда ҳурматли қария томонидан совға тариқасида берилган экан, унинг исми шарифини бу ерда айтиб ўтирмайман, бўйнига жуда катта бир орден осилган, ўзи ўз тили билан айтганда, “соғлом кулги ва шўх ҳазилни яхши кўраркан”. Бечора китобфуруш хотин бизнинг Гостиний ряд кўноқраста деган жойимизга келиб, халтасидан муқаддас китобларни олиб кўрсатаётганда, суратлар ҳамма ёққа сочилиб кетибди. Кўтарилди қаҳқаҳа, ғала-ғовур; оломон ёғилди; сўкинган товушлар эшитилди, ур калтак-сур калтак бошланай деди, ҳайтовур полиция етиб келди. Китобфурушни турмага тикишди, фақат кечга томон бу ярамас воқеани таг-туғи билан суриштириб билган ва қаттиқ дарғазаб бўлган Маврикий Николаевичнинг саъйи-ҳаракатлари билан турмадан озод қилиб аёлни шаҳардан чиқариб юбордилар. Шунда Юлия Михайловна Лямшинни дарҳол ҳайдаб юбормокчи бўлди, лекин бизникилар бир тўда бўлиб ўша кун кечдаёқ уни Юлия Михайловнанинг ҳузурига олиб киришди, кўринг, бу фортепианода ажойиб-ғаройиб бир нарсани ўйлаб топибди, сиз фақат эшитсангиз, бас, деб уни кўндиришибди. У ҳақиқатан ҳам, ажойиб-ғаройиб бир нарса экан, номи ҳам кулгили: “Франк-прус” уруши. У “Марсельеза”нинг гулдурас садолари билан бошланарди:

*Qu'un sang impur abreuvre nos sillons!*<sup>1</sup>

Муҳташам чорлов, бўлажак ғалабалар масаррати янграрди. Аммо бирдан мадҳиянинг моҳирона ўнглаштирилган оҳанглари қаторида, қайдадир ён ёқда, тубанда, бурчакда, аммо жуда ҳам яқинда “Mein Lieber Augustin”<sup>2</sup>нинг палид саслари эшитилди. “Марсельеза” уларни пайқамайди, “Марсельеза” энг юксак нуктада ўз улуғворлиги билан сармаст; аммо “Augustin” кучаяди, “Augustin” борган сари сурбетлашади, мана, ниҳоят, “Augustin” оҳанглари қандайдир кутилмаганда “Марсельеза” оҳанглирига уйғунлашади. Бундан гўё

<sup>1</sup> Майли, ҳаром қон суғорсин ерларимизни! (франц.)

<sup>2</sup> “Менинг ширин Августиним” (франц.)



унинг жаҳли чиқа бошлади; ниҳоят, у “Augustin”ни пайкаб қолади, у буни иткитиб ташламоқчи, хира пашшани ҳайдамоқчи бўлади, аммо “Mein Liber Augustin” маҳкам ёпишиб олган; у ўзига қаттиқ ишонган ҳолда ўтирибди; у шодумон ва сурбет; шунда “Марсельеза” ҳам ёмон тентаклашади: у энди жаҳли чиққани ва хафа бўлганини яширмайди; бу норози нола-фарёдлар, бу илоҳга томон умтилган қўллар, кўз ёшлар ва касамлар:

*Pas un pouse de notre terrain  
Pas une pierre de nos forteresses!*<sup>1</sup>

Лекин у энди “Mein Liber Augustin”ни бир оҳангда куйлашга мажбур. Унинг товушлари қандайдир аҳмоқона бир тарзда “Augustin”га ўтади, у эгилиб энкаяди, ўчади. Аҳён-аҳёнда яна “qu’un sang impur...” ёриб ўтади, лекин шу заҳоти яна лўтти вальсга қоришади, жуда-жуда ачинарли. У тамомила бўйсунди: бу Бисмаркнинг кўксига бош кўйиб хўнграган Жюль Фавр, ҳамма-ҳаммасини инъом этган... Лекин шунда “Augustin” ҳам кутуради: овозлар хирқирайди, пиво тинмай кўп ичилгани сезилади, кутурган мақтанчоқлик, миллиардерлар талаби, майин сигаралар, шампанлар ва гаровга олинганлар; “Augustin” қаҳрга миниб тинимсиз ўкиради... Франк-прус уруши охирига етади. Бизникилар қарсақ чалишади, Юлия Михайловна табассум қилади ва “уни ҳайдаб бўладими?” – дейди. Сулҳ тузилди. Аблахнинг ҳақиқатан бир мунча таланти йўқ эмас. Степан Трофимович бир куни ишонтириб айтган эдики, энг юксак даражадаги бадий талантилар жуда ҳам баттарин аблах бўлишлари мумкин ва бунинг бири иккинчисига тўсқинлик қилмайди. Кейин бир миш-миш чиқдики, Лямшин бу асарни четдан келган ўзининг бир таниши, талантли, ёш, камтарин йигитдан ўғирлаб олган эмиш, кимлиги номаълумлигича қолиб кетганмиш; аммо буни кўя турайлик. Бу аблах бир неча йиллар Степан Трофимович хузурда думини ликиллади юрган эди, унинг оқшомги зиёфатларида талабларга кўра қаланғи-қасанғи жухудлар, гаранг аёлнинг дил изҳори, бола туғилиши кабиларни тақлид қилиб ўйнаб берар, эндиликда Юлия Михайловна қошида баъзан йўл-йўлакай Степан Трофимович бўлиб чиқар ва уни ёмон қотириб ўхшатарди, бу асарига у “Қирқинчи йилларнинг либерали” деб ном берганди. Ҳамма қорнини ушлаб хахолаб кулар, шундай бўлгач, охир-окибат уни уйдан ҳайдаб чиқариб бўлармиди: у ниҳоятда керакли одамга айланиб қолди. Бунинг устига у Петр Степанович олдида қулларча думини ликиллатар, Петр Степанович эса ўз навбатида бу вақтга келиб ғалати бир тарзда Юлия Михайловнага жуда кучли таъсир кўрсатадиган бўлиб қолди...

Мен бу аблахни алоҳида сўйлаб ҳам ўтирмасдим, махсусан тўхтаб ўтишга у арзимасди; лекин шу орада анча ғалва чиқарган бир воқеа бўлиб ўтдики, у ҳам бунда иштирок этган экан, деб айтишади, ушбу воқеани эса мен солномамда қайд қилмасдан ўтолмайман асло.

Бир куни эрталаб бутун шаҳар бўйлаб жуда хунук, куфроний таҳқирлаш тўғрисида хабар тарқалди. Бизнинг ғоятда улкан бозор майдонига кираверишда эски Модархудо Мавлиди черкови жойлашган, у қадимий шахримизнинг энг кўҳна обидаларидан саналади. Тўсиқ дарвозаси

<sup>1</sup> На бир қарич еримиз, на қалъаларнинг бир тоши! (франц.)

олдида панжара ортида деворга ўйиб жуда қадимдан Модархудонинг катта икона-санами ўрнатилган. Буни қарангки, санам бир кечада тунаб кетилган, санам қутисининг ойнаси синдирилган, панжара бузилган, тож ва зарҳал ризадан бир қанча тошлар ва марварид инжулар чиқариб олиб кетилганди, яна билмадимки, булар нечоғлик қимматбаҳо эди. Яна шуниси ёмон эдики, ўғрилик, талончиликдан ташқари ақл бовар қилмас куфроний таҳқирлаш ҳам юз берганди: иконанинг синдирилган ойнаси орқасида айтишларича, эрталаб тирик сичқон топилган эмиш. Мана энди тўрт ой ўтгач, бу жиноятни бадарға Федька қилгани аниқ маълум бўлди, аммо негадир бунда Лямшиннинг ҳам қўли бор дейишади. Ўша пайтда ҳеч ким Лямшинни тилга олмаганди, ундан ҳеч шубҳаланишмаган эди, энди ҳамма сичқонни ўша қўйиб кетган деб айтишарди. Эсимда, барча бошлиқларимиз каловланиб қолишди. Жиноят содир бўлган ерда одамлар эрталабдан буён тўдаланишиб туришарди. Бир тўда одамлар доим шу ерда эди, қанчалигини худо биледи-ю, лекин ҳар нечук юздан оз эмасди. Биров келар, биров кетарди. Келганлар чўқинишиб, иконани ўпишарди; хайру садақа қила бошлашди, черковдан садақа бадясини кўтариб роҳиб келди, ниҳоят, чошгоҳдан сўнг соат учлардагина бошлиқлар халққа тўпланиб турманглар, дуо ўқиб, садақа бериб, пешонани босиб ўтиб кетаверинглар, деб буйруқ бериш мумкинлигини тушуниб етишди. Бу бахтсиз ходиса фон Лембекеда жуда оғир таассурот қолдирди. Менга айтиб беришларига қараганда, Юлия Михайловна эрим шу машъум кун эрталабдан бошлаб қаттиқ тушкунликка тушди, деб ёрилган экан, бу ҳолат бундан икки ой илгари касалга чалиниб бизнинг шахримиздан жўнаб кетгунга қадар давом этибди, вилоятимиздаги узоқ чўзилмаган фаолиятдан сўнг Швейцарияда даволанаётганда ҳам тушкунлик уни тарк этмаган экан.

Эсимда, туш пайти соат бирларда ўшанда мен майдонга бордим; одамлар тўдаси жим турар, юзлари тумтайган, қовоқлар солинганди; извошда бир семиз сарғайган савдогар келиб, аравадан тушди-да, ергача эгилиб таъзим қилди, ўпди, бир рубль садақа берди, оҳ-воҳ қилиб яна извошга ўтириб жўнаб кетди. Кейин бизнинг иккита хонимимиз бизнинг иккита шўх ҳазилкашимиз билан бирга коляскада келишди. Йигитлар (улардан бири унча ёш ҳам эмасди) аравадан тушиб, халқни писанд қилмай итариб-туртиб иконага яқин боришди. Иккови ҳам бошидан шляпасини олишмади, бирови эса бурни устига пенсне ойнагини кўндирди. Халқнинг ичида босиқ, аммо норози ғала-ғовур эшитилди. Ойнак такқан азамат чўнтагидан пул тўла ҳамёнини чиқариб, мис чақа олди-да, садақа бадясига ташлади; ҳар икковлари кула-кула, баланд овозда сўйлашиб, коляска томонга ўгирилдилар. Худди шу аснода Маврикий Николаевич ҳамроҳлигида Лизавета Николаевна от миниб келиб қолди. У отдан сакраб тушиб, жиловни унинг амри билан отдан тушмаган ҳамроҳига итқитди-ю, санам қошига келди, бу энди мис чақа садақа қилинган пайт эди. Аччиқланганидан унинг икки ёноғи қизариб кетди; у тўгарак шляпасини бошидан олди, қўлқопини ечди, санам рўпарасида тўғри лой, ифлос йўлкага тиз чўкди ва уч марта эъзоз-икром билан бош эгиб таъзим қилди. Кейин ҳамёнини чиқарди, лекин унинг ичида фақат танга-чақалар қолгани боис, ўйлаб ўтирмай гавҳар сирғасини ечди-да, бадяга қўйди.

– Майлими, майлими? Ризани безайди, – ҳаяжондан тўлиқиб сўради

у роҳибдан.

– Изн берилади, – жавоб берди у, – ҳар бир ҳадя савоб.

Халқ жим, на койир, на маъқулларди. Лизавета Николаевна лой, ифлос кийими билан отига минди-да, тасирлаб жўнаб кетди.

## II

Ҳозиргина баён қилинган воқеадан икки кун ўтгандан сўнг мен уни чавандозлар ўраб олган учта коляскада қаергадир кетаётган бир тўда одамлар даврасида учратдим. У қўли билан ишора қилиб мени чақирди, коляскани тўхтатди ва уларга қўшилишимни қўймай талаб қилди. Коляскада менга бўш жой бор экан, у мени кула-кула ўзининг ҳамроҳлари, дилрабо жононларга таништирди-да, менга жуда ҳам ғалати бир жойга кетаётганларини айтди. У хандон ташлаб кулар ва қандайдир ҳаддан ортиқ бахтиёр кўринарди. Энг охирги кунларда у алланечук жуда қувноқ, меъёрдан ташқари шўх-саганг эди. Ростдан ҳам, бу саргузаштни фавқулудда деб атаса бўларди: барчалари дарё орқасидаги савдогар Севостьяновнинг қўрғонига йўл олишганди, қўрғонга тақаб солинган уйда мана ўн йилдан бери доврўғи бу ердагина эмас, балки қўшни вилоятлар ва ҳатто икки пойтахтда ҳам тарқалган бизнинг дарвеш-девона башоратчимиз Семен Яковлевич тинч-хотиржам, эмин-эркин, фаровон ҳаёт кечирарди. Унинг олдида ташқаридан ҳам кўп одам келарди, девонасифат сўзларини эшитишар, таъзим-тавозе бажо келтиришар, хайру эҳсонлар қилишарди. Эҳсонлар катта эди, мабодо уларни шу ернинг ўзидаёқ Семен Яковлевичнинг ўзи тасарруф қилмаса, тавба-тазаррулар билан худонинг эҳромига, кўпроғи, аксаран, бизнинг Богородский монастирига жўнатиладди; шу мақсадда Семен Яковлевичнинг қошида доим бир роҳиб навбатчилик қиларди. Ҳамма катта хурсандчиликни кутарди. Ушбу тўдадан ҳали ҳеч ким Семен Яковлевични кўрмаганди. Фақат бир маҳаллар Лямшингина унинг ҳузурда бўлган, энди ўзининг ҳикоя қилишича, ўшанда авлиё уни супурги билан уриб ҳайдашни буюрган ва ўзи ўз қўли билан орқасидан икки дона қайнатилган катта картошкани отганди. Отлиқлар ичида кўзимга Петр Степанович чалинди, у яна ёлланма казак отига миниб олган, эгарда кийшайиб хунук ўтирарди, улар орасида от минган Николай Всеволодович ҳам бор эди. У баъзан ҳамма қатори бу каби гашту сайлларда қатнашар, бундай ҳолларда унинг афт-башарасидан хандон-хушон қувноқ ифода аримас, гарчи ҳамон аввалгидек оғиз очмас, камгап эди. Тўда кўприкка тушиб бораркан, шаҳар қўноқхонасига етганда, кимдир бирдан ҳозиргина мусофирхона номерида ўзини отган бир қўноқ топилгани ва полицияни кутишаётганини айтиб қолди. Шу заҳотиёқ буларда худкушни кўриш истаги туғилди. Бу фикр маъқулланди: бизнинг хонимларимиз ҳеч қачон худкушни кўрмаган эканлар. Эсимда, улардан бири баралла шундай деди: “Ҳаммаси жонимизга тегиб кетди, эрмакнинг қандайлигига қараб ўтирмаймиз, қизиқ ҳангома бўлса кифоя”. Фақат бир неча кишигина эшикда қолди; бошқалар гала бўлиб ифлос коридорга кирдилар, улар ўртасида Лизавета Николаевнани кўриб ажабландим. Ўзини отган кишининг хонаси очиқ эди, албатта, бизни ичкарига киритмасликка ботинишмади. Бу ҳали ёшгина бола экан, ўн тўққиз ёшлардан ўтмаган йигитча жуда ёқимтой кўринар, оқиш-сарик

сочлари қуюқ, юзи тухумдай думалоқ, пешонаси тоза ва чиройли эди. У аллақачон қотиб қолган, оппоққина башараси худди мрамгарга ўхшарди. Столда унинг ўз қўли билан ёзилган хат ётарди, менинг ўлимимда ҳеч кимни айбламанглар, тўрт юз рубль пулни “совуриб” қуйдим, шунинг учун ўзимни отдим, деб ёзилганди. Хатда “совуриб” деб ёзилган, тўрт қатор гапта учта грамматик хатога йўл қўйилганди. Ўз ишлари билан келиб қўшни хонада турган семиз помешчик, айниқса, унинг тепасида гирдикапалак бўлиб, тинмай оҳ-воҳ қиларди. Помешчикнинг ҳикоя қилишича, йигитчанинг уйидагилар, бева онаси, опалари ва холалари қишлоқдан уни шаҳарга жўнатишган, шаҳарда яшовчи қариндош аёл ёрдамида турмушга чиқаётган катта опаси учун сепга керакли нарсаларни харид қилиб уйга келтиришни тайинлашганди. Азбаройи қўрққанларидан оҳ-воҳлар қилиб, тинмай турли йўл-йўриқлар кўрсатиб, насихатлар, дуоларга кўмиб ташлаб, чўқинтириб ўн йиллаб жамғарилган шу тўрт юз рублни унинг қўлига ишониб топширишган. Шу пайтгача ҳам бола камтар-камсуқум, қобилгина бўлган экан. У бундан уч кун илгари шаҳарга келиб, қариндош аёлниқига бормай, меҳмонхонага жойлашган ва тўғри клубга қараб йўл олган, банкка пул қўйиб қарта ўйнаётганларга қўшилмоқчи бўлган, аммо ўша кеча ҳеч ким қарта ўйнамаган. У ярим кечада хонасига қайтиб, шампан келтиришларини сўраган, гавана сигараси билан олти-етти турли таом буюрган. Аммо шампанни ичиб маст бўлиб қолган, сигарани чекиб кўнгли айниган, келтирилган овқатларга қўл ҳам урмаган, маст бўлиб, хушидан айрилиб, қаттиқ ухлаб қолган. Эртасига эрталаб уйқудан уйғониб кўзлари чарақлаб очилиб, кеча клубда эшитганларини эслаган ва дарҳол дарё ортидаги манзилда жойлашган лўлилар таборига жўнаган, шу-шу меҳмонхонага икки кун келмаган. Ниҳоят, кеча тушдан кейин соат бешларда маст ҳолда қайтиб келиб, шу заҳоти ухлагани ётган, соат ўнгача донг қотиб ухлаган. Уйқудан уйғониб котлет, бир шиша шато-д’икем, узум, қоғозу сиёҳ ва ҳисоб келтиришларини сўраган. Ҳеч ким ундаги ўзгаришни пайқаман; у хотиржам, осуда ва хушмуомалада бўлган. Афтидан, у ярим кечага яқин ўзини отган, лекин қизик, ҳеч ким ўқ товушини эшитмаган, туш пайти соат бирларда хавотирга тушиб қолишган ва тақиллатиб ҳеч нарсага эришмагач, эшикни бузиб ичкарига киришган. Шато-д’икем май шишаси яримлатиб ичилган, бир тақсимча узумнинг ярмичаси ейилган. Ўқ уч қабзали кичкина револьвер тўппончадан нақ юракни мўлжаллаб узилган. Қон жуда оз оқибди; тўппонча қўлидан сирғалиб гиламга тушибди. Йигитчанинг ўзи тўрдаги диванда ярим суянган ҳолда ётарди. Жони бир зумда чиққанга ўхшайди; башарасида ўлим азоби ва талвасаси сезилмасди; осуда, бахтиёр бир ифода қотиб қолганди; ўладиган одамга ўхшамасди. Бизникиларнинг ҳаммалари ошиқиб, қизиқиб томоша қилишди. Умуман одам боласининг ҳар бир бахтсизлигида ким бўлишидан қатъи назар бошқаларни хурсанд қилувчи алланечук бир нима бўлади. Хонимларимиз миқ этмай қарашар, йўлдошлари эса ақлу заковатлари, юксак чидам, иродалари билан ажралиб туришарди. Улардан бирови бола энг яхши йўлини топибди, бундан ортиғини ўйлаб топишнинг иложи йўқ эди, деди; иккинчи бошқаси бир зум бўлса ҳам, яхши яшабди, деб қўйди. Тўртинчиси бирдан вағирлаб бақирди: нега бизда бунча кўп ўзларини осияпти – нима, илдизлар кўпорияптими, оёқлар тагида ер ёриляптими? Эзма сафсатабозга ўқрайиб қарашди.

Масхарабозликни бўйнига олган Лямшин эса, тақсимчадан бир шингил узумни тортиб олди, унинг ортидан бошқаси кула-кула шишадаги майга кўлини чўзди. Бироқ шу пайт етиб келган полицмейстер уларни тўхтатди ва ҳатто “хонани бўшатишни” сўради. Тўйиб-тўйиб томоша қилиб улгурганлари боис шу заҳоти таллашиб ўтирмай чиқиб кетишди, лекин Лямшин полицмейстерга нимадир деб тирғалиб қолди. Йўлнинг қолган қисмида умумий димоғ чоғлик, вағир-вуғур, кулги, ҳазил-хузул янада авжга минди.

Семен Яковлевичнинг ҳузурига туш пайти соат бирда етиб боришди. Савдогарнинг катта қўрғонининг дарвозаси ланг очик эди, авлиё кўналғасига одамлар кириб-чиқишарди. Семен Яковлевич тушки тановулни қилаётган бўлса-да, одамларни қабул қилишни тўхтатмаган экан. Буни билгач, бизнинг бутун тўдамиз бирданига ичкарига кирди. Авлиё овқатланиб, одамларни қабул қилаётган уч деразали хона кенг ва катта бўлиб, ўртасидан у девордан бу деворгача одамнинг белидан келадиган ёғоч панжара билан тенг иккига бўлиб тўсилганди. Одатда зиёрат қилиб келувчилар тўсиқнинг бу томонида туришар, бахти чопганлар эса авлиёнинг изни билан панжара эшигидан бу томонга ўтказиларди, у хоҳлаганда уларни ўзининг чарм креслолари ҳамда диванга ўтқизарди; ўзи эса доим сийқаси чиққан кўхна волтерий креслосида ўтирарди. У эллик бешларга кирган, шишинқираган, йирик гавдали юзи сариқ одам эди, оқиш-сарик, тепакал, соқоли ўсган, ўнг юзи кўпчиган, оғзи қандайдир қийшайган, бурнининг сўл томонида катта сўғали бор, кўзлари қийик, юз ифодаси осуда, салобатли, уйқусираган кўринишда эди. Немисча кийинган, эғнида нимчасиз, бўйинбоғсиз камзул-сюртук. Камзули остида қалин матодан тикилган оқ кўйлаги кўриниб турарди; оёқлари оғриси керак, туфлида эди. Мен унинг бир пайтлар амали ва амалининг даражаси бўлганлигини эшитгандим. У ҳозиргина майда балиқлар солиб пиширилган шўрвасини ичиб бўлиб, иккинчисига – пўсти билан қайнатилган картошкани туз сепиб ея бошлаганди. У шулардан бошқа нарсани емасди; фақат чойни хуш кўрар, тинимсиз чой ичарди. Унинг ёнида савдогарнинг учта хизматкори хизмат қилиб туришарди, уларнинг бири фрак кийган, иккинчи хунармандга, учинчиси черковнинг қуйи унвонли югурдагига ўхшарди. Яна ўн олти ёшлардаги ҳеч тинч турмас шўх бола ҳам бор эди. Хизматкорлардан ташқари ёши улуғ, соч-соқоли оқарган, тўладан келган, хайр-садақа бадясини кўтариб олган роҳиб ҳам шу ерда. Столларнинг бири устида жуда катта самовар шақиллаб қайнар, унинг ёнида йигирмадан ортиқ стакан терилган патнис турарди. Бу столга қарама-қарши томондаги стол устига ҳадялар қўйилган: бир неча қадок калла қандлар, икки қадок чой, бир жуфт қўлда тикилган туфли, ҳарир рўмол, бир парча мовут, битта каноп мато ва ҳоказолар. Пул хайр-садақаларнинг бари роҳибнинг бадясига келиб тушарди. Хонада одам кўп эди, зиёратчиларнинг ўзи ўнтадан ошиқ бўлиб, улардан иккитаси тўсиқнинг нариги ёғида Семен Яковлевичнинг олдида ўтиришарди, уларнинг бири “қоралардан” бўлган оппоқ оқарган чол бўлиб, иккинчиси кичкина, тарашадай қотган йўловчи роҳиб қария индамай кўзларини ерга тикиб ўтирарди. Бошқа зиёратчилар бари деярли “қоралар”дан бўлиб, тўсиқнинг бу томонида туришарди, улар орасида бошқа уезд шахарчасидан келган бир семиз, соқолдор, русча кийинган савдогар ҳам бор, уни юз мингчи бойлардан

деб билишарди; яна битта кекса ва кўримсиз дворян хотин ва бир заминдор помешчик. Ҳаммалари оғиз очгани журъатлари етмай, омад кулиб боқишини пойлашарди. Тўрт киши тиз чўккан, аммо ҳаммадан кўра кўпроқ диққатни ўзига заминдор помешчик тортарди, бу ёши қирқ бешлардаги семиз одам шундоқ тўсиқ олдида ҳаммага кўринарли жойда тиз чўкиб турар, Семен Яковлевичнинг марҳаматли нигоҳими ё бир оғиз сўзиними эъзоз-икром билан илҳақ кутарди. У қарийиб бир соатдан бери шу алфозда турар, авлиё эса ҳамон унга назарини солмасди.

Хонимларимиз шўх-шўх кулиб, шивирлашиб панжара ёнига тикилишди. Тиз чўкиб ўтирганлару бошқаларнинг ҳаммасини панжарадан нари суришиб, олдиларини тўсишди, фақат заминдор помешчик панжарани маҳкам ушлаганча кўзга кўринадиган жойидан кўзгалмади. Томошага шўх кўзлар, лорнетлар, пенселлар ва ҳатто дурбинлар Семен Яковлевичга қадалди; ҳар қалай Лямшин дурбин тутиб қаради. Семен Яковлевич ҳаммага ўзининг кичкина кўзлари билан осуда ва ялқов нигоҳ ташлади.

– Манзурназарлар, манзурназарлар! – дўриллаган, пишиллаган овоз билан нидо солди у.

Бизниқиларнинг бари кулиб юборишди: “Нима дегани манзурназарлар?” Аммо Семен Яковлевич бошқа сўз қотмай, картошқасини еяверди. Ниҳоят, сочиққа артинди ва унга чой беришди.

У чойни одатда бир ўзи ичмас, зиёратчиларга ҳам куярди, лекин ҳаммага ҳам эмас, одатда кимни кўнгли тортса, шунга таклиф қиларди. Унинг фармонлари кутилмаганлиги билан ҳайрон қолдирарди. Гоҳида бойлар ва мансабдорларни бир чеккада қолдириб, аллақандай қарол ёки қариб-чуриган кампирга чой беришни буюрарди; бошқа бир гал эса йўқсул биродарларни четга суриб, қайсидир семиз бой савдогарга иноят этарди. Чой ҳам бир хил бўлмасди: айримларга шакар солинар, иккинчиларига қанд берилар, учинчиларига умуман курук чойнинг ўзигина инъом этиларди. Бу сафар мусофир роҳиб чолга шакар солинган чой таклиф қилинди, художўй қарияга эса курук чойнинг ўзи узатилди. Монастирдан келган, хайр-эҳсон идишини кўтарган хўппа семиз роҳибга эса негадир чой тутилмади, холбуки, у шу пайтгача ҳар куни бир стакан чой билан сийланарди.

– Семен Яковлевич, менга бир нарса денг, мен анчадан буён сиз билан танишиб олмоқчи эдим, – кулиб деди бизнинг аравачамизда келган лобар хоним кўзларини сузиб. Бу боя бизга эрмак бўлса, қизиқ бўлса, бас, деган хоним эди. Семен Яковлевич унга ҳатто қайрилиб қарагани ҳам йўқ. Тиз чўкканча заминдор помешчик худди улкан босқонни бир кўтариб сўнг туширганларидай овоз чиқариб қаттиқ хўрсинди.

– Шакар чой беринг! – бирдан Семен Яковлевич юз мингчи бой савдогарни кўрсатди; у олдинга сурилиб заминдор помешчик билан ёнма-ён тиззалади.

– Қант ҳам беринг! – буюрди Семен Яковлевич стаканга чой қуйиб узатишгандан сўнг; унга яна бир бўлак беришди. – Яна, яна унга беринг! – Учунчи марта беришди, ва ниҳоят, тўртинчи марта ҳам. Савдогар ғиринг демай ўз шарбатини ичди.

– Оҳ, худойим! – шивирлашиб, чўқинишди халойиқ. Заминдор помешчик яна баралла овоз чиқариб чуқур хўрсинди.

– Падарим! Семен Яковлевич! – кутилмаганда чинқирган ғамбода

овоз эшитилди, бу бизникилар деворга сикиб қўйган ночор аёл эди. – Бир соатдан бери дуо қилиб қўясиз, деб интизорман. Башорат қил, ҳолимни сўр мен етимни.

– Сўра ундан, – кўрсатди Семен Яковлевич черков югурдагига. Югурдак панжара олдига келди.

– Ўтган сафар Семен Яковлевич буюрган нарсани адо этдингизми? – деб сўради у сокин, бир маромдаги товуш билан.

– Отагинам, Семен Яковлевич, қандай қилиб бажарай шулар билан! – фарёд қилди бева хотин, – одамхўрлар, мени судга беришмоқчи, Сенатга арз қилишмоқчи; туғиб ўстирган онасини-я!..

– Бер унга!.. – Семен Яковлевич бир бўлак каллақанд кўрсатди. Ўсмир бола чопқиллаб бориб, қанд бўлагини бева аёлга олиб борди.

– Ох, отагинам, дилинг дарё сенинг. Мен нима қиламан шунчани? – Нола қилди бева хотин.

– Яна, яна! – тақдирларди Семен Яковлевич.

Яна бир бўлак қанд беришди. “Яна, яна”, – буюрарди авлиё; учинчи бўлак, кейин ниҳоят, тўртинчисини ҳам беришди. Бева хотинни ҳар томондан каллақанд билан ўрашди. Монастирдан келган роҳиб хўрсинди: буларнинг ҳаммаси олдингилари мисол монастирга жўнатилган бўларди-я.

– Нима қиламан шунчани? – хўрланиб оҳ-воҳ қиларди бева хотин. – Кўнглимни айнитади-ю!.. Бунинг бир башорат эмасми, отагинам?

– Худди шундоқ, башоратнинг ўзи, – деб қўйди аллаким тўда ичидан.

– Яна унга бир қадоқ, яна! – қўймасди Семен Яковлевич.

Столда яна бир бутун бўлак қолганди, аммо Семен Яковлевич бир қадоқ дегандан сўнг, бевага яна бир қадоқ беришди.

– Худойим, худойим! – хўрсинар ва чўкинарди халойиқ. – Ростакан башорат бу.

– Бундан буён дилингизни меҳрибонлик ва раҳм-шафқат билан ширин қилингиз, ана ундан кейин устихонингиздан устихон бўлган, ўзингиз тукқан болаларингиз устидан арз-дод қилиб келгайсиз, манови белгини шундай деб англагайсиз, – оҳиста манманлик билан сўзлади монастирдан келган, лекин чойдан қуруқ қолган роҳиб иззат-нафси кўзиб, аччиқланган қўйи талқин қилишни бўйнига олиб.

– Э, нима деяпсиз, падарим, – жаҳли чиқди бирдан бева хотиннинг. – Верхишинларнинг уйи ёнганда, улар мени арқонга боғлаб оловга судрашди. Сандиғимга ўлган мушукни солиб қўйишди, ҳеч қандай безориликдан қайтишмайди...

– Ҳайда, ҳайда! – бирдан қўлларини силкитди Семен Яковлевич.

Югурдак ва ўсмир бола панжара ортига югуриб ўтишди. Югурдак бева хотиннинг қўлтиғидан тутди, у бўшашиб орқасига қарай-қарай эшик томонга юрди, ўсмир бола каллақандларни кўтариб орқасидан келарди.

– Битгасини олиб қол, олиб қол! – деб буюрди Семен Яковлевич ёнидаги хунармандга. У чиқиб кетаётганлар томонга югургилади, бироз вақтдан сўнг ҳар учала хизматкор боя тортиқ этилган, энди эса бева хотиндан қайтариб олинган каллақандни кўтариб қайтиб келишди: аммо бева қолган уч бўлакни ўзи билан олиб кетди.

– Семен Яковлевич, – эшик олдидан кимнингдир товуши эшитилди, – мен тушимда бир куш кўрдим, зағча сувдан учиб чиқиб, оловга кириб

кетди. Бу тушнинг таъбири қандай?

– Совуқ бўлади, – деди Семен Яковлевич.

– Семен Яковлевич, менинг саволимга жавоб бермадингиз, анчадан бери сизни ўйлаб юраман, – яна гап очди бизнинг тўдамиздаги хоним.

– Сен сўра! – деб кўрсатди бирдан Семен Яковлевич хонимнинг гапини тингламай, тиз чўккан заминдор помешчикка қараб.

Сўраш буюрилган монастырдан келган роҳиб заминдор помешчикнинг қошига салмоқланиб борди.

– Нима гуноҳ қилгансиз? Бирон нимани бажариш буюрилганмиди?

– Уришма, кўлингга эрк берма деган, – хириллаб деди заминдор помешчик.

– Бажардингизми? – сўради роҳиб.

– Бажаролмайман, ўзимга кучим етмаяпти.

– Ҳайда, ҳайда! Супурги билан ур, супурги билан! – қўлларини силкитди Семен Яковлевич. Заминдор помешчик жазони кутиб ўтирмай, сакраб туриб ташқарига чиқиб кетди.

– Ўтирган жойига тилла танга ташлаб кетибдилар, – деб маълум қилди роҳиб ердан тангани оларкан.

– Манавинга беринглар! – юз мингинчи бой савдогар томонга бармоғини нуқди Семен Яковлевич. Савдогар рад этишга ботинмай, олди.

– Тилла, тилла-я, – чидолмай деди монастыр роҳиби.

– Манавинга эса ширин чой, – деб кўрсатди бирдан Семен Яковлевич Маврикий Николаевични. Хизматкор чой қуйиб адашиб пенсне таққан олифтага олиб борди.

– Дарозга, дарозга, – тўғрилади уни Семен Яковлевич.

Маврикий Николаевич стаканни олди, ҳарбийча ярим таъзим қилди ва чойдан хўплади. Нима учунлигини билмайман-у, бизникиларнинг ҳаммалари қаҳ-қаҳ уриб кулишди.

– Маврикий Николаевич! – унга бирдан мурожаат қилди Лиза, – тиз чўккан анави жаноб кетди, сиз унинг ўрнига чўккалаб туринг.

Маврикий Николаевич ажабланиб унга қаради.

– Сиздан илтимос қиламан, мен жуда хурсанд бўламан. Кулоқ солинг, Маврикий Николаевич, – ўз сўзидан сира қолмай қайсарлик билан қизғин бидирлади қиз, – албатта, чўк тушинг, мен сизнинг чўккалаб ўтиришингизни албатта кўришим керак. Агар тиз чўкмасангиз – менинг олдимга бошқа келмай қўя қолинг. Албатта, туринг, албатта, туринг!.. Мен хоҳлайман!..

Билмадим, бу билан нима демоқчи эди; аммо у худди тутқаноқ тутгандек, қайсарлик билан қайтмай оёқ тираб туриб олди. Биз яна қуйроқда кўриб ўтамыз, Маврикий Николаевич қизнинг айниқса кейинги пайтлардаги бундай инжиқ қилиқларини ўзига нисбатан англаб бўлмас ғазаб-нафратнинг авж олиши деб тушунарди, яна шуни ҳам тушунардики, бу асло ҳақиқий қаҳру ғазабдан эмас, йўқ, аксинча, қиз уни эъозлар, яхши кўрар, ҳурмат қиларди, – бу унга яхши маълум эди, – ҳа, бу аллақандай алоҳида ғайришуурий аччиқланиш эдики, баъзи дамларда бундан у ўзини сира тутолмас, тўхтата билмасди.

У индамай чойни орқада турган қандайдир кампирга узатиб, панжаранинг эшигини очди-да, таклифни кутиб ўтирмасдан Семен Яковлевичнинг хос томонига ўтиб, ҳамманинг кўз ўнгида хонанинг



ўртасида чўккалади. Ўйлайманки, унинг содда ва одоб-икромга мойил кўнгли Лизанинг бутун жамоат кўз ўнгида қилган мазаҳ ва таҳқиридан каттиқ озор чеккан эди. У балки менинг бундай хўрликка дучор бўлганимни кўргач, Лиза ўзининг бефаросат, қайсар қилиғидан уялса керак, деб хаёлидан ўтказган бўлса эҳтимол. Албатта, ундан бошқа ҳеч ким бундай даргумон ва жўн йўл билан аёл зотининг хатосини тўғрилашга ҳеч қачон ҳатто уриниб ҳам ўтирмасди. У тиззалаб чўк тушган, юзида ўзгармас жиддият акс этар, қомаги узун, бесўнақай, кулгили кўринарди. Аммо бизникилар кулишмасди; кутилмаган бу қилиқ ҳаммага оғир таъсир қилди. Ҳамманинг кўзи Лизада эди.

– Малҳам, малҳам! – тўнғиллади Семен Яковлевич.

Лиза бирдан ранги ўчиб, чинқириб юборди, оҳ урди ва ўзини панжара ортига отди. Кўз очиб-юмгунча васвасага тўла бир ҳолат рўй берди: у Маврикий Николаевични икки тирсагидан чангаллаб ушлаб, кучининг борица тиззасидан турғизишга илло-билло уринди.

– Туринг, туринг! – деб қичқирди у худди ҳушидан айрилган одамдай, – дарров туринг, дарров! Бу нима қилиқ!

Маврикий Николаевич тиззасидан турди. Қиз унинг қўлларини тирсагидан юқори маҳкам ушлаб, диққат билан юзига тикиларди. Унинг нигоҳида кўрқинч акс этарди.

– Манзурназарлар, манзурназарлар! – такрорларди яна Семен Яковлевич.

Қиз ниҳоят Маврикий Николаевични панжаранинг бу ёғига олиб ўтди; бизнинг бутун тўдамизда кучли бир ҳаракат содир бўлди. Коляскамизда бирга келган хоним таассуротни бироз енгиллатиш учунми, учинчи марта овозини баланд кўтариб чийиллаб яна Семен Яковлевичдан нозланиб кулиб сўради:

– Менга қаранг, Семен Яковлевич, менга ҳам бир нарса десангиз-чи? Сиздан умидим катта эди-да.

– Ановнингга... сени, ановнингга... сени!.. – бирдан Семен Яковлевич унга қараб ўта уятли бир сўз айтди. Сўзлар ваҳшатангиз ҳамда ёмон аниқ айтилди. Хонимларимиз чинқиришиб, чувиллашиб чопиб қочиб чиқиб кетишди, йигитлар қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Бизнинг Семен Яковлевични қилган зиёратимиз шу билан тугади.

Бироқ шуниси ҳам борки, бу ерда яна бир фавқулудда сирли ҳодиса бўлиб ўтганини ҳам айтишади, тан олиб айтишинки, ушбу сайру саёҳат тўғрисида бунчалар батафсил эслаётганимнинг боиси ҳам айнан худди мана шунда.

Айтишларича, ҳамма гала бўлиб ташқарига отилганда, Маврикий Николаевич қўлтиқлаб олган Лиза бирдан эшик олдида тикилинчда Николай Всеволодович билан юзма-юз келиб қолди. Яқшанба куни эрталаб ҳушдан кетиб қолгандан бери ҳар икковлари бир неча маротаба кўришган бўлишларига қарамай, бир-бирларига яқинлашмаган ва ўзаро сўз қотмаган эдилар. Мен эшик олдида уларнинг дуч келганликларини кўрдим: назаримда улар бир зум тўхтаб, бир-бирларига ғалати қилиб қараб қўйгандай бўлишди. Аммо издиҳом ичида мен яхши кўрмаган бўлишим ҳам мумкин. Яна шуни ҳам жиддий қилиб сўйлашардики, Лиза ялт этиб Николай Всеволодовичга қараб, қўлини унинг юзи баробарида кўтарган эмиш ва агар йигит тез чап бермаганда шапалоқлаб юбориши ҳам ҳеч гап эмас экан. Эҳтимол, қизга айниқса шу тобда Маврикий Николаевич

воқеасидан кейин унинг юзидаги бирон-бир ифода ё қандайдир илжайиш ёқмаган бўлса ажабмас. Тан оламан, мен ўзим ҳеч нарсани кўрмадим, аммо бошқалар биз кўрдик ахир деб ишонтиришмоқчи бўлишарди, лекин ола дўлоб ичида ким нимани ҳам кўрарди, балки баъзиларни демаса. Фақат ўшанда мен бунга ишонмадим. Бироқ эсимда, қайтишда Николай Всеволодовичнинг ранги йўл бўйи оқарган эди.

### III

Худди мана шу кезлар, айна мана шу куни Степан Трофимовичнинг Варвара Петровна билан учрашуви бўлиб ўтди, буни Варвара Петровна анчадан бери миясининг бир четида сақлаб келар ва собиқ маҳрамига ҳам анча илгари маълум қилиб қўйган, лекин нимагадир шу кунгача орқага суриб келарди. Улар Скворешникида кўришдилар. Варвара Петровна шаҳар ташқарисидаги қўрғонига боши иш-ташвишлардан ғувиллаб етиб келди: шу кунларда тўла-тўқис бир қарорга келишганди: бўлажак байрам саркор рафиқасининг саройида ўтади. Аммо Варвара Петровнанинг ўткир ақли шитоб билан ишлаб кетди, байрамдан кейин у ўзининг алоҳида байрамини Скворешникида ўтказди, бутун шаҳарни чакиради, ҳеч ким бунга тўсқинлик қилолмайди. Аммо ўшанда ҳамма ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилади кимнинг уйи яхшироғу ким меҳмон кутишни қойиллатади, дид-фаросат билан бал беришни дўндиради. Умуман уни ҳеч таниб бўлмай қолди. У бутунлай қайта туғилгандай эди, аввалги тегма нозик “юксак хоним”дан (Степан Трофимовичнинг сўзи) энг одми тантик кибор хотинга айланди-қўйди. Дарвоқе, бу шундай туюлган бўлиши ҳам мумкин.

Бўм-бўш хувиллаган қўрғонга келиб у садоқатли ва қадим Алексей Егорович ҳамда зўр тажрибадор, безаклар бўйича мутахассис Фомушка билан бирга барча хоналарни айланиб чикди. Кенгашдилар, мулоҳаза юритдилар: шаҳардаги уйдан қандай мебеллар келтирилади; қандай жихозлар ва суратлар; улар қаерга қандай жойлаштирилади; гулхона ва гуллардан қандай фойдаланилади; гулдор матолар қаерга қўйилади; буфет қаерда бўлади; битта бўладими ё иккита ва ҳоказо ва ҳоказо. Мана шу каби энг қизғин юмушлар ичида унинг хаёлига бирдан Степан Трофимовичга карета жўнатиш фикри келиб қолди.

Степан Трофимовичга анча олдин хабар қилиб қўйилган, тайёр бўлиб турар, ҳар куни худди мана шундай кутилмаганда бўладиган таклифга илҳақ эди. Каретага ўтираркан, у чўқиниб қўйди; унинг тақдири ҳал бўлмоқда эди. У келганда маҳбубаси катта залда экан, тахмондаги мўъжаз диванда ўтирар, олдида кичкина мрамор стол, қўлида қоғозу қалам: Фомушка газчўп билан хор ва деразаларнинг баландлигини ўлчар, Варвара Петровна ўзи рақамларни ёзар ва қоғоз хошиясига белгилар қўярди. Хоним ишини тўхтатмай Степан Трофимовичга бошини силкитиб қўйди, у эса нималардир деб саломга жавоб бергандай бўлди, хоним тезгина унга қўлини узатди-да, қарамасдан ёнидан жой кўрсатди. “Мен юрагимни ховучлаб” беш дақиқача кутиб ўтирдим, – деб хикоя қилиб берганди у менга. – Бу энди мен йигирма йилдан бери биладиган хотинга ўхшамасди. Ҳаммаси бутунлай тамом бўлибди, деган фикрга келдим-у, бу менга қувват бағишлади, у ҳатто бундан хайрон бўлди. Қасам ичаманки, у менинг мана шу охириги соатдаги матонатимга қойил қолди”.

Варвара Петровна бирдан қаламини столга қўйди-да, тезда Степан Трофимовичга ўгирилиб қаради.

– Степан Трофимович, ишларимизни гаплашиб олайлик. Ишончим комил, сиз ўзингизнинг ҳашамдор сўзларингиз ва ранг-баранг ибораларингизни тайёрлаб келгансиз, аммо тўғри гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолайлик, нима дейсиз?

Степан Трофимовичнинг эти жимирлаб кетди. Хоним бошданок жиловни ўз қўлига олмоқчи, кейин нима бўларкин?

– Тўхтанг, гапирманг, мен гапимни айтиб бўлай, кейин сиз, гарчи яна билмасам, сиз менга нима ҳам дер эдингиз? – давом этарди хоним тез-тез бидирлаб. – Сизнинг ҳаётингизнинг охиригача бир минг икки юз рубль нафақа тўлаб туришликни мен ўзимнинг кутлуғ вазирам деб биламан; йўқ, бу кутлуғ мажбурият эмас, бу оддий шартнома бўлади, бу ҳақиқатга яқинроқ, тўғрими? Хоҳласангиз, буни қоғозга туширамиз. Мабодо мен ўлсам, бошқа кўрсатмалар мавжуд. Аммо сиз мендан бунинг устига яна квартира, хизматкорлар ва бор таъминотга эга бўласиз. Буларни пулга чақсак, бир мингу беш юз рубль бўлади, шундайми? Яна кўзда тутилмаган фавқулудда ишлар учун уч юз ажратаман, якуни тўла уч минг. Сизга бир йилга етадимми? Оз эмас шекилли? Яна фавқулудда ҳолатларда мен қўшиб тураман. Хуллас, пулни олинг, менинг одамларимни ўзимга қайтаринг ва қандай хоҳласангиз, шундай яшанг, қаерда десангиз, ўзингиз биласиз, Петербургдами, Москвадами, чет элдами ёки бу ерда, фақат меникида эмас. Эшитдингизми?

– Яқинда айни шу оғиздан мен қаттиқ туриб шошилинич билан айтилган бутунлай бошқа талабни эшитгандим, – секин, маъюс ва равшан қилиб сўзлади Степан Трофимович. – Мен бўйсундим ва... сизга казакча рақс тушиб бердим. *Oui, la comparaison peut etre premise. C'etait comme un petit cozak du Don, qui sautait sur sa propre tombe*<sup>1</sup>.

– Гапни тўхтатинг, Степан Трофимович. Сиз ёмон кўп гапирасиз. Сиз ўйин тушмадингиз, сиз менинг олдимга янги бўйинбоғ, янги кўйлак, кўлқоп кийиб, упа-элик суртиб, атр сепиб чикдингиз. Менга ишонинг, жуда уйлангингиз келиб турган экан; юзингиздан шундоқ уқиб олдим, бу сизга ҳеч қандай кўрк бергани йўқ. Буни ўша заҳотиёқ ўзингизга айтмаганимнинг сабаби – одоб сақладим. Аммо сиз уйланишни хоҳладингиз, уйланишни хоҳладингиз, мен ҳақимда, қайлигингиз ҳақида шунга қарамасдан жуда расво сўзларни аямасдан ёздингиз. Энди эса бутунлай бошқача. Бу ерда *cozak du Don*га бало борми, сизнинг қабрингиз устидаги рақсга бало борми? Мен тушунмайман сира бу нима ўхшатиш? Аксинча, ўлманг, узоқ-узоқ яшанг, мен эса фақат хурсанд бўламан.

– Ғарибхонадами?

– Ғарибхонада? Уч минг даромад билан ғарибхонада яшамайдилар. Оҳ, эсимга тушди, – кулиб юборди хоним, – ростдан ҳам, Петр Степанович бир куни ғарибхона деб ҳазиллашувди. Оҳ, чиндан бу алоҳида бир ғарибхона, буни ўйлаб кўриш керак. Энг ҳурматли зотлар учун мўлжалланган, у ерда полковниклар бор, бир генерал ҳам бормоқчи экан. Агарда сиз шунча пулларингиз билан у ерга борсангиз, роҳат-фароғатда бўласиз, хизматингизни қилишади. Сиз у ерда илм-фан билан шуғулланасиз, қартага ҳам вақт топасиз...

<sup>1</sup> Ҳа, шундай ўхшатиш жойиз. Донлик казак ўз қабри устида ўйин тушгандай (франц.)

– Passons<sup>1</sup>.

– Passons? – оғринди Варвара Петровна. – Аммо, ундай бўлса, гап тамом; сизга маълум қилдик, шу пайтдан эътиборан биз бошқа-бошқа яшаймиз.

– Шу бўладими? Йигирма йилдан фақат шу қолдими? Охирги хайрлашувми?

– Сиз хитоб қилишни ёмон яхши кўрасиз, Степан Трофимович. Ҳозир бу нарса урфдан чиққан, улар дағал, аммо жўн гапиришади. Йигирма йилни ўйлаб юрганингизни қаранг? Йигирма йил фақат ўз-ўзимизни яхши кўрдик, холос. Сизнинг менга ёзган ҳар бир хатингиз менга эмас, авлодларга ёзилган. Сиз дўст эмас, нафосат услубчисисиз, дўстлик эса, фақат шухрат топган сўз, аслида: ўзаро мағзава тўқиш...

– Ё худойим, ҳаммаси бошқа бир одамнинг сўзлари! Ёдлаб олинган сўзлар! Сизга ҳам алоҳа ўз либосларини кийдиришибди! Сиз ҳам шод-хуррам, сиз ҳам офтобга чиқибсиз; *chere, chere*, сиз қайси арзон шўрвага ўз эркингизни алишдингиз!

– Мен бошқаларнинг сўзларини такрорлайдиган тўти эмасман, – қизишиб кетди Варвара Петровна. – Ишончингиз комил бўлсин, менинг ўз сўзларим жавҳардай жамланган. Шу йигирма йил ичида сиз менга нима қилиб бердингиз? Ҳатто сиз учун олиб келтирилган китобларни ҳам менга раво кўрмадингиз, агар муқовачи бўлмаганда, саҳифалари қирқилмай ҳам ётаверарди ханузгача. Илк йилларда сиздан менга раҳбарлик қилишингизни сўраганимда, менга қайси китобларни ўқишга бердингиз? Нукул Капфиг, нукул Капфиг<sup>2</sup>. Менинг ўсишимга ғашингиз келарди ва чоралар кўрардингиз. Холбуки, ҳамма сизнинг устингиздан кулади. Тан оламан: сизни фақат танқидчи деб ўйлардим; сиз адабий танқидчисиз, холос. Петербургга кетаётганимизда сизга журнал чиқармоқчиман, унга бутун ҳаётимни бағишламоқчиман деганимда, сиз шу заҳоти менга кинояли қарадингиз ва жуда ёмон такаббур бўлиб кетдингиз.

– Ундай эмас, ундаймас... ўшанда биз таъқиб қилишларидан кўрққандик...

– Ҳа, ўшандай, менайтгандай эди, Петербургда таъқибдан сиз ҳеч кўрқиб ўтирганингиз йўқ. Февраль ойи эсингиздами, хабарлар тарқалганда, сиз кутилмаганда кўрқиб кетиб, олдимга югургилаб келдингиз, мендан ёзма гувоҳнома ёзиб беришимни талаб қилдингиз, чиқиши мўлжалланаётган журналнинг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ деддингиз, ёшлар менинг олдимга эмас, хонимнинг ҳузурига келишади, деб бўйин товладингиз, ўзингизни фақат хонаки муаллим деб танитдингиз, бу уйда ҳали моянам тўланмагани учун яшаб турибман, деб писанда қилдингиз, шундай эмасми? Эсингиздами булар? Сиз бутун ҳаётингиз давомида жуда ҳам ажралиб турардингиз, Степан Трофимович.

– Бу бирпаслик иродасизлик эди, холос, сиз билан менинг ўртамда, – алам билан нидо қилди ҳабиб, – аммо наҳот, наҳот, шундай арзимаган таассуротларни деб, ҳаммасини узиш керак? Шунча узоқ йиллар давомида ўртамизда наҳотки ҳеч нарса сақланиб қолмаган бўлса?

– Сиз ҳамма нарсани ёмон ҳисоб-китоб қиласиз; яна шундай қилсангизки, мен тагин қарздор бўлиб қолсам. Сиз чет элдан қайтганингизда,

<sup>1</sup> Буни кўяйлик (*франц.*).

<sup>2</sup> Капфиг (1802-1872) – Француз тарихчиси ва адабиётчиси. Грановский бу авторни ёшлигида қизиқиб ўқиган (*тарж.*).

менинг олдимда кибрландингиз ва оғзимни очирмадингиз, кейин мен ўзим у ёққа бориб, сиз билан Мадонна ҳақидаги таассуротларимни ўртоқлашганимда, сиз қулоқ солишни истамадингиз, мийиғингизда кулдингиз, худди сизга ўхшаб ўз туйғуларимга эга бўлишим мумкин эмасдай.

– Бу ундай эмасди, чамаси, ундаймас... J'ai oublié<sup>1</sup>.

– Йўқ, айнан шундай бўлган, менинг олдимда мактанадиган ҳеч нарсангиз йўқ эди, нега деганда, булар ҳаммаси бекор, фақат ўзингиз тўқиб чиқарган нарсаларингиз. Мана энди ҳеч ким, ҳеч ким Мадоннага лол бўлиб қарамайди ва бунга вақтини кеткизмайди ашаддий қариялардан бошқа. Бу исботланган.

– Исботланган эканми?

– У ҳеч нарсага хизмат қилмайди. Бу идиш фойдали, негаки, унга сув тўлдириш мумкин; манави қалам фойдали, у билан ёзилади, анавининг башараси эса бошқа барча хотинларникидан хунукроқ. Олмани суратини чизинг-да, ёнига ҳақиқий олмани қўйинг – қай бирини оласиз? Хато қилмасангиз керак. Мана нимага олиб боради энди сизнинг барча назарияларингиз, эркин тадқиқотнинг илк нурлари тушган заҳоти улар ғойиб бўлади.

– Ҳай, ҳай.

– Сиз истехзоли куласиз. Мисол учун, сиз менга садақа ҳақида нима девдингиз? Ҳолбуки, садақанинг лаззати такаббур ва ғайриахлоқий лаззат, бойнинг ўз бойлигидан оладиган лаззати, ҳукмпармолигидан лаззат, йўқсул олдида беқиёслигидан лаззат. Садақа, берувчини ҳам, олувчини ҳам бузади, бунинг устига бундан ҳеч қандай мақсад ҳосил бўлмайди, чунки қашшоқликни батарроқ қилади. Ишёқмаслар садақа талабида берувчининг олдида тўпланишади, қиморбоз шундай ютаман деб қиморга ўтиради. Ҳолбуки, уларга ташланган танга-чакалар ҳеч нарсага етмайди. Ўз ҳаётингизда сиз кўп садақа қилдингизми? Уч-тўрт чақа бўлса бордир, эслаб кўринг-чи. Яна хотирлаб кўринг-чи, охирги марта қачон садақа берувдингиз? Икки йилча бурун, балки тўрт йил ҳам бўлгандир. Сиз бақириб-чақирасиз-у фақат ишга тўғаноқ бўласиз. Садақа эндиги жамиятда қонун йўли билан манъ этилиши лозим. Янги жамиятда ҳеч қачон камбағаллар бўлмайди.

– Вой, бу бировларнинг сўзлари! Дарров янги жамиятга етиб боришдими? Шўрлик хотин, сизга худонинг раҳми келсин!

– Ҳа, етиб боришди, Степан Трофимович; сиз мендан барча янги ғояларни яшириб келдингиз, улар энди ҳаммага маълум, менга ғашингиз келиб шундай қилгансиз, мени ўзингизга бўйсундириб олмоқчи бўлгансиз. Мана энди анави Юлия ҳам мендан юз чақирим илгариди. Аммо энди менинг ҳам кўзим очилди. Мен сизни кўлимдан келганча ҳимоя қилдим, Степан Трофимович; ҳамма сизни айблагани-айблаган.

– Бас! – ҳабиб ўрнидан турмоқчи бўлди, – Бас! Сизга яна нима тиласам экан, пушаймон бўлиб қолманг-да ишқилиб.

– Яна бирпас ўтиринг, Степан Трофимович, сиздан яна сўрайдиган гапим бор. Адабий эрталик пайтида сиз ўз асарингизни ўқишга таклиф этилгансиз; буни мен уюштирдим. Айтинг-чи, сиз нимани ўқийсиз?

– Мен айни шу маликалар маликаси, бутун инсониятнинг идеали бўлмиш Сикстин Мадоннаси ҳақида маъруза ўқийман, сиз уни битта стаканга ёки битта қаламга арзимайди дедингиз.

<sup>1</sup> Эсимдан чиққан (франц.).

– Вой, тарихдан эмасми? – аламангиз ажабланди Варвара Петровна. – Аммо буни эшитишмайди. Мунча шу Мадоннага ёпишиб олдингиз! Ҳамма ухлаб қолади, сизга шу керакми? Ишонинг, Степан Трофимович, мен фақат сизнинг фойдангизни кўзлаб гапиряпман. Ўрта асрларга оид испан тарихидан биронта қизик, қисқа сарой воқеасини олсангиз, нима қилади, ёки ундан ҳам яхшиси, битта латифани олинг, уни ўзингиз бошқа хангомалар, қизик-қизик ўткир сўзлар билан тўлдилинг. У ерда ҳашаматли саройлар, алламбало хонимлар, захарлашлар бўлган. Агар шу испан тарихидан ҳам бир қизик воқеани сўйлаб беролса жуда ғалати бўларди-да, деяпти Кармазинов.

– Кармазинов сийқаси чиқиб кетган бир тентак, келиб-келиб менга мавзу танлармишми!

– Кармазинов ақлли хумкалла! Сиз ёмон ўйламай гапирасиз, Степан Трофимович.

– Сиз айтаётган Кармазинов – ичи тўла захар, ёзавериб адойи тамом бўлган, қариб сўлжайган ойимтилла! *Chere, chere*, сизни шунчалар тез ўзларига тобе қилиб олишдими, а, о, худойим!

– Унга сира тоқатим йўқ, ўзини катта олади, аммо ақлига тан бераман. Яна қайтариб айтаман, сизни ҳимоя қилдим қўлимдан келганча. Ўзингизни кулгига қўйиб нима қиласиз, одамлар зерикиб кетади. Сиз ўтган асрнинг вакилисиз, саҳнага виқор билан кулиб чиқинг, қизик қилиб учта латифа айтиб беринг, баъзан жуда боплайсиз-ку латифа айтишни. Нима қилибди, майли, чол бўлсангиз ҳам, майли, ўтган замоннинг одамисиз, майли, улардан орқада қолиб кетган бўлсангиз; сўзингизнинг бошида сиз кулиб туриб буни бўйнингизга оласиз, шунда сизни ҳамма кўради қандай ёқимтой, очик кўнгил, зеҳни ўткир синган сопол эканингизни... Қисқаси, туз-намаги ростланган эски одам ва яна шунчалар илғор, ўзи ҳозиргача риюя қилиб келган баъзи тушунчаларнинг нақадар яроқсизлигини англаб етган. Шундай қилсангиз, бошим осмонга етарди, хўп денг, илтимос.

– *Chere, etar!* Сўраманг, қилолмайман. Мен Мадонна ҳақида маъруза ўқийман, бўрон кўзгайман, у ё уларнинг барини пачақлаб ташлайди, ё ёлғиз мени хароб қилади!

– Кўпроқ сизнинг ўзингизни, Степан Трофимович.

– Менинг қисматим шундай. Мен разил бир кул, сассиқ ва бузуқ бир малай ҳақида ҳикоя қилиб бераман. У нарвон кўйиб, қайчи кўтариб чиқади ва буюк идеалнинг илохий сиймосини қийиб ташлайди, бу тенглик, кин-адоват ва... ҳазми таом учун деб эълон қилади. Майли, менинг лаънатим оламларга ёйилсин, ўшанда, ўшанда...

– Жиннихонагами?

– Эҳтимол. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам, енгиламанми ё енгаманми, ўша кечаёқ хуржунимни кўтариб, менинг гадо хуржунимни олиб, ҳамма қақир-кукурларимни, барча сизнинг совғаларингизу барча нафақалару бўлажак роҳат-фароғатларни ташлаб, пойи пиёда кетаман, ҳаётимни тожирнинг уйида мураббий бўлиб тугатаман ва ё бирон ерда, девор тагида очликдан жон бераман. Менинг сўзим шу. *Alea jacta est!*

– Шунга ишончим комил эдики, – ўрнидан турди Варвара Петровна кўзларидан ўт чакнаб, – йилларча шунга, шунга ишонган эдимки, сизнинг яшашдан мақсадингиз битта эди, у ҳам бўлса, мени ва менинг хонадонимни тухматга қўйиб шарманда қилиш! Савдогарникида

мураббийлик қилармиш, ўлиги девор тагида қолиб кетармиш, бу нима деганингиз? Ғазаб, бўхтон булар ҳаммаси!

– Сиз доим мендан нафратлангансиз; аммо мен ўз маҳбубамга жобир каби содиқ қоламан, зеро, сизнинг фикрингиз мен учун ҳамма нарсадан кўра қадрлироқ эди. Шу дамдан бошлаб ҳеч нарсангизни қабул қилмайман, холис эъзозлайман.

– Намунча тентаксиз!

– Сиз ҳеч қачон мени ҳурмат қилмагансиз. Менинг камчиликларим битмас-туганмас. Рост, мен сизни тимириб едим; мен беибо тилда сўзлаяпман; аммо тимириб ейиш ҳеч қачон хатти-ҳаракатларимнинг асосий мақсади бўлган эмас. Бу ўз-ўзидан шундай бўлиб қолди, билмайман, нега... мен сиз билан доим ўртамизда еб-ичишдан кўра юқорироқ бир нарса бор деб билардим, яна-яна мен ҳеч қачон, ҳеч қачон аблаҳ, разил бўлмаганман! Ана, энди йўлга, тузатай мен ўзимни! Ўз ишларимни! Бу кечиккан йўл, кеч кузак тушган, далаларни туман босган, менинг келажак йўлим қотиб қолган, қиров қоплаган, шамол эса яқин қабр узра увиллайди... Лекин йўлга, йўлга, янги бир йўлга:

*Тўлиб соф севгига  
Лазиз орзуга содиқ...*

О, хайр энди, орзуларим! Йигирма йил! *Alea jacta est.*

Унинг юзига шашқатор кўз ёшлар ёйилди; у шляпасини қўлга олди.

– Мен лотинчани сира тушунмайман, – деди Варвара Петровна кучининг борича ўзини тутиб.

Ким билсин, балки унинг ҳам йиғлагиси келгандир, аммо қаҳр-ғазаб ва инжиқлик яна бир қарра устун чиқди.

– Мен фақат бир нарсани биламан: булар бари ўйинқароқлик. Сиз ҳеч қачон бу худбин дўқ-пўписаларингизни амалга оширолмайсиз. Сиз ҳеч қачон бормайсиз, савдогарникига қўнмайсиз, хотиржам менинг ўз кўлимда бўласиз, нафақаларингизни оласиз, ҳеч нарсага ўхшамайдиган ошналарингизни сешанба кунлари ҳузурингизга йиғасиз. Хайр энди, Степан Трофимович.

– *Alea jacta est!*<sup>1</sup> – у маҳбубасига чуқур таъзим қилди ва ҳаяжондан жони чиқиб кетай деб уйга қайтди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### ПЕТР СТЕПАНОВИЧНИНГ ТАРАДДУДЛАРИ

#### I

Байрам куни узил-кесил белгиланди, фон Лембке эса борган сайин маъюсроқ ва хаёлчанроқ бўла борарди. У ғалати, мудҳиш хавотирларга тўла вабу Юлия Михайловнани қаттиқ ташвишга соларди. Рост, хавотирга соладиган нарсалар оз эмасди. Бизнинг аввалги юмшоқ ҳокимимиз бошқариш ишларини бирмунча тартибсиз ҳолда қолдирганди; шу кунларда вабо тарқалиш хавфи туғилганди; айрим жойларда анча қаттиқ мол ўлати бошланган; ёз бўйи шаҳару қишлоқларда ёнғин авж олди, авом

<sup>1</sup> Қуръа ташланди! (*лот.*).

ўртасида ўт қўювчилар борасида аҳмокона норозилик кундан-кунга кучаярди. Талончилик олдинги вақтларга қараганда икки баровар ортди. Лекин, албатта, буларнинг бари ғайрифавқулудда ҳодисалар эдики, шу пайтгача ўзини бахтли деб санаб келган Андрей Антоновичнинг тинчини бузган булардан кўра бошқа жиддий сабаблар ҳам магарамким йўқ эмасди.

Юлия Михайловнани ҳаммадан кўра кўпроқ унинг кундан-кунга индамас бўлиб ва ғалати бир тарзда ўз қобиғига ўзи ўралиб бораётгани таажжубга кўярди. Бўлмаса, у нимани ҳам яширарди? Рост, у хонимга камдан-кам эътироз билдирар, кўп ҳолларда эса унга тўла бўйсунарди. Мисол учун, хоним қаттиқ туриб талаб қилгандан сўнг ҳокимнинг ҳокимиятини кучайтириш борасида сал бўлмаса ғайриқонуний ва ўта таваккалчилик йўсинида икки ёхуд уч чора-тадбирлар амалга оширилди. Яна худди шу тарзда бир қанча мудҳиш ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб берилди; мисол учун, судга берилиши ва Сибирга жўнатилишга сазовор кишилар фақат хонимнинг талабига кўра мукофотларга тақдим этилди. Айрим шикоятлар ва арзноналарга мудом жавоб бермаслик одат тусига кирди. Буларнинг бари кейинчалик маълум бўлди. Лембке ҳаммасига имзо чекибгина қўя қолмай, фақат ўзига тааллуқли вазифаларни адо этишликда рафикасининг қай даражада қатнашаётганлиги масаласини муҳокама қилишдан ҳатто бош тортарди. Ҳолбуки, ўқтин-ўқтин «Мутлақо арзимаган» нарсалардан жон-пони чиқиб кетар ва Юлия Михайловнани таажжубга соларди. Албатта, у индамай юриб-юриб кейин бунинг эвазига ўзини андак исён кўтариш билан тақдирлашга эҳтиёж сезарди. Ажабо, Юлия Михайловна ўзининг шунчалар сезгирлигига қарамай, ушбу олижаноб феъл-атвордаги олижаноб нозикликларни фаҳмлашдан ожиз эди. Эвоҳ! Бунга унинг қўли тегмас ва худди шу нарсадан жуда кўп англашилмовчиликлар келиб чиқди.

Баъзи бир нарсалар ҳақида ҳикоя қилиш менга лозим кўринмайди ва бунга кучим ҳам етмайди. Идорага доир хато-камчиликлар ҳақида муҳокама юритиш менинг ишим эмас, умуман, ушбу идорага дахлдор жиҳатларни мен бутунлай бир чеккага сураман. Солнома олдиға мен бошқа вазифаларни қўйганман. Бундан ташқари, яна андак кутсак, ҳозирда бизнинг вилоятимизга тайинланган тергов томонидан кўп нарсалар очилади. Бироқ айрим тушунтиришлар беришликни четлаб ўтиб бўлмайди.

Аммо Юлия Михайловна ҳақида давом этай. Шўрлик хоним (мен унга жуда ачинаман) ўзини шунчалар мафтун қилган ва тинмай чорлаган барча нарсаларга (шон-шухрат ва ҳоказо) бунчалар кучли ҳамда фавқулудда ҳаракатларсиз ҳам тўла эришса бўларди, лекин у биринчи қадамлариданоқ бошқача йўл тутди. Аммо орзу-хаёлларнинг тўлиб-тошганиданмикин ёки илк ёшлик чоғлардаги узоқ маҳзун омадсизликлар боисиданмикин, тақдир ўзгарган вақтда у бирдан ўзини алоҳида бир тарзда чорланган, пешонасига нур қўнган, «устимда шул тил ярқиради», деб ортиқча ишонди, кулфат эса худди мана шу тилнинг айни ўзида эди; ҳар қалай, у бир шиньон эмаски, ҳар бир аёл бошига лойиқ келса. Аммо бу ҳақиқатга ҳаммадан ҳам аёл зотини ишонтириш қийин; аксинча, ким маъқуллаб хушомадгўйлик қилиб турса, ўшанинг ошиғи олчи, маъқулловчилар эса ким ўзарга ўйнашарди. Бечора хотин



бир зумда ранг-баранг таъсирларнинг ўйингоҳига айланиб қолди, айна чокда ўзини ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган ишларни қиялпман, дегандай тутарди. Кўп устомонлар унинг кўрида қўлларини иситишди ва унинг қисқагина давом этмиш ҳокимиятида соддадиллигидан беармон фойдаланишди. Мустақил иш юритиш сиёқидан нима бўтқа чиқаркин бунда! Хонимга йирик заминдорлик ҳам, оқсуяклар тоифаси ҳам, ҳоким ҳокимиятининг кучайиши ҳам, янги муассасалар ҳам, тартиб-интизом ҳам, ҳурфикрлик ҳам, ижтимоий ғоя-поялар ҳам, оқсуяклар салонларининг вазмин салобати ҳам, унинг атрофида ўралашган ёшларнинг қовоқхонани эслатувчи бевошликлари ҳам ёқарди. У ўзига жон садқа қилиб туришган маҳалда ҳаммани ва ҳамма нарсаларни бирлаштириш, бошини қовуштириш, келиштириб бўлмайдиган нарсаларни келиштириш, ҳаммага бахт ато этишни орзу қиларди. Унинг ўз эркатойлари ҳам бор эди. Очикдан-очик хушомадгўйлик қиладиган Петр Степановични ўтқизгани жой топмасди. Бироқ у хонимга бошқа бир сабабдан ҳам ғоятда маъқул тушардики, бу шўрлик аёлнинг жуда ўзига хос ва ғаройиб таъриф-тавсифга эғалигини кўрсатарди: у менга бутун бир давлатга қарши уюштирилаётган фитнани очиб беради, деб умид боғларди! Буни тасаввур қилиш қанчалар қийин бўлмасин, ўзи шундай эди. Унга доим назарида вилоятда давлатга қарши фитна яшириниб ётгандай бўлиб туюлаверарди. Петр Степанович кези келганда оғзини юмиб, бошқа бир пайтда имо-ишоралар қилгандай бўлиб ундаги бу ғалати фикрнинг мустаҳкамланиб боришига йўл очарди. Хонимнинг тасаввурида Россияда қандайки инқилобий нарса бўлса, ҳаммасига уни алоқадор кўрар, шу билан бирга ўзига бениҳоя равишда садоқатли деб биларди. Фитнани фош қилиш, Петербургдан миннатдорчилик эшитиш, келажакда янги мансаб курсиларига кўтарилиш, ёшларга «меҳр» кўрсатиб, уларни жар ёқасида тутиб туриш – буларнинг бари-бари унинг хаёлпараст калласида ғувиллаб айланарди. Ахир у Петр Степановични қутқарди-ку, уни ўзига тамомила тобе қилиб кўйди-ку (негадир бунга унинг ишончи комил эди), демак, бошқаларни ҳам қутқаради. Улардан ҳеч ким, ҳеч ким ҳалок бўлмайди, ҳаммаларини қутқаради; сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади; улар ҳақида шундай деб маълумот беради; энг юксак адолат юзасидан иш кўради; балким, хаттоки, бутун рус либерализми унинг номини шарафларга кўмади; фитна эса ҳар қандай тақдирда фош этилади. Ҳаммаси бирваракай фойда устига фойда.

Лекин ҳар нечук бўлмасин, байрам кунларига Андрей Антоновичнинг чеҳраси очилиши керак эди. Уни албатта, тинчлантирмаса, димоғини чоғ қилмаса, бўлмасди. Шу мақсадда у эрининг қошига Петр Степановични жўнатди, қандай бўлмасин, қўлидан келганча унинг тушкунлигини даволар, деб умид қилди. Эҳтимол, баъзи бир маълумотларни ўз оғзи билан унга етказар. Хоним Петр Степановичнинг устомонлигига ишонарди. У жаноб фон Лембкенинг кабинетига анчадан бери бўлмаган эди. Петр Степанович бемор, айникса, танг вазиятда турганда, унинг ҳузурига учиб кирди.

## II

Мужмал бир иш содир бўлиб қолдики, уни қандай ечишни билмай фон Лембкенинг боши қотди. Бир уездда (у ерда яқинда Петр Степанович зиёфатда бўлганди) бир подпоручикни командири уришиб, унга хайфсан

берганди. Бу бутун ротанинг кўз ўнгида бўлди. Подпоручикнинг ўзи ҳали жуда ёш, доим индамай, қовоғини солиб юрадиган, кўринишидан жиддий, шу билан бирга пакана, семиз ва икки юзи қип-қизил, яқинда Петербургдан келган йигит эди. У командирнинг ғазаблашига чидолмади ва кутилмаганда қандайдир чинқириб калласини буқадай ерга қаратиб командирга ташланиб қолди, бутун рота анг-танг қараб турди; у жони борича калла қўйиб, уни жон-жаҳди билан елкасидан тишлади; базўр тортиб олишди. Унинг эсидан оғганига шубҳа қолмади, ҳар қалай кейинги пайтларда жуда ғалати-ғалати қилиқлар чиқарганини ҳамма пайқаган эди. Мисол учун, ўзи турадиган уйда уй эгасининг иккита санамини ташқарига чиқариб ташлаган, улардан биттасини болта билан чопганди; ўзининг хонасида эса учта баланд қия стол ўрнатиб, унинг устига Фохт, Молешотт, Бюхнер<sup>1</sup> китобларини териб чиқиб, ҳар бирининг олдига черков шағамларини ёкиб қўйибди. Ундан топилган китобларнинг кўплигига қараганда кўп китоб ўқийдиган кишига ўхшарди. Агар унинг қўлида эллик минг франк пули бўлганда, у жаноб Герцен ўз асарларидан бирида шўх кулги билан эслаб ўтган анов «кадет» каби Маркиз оролларида кемада жўнаб кетган бўларди. Уни қўлга олишган чоғда чўнтақларидан ва уйнинг ўзидан ўрам-ўрам энг баттарин варақалар чиққан.

Варақалар ўз ҳолича ҳеч нарсага ярамайдиган нарса ва менимча, ҳеч бир ташвиш келтирадиган жойи йўқ. Оз кўрибмизми биз уларни. Бунинг устига улар янги варақалар эмасди, кейин айтишларича, яқинда Х. вилоятда худди шундайларини сочишган экан, бир ярим ой бурун уездда ва қўшни вилоятга йўли тушган Липутин ўша пайтдаёқ у ерларда айнан шундай варақаларни кўрганлигини айтганди. Аммо Андрей Антоновични лол қилиб қўйган нарса шу бўлдики, худди мана шу пайтларда Шпигулин фабрикасининг бошқарувчиси полицияга худди подпоручикдан топилганга ўхшаш икки ёки уч даста кечаси фабрикага ташлаб кетилган варақаларни элтиб топширган. Дасталар ҳали очилмаган, ишчилардан ҳеч ким уларни ўқишга улгурмаганди. Бу аҳмоқона бир ҳодиса бўлса ҳам, Андрей Антонович қаттиқ ўйга ботди. Бу иш унга жуда ҳам чигал, хунук ва мушкул бўлиб туюлди.

Шпигулинларнинг мана шу фабрикасида бизда тоза шов-шув бўлган ва турли-туман қўшиб-чатишлар билан пойтахт газеталарида чайналган ўша анов «Шпигулин воқеаси» энди бошланган эди. Бундан уч ҳафталар бурун у ерда бир ишчи Осиё вабоси билан оғриб ўлганди; ундан кейин яна бир неча киши шу касал билан оғриган. Шаҳарда ҳамманинг юраги така-пука бўлди, вабо қўшни вилоятдан тарқалмоқда эди. Кутилмаган «меҳмон»ни кутиб олиш учун бизда имкон қадар етарли санитария чоратадбирлари кўрилганди. Бироқ Шпигулинлар фабрикаси, миллионерлар, борди-келди алоқалари кучли одамларни қандайдир назардан соқит қилиб қолдиргандилар. Ана шунда ҳамма бирдан бараварига касалликнинг илдизи ва тарқалаётган жойи худди мана шу фабрика, унинг ичи ифлос ахлат ва чиқиндиларга тўлиб кетган, вабонинг ўзи бўлмаганда ҳам, у худди мана шу ердан бошланган бўларди, деб айҳаннос сола бошлади. Албатта, тўхтовсиз чора-тадбирлар кўрилди ва Андрей Антонович уларни зудлик билан бажариш керак, деб қаттиқ турди. Уч ҳафта ичида фабрикани қатрон қилинди, аммо Шпигулинлар номаълум сабабларга кўра уни

<sup>1</sup> Ушбу Европа муаллифларининг илмий табиийётга оид асарлари XIX асрнинг 60-йилларида ёшлар орасида моддий дунёқарашнинг "Инжил"и каби ўқиларди (тарж.).

ёпиб кўйдилар. Шпигулиннинг бири Петербургда яшарди, иккинчиси фабрикани тозалаш ҳақидаги фармойишдан сўнг, Москвага кетиб қолди. Бошқарувчи ишчилар билан ҳисоб-китоб қилишга тушди, аммо энди маълум бўлишича, сурбетларча муттаҳамлик қилган. Ишчилар норозилик билдиришган, ҳисоб-китоб адолатли бўлсин дейишган, аҳмоқлик қилиб полицияга боришган, аммо шовқин-сурон солиб ғавғо кўтаришмаган. Худди мана шу пайтларда бошқарувчи варақаларни Андрей Антонович хузурига етказган.

Петр Степанович яқин дўст ва ўз одами каби, бунинг устига Юлия Михайловнанинг топшириғи билан ҳоким кабинетига огоҳлантормаёқ югуриб кириб келди, фон Лембке уни кўриб қовоғини солиб тумтайган кўйи стол ёнида тўхтади. У ҳозиргина кенг хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, ўз идорасининг ходими, ҳаддан ташқари бесўнақай ва бадқовоқ немис Блюм билан нималарнидир гаплашаётган эди, у Юлия Михайловнанинг қаттиқ қаршилигига қарамай уни Петербургдан олиб келганди. Ходим Петр Степанович қадам ранжида қилгандан сўнг эшик томонга четланиб борди-ю, аммо чиқмади. Петр Степановичнинг назарида у ҳатто ўз бошлиғи билан маънодор кўз уриштириб олгандай туюлди.

– Ўх-ў, алоҳа сизни топиб олдим-а, одамови сардор! – кулиб хитоб қилди Петр Степанович ва кафти билан стол устида ётган варақани ёпди. – Коллекциянгиз бойийдиган бўлибди-да, а?

Андрей Антонович дув кизарди. Нимадир бўлиб юзи қийшайди.

– Кўйинг, кўйинг ҳозир! – кичқирди у ғазабнок қалтираб, – тегманг... афанди...

– Сизга нима бўлди? Жаҳлингиз чиқяптими дейман?

– Марҳаматли афандим, сизга шуни эслатиб кўяйки, сизнинг *sans facon*<sup>1</sup> тоқатим йўқ асло, ёдингиздан чиқармангизки...

– Уф, тавба, ростдан жаҳли чиққанга ўхшайди!

– Овозингизни ўчиринг, жим бўлинг! – фон Лембке гиламга оёғи билан тепинди, – ҳадингиздан ошманг...

Худо биларди бунинг охири нима бўлишини. Бошқа ҳаммасини кўя турайлигу, бу ерда на Петр Степанович ва на Юлия Михайловнанинг ўзига ҳам мутлақо маълум бўлмаган бир ҳол бор эди. Шўрлик Андрей Антоновичнинг хаёллари шундай айқаш-уйқаш бўлиб кетган эдики, охирги кунларда ўз рафиқасини Петр Степановичдан рашк қила бошлади. Айниқса, тунлар ёлғиз қолганда ғоятда аламли дамларни бошидан кечирарди.

– Мен эса агар киши икки кеча давомида ёлғиз ўзи сизга романини ўқиб берса ва боз устига сизнинг фикрингизни сўраса, бундан кейин у сизга расмий совуқ муомалада бўлмаса керак, деб ўйлайман... Мени Юлия Михайловна ўзига яқин олиб қабул қилади; яна бу ерда сизларни ким билади? – бирмунча мағрур тортиб деди Петр Степанович. – Айтмоқчи, мана, романингизни олиб келдим, – деб у столга бураб ўралган, катта, салмоқдор дафтарни кўйди, дафтар кўк қоғоз билан маҳкам чирмаб ўралганди.

Лембке қизариб, тили тутилиб қолди.

– Қаердан топдингиз? – эҳтиёткорона сўради у қувончини яширолмай, лекин барибир хурсандлигини билдирмасликка уриниб.

– Бунни қаранг, жилдига ўралганча жовон тагига кириб кетган экан. Мен уйга кира солиб уни жовон устига ташлаган бўлсам керак. Уч

<sup>1</sup> Одобсизликларингизга (франц.).

кун бўлди, полни ювишаётганда, чикиб қолибди, мени хўб қора терга ботириб ишлатдингиз-да!

Лембке кўзларини жиддиёна ерга қадади.

– Сизни деб икки кеча ухламадим. Уч кун бўлди топишганига, мен кўлимдан кўймай, кечалари тинмай ўкидим, кундузи вақт йўқ. Хў-п, шу – унча кўшилмадим: бунақа гаплар менга ўтирмайди. Э, бунинг аҳамияти йўқ, бироқ мен танкидчи эмасман, аммо – отахоним, ҳеч бошимни кўтаролмадим, кўшилмасам ҳам! Тўртинчи билан бешинчи боблар, бу... бу... бу... худо билади нима! Роса кулгили қилиб ёзгансиз, кула-кула ичагим узилди. Хў-ўп, *sang que cela paraïsse*<sup>1</sup>, боплаб кулги қиласиз! Хў-ўб, яна тўққизинчи, ўнинчи боблар, булар ҳаммаси ишқ-муҳаббат ҳақида, буни мен унча тушунмайман; аммо, таъсирли; Игреновнинг хатини ўкиб ўтириб, томоғимга бир нарса тикилди, жуда нозик жойидан олган экансиз... у жуда туйғуларга таъсир қилади, шу билан бирга сиз уни ясама томонини кўрсатмоқчи бўласиз, шундайми? Топибманми мен ахир? Э, хў-ўб, хотимага келсак, бунинг учун сизни таёқласа ҳам арзирди. Ахир сиз нима демоқчи бўлаётибсиз ўзи? Ахир бу яна ўша-ўша эскидан қолган оила бахт-иқболини куйлаш, бола-чақа, сармоя, давлат зиёда бўлсин дейиш, ёшини яшаб, ошини ошаб, мол-дунё орттириш, эй, ҳой, кўйинг-е! Ўқувчини мафтун қилиб қўясиз, ҳатто мен ўзим ҳам ҳеч кўлимдан кўйгим келмайди-ю, аммо шундоқ бўлса ҳам, жуда бемаза. Ўқувчи ҳалиям аҳмоқ, ақлли одамлар уни турткилаб уйғотиши лозим, сиз эса... Хў-ўб, бас, майли, хайр, мен кетай. Бошқа бир пайт келарман, хафа бўлманг; мен сизга икки оғизгина сўз айтгани келувдим; аммо сиз қандайдир...

Андрей Антонович бу орада ўз романини олиб, эмандан ясалган китоб жавонига солиб кулфлаб кўйди, яна киши билмас Блюмга чикиб туринг, деб кўз қисди. У башараси маъюс чўзилганча чикиб кетди.

– Мен қандайдир эмас, ўзим шундай... бемаъни ишлар кўп, – деб қовоғини солиб тўнғиллади ҳоким, бориб столга кетини кўйиб ўтираркан, – ўтиринг, айтинг икки оғиз сўзингизни. Сизни анчадан бери кўрганим йўқ, Петр Степанович, фақат бунақа тўсиндан бостириб келманг-да... баъзан зарур иш устида, бу...

– Менинг бўларим шу...

– Биладан, ишонаман, сиз атай бундай қилмайсиз, аммо баъзан иш-юмуш бошдан ошиб-тошиб кетади... ўтиринг қани.

Петр Степанович диванга узала тушди ва дарҳол оёғини тагига чалкаштирди.

*Рус тилидан Иброҳим ҒАФУРОВ  
таржимаси*

*(Давоми бор)*

<sup>1</sup> Киши билмас (франц.).



## Акмал САИДОВ

### “Иблислар” – огоҳлик ва башорат романи

Фёдор Михайлович Достоевский – буюк рус ёзувчиси, “адабиётимизнинг буюк жабрдийдаси ва даҳо санъаткор-файласуфи” (С.Н. Булгаков), унинг ижоди рус ва жаҳон адабиётига кучли (гарчи турлича бўлса-да) таъсир кўрсатди. Улкан роман бешлиги муаллифи Ф.М. Достоевский (“Жиноят ва жазо”, “Иблислар”, “Қиморбоз”, “Ака-ука Карамазовлар”) ёзувчилар ичида ёмонликни кўрсатиб берган ва бунинг сабаби динсизлик ва халққа мункир келиш эканини исботлаган ягона ижодкордир. XX асрда кун тартибига чиққан барча қийин масалаларни Достоевский ўзининг буюк асарларида башорат қилганди.

“Иблислар” – башорат романи, огоҳлик романи, рус қалбининг фожиасини энг аниқ ва аёвсиз тасвирлаб берган. Достоевский кенг ўйланган “Атеизм” ва “Буюк гуноҳкорнинг ҳаёти” эпопеялари устидаги ишни тўхтатиб ва “Асрий эр” қиссачасини наридан-бери тугаллаб, фалсафий-сиёсий романи бўлмиш “Иблислар”ни (1870 – 1872) ёзишга киришган. “Нечаев иши”, яъни бўлиб ўтган тарихий воқеа романнинг яратилишига бевосита туртки бўлиб хизмат қилган. “Халқ интиқоми” махфий жамият фаолияти, ташкилотнинг беш аъзоси: С.Г. Нечаев, П.Г. Успенский, А.К. Кузнецов, И.Г. Пригожин, Н.Н. Николаевларнинг Петровский дехқончилик академияси тингловчиси И.И. Ивановни ўлдиришлари “Иблислар” романига асос бўлган ва романда фалсафий-психологик жиҳатдан талкин этилган. Қотиллик ҳолати, террористларнинг (“Революционернинг онги”) мафкуравий ва ташкилотчилик тамойиллари, жиноят қатнашчиларининг қиёфалари, жамият раҳбари С.Г. Нечаевнинг шахсияти Ф.М. Достоевский эътиборини тортган эди. “Халқ интиқоми”нинг мақсади “хар қандай давлатчиликни илдизи билан йўқ қиладиган ва Россиядаги барча давлат анъаналарини, тартиб ва синфларни қириб ташлайдиган вайронкор халқ революцияси” йўли билан халқни озод этишдир, дея эълон қилинган эди. “Бизнинг ишимиз – даҳшатли, ҳамма жойда тўла ва аёвсизларча вайронгарчиликни амалга оширмоқ,” – дейилганди “Онт”да.

Роман устидаги иш жараёнида фикр кўп бора ўзгарганди. Даставвал – бу воқеаларга бевосита акс садо қайтариш керак эди. Памфлет доираси нарига бориб анча кенгайганди, фақат нечаевчилар эмас, балки 1860 йиллар арбоблари, 1840 йиллар либераллари, Т.Н. Грановский, петрашевчилар, Белинский, В.С. Печерин, А.И. Герцен, ҳатто декабристлар ва П.Я. Чаадаев “Иблислар” романининг бўрттирилган фожеий кенглигига тушиб қоладилар.

Аста-секин роман Россия ва Европа бошдан кечираётган умумий “касаллик”ни танқидий тасвирлашга ўтади. Начаев ва начаевчиларнинг “иблислашуви” ёрқин касаллик аломати ҳисобланади. Романнинг марказига, унинг фалсафий-мафкуравий мазмунига машъум “қаллоб” Пётр Верховенский (Нечаев) эмас, балки “ўзбошимча Николай Ставрогиннинг сирли ва иблисона қиёфаси жойлаштирилади. У романнинг бош қаҳрамони ҳисобланиб, Достоевскийнинг

энг мураккаб фожеий образларидан биридир.

“Иблислар” романи воқеалари губерния шаҳрида эрта кузда содир бўлади. Воқеалар ҳақида солномачи Антон Лаврентьевич ҳикоя қилади, ўзи ҳам шу воқеалар иштирокчисидир. Унинг ҳикояси XIX асрнинг 40-йиллари идеалисти Степан Трофимович Верховенский тарихидан ва унинг ҳимоясида бўлган губерниялик зодагон хоним Варвара Петровна Ставрогина билан мураккаб маънавий муносабатларни тасвирлашдан бошланади.

“Иблислар” романининг умумий руҳи ғоят фожиали. Унинг сўнгида роман иштирокчиларининг деярли ҳаммаси ҳалок бўлади – Ставрогин, Шатов, Кириллов, Степан Трофимович, Лиза, Марья Тимофеевна, Марья Шагова. Улардан айримлари Худони энди таний бошлаганда ўлади. “Нигилизм маймуни” Петр Верховенскийгина тўрт мучаси соппа-соғ қолади.

Россиянинг дарди бедаво эмаслигига Достоевский қаттиқ ишонарди. Унинг фикрича, Россия соғайибгина қолмай, ахлоқий “рус ҳақиқати” ила дардманд Европа башариятини янгилаяжак ҳам. Бу ғоялар “Иблислар”га олинган Инжил парчасида, унинг муаллиф талқинида, Степан Трофимович Верховенский сўзлари ва романнинг ўзидаги Инжил матни талқинида яққол ўз ифодасини топган.

Достоевский зиёлиларнинг ёш вакиллари иблисларга қиёс қилади – улар ўн тўққизинчи аср охиридаги инкилобчиларнинг прототиплари эди. Уларнинг фаолиятида, фикрларида, амалларида бир аср давомида Россияда тўпланиб қолган барча нопоқлик, барча ифлослик, барча иблислар қамалиб қолганди...

Достоевскийдаги иблислар шунчаки, орденларсиз ва байрам либосларсиз иблислар эди.

Достоевскийнинг буюклиги, севимлилиги шундаки, у ҳар доим ва энг аввало одам ҳақида, одамлар нима учун ундай ёки бундай ҳаракат қилдилар, у ёки бу фикрга келдилар, шулар ҳақида ёзади. Шу ерда жиноятнинг психологияси ва технологияси, шахснинг ахлоқий асосларини ювиб ташлаш орқали, кундалик майда-чуйда разилликлар орқали уни йўқ қилиш жараёни ажойиб тасвирланган. Бир ақли расо одам айтган экан, “Ифлосликни лаззатсиз адо этадиган одам рисоладаги одамдир”, деб. Шундай бўлади ҳам, у ёғи эса бирибир. Қолаверса, бу вазият турли мисолларда, топқирлик ила жилвагарона кўрсатилган. Кучли, одмироқ тасвирланган образлар яна бешта романга етар эди.

Шу боис Достоевскийнинг “Иблислар” романи қоялар деб аталадиган китоблар сирасига киради. Елкангдан босиб туради, хириллайсан, тагида ётиб вой-войлайсан-у, чиқолмайсан. Чикқинг келмайди ҳам, ростини айтганда.

Николай Бердяев “Иблислар”ни бош қахрамони Николай Ставрогин бўлган “жаҳоний фожа” деб таърифлайди. “Иблислар” рамзий фожа сифатида “Николай Ставрогин руҳининг феноменологияси”, холос, худди эндиликда на нур, на иссиқ таратадиган қуёшу унинг атрофида “барча иблислар айланиб туради”. Н. Бердяев талқинидаги Ставрогин фожиаси – бу “инсон ва унинг ижоди фожиаси, ҳаёт илдиларидан узилиб қолган инсон, демократик Она-ердан узилиб қолган ва таваккал дея ўз йўлидан кетган зодагон фожиаси”.

Инкилоблари, жаҳон урушлари, тўрачилик ва буйруқбозликка асосланган тузумлари ва “демократиялари”, шахсга сиғинишлари, оммавий катағонлари ва ҳоказолар бўлган XX асрнинг тарихий тажрибаси нуқтаи назаридан биз кўп жиҳатдан унинг бепоён ғоявий-фалсафий ва диний-ахлоқий теранлигини англаган ҳолда “Иблислар” романига янгича ёндошамиз. Бу оддий роман эмас (гарчи памфлет, пародия, сатира унсурлари унда кучли бўлса-да), энг аввало юксак умумбашарий аҳамиятга эга роман-фожа, роман-башоратчи, роман-огоҳлантирувчидир.





МИХАИЛ БУЛГАКОВ

## ДОН КИХОТ<sup>1</sup>

(СЕРВАНТЕС АСАРИ АСОСИДА ТҶҮРТ

ПАРДА, ТҶҶҚИЗ КҶРИНИШЛИ ПЬЕСА)

### УЧИНЧИ ПАРДА

#### Бешинчи кўриниш

*Дон Кихотнинг уйи. Кундузи. Эшик олдига соябон арава яқинлашади. Аравада Дон Кихот, қайта кийинган Антония, Перес ва Николас. Араваканининг ёнида ўтирган Николас гитара чалаяпти. Арава ортида эшак минган Санчо, ундан кейин эшакнинг тўқимига боғланган от. Бари ҳовлига кириб келади. Ошхонадан Калитдор чопиб чиқади.*

Калитдор. Салом, сеньор Алонсо! Мархабо! Мархабо! Кадрдон уйингизга қайтганингиздан ҳаммамизнинг бошимиз кўкка етди. Қадамингиз қутлуғ бўлсин!  
Дон Кихот. Салом, азизам!

*Антония, Перес ва Николас оқсоқланган Дон Кихотнинг аравадан тушишига ёрдамлашади. Арава жўнаб кетади. Санчо от билан эшакни таклаб отхонага қараб юради.*

Дон Кихот. Шавкатли малика, муҳтарама калитдоримизни таништиришга ижозат бергайсиз!

Антония. Бениҳоя хурсандман!

Дон Кихот. Дуэнья... Калитдор... Бир кўришдаёқ бир-бирингизга маъқул бўласиз деб ишонаман.

Николас. Бу учрашувни қанчадан буён орзу қилардим! (Калитдорни бағрига босади).

Дон Кихот. Марҳамат, азиз меҳмонлар, ичкарига! (Антония, Перес ва Николас таъзим қилиб, уйга кириб кетишади). Антония қани?

Калитдор. Антония уйда, меҳмонлар билан андармон.

Антония (ўз кийимида уйдан чопиб чиқади). Вой, амакижон, эсон-омон келдингизми? Хайрият-е!

Дон Кихот. Яхшимисан, Антония, меҳмонлар хурсандми?

Антония. Бўлмасам-чи! Ана, Дуэнья, менинг хонамда гитара чалаяпти.

Санчо (саройдан чиқиб). Ҳе, чалгани курсин! Бирортаси шу гитарани ўғирлаб кетса, қалпоғимни осмонга отардим-да! Эртаю кеч тинғир-тинғир-а!

Дон Кихот. Сенинг сал тўқимтабиатлигинг бор-да, Санчо! Мусиқани севмай бўладими? Мусиқа бор жойда – қабоҳатга ўрин йўқ!

Санчо. Ҳадеб бир хил овқат еяверсангиз, жонингизга тегадими? Қачон шу гитарани овозини эшитсам, девордан ошиб, қочиб кетгим келади. Энди, хўжайин, менга рухсат берсангиз, хотинимнинг ҳолидан бир хабар олсам.

<sup>1</sup> Охири. Бўши ўтган сонда.

К а л и т д о р. Боравер, боравер, ким сени ушлаб турипти?  
 Д о н К и х о т. Майли, бора қол, дўстим, лекин ҳаялламай, тезроқ қайт.  
 К а л и т д о р (*пичирлаб*). Кетгину қайтиб қорангни кўрсатма!  
 С а н ч о. Лекин хўжайиним...  
 К а л и т д о р (*яна пичирлаб*). Соқолингнинг қолганидан ҳам айрилмай десанг,  
 қайтиб келма. Феълимни биласан-а?  
 С а н ч о. Ким билмайди! Тоза аросатда қолдим-ку! (*Кетади*).  
 Д о н К и х о т. Қани, Антония, уйга қирайлик (*уйга қараб юришади*).

*К а л и т д о р ошхонага кетади. Хонада А н т о н и я Д о н К и х о тга ечиниши-  
 га ёрдам бериб, креслога ўтқзади. Ичкари эшикдан П е р е с илгариги қиёфада  
 кўринади.*

П е р е с. Салом, сеньор. Николас иккаламиз қайтганингизни эшитиб, шоша-  
 пиша зиёратга келавердик.

Д о н К и х о т. Кўрганамдан хурсандман, тақсир. Антония, қиролнинг укасини  
 чақир. Уни сеньор Перо Перес билан таништириб қўяй.

А н т о н и я. Хўп бўлади, амакижон! (*Дон Кихотни ўпа бошлайди*).

*Шу пайт П е р е с ички хоналардан бирига кириб кетади.*

А н т о н и я. Ҳозир чақираман (*чиқиб кетади*).  
 П е р е с (*эшикдан соқол тақиб мўралайди*). Сеньор Дон Кихот!  
 Д о н К и х о т. Э, жаноби олийлари, келинг, келинг.  
 П е р е с (*остонадан*). Чала кийинганман, сеньор Дон Кихот.  
 Д о н К и х о т. Ҳечкиси йўқ. Сиз йўлдаги одамсиз. Ҳеч ким уят қилмайди.  
 (*Перес гойиб бўлади*). Тақсир, қиролнинг укаси билан танишиб қўйинг. Ие, жаноби  
 роҳиб қани? Ҳозиргина шу ерда эди-ку! (*Эшик олдига боради*).

*П е р е с бошқа эшикдан соқолсиз чиқиб келади.*

П е р е с. Шу ердаман, сеньор Дон Кихот.

Д о н К и х о т. Нима бўляпти ўзи? Сизни йўқотиб қўйдим-ку. Бирор жойга  
 чикканмидингиз?

П е р е с. Хаёлимга ҳам келгани йўқ.

Д о н К и х о т. Ие, мени уйимга жинлар ин қургани аниқ. Антония, қаёққа  
 гойиб бўлдинг?

А н т о н и я (*қиролича либоси ва ниқоб кийган ҳолда*). Узр, шавкатли рицарь,  
 сал ушланиб қолдим.

Д о н К и х о т. Рухсат этинг, соҳибжамол қиролича, дўстим сеньор Перо Перес  
 билан таништирай.

П е р е с. Беҳад хурсандман, қиролича.

А н т о н и я. Сиз ҳақингизда кўп эшитганман!

Н и к о л а с (*Дуэнья кийимида*). Мана, келдим, шавкатли рицарь!

Д о н К и х о т. Ниҳоят, ҳаммамиз жам бўлдик. Э, йўқ, ҳурматли қиролнинг  
 ҳурматли укаси етишмаяпти.

П е р е с. Ҳозир бошлаб келаман (*бир хонага кириб кетади*).

Д о н К и х о т. Жаноб Николас қани?

П е р е с (*қиролнинг укаси қиёфасида*). Мана, келдим.

*Н и к о л а с сездирмай гойиб бўлади.*

Д о н К и х о т. Жаноб қиролнинг укаси, сизни дўстларим – роҳиб ва сартарош  
 билан таништираман. Жаноб Николас!

*Н и к о л а с ўз кийимида чиқиб кетади. А н т о н и я ёпингич остига яширинади.*

П е р е с. Сиз кўп гапирган машҳур сартарош шу кишими? Буни шундоқ та-



саввур қилардим!

Н и к о л а с. Мен бўлсам, акангиз мамлакатида Пандофиляндон қилган ёвузликларни эшитиб, қон-қон йиғлаганман.

Д о н К и х о т. Антония, қаёқдасан? Қўшилсанг-чи давраимизга!

А н т о н и я (*ўз кийимида ёпингич остидан чиқиб*). Шу ердан, амакижон!

*Перес Дон Кихот ўтирган ўриндиқнинг орқасига яширинади.*

Д о н К и х о т. Қиролнинг укасидан буларнинг оиласи бошига тушган мусибатни ўз қулоғинг билан эшитгин дейман. Сиз ҳам яқинроқ келинг, тақсир.

Перес (*кресло ортидан энди соқолсиз мўралайди*). Диккат билан эшитяпман. (*Яна яширинади, кейин соқол билан кўринади*). Ҳа, ўша қонхўр сира кўз олдидан нари кетмайди! (*яна яширинади, соқолини олиб қўйиб, Дон Кихотнинг олдида келиб туради*). Нимасини айтасиз, жаноб қиролнинг укаси!

Н и к о л а с (*Антонияга*). Тамом бўлдик!

А н т о н и я (*Николасга*). Тезда сеҳрарни топиш керак! (*Дон Кихотга*). Ёпирай, қандай дахшат, амакижон!

Перес (*кресло ортидан соқолини тақиб чиқади*). Ҳикоямни тўхтатиб қўя қолай, хоним, жуда изтироб чекапсиз чамамда.

А н т о н и я. Йўқ, йўқ, давом этинг!

Д о н К и х о т. Ҳа, гапираверинг, фақат ҳамма ўтирсин, негадир кўзим жимирлашиб кетяпти. (*Николас кўшини хонага кириб кетади. Перес дераза олдида боради*). Рўпарамда ким турганини ҳам пайқамай қоламан баъзан. (*Саҳна орқасидан идишининг сингани эшитилади. Перес пардани туширади, хона қоронғилашади*). Нима гап? Нима бўляпти?

Н и к о л а с (*саҳна орқасидан*). Ёрдам беринглар! Жодугар юрипти.

Перес. Ёрдам беринглар!

Д о н К и х о т (*қилич ялангочлаб*). Қани? Қани у?

Н и к о л а с (*чошиб чиқиб*). Жодугар кўз ўнгимда қиролича Микомиконни опқочиб кетди!

Перес. Қиролнинг укаси қани?

А н т о н и я. Дуэнья ҳам йўқ!

Д о н К и х о т. Шундай бўлишини билувдим. Суҳбатга берилиб кетганимиздан фойдаланиб, учиб келган-да! Куролбардорни чакиринглар! Орқасидан қувамиз!

Перес. Фойдаси йўқ, сеньор Дон Кихот. Учишга қанотингиз бўлмаса!

Н и к о л а с. Қора либосда уй тепасидан қирол укасини соқолидан ушлаб учиб ўтганини ўз кўзим билан кўрдим.

Д о н К и х о т. Нимага кўлини чошиб ташламадингиз?

Н и к о л а с. Улгуролмадим.

Д о н К и х о т. Ғафлат босди бизни! Соқчилар қаерда? Қалқоним билан отимни келтиринг!

А н т о н и я. Амакижон, шаштингиздан қайтинг.

Д о н К и х о т. Қиролича менинг ҳимоямда эди. Йўлни бўшатинглар! Қўркувдан қарахт бўп қолгансизлар. Мен ўша жодугарни шамолдан тез учган тақдирида ҳам қувиб егаман. Қочинглар! (*Кўлидан қилич тушиб кетади, ўзи ўриндиққа ўтириб қолади*).

А н т о н и я. Сизга нима бўлди, амакижон?

Д о н К и х о т. Эски ярам очилиб кетганга ўхшайди... Вой! Вой!

А н т о н и я. Хўп денг, амакижон, сиз дам олиб, қувватга киришингиз керак, қайсарлик қилманг, жон амаки!

Перес. Ётиб, дам олинг, сеньор рицарь, бирпас ухласангиз, яхши тушлар кўриб, отдай бўп кетасиз.

Д о н К и х о т. Ҳа... ҳозир қимирлашга ҳолим йўқ. Мени авраб ташлаганга ўхшайди жодугар.

*Антония билан Перес Дон Кихотни тўшакка ётқизиб қўйишади.*

А н т о н и я (*ёпингични тўғрилаб*). Ухлаб қолди, шўрлик амаким.  
 П е р е с. Қайғурманг, сеньора. Уйку энг яхши даво. Бир ухлаб турса, яна боягию бояги. Кетдик, жаноб Николас. Хайр, сеньора, кечқурун яна келамиз.  
 А н т о н и я. Бош устига, жаноблар, яхшиликларингизни асло унутмайман.  
 П е р е с. Биз бурчимизни бажардик, холос. (*Кетишади*).

*А н т о н и я пастга, оишхонага тушади. Бир оздан сўнг кўча томондаги эшикдан С а н с о н К а р р а с к о кириб келади.*

С а н с о н. Мана менинг кадрдон гўшам! Икки йил бўлди туғилган қишлоғимдан чиқиб кетганимга! Мен йўқлигимда ҳеч нарса ўзгармапти. Анови скамейкада Антония билан қаймоқлашиб ўтирганман бир пайтлар. Ҳой, ким бор? Тирик жон борми?

*К а л и т д о р билан А н т о н и я кўринади.*

А н т о н и я. Вой!  
 К а л и т д о р. Наҳотки ўша бўлса?  
 С а н с о н. Ҳа, мен, мен, худди ўшанинг ўзиман!  
 К а л и т д о р. Ё кудратингдан, ким ўйлапти оддий бир деҳқоннинг боласи олим бўлиб кетишини! Вой, Сансон-ей, энди бизнинг кўлимиз этагингизга ҳам етмайди.

А н т о н и я. Эҳтимол бизни сариқ чақага ҳам олмабсиз, Сансон, э... дарвоқе, жаноб Карраско?

С а н с о н. Калитдор хоним, сиз фақат бир масалада ҳақсиз: мен ростдан ҳам олим бўлдим. Саламан университетининг бакалавриман, тўрт хил илмий даражам бор. Аммо кеккайиб кетганим йўқ. Шунинг исботи сифатида бағримга бир боссам майлими?

К а л и т д о р. Офарин сизга, Сансон, калондимоғлик касалига чалинмабсиз, ҳамқишлоқларингизни унутмабсиз!

С а н с о н. Антония! Тозаям очилиб кетибсиз-да! Йигирма марта бакалавр бўлган тақдиримда ҳам мен ўша-ўшаман! (*Антонияни бағрига босади*).

А н т о н и я. Сеньор бакалавр!

К а л и т д о р. Биз фахрланишимиз керак, нима бўлганда ҳам у бегонамас, ўз ҳамюртимиз, бир булоқдан сув ичганмиз, еримиз бир, офтобимиз бир!

С а н с о н. Йўқ, мен яна кадрдон қишлоғимда турганимдан ҳаяжондаман, айниқса, сизни кўрганимдан, Антония! (*Қучоқламоқчи бўлиб Антонияга талпинади, у ўзини четга олади, Сансон калитдорни бағрига босади*). Сизни кўрганимдан ҳам, хоним! (*Антония кўлини узатади, Сансон ўпади*). Тушимда нукул сизни кўрардим.

К а л и т д о р. Мен ҳам, азизим Сансон!

С а н с о н. Антония, келганимга хурсандмисиз ишқилиб?

А н т о н и я. Албатта, албатта.

К а л и т д о р. Мени айтмайсизми!

*Иккаласи йиғлай бошлашади.*

С а н с о н. Шодликни йиғи билан изхор этилишини энди кўриб турибман. Нима бўлди сизларга?

А н т о н и я. Амаким савдои бўп қолди.

С а н с о н. Кўйинг-э!

К а л и т д о р. Китоб ўқийвериб, шундай донишманд рицарь адои тамом бўлди.

А н т о н и я. Эгнига занг босган совутни кийиб, аллақандай паҳлавонлар билан жанг қиламан, кироличани қутқараман деб уйдан қочиб кетди... Бошида

саргарошнинг тоғорачаси, нукул қилич ўйнатади... Қўшнимиз Санчо Пансанинг бошини айлантириб, сен мени куролбардоримсан деб, униям ўзи билан бирга олиб кетди. Ҳийла ишлатиб уни зўрға қайтариб олиб келдик. Сансон йўлдан келди, калитдор хоним, балки қорни очдир, меҳмонга жиз-биз қилворасизми?

К а л и т д о р. Албатта-да. Беш дақиқада тайёр бўлади (*Кетади*).

С а н с о н. Бошингизга тушган ташвишдан ниҳоятда изтиробдаман, азизим Антония!

А н т о н и я. Сиз олдин ҳам ақлли эдингиз, мана энди олим бўлибсиз. Бизга шу кулфатдан қутулиш йўлини кўрсатсангиз, сизни астойдил ўпган бўлардим.

С а н с о н. Нима дедингиз? Ўпган бўлардим, дейсизми? Режа тайёр. Ҳозир ўпа қолинг, Антония!

А н т о н и я. Ишонсам бўладими?

С а н с о н. Қишлоқда ёлғончи деган ном чиқармаганман-ку.

А н т о н и я. Биламан. Мени алдамайсиз, Сансон.

*А н т о н и я С а н с о н н и ўпади, шу пайт девор тепасидан С а н ч о н и н г боши кўринади.*

С а н с о н. Ие, ие, Санчо-ку бу!

А н т о н и я. Худди ўзи.

С а н с о н. Миямда режа пишиб етиляпти. Бизни Санчо билан холи қолдирсангиз, Антония.

А н т о н и я. Майли, майли, сизга ишонаман, Сансон. (*Оиҳона эшигидан мўралайди*). Сансон...

С а н с о н. Яна битта ўпинг, Антония.

*Девор тепасидан яна С а н ч о н и н г боши кўринади.*

А н т о н и я. Кейин... (*гойиб бўлади*).

С а н с о н. Нега тортинасиз? Модомики, кепсизми, киринг-да.

С а н ч о. Илон шу ердами?

С а н с о н. У нима деганингиз?

С а н ч о. Нима деганим бўларди? Калитдорни айтаман-да.

С а н с о н. Ошхонада у.

*С а н ч о эшагини олиб кириб, бир четга боғлайди.*

С а н с о н. Сизмисиз, мухтарам Санчо Панса?

С а н ч о. Агар бу ҳам ҳароми жодугарнинг ҳийласи бўлмаса, сиз ҳамқишлоғим Сансонсиз-а?

С а н с о н. Жодугарни юзини тесқари қилсин, менман.

С а н ч о. Бакалавр бўп кетибсиз деб эшитдим (*қучоқлайди*).

С а н с о н. Ие, қўшни, соқолингизни ярми қани?

С а н ч о. Э, сўраманг. Одам осилган хонадонда арқон ҳақида гапирилмайди, сеньор Карраско ёки буни университетда ҳали ўтмаганмисизлар? Илойим, киссангиздаги ақчалар иягимдан юлинган туклардан ҳам мўл бўлсин.

С а н с о н. Чатоқ бўпти, сеньор Панса, майли, ҳечкиси йўқ, яна ўстирсангиз олдингисидан ҳам зўр бўлади.

С а н ч о. Мениям истагим шуки, илмингиз бўлажак соқолимнинг тукларидан ҳам кўп бўлсин.

С а н с о н. Зўр жавоб бўлди! Ёки сиз ҳам Саламанкада ўқиганмисиз?

С а н ч о. Бе-е, ўқиб нима қиламан, шусиз ҳам яқин орада ҳоким бўламан.

С а н с о н. Йўғ-э! Менга ҳам ўргатинг! Мен ҳам ҳоким бўлмоқчиман.

С а н ч о. Ўргатишнинг фойдаси йўқ, бунинг учун буюк рицарь Дон Кихотга яроғбардор бўлиш керак.

С а н с о н. Ҳа, жиннилик юкипти бунга ҳам!

С а н ч о. Нима дедингиз?  
 С а н с о н. Йўқ, ўзим, шундоқ...  
 С а н ч о. Алдаманг, бир нарса дедингиз!  
 Д о н К и х о т (*уйғониб*). Санчо! Бу ёққа кел  
 С а н ч о. Эшитдингизми? Хўжайиним чақиряпти.  
 С а н с о н. Жуда соз. Мени ҳам бошлаб боринг. (*Санчо билан бирга уйга киради*).

С а н ч о. Хўжайин, меҳмон олиб келдим.  
 Д о н К и х о т. Хурсандман.  
 С а н с о н. Алангали салом, сеньор Дон Кихот! Довруғингиз камтарин ҳамюртингиз бакалавр Сансон Каррасконинг ҳам кулоғига аллақачон етиб борган.

Д о н К и х о т. Сиз Бартоломео Каррасконинг ўғлисиз-да?  
 С а н с о н. Худди шундай, сеньор!  
 Д о н К и х о т. Илм чўққиларини эгаллаган ҳамқишлоғимни кўриб турганимдан хурсандман.

С а н с о н. Мен эса жасорати бутун оламини тутган рицарь хузурида турганимдан шодман!

Д о н К и х о т. Ўтиринг, сеньор бакалавр. Сал бемавридроқ келдингиз-да, демокчиманки, бошимга ташвиш тушган пайтда ташриф буюрдингиз.

С а н с о н. Унақа деманг, сеньор.

Д о н К и х о т. Доимий рақибим маккор жодугар Фристон – уни кимлигини биласиз, ўқиган одамсиз – куни кеча уйимдан мени ҳимоямда бўлган шўрпешона қиролича Микомиконни, унинг амакиси, яъни қиролнинг укасини ҳамда Дуэнья Долоридани ўғирлаб кетди.

С а н ч о (*жаҳл билан*). Абиндараэс де Варгас! Шуларга қўшилмай мен ўлай! (*Қалпоғини улоқтиради*).

Д о н К и х о т. Кўрдингизми, сеньор бакалавр, ўзи анчайин тўпори бўлса ҳам, бу хабардан қаттиқ жазавага тушяпти!

С а н ч о. Мен жазавага тушмай ким тушсин, ҳокимликни бой бериб турибман-ку! Ундан ташқари, душман лашкарини тор-мор этиб, мамлакатни қўлга кириштирингизни орзу қилган эдим!

Д о н К и х о т. Мана шунақа гаплар, сеньор бакалавр!

С а н с о н. Э, аттанг, аттанг! Энди нима қилмоқчисиз?

Д о н К и х о т. Жодугарнинг орқасидан куваман!

С а н с о н. Қарорингиз қатъийми?

Д о н К и х о т. Шубҳаланяпсизми, бакалавр? Бу менинг виждоний бурчим!

С а н ч о. Сиз аллақандай янгуэс эмассиз-ку!

С а н с о н. Нима, нима?

С а н ч о. Айтдим-кўйдим-да... шунақа бир воқеа бўлувди, гапиришга арзимайди... Ўн беш чоғли одам икки кишини роса дўппослаб, соқолларини юлиб олган эди.

С а н с о н. Ёпирай! (*Дон Кихотга*). Ўша малика билан жодугарни қаердан қидирмоқчисиз?

Д о н К и х о т. Тушимда аён бўлди: жиноятчи шимоли-шарқ тарафга, герцог юртига қараб кетган. Мен ҳам Санчо билан ўша ёққа жўнаймиз. Санчо, совутимни келтир!

*С а н ч о Д о н К и х о тга рицарлик либосларини кийдира бошлайди.*

С а н с о н. Ишингиз чаппасидан кетиб, енгилиб қолсангиз нима бўлади, сеньор?

Д о н К и х о т. Агар енгилсам, душман шартларини қабул қиламан, худди мен ғалаба қилганда душманним шартларимни қабул қилганидай!

С а н с о н. Унда оқ йўл, рицарь Дон Кихот!

Д о н К и х о т. Сеньор бакалавр, сиз ҳам худди мен каби орият нималигини тушунадиган одамсиз. Санчо, отни келтир!

*Ҳовлига чиқишади. Ойхонадан таом кўтарган  
К а л и т д о р в а А н т о н и я чиқади.*

К а л и т д о р. Вой, шўрим курсин, сеньор Алонсо яна совут кийиб опти-ку. Анови тасқара эшагини етақлаб чиқяпти, тананг гўрда чиригур!

С а н ч о. Калитдор хоним, ўтинаман сиздан. *(Эшик томон юради).*

Д о н К и х о т. Хайр, Антония! Хайр, калитдор хоним!

К а л и т д о р. Астафурулло! Яна жини кўзиди, ўзини ажал чоҳига ташлагани кетяпти!

А н т о н и я. Шаштингиздан кайтинг, сеньор Алонсо! Эсингизни йиғинг. Сансон, уни ҳеч қаерга жилмасликка кўндирмоқчи эдингиз-ку?

Д о н К и х о т *(от устиди)*. Хўш, сеньор бакалавр, мени виждон амридан кайтармоқчимидингиз?

С а н с о н. Ҳеч қачон! Бораверинг, рицарь Дон Кихот, сизга зафар ёр бўлсин!

Д о н К и х о т. Хайр, азизларим! Биламан, мени севасизлар, лекин йўлдан қолдирманглар бизни *(кетади)*.

К а л и т д о р. Қайгумизга шерик бўлганингиз шуми, бакалавр! Сиз шўрлик телбани ўз қўлингиз билан очик гўрга итаряпсиз! Илмингиз виждонингизни еб қўйипти. Сиз кашшоқларга раҳм қилиш ўрнига уларнинг устидан куляпсиз!

С а н с о н. Хулоса чиқаришга шошилманг!

К а л и т д о р. Эшитишни ҳам хоҳламайман. Балога йўликсин ўша Саламан университетингиз! *(Дон Кихотнинг ортидан югуради)*. Сеньор Алонсо! Худо хайрингизни берсин, кайтинг!

С а н с о н. Антония!

А н т о н и я. Яқинлашманг, Сансон! Наҳот, бизга ёмонликни раво кўрсангиз! Бу нима қилганингиз? Биз бечораларда нима гуноҳ?

С а н с о н. Антония!

А н т о н и я. Билиб турибман, кўрқоқлигингиздан сеньор Алонсога ёкиш учун уни тўхтатиш ўрнига яна янги номаъқулчиликка ундадингиз! Сиз мени алдадингиз!

С а н с о н. Бас қилинг! Мен кўрқоқманми? Ҳали кимлигимни кўрасиз, ўшанда гапларингизга пушаймон бўласиз! Айтганман-ку сизга, мен уни кутқармоқчиман, кутқараман ҳам!

А н т о н и я. Энди сизга ишонч йўқ.

С а н с о н. Ўйлаб гапиринг, мени ҳақорат қилманг. Ҳозир изидан бориб, кайтариб олиб келаман. Умрбод кетмайдиган қилиб олиб келаман! Агар уддасидан чиқолмасам ўзим ҳам ҳеч қачон қайтиб келмайман. Ахир мен сизни деб қадрдон қишлоғимга юриб эмас, учиб келган эдим-ку! Начора! Демак, энди сизни кўриш йўқ! Вақт зик, рицарни изини йўқотиб қўйишим мумкин. Алвидо, Антония! *(чопиб чиқиб кетади)*.

А н т о н и я. Сансон! Сансон! Сизга ишонаман. Нима қилмоқчисиз?

С а н с о н *(узоқдан)*. Кейин биласиз!

К а л и т д о р *(олисдан эшитилади)*. Сеньор Алонсо, тўхтанг!

### Олтинчи кўриниш

*К у н д у з и. Г е р ц о г саройининг зали.*

Г е р ц о г *(киради)*. Бу ёққа, мени ёнимга келинглар!

*Мулозимлар югуриб келишади.*

Г е р ц о г. Ҳозир қасрга бир меҳмон келади. Ўзини Ламанчлик Дон Кихот деб атайдиган бир тентак, ёнида яроғбардори ҳам бор. Уни тантана билан кутиб олиш лозим. Зинҳор унинг жаҳонгашта рицарлигига шубҳа-гумон сездирилмаслиги

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

керак. *(Ишибошига)* Сиз ва *(доктор Агуэрога)* сиз шахар ташқарисидаги қалъада яроғбардорни худди ҳокимдай кутиб оласиз. Унга, сиз Баратария оролидасиз, деб айтасизлар. Биз рафикам билан уч-тўрт кундан кейин сохта ҳокимнинг ғалати ишларини бориб кўрамиз.

И ш б о ш и. Бош устига, ҳазратлари!

*Доктор Агуэро ва Ишибоши* яқинлари билан чиқиб кетадилар. *Дуэнья Родригес*, яна бир нечта сарой маҳрамлари қолишади. *Бурғу* овози эшитилади. *Герцогиня* пайдо бўлади. Қўлидаги лочинни маҳрамига тутқзади. *Герцогиня* ортидан *Дон Кихот* билан *Санчо* кириб келишади.

*Герцогиня*. Марҳабо кулбамизга, рицарь *Дон Кихот*!

*Дон Кихот* *(эшик олдида)*. Сиздан кейин, ҳазрати олиялари! *(Санчо биринчи бўлиб киради)*. Маъзур тутасиз бу беодобни.

*Герцогиня*. Ҳечқиси йўқ, сеньор, содда ва тўпори киши экан.

*Герцог*. Қадамнингизга ҳасанот, сеньор *Дон Кихот*, сизни рицарларга муносиб равишда кутиб оламиз.

*Дон Кихот*. Миннатдорман, ҳазратлари. *(Санчога)* Сен тентак мени яна шарманда қилсанг, каллангни оламан!

*Санчо*. Мен нима қилдим, хўжайин! Бундан кейин одобли бўлишга ваъда бераман, мабодо, билмасдан хато қилиб кўйсам, хафа бўлмайсиз.

*Дон Кихот*. Ўчир!

*Герцог*. Марҳамат, рицарь, манови хонага кириб ювиниб олинг. *(Герцогиня кетади)*. Санчо, хўжайинингга ёрдамлаш.

*Санчо*. Сиздан кейин, ҳазратлари. *(Родригесга)*. Жаноблари, эшагим дарвоза олдида қолди, айтинг, отхонага опкириб кўйишсин. Яхшиси, шу ишни ўзингиз қилақолинг, бировга ишонмайман.

*Родригес*. Эсингиз жойидами?!

*Санчо*. Жойида. Хўжайиним айтганки, рицарь *Лансоротга* сеньорлар хизмат қилишган, дуэньялар унинг отига қараган. Тўғри, мен эшакда келдим, лекин у ҳеч қандай отдан қолишмайди.

*Родригес*. Вой, сурбет-ей, даргоҳимизга бир эшак бошқа эшакни миниб келипти-да. Мен эшакни отхонага олиб боришим керакми? Мана! *(Санчога бош бармоғини бармоқлари орасига суқиб кўрсатади)*.

*Санчо*. Ҳали шунақами? Бўпти. *(Дон Кихотга)*. Шошманг, хўжайин, кетмай туринг. *(Шивирлаб)*. Манави кампиршо менга бош бармоғини кўрсатди.

*Дон Кихот*. Алдама, ярамас!

*Санчо*. Рост, ўлай агар! Нима қилай: бу ҳақоратни жавобсиз қолдираверайми?

*Дон Кихот*. Калланг кетишини хоҳлаяпсанми, конхўр?

*Герцог*. Нима гап, сеньор *Дон Кихот*?

*Дон Кихот*. Э, унинг гапига кулоқ солманг, ҳазратлари.

*Санчо*. Ие, кулоқ солманг эмиш! *(Герцогга)*. Бош бармоғини ҳалигидақа қилиб кўрсатди.

*Герцог*. Родригес-а? Ҳа, бадфёъл аёл у. Шундай қилган бўлса, сиз ҳам кўрсатинг.

*Санчо*. Одамга алам қилар экан...

*Дон Кихот*. Ҳазратлари...

*Герцог*. Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, юринг ювинишга, сеньор *Дон Кихот*. *(Бирга кетишади)*.

*Санчо* *(Родригесга)*. Мана, сиз ҳам кўриб кўйинг!

*Родригес*. Вой, вой ўлмасам... *(қочиб кетади)*.

*Дон Кихот* дан кейин *Санчо* ҳам кетади. *Мушиқа*. Мулозимлар ичимликлар келтиради. Бир оздан сўнг *Дон Кихот*, *Герцогиня*, *Герцог* стол атрофига ўтиришади. *Санчо* *Дон Кихот* нинг ўриндиги ёнида тик туради. *Герцог* нинг роҳиби кириб, булардан узоқроққа ўтиради.

Герцогиня. Сеньор Дон Кихот, соҳибжамол Дульсинея Тобосскаядан хабар борми?

Дон Кихот. Э, сўраманг, шавкатли герцогиня. Пешонам шўр экан. Қанчадан-қанча ёвуз пахлавонларни енгиб, барини унинг олдида тиз чўкишга жўнатгандим, бирортаси ҳам излаб тополмапти. Бағритош сеҳргарлар уни оддий дехқон қизига айлантириб қўйишган-да!

Герцог. Чатоқ иш бўпти-да!

Роҳиб. Қулоқларимга ишонмаяпман. *(Герцогга)*. Ҳазратлари, бу икки телбани рағбатлантираётганингиз учун ҳали рўзи маҳшарда жавоб берасиз! *(Дон Кихотга)*. Сиз-чи, сиз? Ёвуз кучларни енгган жаҳонгашта рицарман деб ўзингизни ўзингиз лақиллатиб юрибсиз. Ҳаммага кулги бўлиб, дарбадар юришни бас қилинг. Эсингизни йиғинг, уйингизга қайтинг, фарзандларингизни тарбияланг, рўзғорга қаранг! Ким кўрипти Испанияда жаҳонгашта рицарларни? Ёки бўлмаса, инсу жин, девқомат одамларни? Масхаравозлик ҳам эви билан-да!

Герцог. Қўйинг энди, ҳазрат!

Герцогиня. Илтимос...

Дон Кихот. Майли, майли, ижозатингиз билан жавоб қайтарсам, ҳазратлари. *(Роҳибга)*. Шуни билиб қўйингки, жаноби роҳиб, мухтарам герцогнинг меҳмони бўлганим учун, қолаверса, мартабангизни хурмат қилганим сабабли ғазабимни базўр тизгинлаб ўтирибман, акс холда дунёга келганингизга пушаймон бўлардингиз. Майли, сиз билан ўз қуролингиз – тил ёрдамидан жанг қила қолай. Қани айтинг-чи, қайси айбим учун мени қоралаб, йўқ фарзандларимни тарбия қилишни буюряпсиз? Сизнингча, ўз роҳатини ўйлаб эмас, ночор кимсалар дардида дунё кезиб юрган одам эси йўқ одам бўларканми? Ҳар ким ҳар хил йўл танлайди. Бировлар йиқилиб-туртиниб бўлса ҳам шон-шухрат кетидан югуради, бировлар жирканч хушомадгўйлик сўқмоғида эмаклайди, кимлардир риё ва мунофиқлик қўчасида жавлон уради. Мен шу йўлларнинг бирортасига қадам босибманми? Йўқ. Мен бошқа йўлни – рицарликнинг сермашаққат йўлини танлаганман, мен ер юзидаги фароғатдан кўра ор-номусни афзал деб биламан. Нимадан дарғазаб бўляпсиз? Ёвуз кучларга қарши курашганимданми? Курашган бўлсам зўравонлар оёғи остида топталган заиф ва ночор бандаларни ҳимоя қилиш мақсадида курашдим. Қаердаки ноҳақликни кўрсам, ўлимни бўйнимга олиб жангга киришдим. Ёки бу дунёда ёвузлигу ноҳақликнинг уруғи куриган деб ўйляпсизми? Кўзингизни ёғ босган, таксир! Мени ниятим холис – ҳаммага яхшилик қилиш ва ҳеч кимга озор бермаслик. Шу ниятим учун таъна эшитишим керакми? Агар мени рицарлар эси йўқ дейишса, хафа бўлардим, лекин сизнинг сўзларингизни сариқ чакага ҳам олмайман, шунинг учун сиздан ранжиш ҳам шарт эмас!

Санчо. Бопладингиз, хўжайин, буни ҳоким сифатида айтяпман сизга.

Роҳиб *(Санчога)*. Кўзингни оч, тентак! Қанақа ҳокимликни орзу қиялсан, фирт жоҳилсан-ку!

Санчо *(Дон Кихотга пичирлайди)*. У мени ҳақорат қилди, хўжайин.

Герцог. Йўқ, йўқ, янглишяпсиз, ҳазратлари. Ҳозир, ҳамманинг олдида эълон қиламан: яроғбардор Санчо Панса тасарруфимдаги Баратария оролига ҳоким этиб тайинлансин.

Герцогиня. Мурувватингиз беқиёс, герцог!

Санчо *(роҳибга)*. Мана сизга – жоҳил! Э, аттанг, шу тобда хотиним ёнимда бўлмади-да, тоза суюнган бўларди.

Дон Кихот. Азалий орзуинг ушалгани учун мухтарам герцогга раҳмат де!

Роҳиб. Кўриб турибман, мухтарам герцог, сиз ҳам шуларнинг биттаси экансиз. Сизнинг ҳукмингизга шак келтирмоқ ножоиз. Шунинг учун мен кетаман. *(Кетади)*.

Герцогиня *(Дон Кихотга)*. Аммо-лекин роҳибни роса тузладингиз, сеньор. У бекорга жаҳл қилаётган эди.

Герцог. Тўппа-тўғри. Энди, Санчо, оролга отланинг. Ҳамма сизга мушток.

Д о н К и х о т. Рухсат этсангиз, жаноблари, унга бир-икки оғиз маслаҳатим бор эди. Ҳар ҳолда янги лавозимда қоқилиб-нетиб юрмасин дейман-да.

Г е р ц о г. Маъқул гап, сеньор.

Г е р ц о г и н я. Бўлмаса сизларни холи қолдирамиз.

*Д о н К и х о т билан С а н ч о дан бошқа ҳамма чиқиб кетади.*

Д о н К и х о т. Гапимга диққат билан қулоқ сол, Санчо. Мен ҳам ҳаяжондаман. Кутилмаганда сен қатта лавозимга эга бўлдинг. Баъзилар бунга эришиш учун елиб-югуради, азбаройи нафси ҳакалак отиб кетганидан ёки шуҳратпарастлигидан шундай қилади. Бу йўлда ҳеч нарсадан, ҳатто нопок усуллардан ҳам қайтмайди. Сенга буни шунинг учун айтяпманки, осмондан тушган бахтни ўз хизматларимнинг натижаси деб ўйлама, кеккайиб кетма, энг муҳими, элнинг назаридан қолма, уни қайта тиклаб бўлмайди. Дунёда мангу барҳаёт иғво ва тухмат деган иллатлар бор, шунга сергак бўл. Ҳар доим оддий дехқонлигингдан фахрланиб юр. Бундан уялма. Камбағал бўлсанг ҳам айрим кимсалардан кўра ҳалол ва пок-лигингни исботлашга зарурат йўқ. Насл-насабингу қавм-қариндошларингдан юз ўгирма. Яна нима гап қолди? Ҳа, дарвоқе. Сен энди фақат ҳоким эмас, юртнинг қозикалонисан. Бу жуда оғир вазифа, Санчо, гапларимни эшит, эслаб қол. Ҳукм чиқараётганингда ўзбошимчаликка йўл қўйма. Эслаб қолдингми?

С а н ч о. Эслаб қолдим, хўжайин.

Д о н К и х о т. Ҳар доим ҳақиқатнинг этагидан тут. Бойваччанинг ваъдаю пораларидан кўра ночор одамнинг кўз ёшлари сенга кўпроқ таъсир қилсин. Қонунга амал қил, аммо шуниям унутма: агар қонун ҳаддан зиёд бешафқат бўлса, унинг бутун оғирлигини маҳкумнинг елкасига ортиб, баттар эзиб ташлама. Билиб қўй, қаттиққўл қозининг обрўси раҳмдил қозининг шуҳратидан ортиқ эмас. Бу ишда ҳар хил ҳолат бўлиши мумкин. Масалан, душманингни сўроқ қилипсан. Бундай пайтда унинг душманлигини унут, гўё уни биринчи марта кўраётгандай ҳукм чиқар. Баъзан ҳукм чиқаришда иккиланиб қолишинг мумкин, шунда ишни маҳкумнинг фойдасига ҳал қил. Яна нима дейин? Ўзингга тобе кишиларга ҳеч қачон қўполлик қилма, Санчо, яна бир илтимосим – кўп гапирма. Тил югуриги бошга, деган нақл бор. Кейин... ўзингга қара, озода юр. Мана шу маслаҳатларимга амал қилсанг кам бўлмайсан. Тушунарлими? Уқдингми гапларимни?

С а н ч о. Ташвишланманг, хўжайин, ҳаммасига тушундим.

Д о н К и х о т. Кўзимга қара, Санчо. сенга ишонаман. Энди хайрлашамиз. Бошқа кўришмаймиз. Йўлнинг айрилиш жойига етиб келдик. Мен герцогнинг саройида уч-тўрт кун дам олиб, яна йўлга тушаман, бурчим тақозо этган томонга қараб от сураман.

С а н ч о. Эҳ, хўжайин...

Д о н К и х о т. Нега энтиқиб қолдинг?

С а н ч о. Яроғбардорсиз нима қиларкинсиз, шуни ўйлаяпман.

Д о н К и х о т. Бошқа одам топаман.

С а н ч о. Бошқаси кўнармикан? Ҳамма гап мана шунда! Жа-а зўр келса, унга ҳам битта оролни инъом этасиз-да. Сиз билан кетардим-у, аммо...

Д о н К и х о т. Йўқ, йўқ, тушунаман.

С а н ч о. Бўлмаса сизга ҳам жиндак насиҳатим бор, хўжайин. Кўнглим сезиб турипти, ҳали сизни кўп дўппослашади. Шундай пайтда бошингизни эҳтиёт қилинг, бу бошда гап кўп, гиж-гиж ақл! Бирор нобакор сапчадай узиб ташламансин тагин. Майли, икки-учта қовурга кетса кетар, аммо бош омон бўлсин! Яна нима дейишим мумкин? Ҳа, сизда бир шиша малҳам қолган, ўтинг баҳридан, хўжайин, йўқотинг ўша касофатни! Жангда ўлмасангиз ҳам шу малҳам ўлдиради сизни! Агар насиҳатларимга амал қилсангиз, сиз ҳам кам бўлмайсиз, хўжайин!

Д о н К и х о т. Раҳмат сенга. Алвидо, садокатли дўстим!

*Бурғулар янграйди, эшик очилади, Герцогиня, Герцог ва мулозимлар киришади.*



## Еттинчи кўриниш

*Герцо гнинг шаҳар ташқарисидаги қалъаси. Тахт. Чодир остида каравот. Бурзулар янграйди. Санчо ҳокимлик либосида мулозимлари билан кириб келиб, тахтга ўтиради.*

И ш б о ш и. Жаноб ҳоким, бизнинг Баратария оролимизда азалий бир удум бор. Унга кўра янги ҳоким иш бошлашдан олдин ҳамманинг олдида икки-учта жумбоқни ҳал қилиб бериши керак. Шунга қараб, халқ янги ҳоким ақллими ёки ғирт тўнками, аниқлаб олади. Қувониш керакми, қайғуриш керакми – бу ҳам шундан кейин аён бўлади.

С а н ч о. Қани ўша жумбоқларингиз?

И ш б о ш и. Ҳозир, жаноблари!

*Иккита қария кириб келади. Иккинчисининг қўлида калтак.*

С а н ч о. Нима гап, отахонлар?

Б и р и н ч и қ а р и я. Жаноблари, мен бунга ўн тилла қарз берувдим. Вақти келганда сўраб борсам, берганман, дейди. Лекин берган эмас, гувоҳларим ҳам йўқ. Судма-суд юравериб, чарчадим. Бу бўлса берганман, деб қасам ичгани-ичган. Шуни бир ёқлик қилиб беринг, жаноб ҳоким!

С а н ч о (*иккинчи қарияга*). У сизга ўн тилла қарз берганми?

И к к и н ч и қ а р и я. Берган, жаноблари, лекин мен қарзни ўз вақтида қайтарганман.

Б и р и н ч и қ а р и я. Ёлғон гапиряпти, қайтаргани йўқ.

И к к и н ч и қ а р и я. Тухмат бу, бус-бутун қайтарганман.

С а н ч о (*иккинчи қарияга*). Қасам ичоласизми?

И к к и н ч и қ а р и я. Ҳар доим тайёрман.

С а н ч о. Бўпти, қани эшитайлик.

И к к и н ч и қ а р и я (*биринчисига*). Илтимос, қўшни, калтагимни ушлаб тур. (*Биринчи қария калтакни олади*). Пулини қайтариб бермаган бўлсам худо урсин!

Б и р и н ч и қ а р и я. Ё кудратингдан, худодан ҳам қўркмайди-я!

*И к к и н ч и қ а р и я калтагини олиши учун Б и р и н ч и қ а р и я томон қўл узатади.*

С а н ч о. Йўқ, йўқ, қасам ичган пайтингизда тўғри гапирдингиз. Лекин калтак бу кишида қолаверсин.

Б и р и н ч и қ а р и я. Шу калтак ўн тилло турадим, жаноб ҳоким?

С а н ч о. Нега турмас экан? Қани, калтакни синдиришлар-чи!

*Калтакни синдиришади, ичидан тилла тангалар думалаб тушади.*

Б и р и н ч и қ а р и я. Менинг пулларим! Умрингиздан барака топинг, жаноби ҳоким!

И к к и н ч и қ а р и я (*тиз чўкиб*). Мени кечиринг, донишманд ҳоким!

С а н ч о. Йўқол, муттаҳам! Яна бирортасига фирибгарлик қилсанг, оёғингдан дорга осаман!

Б и р и н ч и қ а р и я. Буюк ҳоким экан!

И ш б о ш и ва б о ш қ а м у л о з и м л а р. Тасанно, тасанно!

*Қариялар чиқиб кетишади. Бир а ёл, кетидан Чўч қа б о қа р киради.*

А ёл. Адолат борми бу дунёда? Осмондан излаш керакми адолатни?

С а н ч о. Нима бўлди, синглим?

А ё л. Манови аблах далада мени зўрлади!  
 С а н ч о (*чўчкабоқарга*). Ростми шу гап?  
 Ч ў ч қ а б о қ а р. Жаноблари, мен оддий чўчкабоқарман!  
 С а н ч о. Чўчкабоқар бўлсанг нима қипти? Касбинг сени оқлолмайди!  
 Ч ў ч қ а б о қ а р. Тўғри, бу аёлни далада учратиб қолдим. Тўртта чўқамни  
 сотган эдим... Нима жин урди, билмайман... Лекин зўрлаганим йўқ, ҳамма иш  
 рози-ризолик билан бўлди. Айтган пулини ҳам берганман.

А ё л. Ёлғон гапиряпти!  
 С а н ч о. Хўш, мулла чўчкабоқар, ёнингда пулинг борми?  
 Ч ў ч қ а б о қ а р. Бор, жаноблари, мана, йигирма кумуш танга.  
 С а н ч о. Бер пулни аёлга!

*Ч ў ч қ а б о қ а р ҳайрон бўлиб, ҳамённи аёлга узатади.*

А ё л. Илойим мингга киринг. Ҳақиқат бор экан-ку! (*Кетади*).  
 С а н ч о (*чўчкабоқарга*). Ҳа, нега серрайиб қолдинг?  
 Ч ў ч қ а б о қ а р. Ахир пулларим кулогини ушлаб кетди-ку!  
 С а н ч о. Шунақа бўлса, бор, ҳамёнингни тортвол!

*Ч ў ч қ а б о қ а р югуриб чиқиб кетади. Шовқин эшитилади. Кейин аёл  
 чўчкабоқарни судраб келади.*

А ё л. Жаноб ҳоким! Манови йўлтўсар куппа-кундузи ҳамманинг олдида сиз  
 инъом этган ҳамённи тортиб олмоқчи бўлди!

С а н ч о. Тортволдими?

А ё л. Бериб қўярканманми! Қўли арслон панжасидан зўр бўлгандаям  
 ололмайди!

Ч ў ч қ а б о қ а р. Майли, воз кечдим пулларимдан.

С а н ч о (*аёлга*). Ҳамённи бу ёққа бер.

А ё л. Жаноб ҳоким, бу қанақаси?

С а н ч о. Бер деяпман! Агар сен ўз номусингни мана шу ҳамёнга ёпишгандай  
 ҳимоя қилганингда эди, дев бўлганда ҳам сени зўрлолмас эди! Қани, жўна бу  
 ердан! (*Чўчкабоқарга*). Ма, ҳамёнингни ол.

Ч ў ч қ а б о қ а р. Миннатдорман, мухтарам ҳоким!

С а н ч о. Майли, боравер, бундан кейин бунақа энгилтаклик қилма!

Ч ў ч қ а б о қ а р (*кетатуриб*). Яшасин ҳокимимиз!

И ш б о ш и. Халқ хурсанд сиздан, жаноб ҳоким! Иш тугади, таом тайёр.

С а н ч о. Мен ҳам хурсандман, опке овқатингни!

*Ноз-неъматга тўла стол. С а н ч о келиб ўтиради. С а н ч о ўтирган ўриндиқ  
 орқасида доктор А г у э р о пайдо бўлади. С а н ч о бирор таомга қўл чўзгудай  
 бўлса, А г у э р онинг ишораси билан ўша таом солинган тарелкани дарҳол олиб  
 кетишади.*

С а н ч о. Бу қанақаси?

А г у э р о. Жаноб ҳоким, мен докторман, мени сиз тановул қиладиган  
 таомларни назорат қилиб туриш учун юборишган. Соғлигингиз бизга керак,  
 жаноблари. Бу овқат сизга зарарли.

С а н ч о. Унда бир бўлак каклик гўшти ея қолай.

А г у э р о. И-ий, тиббиёт отаси Гипократ айтганки...

С а н ч о. Хўп, хўп, тиббиёт отаси айтган бўлса, куён гўшти бера қолишсин.

А г у э р о. Йўғ-э, асло мумкин эмас!

С а н ч о. Менга қаранг, исмингиз нима, қаерда ўқигансиз?

А г у э р о. Мен доктор Педро Ресио де Агуэроман, Каракуэл билан Альма-  
 давар дель Кампо оралиғидаги кишлокданман, шифокорлик калпоғини Оссун  
 университетидида олганман.

С а н ч о. Менга қара, доктор Агуэро, қаерда туғилган, шифокорлик қалпоғини қаердан олган бўлсанг ҳам, жўна бу ердан!

А г у э р о. Жаноб ҳоким!

С а н ч о. Йўқол! (*Агуэро тез чиқиб кетади*). Қуён гўштини келтиринг!

Ишбоши. Жоним билан! (*Санчо ея бошлайди. Бурғу овози эшитилади. Санчога хат узатади*). Герцогдан сизга хат келди.

С а н ч о. Котибам ким?

И ш б о ш и. Мен, жаноблари.

С а н ч о. Ўқишни биласизми?

И ш б о ш и. Чала-чулпа, жаноблари.

С а н ч о. Ўқинг, дона-дона қилиб ўқинг, тушунволаман.

И ш б о ш и (*ўқийди*). “Мухтарам ҳоким, менга етиб келган хабарларга қараганда, яқин кунларда душман оролингизга хужум қилишни режалаштирган. Зарур чора-тадбирларни кўриб қўйинг...”

С а н ч о. Олинг қуёнингизни. Иштахам бўғилди. (*Ишбошига*). Ўқиб берганингиз учун раҳмат. Сизни ўқишга ўргатганларнинг уйига ўт тушсин!

И ш б о ш и. Яна бир нималар ёзилган.

С а н ч о. Биратўла ўлдириб қўя қолинг.

И ш б о ш и (*ўқийди*). “Бундан ташқари, мухтарам ҳоким, огоҳлантириб қўяй: душманлар сизга суиқасд уюштирмоқчи. Таом еганда эҳтиёт бўлинг. Захар соллинган бўлиши мумкин. Сизнинг герцогингиз”.

С а н ч о. Охири вой бўлишини билувдим. Столни йўқотинглар. Ҳеч нарса қолмасин! (*ўрнидан туради*). Ё парвардигор, ё раббим! Шунча меҳнат қилиб, яйраб овқат еёлмасанг, лоақал тинчгина ухлаб олай!

И ш б о ш и. Хўп бўлади, жаноб ҳоким!

*Қоронги тушади. С а н ч о н и ч о д и р г а о п к и р и б қ ў й и ш а д и. С т о л н и й и г и ш т и р и ш а д и. З а л б ў м - б ў ш бўлиб қолади. Мусиқа овози янграйди. Сўнг қўнғироқларнинг жаранг-журунги ва олисдан шовқин эшитилади.*

С а н ч о (*чодирдан мўралаб*). Нималар бўляпти? (*Олисда ўқ отилади*). Ана, анови мактубда ёзилган гаплар рост чиқди! (*Чодирни ёпиб олади*).

И ш б о ш и (*қилич кўтарган ҳолда кириб келади*). Жаноб ҳоким! Жаноб ҳоким!

С а н ч о (*мўралаб*). Нима гап? Оролда тинчликми?

И ш б о ш и. Тинчликмас-да! Душман қўққисдан хужум қилиб қолди! Қуролланинг, жаноб ҳоким, қуролланинг! Қўшинга бош бўлинг, акс ҳолда ҳаммамиз пашшадай кирилиб кетамиз!

С а н ч о. Қуролланинг? Эҳ, хўжайиним ёнимдамас-да! Энди нима қиламан! (*Чодирга кириб кетади*).

И ш б о ш и (*чодирнинг бир четини кўтариб*). Жаноблари, тезроқ қимирланг!

М у л о з и м л а р (*маиғал кўтариб*). Қуролланинглар!

И ш б о ш и. Катта қалқонларни келтиринглар!

*С а н ч о и к к и қ а л қ о н н и б и р - б и р и г а с у я б и ч и г а к и р и б о л а д и, к а т т а к о н т о ш б а қ а г а ў х ш а б қ о л а д и.*

И ш б о ш и. Олға, жаноб ҳоким, олға!

С а н ч о. Олға эмиш-а? Жойимдан кимирлолмаёйман-ку!

И ш б о ш и. Ҳокимни кўтаринглар!

*С а н ч о н и кўтариб олиб чиқишади. Шовқин-сурон, маиғаллар шуғласи. С а н ч о чўзилиб ётипти, бошини қалқонлар орасига суқиб олган. Атрофида мулозимлар типирчилашади, дераза ортидан бақирӣқ-чақирӣқ, ўқ товушлари эшитилади.*

И ш б о ш и (*Санчонинг қалқони устига чиқиб, буйруқ беради*). Олға, орол-

ликлар, олға! Қизиган ёғни олиб келинглари! Қуйинглари ёв устига! Нарвонларни ағдариб ташланглари! Олға! Олға! Душман чекиняпти! Ярадорларни боғланглари!

Бу ёққа! Мени олдимга! *(Қалқон устида рақсга тушиб кетади).*

М у л о з и м л а р. Ёв қочди!

– Қочди?

– Ғалаба!

– Ғалаба!

*Жимжитлик.*

И ш б о ш и *(қалқондан сакраб тушиб).* Ғалаба! Ҳокимни турғизинглари! *(Санчони кўтариб турғизишади).* Табриклайман, жаноби олийлари! Сизнинг раҳнамолигингизда ороликлар армияси душманни улоқтириб ташлади! Бемалол тантана қилишингиз мумкин!

С а н ч о. Бир қултум мусаллас беринглари. *(Мусаллас опкелишади).* Йўқ, керакмас. Мусалласга ҳам захар солинган бўлиши мумкин. Эшагимни келтиринглари.

И ш б о ш и. Хўп бўлади, жаноб ҳоким.

С а н ч о. Йўл беринглари, жаноблар.

*Мул о з и м л а р четланишади, С а н ч о чодирга кириб кетади. Зал орқасидаги айвонга эшакни опкелишади. С а н ч о чодирдан ўзининг эски кийимларини кийиб чиқади.*

С а н ч о. Бери кел, эшагим! Бери кел, қадрдоним! *(Уни қучоқлайди).* Қачонлардир биз бир-биримизсиз яшай олмасдик. Ўша пайтларда сени боқишдан, силаб-сийпалашдан бўлак ташвишим йўқ эди. Уйда ҳам, сафарда ҳам доимо бирга эдик, қандай шуқуҳли ойу йиллар экан ўша дамлар! Нима жин урди мен ношукур бандани, билмайман. Шон-шуҳратга қизиқиб, шу лавозимга ўтирдим-у ҳаловатим йўқолди, бошим ташвишдан чикмай қолди. Йўл беринглари, жаноблар, менга олдинги ҳаётимни қайтаринглари! Мен хўжайиним хузурига бораман, менга ҳокимлик тўғри келмас экан! Мен ер чопишни, хомтоқ қилишни биламан, аммо юртни бошқаролмайман. Менинг қўлимга қилич эмас, ўроқ кўпроқ ярашади. Ҳокимнинг пар тўшагидан кўра дала-даштда тинчроқ ухлайман. Оддий камзулим мени ҳокимнинг башанг либосидан кўра иссиқроқ тутади. Хайр, азизлар, омон бўлинглар! Бир илтимосим: герцогга айтиб қуйинглари, бу ерга қандоқ келган бўлсам, шундоқ кетяпман. Ҳеч нарса йўқотганим ҳам, ҳеч нарсага эга бўлганим ҳам йўқ. Мана кўриб қуйинглари, чўнтагим бўм-бўш, ҳеч нарса ўғирламадим. Хайр, худо паноҳида асрасин ҳаммангизни! *(Эшагига минади).*

И ш б о ш и. Жаноб ҳоким, кетманг, илтимос!

М у л о з и м л а р. Биз билан қолинг, жаноб ҳоким!

С а н ч о. Йўқ, қололмайман! Танам каби руҳим ҳам мажруҳ!

А г у э р о. Энг яхши дори-дармонларни топиб бераман.

С а н ч о. Э, йўк! Ҳеч қандай дорингиз қайсарлигимга шифо бўлолмайди.

Бир нима дедимми, айтганимни қиламан!

И ш б о ш и. Ақлингиз ва тадбиркорлигингиз туфайли бизга ёқиб қолган эдингиз. Кетманг!

С а н ч о. Йўқ, йўқ, йўлни бўшатинглари!

И ш б о ш и. Начора! Хайр, Санчо Панса! Бу оролни бошқарган ҳамма ҳокимлар ичида энг софдили, энг ҳалоли ўзингиз бўлдингиз! Оқ йўл сизга!

С а н ч о. Хайр! *(Жўнаб кетади).*

## ТҶРТИНЧИ ПАРДА

### Саккизинчи кўриниш

*Герцогнинг боғи ва пешайвони. Боғда чироқлар ёнган. Музиқа эшитилиб турипти. Герцог билан Герцогиня айвонда ўтиришипти.*

Д о н К и х о т (*сахна ортида*). “О, рашк, севги салтанатининг султони, занжирбанд эт кўлларни буткул!..”

Г е р ц о г и н я. Яна жавабаси тутди. Бакириб шеър ўқиётганини эшитяпсизми? Ичим ачийди унга. Мана шу васвасалари бўлмаганда дунёдаги энг ақлли инсонлардан бири бўларди. Хаёлотга берилмаса, ундан доно одам йўк.

Г е р ц о г. Янглишасиз, азизам, унинг дарди бедаво. Майли, мана шу телба-лиги билан ҳам одамларнинг вақтини чоғ қилиб юрса бўлгани.

*Бургу овозлари эшитилади. Х и з м а т ч и киради.*

Х и з м а т ч и. Қандайдир рицарь келиб, хузурингизга киришга рухсат сўраяпти.

Г е р ц о г. Қанақа рицарь?

Х и з м а т ч и. Ҳеч ким танимади, эгнида совут, бошида дубулға.

Г е р ц о г. Ҳа, шумтака! Ишбошининг ҳазилидир-да!

Х и з м а т ч и. Йўк, ҳазратлари, рост! Бу одамни ҳеч ким танимади, исмини айтмаяпти.

Г е р ц о г. Ҳа, майли, бу ҳам бир эрмак-да, чакир!

*Х и з м а т ч и чиқиб кетади. Мусиқа эшитилиб турипти. Рицарлик либосида, ёнида қилич, қўлида қалқон билан С а н с о н кириб келади. Кўкрагида ой тасвири.*

С а н с о н. Таклифсиз кириб келганим учун узр, ҳазратлари!

Г е р ц о г. Ҳечкиси йўк! Хурсандман. Ўзлари ким бўладилар?

С а н с о н. Мен – Ой рицариман.

Г е р ц о г. Ёпирай! (*Герцогиняга*). Эсини еган битта эди, иккита бўлди. (*Сансонга*). Хўш, ташрифингизни боиси не, рицарь? Ҳа, майли, нима бўлганда ҳам кўрганимдан хурсандман.

С а н с о н. Эшитишимча, Дон Кихот шу ерда экан. Уни кўрмоқчи эдим.

Г е р ц о г. Ҳа, шу ерда. Ҳозир кўрасиз-да. (*Хизматчига*). Дон Кихотни чакириб кел.

Х и з м а т ч и. Хўп бўлади (*кетади*).

Г е р ц о г и н я. Кўнглим ғаш-да, герцог, тагин бирор кор-хол бўлмасмикин?

Г е р ц о г. Ташвишланманг, хизматчиларнинг ҳазили-да бу.

Д о н К и х о т (*сахна ортида*). Ҳа, ўлимим яқин... Мен ўламан. Ҳаётдан ҳам, ўлимдан ҳам ҳеч қандай таъмам йўк. (*Рицарлик кийимида, лекин бош кийимисиз кириб келади. Сансонни кўриб*) Ким бу? (*Герцогга*). Дарвоқе, нима учун роҳибни таклиф қилмадингиз, ҳазратлари? Ахир у Испанияда рицарлар ҳам, баҳайбат одамлар ҳам йўк деган эди-ку?! Жаҳонгашта рицарлар борлигига ҳозир имон келтирган бўларди! Мана, мендан ташқари яна биттаси турипти! Кўряпсизми, вужудидан учкун сачраяпти, кўзларида жасорат олови ёняпти. Мен буни дубулға пардаси орқасидан кўриб турибман. Хўш, мени нега чакиртирган эдингиз?

С а н с о н. Сизнинг олдингизга келдим, Ламанчлик Дон Кихот.

Д о н К и х о т. Мана, қаршингизда турибман.

С а н с о н. Дон Кихот! Мени Ой рицари деб аташади.

Д о н К и х о т. Нима ишингиз бор менда?

С а н с о н. Сиз билан олишгани келдим, Дон Кихот. Менинг маъшукам сизнинг Дульсинеянгиздан гўзалроқ эканини тан олишга сизни мажбур қилмоқчиман. Тан олмасангиз, мен билан жанг қиласиз. Икковимиздан биримиз мағлуб бўламыз, мағлуб томон ғолибнинг амрини бажаришга мажбур. Хўш, розимисиз?

Д о н К и х о т. Менга қаранг, Ой рицари, сизнинг жасоратингиз тўғрисида эшитмаганман ҳам, ўқимаганман ҳам. Аммо такаббурлигингиз мени лол қолдирди. Шубхам йўкки, сиз Тобослик Дульсинеяни кўрмагансиз, кўрганингизда бундай демасдингиз.

С а н с о н. Сизни жангга чорлаётган эканман, нима дейиш ўз ихтиёримда.

Жавоб беринг: олишасизми мен билан ёки йўқми?

Д о н К и х о т. Бўпти, Ой рицари, таклифингизни қабул қиламан. (*Хизматчига*). Менга дубулғам билан қалқонимни келтиринг. Сиз ҳақамсиз, герцог!

Г е р ц о г и н я. Вой шўрим, дуэлми? Мен кўрқаман!

Г е р ц о г. Кўрқманг, герцогиня, қизик бўлади. Ҳой, машғални опкелинглар.

*Машғалларни келтиришади. Хизматчи Дон Кихотга сартарошнинг тоғорачаси билан қалқонни беради.*

Г е р ц о г. Жойни танланг, Ой рицари!

С а н с о н. Турган ерим яхши.

Г е р ц о г. Бу ёққа ўтинг, Дон Кихот.

Д о н К и х о т. Севгилим, ким ҳақ бўлса – ўшанга қайиш!

Г е р ц о г. Бошланглар!

*Дон Кихот Сансонга ташланади, қилич уради. Сансоннинг чап қўли осилиб қолади.*

С а н с о н. Оҳ!.. (*Дон Кихотга ташланади, қиличини синдиради, совутини тешади, бошидаги сартарош тоғорачасини учуриб юборади*).

*Дон Кихот йиқилади.*

Г е р ц о г и н я. Бўлди! Бас! У энгилди!

Г е р ц о г. Тўхтанглар!

С а н с о н. Йўқ, нари туринглар! У билан ҳисоб-китобимиз бор! (*Дон Кихотнинг бўғзига қилич учини тираб*). Таслим бўлинг, Сўлғин Тимсол рицари! Сиз энгилдингиз! Энди жанг шартини бажариб, ортимдан такрорланг: ҳа, сизнинг маъшукангиз, Ой рицари, Дульсинеядан гўзал! Такрорланг!

Д о н К и х о т. Ҳа, сизнинг маъшукангиз... Йўқ, айтолмайман. Мағлуб бўлдим, энгилдим, тан оламан... Лекин дунёда Дульсинеядан гўзал аёл борлигини тан олишга тилим бормайди. Ундан гўзали йўқ бу ёруғ оламда! Шу тобда қиличингиздан кўра бошқа нарса мени даҳшатга соляпти! Бу – сизнинг кўзларингиз! Нигохингиз бунчалар совуқ, бунчалар бешафқат! Назаримда Дульсинея бу дунёда умуман йўқдай. Ҳа, у йўқ! Шуни ўйласам, пешонамдан совуқ тер чиқиб кетади! Дульсинея йўқ! Лекин барибир сиз айтган сўзларни тилга олмайман. Ундан гўзали йўқ! Аммо тош-метин қалбингиз буни ҳис этмайди. Босинг қиличингизни, мен ўлимдан кўрқмайман!

С а н с о н. Ўлдираман!

Г е р ц о г. Бас қилинг, буюраман!

С а н ч о (*кириб келиб*). Хўжайин, сеньор Дон Кихот... хўп вақтида келибманда... Оролни тарк этдим, мен энди ҳоким эмасман! Яроғбардорингизни маслаҳатига кулоқ солинг – энгилганингизни тан олинг. (*Герцогга*). Жаноблари, софдил ва донишманд бир одамнинг ўлиб кетишига йўл қўйманг!

Г е р ц о г. Бўлди, жанг тугади!

С а н с о н (*Дон Кихотга*). Майли, сўзларимни такрорлашдан сизни халос қиламан. Дульсинеянинг хаёли билан яшайверинг, у бу дунёда йўқ. Шунга шукур қиламанки, мени маъшукам тирик, бинобарин, у сизникидан гўзалроқ! Энди кетимдан бошқа сўзларни такрорланг – мени мағлуб этган Ой рицарининг талабига кўра ўз юртим Ламанчга бутунлай кетаман, у ердан ҳеч қаерга чиқмайман ва жасорат кўрсатишларни йиғиштираман!

Д о н К и х о т. Тошбағир экансиз...

С а н с о н. Қасам ичинг, сабрнинг ҳам чегараси бор!

Г е р ц о г и н я. Хўп дея қолинг...

С а н ч о. Оёқ тираманг, хўжайин!

Д о н К и х о т. Хўп, тан оламан... Мен энгилдим...

*С а н с о н қиличини қинига солиб, нари кетади.*

*Д о н К и х о т. Ким бор ёнимда? Санчо... Санчо, кўмаклаш, ўмровим синган.*

С а н ч о. Кўтаришга ёрдамлашворинглар.

*Х и з м а т ч и л а р Д о н К и х о т н и кўтаришади.*

Г е р ц о г и н я. Дўхтир чақиринглар!

*Д о н К и х о т н и олиб кетишади. Саҳнада Г е р ц о г ва С а н с о н қолади.*

Г е р ц о г. Ҳазилни таги зил бўлди-ку. Энди пардани кўтариб, кимлигингизни айтсангиз.

С а н с о н (*дубулга пардасини кўтариб*). Мен ламанчлик бакалавр Сансон Карраско бўламан. Ҳеч қачон рицарь бўлмаганман, бўлишни ҳам хоҳламайман. Мен шўрлик Алонсо Киханога ачинганимдан шундай қилдим. Уни яхши кўраман, хурмат қиламан. Алонсонинг бемаъни юришлари ва қилиқларига чек қўймоқчиман.

Г е р ц о г. Ҳм... Мақсадингиз таҳсинга сазовор, бакалавр, шу ишни деб бир қўлингиздан айрилдингиз. Майли, савоб иш учун шундай бўлди. Аммо Киханонинг жаҳонгашталиги тугашидан афсусланаман. Яроғбардори иккаласи одамларнинг кўнглини чоғ қилиб юришарди.

С а н с о н. Афсусланишнинг кераги йўқ, жаноблари. Дунёда бундан бошқа эрмак йўқми? Лочин ови, машъаллар остидаги рақслар, зиёфатлару ҳар турли мусобақалар... аслзодалар учун бу жихатдан муаммо йўқ. Азбаройи кўнгилхушлик деб наҳотки бир одамни эрмак қилиш зарур бўлса? Бусиз ҳам ошиб-тошиб ётган туғма масхарабозларнинг сонини ошириш шартми? Алонсо бундай одам эмас!

Г е р ц о г. Гапларингиздан, хурматли бакалавр, насиҳатнинг ҳиди келяпти, мен бировнинг насиҳатига зор эмасман!

С а н с о н. Худо арасин, герцог! Наҳотки сизга насиҳат қилишга журъат этсам! Шунчаки айтдим-қўйдим-да.

Г е р ц о г. Бунақа гапларни уйингизда айтасиз, бакалавр. Билганимда қалъага умуман киритмасдим.

С а н с о н. Шуни кўнглим сезгани учун қалъага қизикчи қиёфасида кирган эдим-да!

Г е р ц о г. Бўлди, бас. Жўнанг! (*Сансон бурилиб, чиқиб кетади*). Ҳей, анови Ой рицарининг кавушини тўғрилаб қўйинглар!

## Тўққизинчи кўриниш

*Д о н К и х о т нинг ҳовлиси. Кечки пайт. Эшикдан анча нарида, тепаликдаги йўлда букчайган, ҳассага таянган Д о н К и х о т ва от билан эшак етаклаган С а н ч о кўринади. От устида рицарлик либос ва анжомлари, худди синган найзасини кўтариб, ичи бўм-бўш рицарь от миниб келаётганга ўхшайди.*

С а н ч о. Ана кишлоғимиз, хўжайин! Киндик қонимиз тўкилган кадрдон гўшамиз! Фарзандинг Санчо Пансани бағрингга ол, она-Ватаним! У кучоғингга шон-шуҳратга кўмилиб эмас, бой тажриба орттириб қайтпти. Юртма-юрт кезиб, тортмаган азоблари, кўрмаган кулфатлари қолмади. Ўлгудай калтак еди, яроғбардорлик нималигини билмайдиган кимсаларга кулги ва масхара бўлди. Кейин омади чопиб, ҳокимлик мартабасига эришди, ана ўшанда хушодаму иззат-икром қанотида осмонга учиб кетишига сал қолди. Хайрият, ҳокимлик узокқа чўзилмади, калтак оғриқлари ҳам босилди. Мана, фарзандининг туғилган

юртига – ўзига таниш дарахтлар паноҳига, ўзи сув ичган қудукбошига қайтиб келди. *(От билан эшакни боғлайди. Бу пайтда Дон Кихот ҳовли ёнидаги тепалик устида туриб, олисларга назар ташлайди).* Жиян! Калитдор хоним! Энди кўркмасдан овозимни кўтариб гапиравераман, чунки энди сиз ҳам юзимга чангал солмайсиз, эшитганда ҳар қандай доворак киши ҳам қалтираб қоладиган сўзлар билан ҳақорат қилмайсиз. Биз бутунлай қайтиб келдик!.. Э, бугун шанба-ку, у черковда.. Хўжайин, нега кирмаяпсиз, қаёққа қараяпсиз?

Д о н К и х о т. Қуёшга! Ана у, осмоннинг кўзи, коинотнинг боқий машғали, мусика яратувчи, инсоният шифокори! Аммо кун охирлаяпти, шиддатли куч уни пастга тортқилаяпти. Ҳадемай у ер остига кириб кетади. Оламни қоронғулик босади. Аммо бу зулмат омонат, Санчо. Бир неча соатдан сўнг заминнинг нариги чеккасидан нур балқиб, осмонга яна олов ғилдираги ўрмалаб чиқади, бу ғилдиракка одам тик қарай олмайди. Шу хулосага келдимки, мен ўтирган ғилдирак ер остига киргандан кейин қайтиб чиқмайди. Куним битса, мен учун иккинчи кун бўлмайди, Санчо. Шунини ўйлаб эзилиб кетяпман, зеро, умрим поёнига етганини, охири куним тугаётганини сезиб турибман.

С а н ч о. Хўжайин, мени кўрқитманг. Яраларингиз очилиб кетган шекилли. Тан оғриси кўнгилга ҳам ғулғула тушади. Касалсиз, хўжайин, тезроқ ётиб ором олинг. *(Дон Кихот ҳовлига кириб, скамейкага ўтиради).* Юринг, ўзим ётқизиб қўяй, пича тамадди қилинг, бир ухлаб турсангиз отдай бўп кетасиз.

Д о н К и х о т. Йўк! Ташвишланма. Дарахтларга бир қара, Санчо. Япроқлар сарғайиб турипти. Демак, кун охирлаяпти. Алам қиладиган жойи шундаки, умримга қалбим бўм-бўш ҳолда нукта қўяпман! Бу бўшлиқни тўлдирадиган ҳеч нарса йўк!

С а н ч о. Бўшлиқ деганингиз нимаси? Гарчи ҳокимлик пайтимда ақлимни хўп пешлаган бўлсам ҳам, бу доно фикрларингизни илғай олмаяпман. Наҳотки анови лаънати Ой рицари – илоё гўрингда тўнғиз кўпсин – қиличи билан гуноҳкор танангизга кўшиб ўлмас руҳингизни ҳам яралаган бўлса?

Д о н К и х о т. Эҳ, Санчо, Санчо! Тиг яраси ҳеч гапмас. Қалбимни ҳам яралагани йўк. Аксинча, юрагимни поклади, поклади-ю, суғуриб олиб ташлади, ўрнига ҳеч нарса қўйгани йўк. У мени инсонга берилган энг улуғ неъмат – озодликдан маҳрум қилди. Дунёда ёвузлик тўлиб-тошиб ётипти, Санчо, аммо одамни тутқунликда сақлашдан ортик ёвузлик йўк. У мени кишанлаб қўйди, Санчо... Қарагин-а, куёшнинг ярми йўк, ер тобора кўтарилиб, уни ютиб юборапти. Мени ҳам домига тортиб кетади, Санчо.

С а н ч о. Эҳ, хўжайин-ей, сиз гапирганингиз сари миям ғовлаб кетяпти. Фақат бир нарсани сезиб турибман – сиз соғинчдан азоб чекаясиз, лекин қандай ёрдам беришни билмайман. Айтинг, нима қилсам кўнглингиз ёзилади? Хўп, ўша рицарь сизни енгипти, нима бўпти шунга? Энди жаҳонгашталиқ қилмайсиз, ҳеч кимга қилич кўтармайсиз. Ахир бир маҳаллар ўзингиз чўпон бўлишни орзу қилардингиз-ку! Агар менга яна иккита хўтик совға қилсангиз, сиздан айрилмайман, сизга ўрганиб қолганман, хўжайин. Ие, ие, ана, Яратганнинг ўзи мушқулимни осон қилди! Кўраман энди кўзларингиз қандай чарақлаб кетганини! Хўжайин, туринг, орзуингиз ушалди – Дульсинея келяпти!

*Қишлоқ томонга очиладиган эшикдан А л ь д о н с а Л о р е н с о сават кўтариб киради. Д о н К и х о т ни кўриб, чўчиб тушади.*

А л ь д о н с а. Вой, худо, ўзинг асра! Яна йўлимдан анови тентак чиқиб қолди-ку!

С а н ч о. Гўзал малика! Қаршингизда ошиқи бекарор рицарь Дон Кихот турибди!

А л ь д о н с а. Сен ҳам эсингни еганмисан, бақалоқ Санчо Панса? Ё устимдан куляпсанми? Бошқа одамга қиласан ҳазилингни! Йўлни бўшат. Иккинчи мени Дульсинея дема! Мен Альдонсаман, Альдонсалигимча қоламан. Шундоқ ҳам хўжайиннинг бемаъни дон Алонсо дастидан ҳаммага масҳара бўлиб юрибман. Ма, манови саватдаги нарсаларни калитдорга бериб қўй, йўлни ҳам бўшат!



С а н ч о. Эътибор берманг, хўжайин, барибир сизга мафтун!

Д о н К и х о т. Альдонса!

А л ь д о н с а. Нима дейсиз, сеньор!

Д о н К и х о т. Мендан хайикяпсанми?

А л ь д о н с а. Албатта. Ғалати-ғалати гапларни гапирасиз, ҳеч кимни танимайсиз...

Д о н К и х о т. Кимлигингизни айтайми? Сиз – Альдонса Лоренсосиз, қўшни қишлоқлик деҳқон қизисиз. Ҳеч қачон Дульсинея бўлмагансиз. Ақлим хиралашган пайтда ўзим сизни Дульсинея деб атаганман, бунинг учун узр сўрайман. Энди кўркмайсизми?

А л ь д о н с а. Йўқ, кўркмайман. Наҳотки таниган бўлсангиз?

Д о н К и х о т. Танидим, Альдонса... Бораверинг. Ҳеч ким сизни хафа қилмайди. Санчо, йўлини тўсма!

*А л ь д о н с а югуриб чиқиб кетади.*

С а н ч о. Оббо! Ой рицари сизни тамом авраб ташлапти, хўжайин! Менинг кўзимга ҳам нукул ўша рицарь кўринади... Қишлоққа яқинлашганимизда орқамиздан изма-из келаётгандай туюлди.

Д о н К и х о т. Туюлган эмас, Санчо, у ростдан ҳам орқамиздан келаётган эди, лекин у рицарь эмас, ҳеч қачон рицарь бўлмаган ҳам. Ҳа, у рицарь эмас, лекин биз сафарда юрганимизда учратган барча рицарлардан минг марта аъло рицарь!

С а н ч о. Худо ҳаққи, бу топишмоқни энг ақлли ҳоким ҳам тополмайди.

Д о н К и х о т. Уйга кирайлик.

*Уйга қараб юришади, С а н ч о рицарлик либослари ва анжомларини кўтариб олади. Хонага киргач, бир бурчакка қўйиб, пардани тушириб қўяди.*

С а н ч о. Худога шукур. Хўжайин, энди чўзилинг, бетобсиз. Дарров ётинг, мен роҳиб билан сартарошни бошлаб келаман, фойдалари тегиб қолар. Тез қайтаман, хўжайин! *(Ҳовлига чиқиб, эшагини етаклаб кетади).*

*Бир оздан сўнг А н т о н и я кўринади, ҳовлига киради, девор ортидаги тепалик устида рицарлик кийимида С а н с о н пайдо бўлади, секин юриб кела бошлайди, унинг ҳам бир қўли боғланган.*

А н т о н и я. Ёпирай! Ким у? Амакимми? Йўқ, у эмас. Куйганимдан мен ҳам ақлдан озмадимми ишқилиб? Рицарни уфқда кўряпман, ёки ботаётган куёшнинг ўйиними бу? Кўксида ой, дубулгасида пат. Ё биз жиннимиз, ёки амаким доно! Жаҳонгашта рицарлар бор деб тўғри айтган, шекилли. Айтинг, кимсиз?

С а н с о н *(ҳовлига кириб)*. Антония, менман. *(Дубулгасини ечади).*

А н т о н и я. Сансон!

С а н с о н. Секинрок, Антония, қўлим оғрияпти.

А н т о н и я. Яраландингизми, нима бўлди?

С а н с о н. Йўқ, йўқ. *(Кийимларини ечади)*. Ўтга ташлаш керак буларнинг барини!

А н т о н и я. Сансон, ниятимга етсам қайтаман дегандингиз... Амаким қани? Тирикми?

С а н с о н *(уйни кўрсатиб)*. Ичкарида. Мен айтганимни қилдим, Антония. Алонсо Кихано энди кадрдон уйини ҳеч қачон ташлаб кетмайди.

А н т о н и я. У шу ердами? Уйдаими? Ҳақиқий сеҳргар экансиз! Бекорга бакалавр қилишмаган экан. Сиздай ақлли одам бакалавр бўлмай ким бакалавр бўлсин! Ие, чалғиб кетибман-а... Суюнганимдан, Сансон! Қойилман сизга! *(Сансонни ўпади.)*

С а н с о н. Кўрқоқ ҳам ёлғончи одамни нега ўпяпсиз?

А н т о н и я. Унақа деманг, Сансон! Кекчи экансиз. Ўшанда жаҳл устида айтган бўлсам айтгандирман-да. Йўқ, Сансон, сиз бизнинг энг яқин дўстимиз,

мард ва олижаноб одамсиз! (*Сансонни ўпиб, уйга қараб югуради.*)

*Қуёш ботган, шом қоронғиси.*

А н т о н и я. Амакижон, қаердасиз?  
 Д о н К и х о т (*чодир ичидан*). Ким у?  
 А н т о н и я. Менман, сеньор Алонсо, Антонияман (*Чодирнинг бир четини кўтаради.*)  
 Д о н К и х о т. Бўғилиб кетяпман, Антония...  
 А н т о н и я. Ётинг, дарров ётинг!  
 Д о н К и х о т. Йўқ, йўқ, нафасим қисляпти... шу ерда ўтира қоламан...  
 Бирортасини чақир, тезроқ.  
 А н т о н и я. Сансон шу ерда, амаки, чақирайми?  
 Д о н К и х о т. Э, кептими? Кутаётган эдим. Кирсин дарров.  
 А н т о н и я. Сансон! Сансон!  
 С а н с о н. Шу ердман, сеньор Дон Кихот.  
 Д о н К и х о т. Нега унақа дейсиз? Биласиз-ку, мен Дон Кихот эмас, оддий фуқаро Алонсо Киханоман, сиз ҳам Ой рицари эмас, бакалавр Сансон Карраскосиз.  
 С а н с о н. Ие, биларкансиз-ку.  
 Д о н К и х о т. Албатта. Ўшанда... жанг пайтида нуқул таслим бўлишни талаб қилиб ўшқирганингизда овозингиздан таниганман. Қалъадаги машъаллар ёруғида бўғзимга қилич тираб турганингизда фикрим бирдан тиниклашиб кетди. Мана энди ўзингизни кўриб турибман.  
 С а н с о н. Кечиринг мени, сеньор Кихано.  
 Д о н К и х о т. Кечирим сўраманг. Сиздан миннатдорман. Ўша ишингиз билан мени телбалик занжирдан халос этдингиз. Афсуски, бу икромнинг умри узок эмас. Антония, кун ботдими?.. Ана, айтмадимми!  
 А н т о н и я. Сеньор Алонсо, тинчланинг!  
 Д о н К и х о т. Йўқ, йўқ, мени юпатмай қўя қол, Антония, қўрқаётганим йўқ. Қўнглим сезиб, эрталабдан буён кутаман. Мана, вақт-соати етди. Хурсандман. Сансон келиб, миямни ўраб-чирмаб олган шарпаларни қувиб юборганида поёнсиз бўшлиқда муаллақ туриб қоламанми, деб қўрққан эдим. Мана, хайрият, у келди, бўм-бўш совутимни аста-секин тўлдириб, вужудимни шом пардасига ўрамоқда.  
 С а н с о н. Мусаллас опкелинг, Антония, мусаллас!  
 Д о н К и х о т. Антония... сен рицарлик китобларига берилмаган, лекин рицарлик қалби бўлган кишига турмушга чиқ ... Сансон, сизнинг маъшуқангиз бор, у ростдан ҳам Дульсинеядан гўзал... у тирик... Калитдорни чақиринглар... Йўқ, йўқ, Санчони, Санчони чақиринглар! (*Йиқилади*).

*С а н ч о югуриб киради.*

С а н ч о. Сеньор бакалавр! Ёрдам беринг!  
 С а н с о н. Антония, бир қултум вино келтиринг!

*А н т о н и я югуриб чиқиб кетади.*

С а н ч о. Хўжайин, хўжайин, мени эшитяпсизми? Қўзингизни очинг! Мен Санчоман! Чўпонлик қилишимиз керак ҳали! Ҳар доим ёнингизда бўламан! Нега индамайсиз?

А н т о н и я (*шам кўтариб киради*). Бир нима қилинг, Сансон!  
 С а н ч о. Тилдан қолибди!  
 С а н с о н. Қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Қазо қилибди.

*Рус тилидан Низом КОМИЛ  
 таржимаси*



## УЧИБ КЕТАР КЎЗЛАРИМ

(Жаҳон болалар шеъриятидан)

Фозил Хусну ДОҒЛАРЖА

(Туркия)

### МЕНИНГ ОНАЛАРИМ

Куйиш – она,  
Ирмоқ – она,  
Уйинчоқ – она.  
Коптоқ – она,  
Дарахт – она,  
Иўл-сўқмоқ – она.  
Бунча ҳам кўп  
Бу дунёда  
Оналар, она?

... Кунни бўйи ўполмадим  
Юзингдан, она!

### ОНАМ МЕНГА ДЕЙДИ

Мен ухлаган пайтларимда  
Учиб кетар эмиш кўзларим  
Юлдузларга айланмоқ учун.

Мен ухлаган пайтларимда  
Учиб кетар эмиш қўлларим  
Булутларга айланмоқ учун.

Мен ухлаган пайтларимда  
Учиб кетар эмиш овозим –  
Айланармиш кўплаб қушларга.

### БАРГЛАР ВА ҚУШЛАР

Дарахтлардан узилар экан  
Пирпираб-пирпираб япроқлар,  
Дарахтлар кимсасиз мактабга ўхшар.  
Гар учмаса қушлар самода,  
Кўк тўлмаса улар куйига,  
Хувиллаган, эгасиз уйга  
Ухшаб кетар экан осмон ҳам...

## Григорий ВИЕРУ

(Молдова)

### ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Мўмингина маймуннинг  
Кўзида мунг мўлтирар.  
Айтинг, нима учун у  
Тор қафасда ўлтирар?

Унга қараб афтларин  
Бужмайтирар болалар.  
Маймун ҳам тақлид қилиб,  
Улардан ўрнак олар.

Осмонда банан мисол  
Сариқ ой кезса ювош,  
Ўша маймун одамдек  
Кўзларидан тўкар ёш...

### ЎЗ-ЎЗИМГА АЛЛА

Уфқ қорайиб, кеч кирган палла,  
Ўз-ўзимга айтаман алла:  
“Алла-ё алла...”

Аввал айтгум оёқларимга –  
Тинмас ўйинқароқларимга:  
“Алла-ё алла...”

Кўринса-да қўлларим бардам,  
Оёқлардек толган улар ҳам:  
“Алла-ё алла...”

Уйқу келай деган пайтда ман,  
Киприкларга алла айтаман:  
“Алла-ё алла...”

### ЁМҒИР

Ёмғир ёғар бугдойзорларга,  
Далаларга томчилар ёмғир.  
Бошоқлар бўйи кўрсата бошлар,  
Долаларга бурканар адир.

Тўтиб олдим неча томчини  
Шамолдайин югуриб гир-гир.  
Дон ўстириб, гул сугоришни  
Айт, қаердан ўргандинг, ёмғир?

## Сергей МАХОТИН

(Россия)

### ПЛАСТИЛИН КУЧУКЧАМ

Пластилин кучукчам,  
Хафа бўлмагин сира:  
Пластилин тумшугинг  
Чиқди беўхшов, хира.  
Пластилин думинг ҳам  
Богич инга ўхшайди.  
Пластилин биқининг  
Сал эзилиб, қийшайди.  
Жавонда ёлғизман деб  
Қилаверма кўп гина.  
Ўхшасанг ўхшабсан-да  
Бўзоқчага озгина.  
Бошқатдан ясамоққа  
Бир кун қўл ураман.  
Ҳозир бўлса шундоқ ҳам  
Сени яхши кўраман.

## МЕН БИЛМАЙДИГАН НАРСА

Боларилар асал йигар, бу тушунарли,  
 Хавомизни тозалайди ўрмон беминнат.  
 Янглишмасам, қанотларин қуввати-кучи  
 Самолётнинг парвозига қилади хизмат.  
 Менга аён: Ер самонинг қайси буржида,  
 Бир нарсага аммо сира ақлим етмайди.  
 Қандай қилиб,  
 қандай қилиб зилдай бўлса-да,  
 Самолётлар Ерга бирдан  
 тушиб кетмайди?..

## Шавкат ГАЛИЕВ

(Татаристон)

### БАҚИРОҚ

Йиглаётган ким ўзи?  
 Ким ўзи у бақироқ?  
 Оғзи бунча очиқ-а,  
 Битай деди-ку қулоқ.  
 Эҳтимол у айиқдир,  
 Додлар топа олмай бол?  
 Балки ит қопган уни,  
 Ари чаққан эҳтимол?  
 Йўқ, йўқ, у айиқ эмас,  
 Тишламаган уни ит.  
 Сочини олдирыпти  
 Бор-йўги бизнинг Рашид.

### ЙЎЛЧИРОҚ

Йўлчиरोққа ўхшар помидор:  
 У ним **яшил** тўсга қирган пайт,  
**ТУХТАМАСДАН УТИБ КЕТАМАН.**  
 (Тўхтамоқдан не наф, ўзинг айт?)  
 Йўлчироққа ўхшар помидор:  
 Унга тез-тез назар ташлайман.  
**Сариқ** рангга кириши билан  
 Пишишини **КУТА БОШЛАЙМАН.**  
 Йўлчироққа ўхшар помидор:  
 Полиз сари йўлни соламан.  
**Қизарганин** кўрган заҳоти  
**ЮРМАЙ, ТАҚҚА ТУХТАБ ҚОЛАМАН!**

## Огагелди АЛЛАНАЗАРОВ

(Туркманистон)

### САНОҚ

Пода қайтар қишлоққа оқшом,  
 Сигирларнинг қоринлари меш.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

109

Бармоқ букиб санай бошлайман:  
 Бир, икки, уч, тўрт... тўрт, беш...  
 Олти, етти, саккиз дейман-у,  
 Адашаман саноқдан шу тоб.  
 Саккиздан сўнг неча келади?  
 Эслай олмай бўламан хуноб.  
 Ҳой, сигирлар, шошмай турунглар,  
 Шамолдайин уйга еламан.  
 Қолганингиз қандай санашни  
 Ойимлардан сўраб келаман.

## УКАМ ТУШ КЎРГАН ЭМИШ

Укам тушини сўзлаб,  
 Дол қолдирди ҳаммани.  
 Сўзлади қандай қилиб  
 Енганин акулани.  
 Ойимнинг кўзларини  
 Шу пайт қоплади қўрқув.  
 “Оҳ!” деб юборди синглим  
 Юраги этганча “шув”.  
 – Ишонмайман! – дедим-да,  
 Чиқиб кетдим кўчага.  
 Олди-қочди гапларга  
 Ишонай ахир нега?  
 Шундоққина ёнимда  
 Ухлаган эди укам.  
 Рост бўлганда, бу тушни  
 Кўрган бўлардим мен ҳам.

## ҚАРҒАНИНГ ЎТИНЧИ

Бошқа жонзот – қушлардан  
 Билмайман, қаерим кам?  
 Улардек оқ тухумни  
 Ёриб чиққанман мен ҳам.

Баъзида турли-туман  
 Хаёлларга бораман –  
 Ким айтади нега мен  
 Кўмир каби қораман?

Рус тилидан  
 Абдурахмон АКБАР  
 таржималари

# Тўқтасун САМУДИНОВ

(Қирғизистон)

## ОВЧИ

Диёримиз ажойиб,  
Даласи бор, дашти бор.  
Ростин айтсам, огайни,  
Овнинг қизик гашти бор.

Насибанга яраша,  
Учраб қолар лойиги.  
Гоҳ ҳийлагар тулживой,  
Еки маймоқ айиги.

Қирговулга йўлиқсанг,  
Сарсон қилар, биродар.  
Бўри чиқар йўлингдан,  
Оҳу қочар саросар.

Ов завқидан юткиниб,  
Уйдан чиқдим шошилиб.  
Елкамда шай турибди  
Фотомилтиқ осилиб...

## ТОҒДАН ҚАРАСАНГ

Тоғдан туриб қарасанг,  
Сувлар тўхтаб қолгандай...  
Жилгадаги овуллар  
Худди кафтга солгандай.

Кўзим тўймай, атрофга  
Қайта-қайта қарайман.  
Сакрар, чопар улоқлар  
Шундоққина саройда.

Машинадан чиққан тўз  
Қуйруқ боғлаб қувалар.  
Сой бўйида ёлғиз уй,  
Пастда адир, увалар.

Шамол изғир зириллаб,  
Булут ўтар яқиндан.  
Ут, оловдир қалбимиз,  
Тоғлар бизга топинган.

## БЕДОВ ЧОПДИМ

От ёлида тўғилмоқлик  
Одат бўлиб қолган экан.  
Мендай пайтда бобом отчан,  
Ердан танга олган экан.

Тўғри, катта шаҳарларда  
Миниш учун от бўлмайди.  
Аммо эслик болаларга  
Йилқи асли ёт бўлмайди.

Ҳозир эса тамом бошқа,  
Ишга ошар ният деган.  
Бироқ тоғлик бола бўлиб,  
От минмаслик уят экан.

Той кишнаган жилгалардан  
Менга огир айри тушмоқ.  
Ҳаддан зиёд дилга яқин  
Отам ўсиб-унган қишлоқ.

Ер айланар отга минсам,  
Нега уни ҳушламайин?!  
Бугун роса бедов чопдим,  
Эгар қошин ушламайин.

## ҚУШЛАР

Қалдирғочлар яхшииди,  
Басма-басга ўйнасак.  
Ини турар, ўзи йўқ,  
Кетиб қопти ўйласак.

Чугурчуқ ҳам соз эди,  
Басма-басга ўйнасак.  
Уяси бор, боласи йўқ,  
Парвоз қипти ўйласак.

Кўз келганда барчаси  
Жўнашибди олисга.  
Қишлоқ уст-бош бўлмагач,  
Тўғри келмас қолишга.

Попишагу, укки йўқ,  
Яхши эди қолгани.  
Ўқ тоқида турналар  
Арғимчоқлар солгани.

Меҳмон қушлар юртига  
Хавф-хатарсиз қўнсайди.  
Яна қайтиб келгунча,  
Эсон-омон бўлсайди.

## ФИЛ ВА ЧИЛ

Тўртинчилар иншо ёзди,  
Юрак ютиб, ботиниб.  
Жамолбекдан бошқаси  
Беи, тўрт олди қотириб.

Партадоши Янгибойдан  
Улгурмабди кўчириб.  
Қараб бўлмас дафтари,  
Ёзган, чизган, ўчириб.

Чил дейишнинг ўрнига,  
Фил учди деб ёзбди.  
Ўқитувчи опайнинг  
Роса боши қотибди.

Дўқовлигин ташламаса,  
Ёмон бўлар, биламиз.  
Фил учирган лофчи деб,  
Масхаралаб кулаамиз.

## УЧРАШУВ

От Зебрага учрабди,  
Балки ростдир, ёлгондир.  
Ажабтовур бу суҳбат  
Шеърга тўшиб қолгандир.

– Йўлатмайсан ҳеч кимни,  
Чопқиллайсан саросар.  
Эшак, хачир деган бор,  
Зотинг нима, биродар?

– Билсанг керак, огайни,  
Насабим аниқ, тайин.  
Айбим, одам йўламас,  
Наслим йилқи сендайин.

– Бўйинчани билмайсан,  
Бошга жабдуқ илмайсан,  
Белга эгар киймайсан,  
Сен йилқимас, ҳангисан...

## ДАРСДА

– Ёд биласан “Алифбе”нинг  
Ўттиз икки ҳарфини.  
Таниб қолдинг шоирларни,  
Тўқтагулни, Барпини.

Айт-чи, сурат остидаги,  
Недир оддий рақамлар?  
Жавоб берди Тўлаган  
Сонларни қўшиб, жамлаб:

– Домлажон, булар бари –  
Соткасин рақамлари...



## ҚИЩДАГИ МУСОБАҚА

Дарсдан кейин тенгдошлар  
Қир остида топишдик.  
Ечиб куртка, палтони,  
Ким ўзарга чопишдик.

Қирда қолди изларимиз,  
Ботинканинг, этикнинг.  
Ўзиб кетди Искандар,  
Аттанг, мен-чи, кечикдим.

Қорнинг қалин эканлигин  
Олдинроқ кўрганимда,  
Мен ҳам ўзиб кетардим,  
Ялангоёқ бўлганимда...

## Қанибек ЖУНУШЕВ

(Қирғизистон)

### ФАҚАТ

Шоир акам қишлоқни  
Кечга қадар оралаб,  
Гўшт еб, қимиз сипқориб,  
Ковун ўзди саралаб.  
Меҳмон бўлгач у роса,  
Қилди шундай хулоса:

– Ўзгарши зўр, ҳамманинг  
Ўсибди кўз қараши.  
Ажабки, ўзгармабди  
Қўй, эчкининг маъраши.

### ҲАЛҚА

Ҳозлар сойга йўл олишди  
Бог кўчадан гот-готлаб.  
Тракторчи кутиб турди,  
Мотор ишлар пот-потлаб.

Тутун гозлар бўйнига  
Ҳалқа бўлиб осилар.  
Улар бундан қувнашиб,  
Сой тарафга шошиллар.

### БИТПИЛДИҚ

Тиним билмас бедана,  
Билган гапи: – Битпилдиқ.  
Ялқовларни ит қилдик,  
Битпилдиқ! Битпилдиқ!

Ётиб олиб чалқанча,  
Ўйланаман қайтадан.  
Ишимизда йўқ тайин,  
Хўш, нима деб айтаман.

Авжга чиқар бедана:  
Ялқовларни ит қилдик!  
Битпилдиқ! Битпилдиқ!

### НИМА ҚИЛСИН?..

Айиқ билан Юмронқозик  
Куч синашди – олишди.  
Юмронбой чиқди голиб,  
Унга қарсак чалишди.

Ғирромни мақтар ғирром,  
Оқ кигизда кўтариб.  
Айиқ шўрлик хижолат,  
Нари кетди йўталиб.

### ЎЧАШСА...

#### Лоф

Аламзада эканлиги  
Юришидан пайқалиб,  
Шохдор Қўнгиз келарди  
Нари-бери чайқалиб.  
Уни кўрган Олабуқа  
Дабдурустдан ўқирди.  
Қўнгиз-чи, писанд қилмай,  
Тошга чиқиб ўтирди.  
Уён-буён қарар Буқа,  
Аҳволи жуда таранг.  
Шохдор Қўнгиз зуғумидан  
Қутилди қочиб аранг.

### ТУХУМИНИ ЕГАНДА

Онажоним товуқларга  
Дон сочиб қўй деганда,  
– Менинг ишим эмас, – дебман.  
Қаранг, гўрлик экан-да.  
Иzza бўлдим уч кун ўтмай,  
Ўша чипор товуқнинг  
Қуймогини еганда...

### ДУМИ “О” ОЛАПАР

Бир товуқни Олапар  
Қувиб чиқди “ёв” билиб,  
Хураар эди тинмасдан  
Қуйругини “О” қилиб.

Ғоз дер: – Салга акиллаб,  
Бунча чопар зовуллаб.  
Эси бор ит аслида  
Зарур пайтда вовуллаб.

– Ёқтирмайман, – дер ўрдак  
Сергалва бу пучуқни.  
Думи “О”га ўхшаган,  
Ўпкаси йўқ кучуқни.

### ҚАЙИҚ

Қўл бағрида ғоз, ўрдак  
Қанот керар қайиқмай.  
Ғозлар аро бир калиш  
Сузиб юрар қайиқдай.

Йиртиқ калиш қайдандир  
Қўлга тушиб қолибди.  
Уни бўлса жўжалар  
Қайиқ қилиб олибди.

Қирғиз тилидан  
Турсунбой АДАШБОЕВ  
таржималари



## Наумэ СОСЭКИ

### ҚАЛБ

Роман<sup>1</sup>

ИККИНЧИ БОБ

Ота-онам ва мен

#### I

Қишлоққа қайтиб келгач, отамнинг аҳволини кўриб, хафа бўлиб кетдим. Чунки охирги маротаба кўрганимга нисбатан соғлиғида деярли ўзгариш сезилмасди.

– Келдингми, болам? Ўқишингни битирдингми? Балли! Ўтира тур, мен бундоқ юз-кўлимни чайиб олай.

Отам боғда қандайдир юмушлар билан машғул эди. Бошида эски шляпасининг орқасига офтоб тегмаслиги учун юпқалашиб сузилиб кетган рўмолчасини танғиб олди-да, уй орқасидаги қудуқ томон йўл олди.

Олийгоҳни битириш – ҳар бир одам учун оддий ҳол деб ўйлардим мен, отамнинг ҳаммадан кўпроқ қувонганини кўриб, ўзим ҳам суюниб кетдим.

– Ўқишни битирганинг жуда яхши бўлибди-да.

Отам бу сўзларни бир неча бор такрорлади.

Ушбу ҳолатни мен ўзимча битирув маросимидан сўнг устозимнинг уйидаги манзара билан қиёсладим. Устозим қувончдан чехраси очилиб, менга “Табриклайман” деб айтган эди. Устозим менинг келажагимга катта умид билан боқарди. Отам эса бу воқеадан болалардек хурсанд бўларди, холос. Унинг бу соддалиги менга қолоқлик белгисидай туюлиб, ғашимни келтирарди.

– Ўқишни тугатганимнинг ҳеч ҳам таажжубланарли жойи йўқ. Ҳар йили минглаб одамлар битиради, – дедим мен. Шунда отамнинг нигоҳида ғалати ўзгариш рўй берди.

– Ҳа, албатта, ўқишни тугатганинг яхши иш бўлибди, аммо мен бошқа нарсага хурсанд эдим, қошки, сен шуни англай олсанг...

Мен отамни сўроққа тутдим, у гапиришни хоҳламасди, аммо кейин деди:

– Яхши деганимнинг маъноси шундаки, мазам йўқлигини биласан. Ўтган йил қишда учрашганимизда, уч-тўрт ойгина умрим қолган деб ўйлагандим. Лекин бир бахтли тасодиф туфайли бугунга қадар тирикман. Ҳали ўтиришга, ҳаракатланишга кучим етади, сен ҳам университетни тугатдинг, мен шунга хурсандман. Наҳотки, ота-онанинг севимли фарзанди у тириклигида ўқишни тугатса-ю, ота-она хурсанд бўлмаса, сенинг баланд дунёқарашингга кўра университетни тугатиш оддий ҳол, албатта. Сенга ҳадеб, “яхши, яхши” деяверганим ҳам ёқмаяпти, аммо бу нарсага менинг кўзим билан боқ. Биз билан сен бошқа-бошқа одамлармиз. Ўқишни би-

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда. Журнал варианты.

тирганингдан сендан кўра мен кўпроқ суюндим. Тушунгандирсан?

Мен ҳеч нима деб жавоб бера олмадим. Қалбимнинг туб-тубигача виждон азобида қийналиб, бошимни қуйи солиб туравердим. Демак, отамнинг бефарқлиги тагида ўлим шарпаси сезилиб турган экан-да, у мен ўқишни тугатганимга қадар ўлиб қолишига ишониб юрган экан-да...

Ўқишни битиришим отамнинг қалбига қандай таъсир қилишини англолмаганим учун, ўзимни ғирт оми ҳис этдим. Жомадонимдан аста дипломимни олиб, ота-онамга кўрсатдим.

Жомадоннинг ичида диплом озгина эзилиб қолибди, шекилли, отам уни авайлабгина силаб текислади.

– Бунақа нарсени найча қилиб ўраб, қўлда олиб юриш керак.

– Бирор қаттиқ жилдга жойлаб олсанг ҳам бўларди-ку, – деб онам ҳам кўшимча қилди.

Отам дипломимни бироз томоша қилди-да, сўнг тоқча ёнига келиб, уни ҳамманинг кўзи тушадиган жойга қўйиб қўйди. Бошқа пайт бўлганида бундан қаттиқ жаҳлим чиққан бўларди. Аммо ҳозир мутлақо бошқа кайфиятда эдим. Ота-онамга қарши бирон-бир фикр айтишни хоҳламасдим. Мен жим бўлиб, отамни ўз ҳолига қўйиб қўйдим. Майли, хоҳлаганини қилсин. Дипломнинг қалин варағи эса отам қанча тўғриламасин, яна аввалги ҳолатига келиб қоларди.

## II

Мен онамни бир четга чақириб, отамнинг касали ҳақида суриштира бошладим.

– Умуман олганда у ўзини ёмон ҳис этмаяпти, – деди онам.

Онам ўзини вазмин тутмоқда эди. У шахарлик аёллардан фарқли ўлароқ дала ва тоғлар этагида яшовчилар қаторида бунақа нарсалар олдида нўноқроқ эди. Утган сафар отам ҳушини йўқотганида унинг қўрққанини кўриб, капалагим учиб кетган эди.

– Ахир шифокорлар бу жуда хавфли нарса дейишмаганмиди?

– Одам организми ҳайратланарли даражада мураккаб нарса – доктор ўшанда бизларни огоҳлантирганди, аммо мана, отанг ҳозиргача ҳеч нима бўлмагандай юрибди. Бошида отанг жуда хавотир олиб, камроқ ҳаракат қилишга уринди. Аммо сен унинг феълини яхши биласан – у соғлиғини ҳам ўйлайди, ўзига етгунча ўжар ҳам. Агар у бирон ишни маъқул кўрдими, уни бажармагунча тинчимайди.

Утган сафар уйга келганимда отамнинг тезда тўшакни йиғиштириб, соқол олгани ёдимга тушди.

– Энди мен соғман! Онанг эса мени сенга бошлаб гапиргандир.

Шу сўзларни эслаганимда, “Ҳеч бўлмаганда орқаворотдан уни кузатиш керак”, дегим келарди, аммо мен уялиб жим турардим. Устозим ва унинг хотинидан ушбу касал ҳақида эшитганларимни онамга айтиб берарканман, улар ўз хавотирларини билдирмасликка ҳаракат қилаётганларини сезиб қолдим.

– Демак, худди шунақа касал экан-да, эсиз, у неча ёшда вафот этибди?– сўради ота-онам.

Маъюс ҳолда отамга қарадим, сўзларим онамдан кўра отамга кўпроқ таъсир қилган эди.

– Сен ҳақсан, ахир менинг организмим бу фақат меники ва уни қандай парвариш қилишни ҳаммадан кўра ўзим яхшироқ биламан. – Буни эшитган онам кинояомуз тиржайиб қўйди.

– Ўзингиз биласиз! – деди у ночор.

– Демак, отам ўлимига тайёрланиб юрган эканлар-да, шунинг учун ўқишни битириб келганимдан хурсанд бўлган эканлар. Буни унинг ўзи айтди.

– Бу курук гап. Ўзининг соғлиғини ўзи яхши билади.

– Она, сиз ўйлаяпсизки...

– У яна ўн беш-йигирма йил яшайман деб тахмин қилмоқда, гоҳо ичидаги дардини ёриб, бундай дейди: “Умрим охирлаб бораяпти, вафотимдан кейин нима қиласан, бу уйда бир ўзинг яшайверасанми?”

Мен дарҳол хаёлан бу катта қишлоқ уйида онамнинг якка ўзи яшашини, отамнинг йўқлиғини тасаввур қилдим.

Акам нима қилган бўлар эди? Онам нима қилади? Мен-чи? Бу ерларни ташлаб кетиб, Токиода эмин-эркин яшай оламанми? Шу он устозимнинг “отанг тириклигида ўз улушингни ол”, деган ўғитлари ёдимга тушди.

– Ўламан, ўламан деганлар аслида ўлмайди, бошқалардан кўпроқ яшайди! Кимки индамай юриб ўзини соғломдай тутса, ўшанинг иши оғиррок.

Бу омади гапларга жим қулоқ солиб турдим. Аммо, бу омади гапми ёки улар қайсидир ҳисоб-китоблардан келиб чиқаётibdими, деб ўйлаб қолдим.

### III...

Онам ва отам гап орасида “қизил гуруч” тайёрлаб, меҳмон чақириш ҳақида оғиз очишди. Келганимдан буён шу кун бўлишини билиб ва бундан жуда кўркиб юргандим. Шунда мен бундай дедим:

– Дабдабанинг кераги йўқ! Мен бу қишлоқ одамларини ёқтирмайман. Чунки улар бўлар-бўлмасга хурсанд бўлаверишади, сабаби: уларнинг мақсади фақат еб-ичиш, холос.

Мен ёшлигимданок бундай йиғилишларда қатнашишни ёқтирмас эдим. Уларнинг мен туфайли йиғилиб келиши менга қанчалик оғир бўлишини тасаввур қилаётгандим. Аммо ота-онамга, уларни чақирманлар деб айтишга ўзимда куч топа олмадим. Шунинг учун “Дабдабанинг кераги йўқ” дея олдим, холос.

– Қанақа дабдабани айтаяпсан, бу ерда деярли ҳеч нарса йўқ, бундай воқеа ҳаётда бир марта бўлади. Меҳмон чақириш – бу азалдан қолган удум-ку. Зикналик қилма.

Онам ўқишни битирганимга худди уйланиш масаласига қарагандек қарамоқда эди.

– Чақирмасак ҳам бўларди, аммо кейин хафа бўлишади-да. Кўздай кўшниллар.

Бу отамнинг сўзлари эди. У одамларнинг гап-сўз қилишидан хавотирда эди.

Ҳақиқатан ҳам бу одамлар ҳеч нарсадан тап тортмасди, бирон нарса кўнгилларидагидек бўлмаса, дарров гап-сўз қилиб юборишади.

– Бу сенга Токио эмас! Қишлоқ халқи инжиқ бўлади, – деди отам.

– Ноқулай бўлади-да, – отамнинг тарафини олди онам. Мен ҳам ортик оёқ тиролмадим, чунки улар барибир ўз билганидан қолмасдилар.

– Мен учун бўлса, кераги йўқ, демокчи эдим, холос, агар одамларнинг гап-сўзлари учун бўлса – бу, албатта, бошқа масала. Мен ҳам оиламизга зарар келтирадиган нарсаларга қаршиман, – итоаткорона дедим мен.

– Сен ўзингнинг мулоҳазаларинг билан бизни ноқулай аҳволга соляпсан. – Отамнинг қаршидан норозилиги билиниб турарди.

– Отанг сен учун қилаяпман деганлари йўқ, аммо ўзинг яхши биласан, бизнинг бошқалар олдида мажбуриятларимиз бор.

– Маълумотли одам билан тортишиб бўлармиди?–деб қўйди.

Отам бошқа ҳеч нарса демади. Аммо шу сўзларининг ўзидаёқ унинг мендан норозилигини сездим. Уша дақиқаларда сўзларим отамга қаттиқ ботади деб ўйламабман ҳам, хаёлимни фақат отамнинг уринишлари беҳуда деган ўй қамраб олган эди.

Ушбу кеча отамнинг кайфияти ўзгарди. Меҳмонларни ҳам менинг вақтимга қараб чақирадиган бўлишди. Бу отамнинг менга ён босаётгани-

дан дарак эди. Чунки мен бу эски уйда бекорчиликдан зерикиб ётган бир бефарқ одам бўлиб, улар менинг вақтим борасида маслаҳатлашаётган эдилар. Охири меҳмонларни таклиф қилиш кунини белгиладик. Ушбу кунлар арафасида император Мейжи бетоб бўлиб қолгани ҳақида хабар келди. Газеталар ушбу хабарни бутун Япония бўйлаб тарқатиб юборишди. Бу хабар бизнинг қишлоқдаги кулбамизга ҳам кириб келиб, менинг ўқишни битиришимга бағишланган кечага ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Газетани ўқиб турган отам ҳам кўзойнаги устидан қараб:

– Энди бу ёғи қандоқ бўлди, ҳар ҳолда ноқулай-ку, – деб қолдилар. Отамнинг сукут сақлаганидан ўз касаллиги ҳақида ўйлаб қолгани яққол сезилиб турарди. Шунда императорнинг Университет битирув кечасига келгани бир-бир кўз олдидан ўтди.

## XVII

Бугун отамнинг аҳволи оғир эди. Ўрнимдан туриб ўз хонамга чиқар эканман, дахлизда акамга дуч келдим. Шунда у менга жиддий оҳангда:

– Қаерга кетаяпсан? Унинг аҳволи ҳар доимгидан оғир. Шунинг учун унинг ёнидан кетмай турганинг маъқул, – деди.

Мен отам ётган хонага қайтдим. Отам кўзини очиб, онамдан атрофдагиларнинг исмини сўрар эди. Онам ҳамманинг исмини айтар, отам эса бошини қимирлатиб кўяр эди. Агар у бундай қилмаса, онам баланд овозда исми яна такрорлар эди.

– Ҳаммангизга раҳмат, барчаси учун! – отам шундай дея ҳушидан кетдилар.

Ҳамма уни жим кузатиб турар эди. Шу топ ўтирганлардан бири ўрнимдан туриб, ташқарига чиқди, кейин иккинчиси. Сўнг мен ҳам чиқиб, ўз хонамга бордим. Мен беморнинг олдидалигимда хатни очиб ўқимоқчи эдим. Аммо у шундай қалин эдики, бирданига унинг ҳаммасини ўқиб тугатиб бўлмас эди. Бунинг учун мен алоҳида вақт топишим керак эди. Хатжилд устидаги қоғозни йиртиб ташладим. Ичида яна бир қоғоз бор эди. У кўлэзма учун мўлжалланган эди. Бундай жойлаштириш учун у тўрт буклаб солинганди. Орқа тарафидан оппоқ қоғоз кўйиб, ўқиш учун ўзимга қулайлик яратдим. Қоғозлар шунчалик кўп эдики, хатнинг ўзини ўқишданок кўп нарсдан воқиф бўлиш фикри кўнглимдан ўтди. Шунда мен юрагимга ғулғула тушиб, касалнинг хонасида сидир бўладиган нарсаларни ҳис қила бошладим. Хатни ўқиб тугатмасимдан отамга бир нима бўлишига ишончим комил эди. Мени дарҳол чақириб олишларига шубҳа йўқ эди. Шунинг учун мен шошилишча тарзда хатнинг биринчи устунини ўқиб чиқдим. Унда бундай дейилган эди. “Сиз мендан ўтмишим ҳақида сўраганингизда, мен бунга жавоб беришга ўзимда жўрват топа олмадим. Энди эса сизга бу ҳақида очиқ-ойдин айта олишимга ишонаман. Сизнинг Токиога келишингизни кутсам, мен ўз эркимдан мосуво бўламан. Мен хат ёзиш имкониятидан фойдаланиб, сизни ўтмишимдан воқиф қилишим мумкин. Сизга ўшанда қатъий ваъда берганим ёлғон. Сизга истамай ёзаётган бу гапларни ўзингизга юзма-юз туриб айтишим керак эди”. Шу ергача ўқиб бўлгач, мен шундай ҳолатда эдимки, бу узун хатдан унинг нима демоқчи бўлаётганини англаш мумкин эди. Бинобарин, хат аввал-бошданок менга иш жойи топиш ҳақида эмаслигини билган эдим. “Нима учун у кўлига қалам олиб, ўзининг ўтмиши ҳақида менга узундан-узоқ хат ёзди? Нима учун у мени Токиога келишимни кутмади? “Мен эркинликка, озодликка эришдим, шунинг учун ҳам сўзлаб бераман. Бу озодлик мен учун асрларга йўқотилади...” Мен дилимда бу сўзларни қайтарар эканман, унинг маъносини тушунишни истар эдим. Бирдан юрагим ҳаприқиб кетди. Мен хатнинг давомини ўқишга киришдим. Шу дам отамнинг хонасидан акамнинг баланд овозда мени чақираётгани эшитилди. Қўрқанимдан

ўрнимдан сакраб турдим. Югуриб хонага кирдим, у ерда ҳамма жамул-жам эди. Ушбу дақиқалар отам ҳаётининг охирги дамлари эди.

## XVIII

Шу асно хонага доктор ҳам кириб келди. Беморга енгил бўлиши учун муолажа қилди, окшом отамга навбатчиликда қолган одам ҳордиқ олгани кўшни хонага ўтди. Акам эсанкираганидан мени кўриб деди:

– Қарашиб юбор, илтимос.

Шундай деди-да, у ўтириб қолди. Мен эса у билан навбат алмашиб, отамга қарай бошладим. Отам бироз енгиллашди. Доктор чамаси ярим соатлар отамнинг ёнида турди ва яна келишга ваъда бериб, кетди. Кета туриб, агар бирон қор-ҳол бўлса, хоҳлаган вақтда уни чақиришимиз мумкинлигини айтди. Мен эса яна хонамга, устозим хатининг давомини ўқишга қайтмоқчи эдим. Лекин юрагим бундай қилишимга йўл бермаётган эди. Столимга ўтирмасимдан, акам яна баланд овозда мени чақириб қолса-я, деган ҳадикда эдим.

Отам сал тинчлангандек эди. Энгашиб ундан сўрадим:

– Қандайсиз? Муолажадан сўнг сал енгил тортдингизми?

Отам бошини қимирлатиб кўйди. Унинг аҳволи маълум эди. Мен яна ўз хонамга қайтдим. У ерда поездлар жадвали ва соатга қарадим. Ўрнимдан туриб, устозимнинг хатини чўнтагимга солдим. Сўнг орқа эшиқдан ташқарига чиқдим. Ўзим билмаган ҳолда доктор олдига югурдим. Мен ундан отам яна икки-уч кун яшай олармикин, деб сўрамоқчи эдим. Мен отамни қандай бўлмасин дори-дармон билан яна озроқ ушлаб туришни хоҳлардим. Бахтга қарши доктор уйда йўқ эди. Уни кутишга эса вақтим йўқ эди. Юрагим ҳовлиққандан-ҳовлиқарди. Бекат томон учдим. Бекат деворига суянганча бир парча қоғозга акам ва онамга мактуб ёздим. Мактуб қисқагина эди, аммо огоҳлантирмасдан кетиш бундан ҳам ёмон эди. Мен бир танишимдан уни уйимга элтиб беришини илтимос қилдим. Сўнг Токио поезди томон отилдим. Учинчи тоифа вагонидан жой олдим ва устозимнинг хатини кўлимга олиб, бошидан охиргача ўқиб чиқдим...

## УЧИНЧИ БОБ

### Устозимнинг мактуби

#### I

Шу ёзда мен сиздан икки ёки учта хат олдим. Мен жуда яхши эслайман, улардан иккинчиси ёки учинчисида, Токиода ўзингизга мос жой топишни истаётган ва шу боис сизга ёрдам беришимни илтимос қилгансиз. Хатингизни ўқиб жим турулмадим. Ҳеч бўлмаганда сизга жавоб ёзишим керак деб ўйладим. Лекин очиғини айтаман: сизнинг топшириғингизни бажо келтириш учун ҳеч нарса қилмадим. Ўзингизга маълумки, танишларим доираси жуда чекланган, бундан ташқари, дунёда ёлғиз яшаганим учун сизга ёрдам беришимнинг ҳечам имкони йўқ. Лекин гап бунда эмас. Тўғриси, бу вақтда ўзимни нима қилсам экан, деб ўйлаб роса изтироб чекдим. Одамлар орасига тушиб қолган афсонавий махлуқ каби яшайверсаммикан ёки... Дилимда “ёки-ёки”ларнинг кўплигидан шундай дамларда, бор кучи билан югуриб келаётганда жарликка дуч келган ва унинг кўз илғамас тубига қараган одам каби юрагим ҳаприқиб кетарди. Мен кўнгилчан одамман. Шу боис бошим ташвишлардан чиқмасди. Муболағасиз айтиш мумкинки, сиз мен учун деярли йўқ эдингиз. Бундан ташқари, сизнинг ўрнингиз, яшашингиз учун восита манбалари мен учун

хеч қандай ахамиятга эга эмас эди. Мен учун буларнинг барчаси бепарк эди. Мен бу борада ғам чекмаганман. Хатингизни тортмага солиб, мен илгаригидек ўз хаёлларим билан бўлиб, қўл ковуштириб ўтиравердим. Уйида озми-кўпми кўр-қути бўлган одам нимадан ташвиш қиларди? Бундай ҳиссиёт билан мен сизни бир лаҳзагина эсга олдим. Буларнинг барчасини сизга узр сифатида айтмоқдан, чунки сизга жавоб ёзишим керак эди. Мен мутлақо жаҳлингизни чиқариш учун сўз ўйини қилаётганим йўқ. Ишонаманки, кейинги сатрларни ўқиганингизда фикрим сизга аён бўлади. Нима бўлганда ҳам, бирор нарса деб жавоб қайтариш керак бўлган чоғда, мендан садо чикмади, шунинг учун мен энди сиздан кечирим сўрайман. Шундан сўнг кўп ўтмай сизга телеграмма йўлладим. Очигини айтсам, ўшанда сизни кўргим келди. Узингиз истаганингиздек сизга ўз ўтмишимни сўзлаб бергим келди. Сиз шу онда Токиога келолмас-лигингизни телеграммада баён этдингиз ва мен умидларим пучга чиқиб телеграммага узоқ тикилиб қолдим. Чамаси телеграммага қаноат қилмай, сиз менга узундан-узун хат йўллагингиз. Бу хатдан сизнинг Токиога келишингизга халал бераётган вазиятни англадим. Мен сизни эътиборсизликда айблаш олмасдим. Уйингизни, бетоб отангизни қандай қилиб ташлаб кета олардингиз? Йўқ, менинг ҳаракатларим, – гап отангизнинг ҳаёт-мамоти устида кетаётганини унутган менинг хатти-ҳаракатларим ноўрин эди. Лекин мен сизга телеграммани йўллаётган дақиқаларда мен ҳақиқатдан ҳам отангизни унутган эдим. Токиода “касаллик оғир, унга яхшилаб қаранг!” деб ўзингиз менга тайинлаган эдингиз-ку. Ҳа, мен шундай икки феъл одамман. Балки бу менинг миям эмас, ўтмишимдир – мени шундай икки феъл одамга айлантирган ўтмишимдир.

Сизнинг сўнгги хатингизни ўқиганимда, яхши иш тутмаганимни англадим. Шу маънода сизга жавоб йўллаш мақсадида қўлимга қалам олдим, аммо бир сатр ҳам ёзмай, шундайлигича қолдирдим. Ёзиш керак бўлса мана шу хатни ёзишим керак эди, лекин буни ёзишга ҳали фурсат келмаганиди, шу боис хеч нарса ёзмадим, айнан шунинг учун сизга иккинчи қисқа телеграммамни йўлладим.

## II

Шундан сўнг мазкур хатни ёза бошладим. Ёзишга кўникмаганим учун жуда қийналдим, чунки на далиллар, на фикрларим ковушарди. Сал бўлмаса олдингиздаги бурчимдан воз кечардим. Бироқ ёзишни бас қиламан деб ҳарчанд уринмай, бу қўлимдан келмади. Орадан бирор соат ўтмай яна ёзишга киришар эдим. Эҳтимол, сизга мен ўз бурчини бажарадиган одам бўлиб кўринарман. Мен буни инкор этмайман. Сизга маълумки, мен ташқи оламдан узилган ҳолда, ўз ҳолимча яшайдиган одамман; шу боис қаерга қарамай, бурч деб аташга арзигулик хеч нарса кўрмайман. Нотўғри эътиқод бўйичами ёки тақдир тақозоси биланми, ҳар ҳолда мен ўзгалардан ажралган ҳолда яшашга ҳаракат қилдим.

Мен бурчимга бепарк бўлганимдан бундай бўлмади. Кўпроқ унинг зарбаларига дош беролмаганимдан шундай бўлди – ўзингиз кўрганингиздек, кунларимни бемаъни ўтказардим. Шу боис ваъда берилган экан, уни бажармаслигим ноқулай бўларди. Сизга нисбатан бундай ноқулай ҳиссиётларга берилмаслик мақсадида мен яна қўлимга қалам олдим.

Бундан ташқари ўзи ёзгим келди. Бурч ўз йўлига – лекин мен ўз ўтмишимни таърифлагим келди. Чунки сизнинг қалбингиз жиддий. Сиз менга инсон ҳаётидан жонли сабоқ олишни истаганингизни айтдингиз.

Мен хеч иккиланмай сизнинг гарданингизга инсон мавжудлигининг зулматли соясини юклайман. Аммо чўчиманг. Бу зулматга диққат билан назар ташланг ва сизга наф келтирадиган нарсаларни олинг. Мен зулмат деб атаган нарса албатта одоб-ахлоқ маъносидаги зулмат. Мен дунёга



одоб-ахлоқ тимсолида келган инсонман. Мен ахлоқан тарбияланган инсонман. Менинг одоб-ахлоқ борасидаги этикодларим ҳозирги ёшларнинг шундай этикодларидан кескин фарқ қилиши мумкин. Бироқ улар қандай бўлмасин, бу менинг ўзим. Бу бирор нуқсонни яшириш учун ижарага олинадиган кийим-кечак эмас. Шу боис ўйлайманки, олдинга қадам ташлашни истаганингиз учун сизга бирмунча нафи тегади.

Эсингизда бўлса керак, мен билан замонавийликнинг турли мафкуравий масалалари борасида баҳслашгандингиз. Мен сизнинг қарашларингизга ҳеч қачон нафрат билан қарамаганман, лекин уларни ҳурмат ҳам қилмаганман. Фикрларингиз ортида ҳаёт нишонаси йўқ эди; унга – ўз ўтмишингизга эга бўлиш учун сиз ҳали жуда ёшлиқ қилар эдингиз. Баъзан мен кулардим. Шунда сиз менга норози киефада қарар эдингиз. Боз устига, сиз ўтмишимни “дастурхон қилиб” ёзишимни талаб қила бошладингиз. Шунда мен биринчи бор сизга нисбатан ҳурматни хис этдим. Чунки сиз тортинмасдан қалбимдан қандайдир бир жонли нарсани олиш истагини намойиш этдингиз. Қалбимни чил-парчин қилишни ва иссиқ конимдан бир қултум ичишни истадингиз. Унда мен ҳали тирик эдим. Унда мен ҳали ўлишни истамасдим. Шунинг учун сизнинг талабингизни бошқа вақт бажаришга ваъда бериб, уни рад этдим. Энди эса мен ўзим қалбимни тилка-пора қилиб, конимни юзингизга сачратиш истагидаман. Қалбим уришдан тўхтаган ҳамон, сизнинг қалбингизда янги ҳаёт ниш ура бошлаганининг ўзи мени мамнун этади.

### III

Ота-онамдан егим қолганимда ёшим ҳали йигирмага ҳам тўлмаган эди. Хотиним сизга айтганидек, улар бир хасталиқдан иккиси ҳам бирин-кетин бир вақтнинг ўзида оламдан ўтиб, барчани таажжубга солган. Қисқача қилиб айтганда, отам ичтерламадан ўлган. Бу касаллик отамни парвариш қилаётган онамга ҳам юққан.

Мен уларнинг якқаю ягона фарзанди эдим. Бизнинг маблағимиз етарли бўлиб, мен амалий йўналишда тарбия олдим. Ўз ўтмишимга назар солар эканман, ўша вақтда ота-онамдан ҳеч бўлмаса биттаси тирик қолганида эди, эҳтимол, амалий тарбиям шу вақтгача давом этармиди.

Улардан кейин мен тамомила саросимага тушиб қолдим; менинг на билимим, на тажрибам бор эди, ҳаётни ҳам ҳали унчалик яхши тушунмас эдим. Отам ўлаётганида онам олдида бўлолмас эди. Онам ўлаётганида унга ҳатто отамнинг ўлгани ҳақида ҳеч нарса дейишмади. Унинг бунга ақли етганми ёки атрофдагиларнинг отам тузалаётгани тўғрисидаги сўзларига ишонганми, номаълум. У фақат амакимдан ҳаммасига бош-қош бўлишни илтимос қилди. Шунда мени кўрсатиб шундай деди:

– Илтимос, шу болага қараб туринг, уни ташлаб қўйманг.

Ҳали ота-онам тириклигидаёқ мен Токиога жўнашим ҳал қилинган эди ва чамаси онам шу ҳақда ҳам айтмоқчи эди. Лекин у “Токиога...” дейиши биланоқ амаким:

– Яхши, яхши! Ҳечам ташвишланманг, – деди.

Онамнинг танаси оташ бўлиб ёнарди ва амаким менга юзланиб уни мақтади:

– Жуда чидамли экан!

Бироқ бу онамнинг сўнги тилаги бўлганми, йўқми, менга қоронғу. Онам турган гапки, отамнинг касали оғир эканидан хабардор эди. Шунингдек, ўзи ҳам шу касалга чалинганини биларди. Лекин айнан шу касаллик унинг ҳаётига зомин бўлишини билганига шубҳам бор. Қолаверса, бу бутунлай бошқа гап. Фақат шундан кейин менда барча нарсани англаш, атрофдаги нарсаларга назар ташлаш одати пайдо бўлди. Сизни бу ҳақда олдиндан огоҳлантиришим керак, масалан, бу ишларга ҳеч қандай алоқаси

бўлмаган ва сизга умуман керак бўлмаган менинг хотираларим. Лекин сиз бунга парво қилмай, ўқишда давом этинг. Алоҳида инсонларнинг ахлоқи ва хатти-ҳаракатларида одоб-ахлоқ жиҳатдан тўхташ одатим, ўйлайманки, кейинчалик бошқаларнинг ҳимматларига тобора кўпроқ шубҳа билан қарашимга олиб келди. Шунини билингки, айнан шу нарса ҳасрат ва изтироб хиссиётини оширди.

Мавзудан четлашиб кетдим ва гапим тушунарсиз бўлиб қолди, шунинг учун яна ортга қайтаман.

Ҳар ҳолда шу узун мактубни ёзаётганимда мен нисбатан хотиржамроқман.

Атрофда борлиқ уйқуга кетганидан далолат бергандек, травмай шовқини тинди. Дераза ортидан чигирткаларнинг чириллаши эштиради, улар ўз товушлари билан гўё шудрингли кузни эслагиб тургандек. Ҳеч нарсадан хабари йўқ хотиним кўшни хонада ухламоқда.

Қўлимга мўйқалам олганимда, у ҳар бир белги, ҳар бир чизиқчада титрар эди. Лекин мен хотиржамлик билан қоғоз узра бош эгаман. Фикрларим айқаш-уйқаш бўлгани сабабли мўйқалам тартибсиз ҳаракатланади, деб ўйламайман.

#### IV

Шундайми, йўқми, ёлғиз қолган мен учун онамнинг васияти бўйича амакимдан таянч излашдан ўзга чора қолмаганди. Амаким ўз навбатида барча ишларни қабул қилиб, менинг ғамимни еди. Мен шунчалар интилган Токиога кетишим учун ҳамма нарсани қилди. Токиога келгач, мен Олий Меъёрий мактабга кирдим. У вақтдаги ўқувчилар ҳозиргиларига нисбатан кўпроқ ва шўхроқ эди. Танишларим орасида кечкурунлари мастеровойлар билан уруш чиқарадиган ва ўз гэталари билан бошларини уриб ёрадиганлари ҳам бор эди. Бу ичкиликбозлик ҳолатида содир бўлар ва бунинг оқибатида уларнинг пўрим фуражқаларини олиб қўйишар эди. Фуражқанинг ички тарафида оқ матодан фуражқа эгасининг исми ёзиб қўйилар эди. Иш чигаллашиб, айбдор тўғрисида полициядан мактабга сўровнома юборилар эди. Бироқ ўртоқлари ҳар доим ишни ташқарига чиқармасликка ҳаракат қилар эдилар. Ҳозирги шароитда тарбия кўрганларга бундай ҳолат ғайритабиий, бемаъни бўлиб кўринса, эҳтимол. Тўғриси айтсам, менга ҳам бу бемаъни иш бўлиб туюлади. Лекин барча ўртоқлар ҳозирги ўқувчиларда бўлмаган ўзига хос самимий хислатларга эга эдилар. Уша вақтда мен амакимдан ҳар ой олиб турадиган пул ҳозир сизлар оталарингиздан оладиган пулдан анча кам бўлган. Лекин нарх-наволар ҳам ўзгача бўлган. Шунинг учун мен етишмовчиликни ҳис қилмаганман. Бундан ташқари маблағ борасида тенгқурларим орасида мен кимгадир ҳавас қилишим керак бўлган даражада ёмон эмасдим. Ҳозир ортга назар ташласам, кўпчиликнинг менга ҳаваси келган деб ўйлайман. Чунки ҳар ойдаги маълум суммадан ташқари мен кўпинча амакимдан китоб харид қилишга (мен ўша вақтдан бери китоб йиғишни ёқтириб қолган эдим) ёки зарур харажатларга пул талаб қилар эдим ва уларни ўз хоҳишимча сарфлашим мумкин эди.

Ҳали ҳеч нарсани тушунмасдан мен амакимга ишонар эдим; бундан ташқари, менда унга нисбатан миннатдорчилик ҳисси бўлиб, уни жуда ҳурмат қилардим. Амаким ишнинг кўзини билар эди. У ҳатто префектуал йиғин аъзоси этиб сайланган. Назаримда, шу муносабат билан унинг ҳатто сиёсий партияларга ҳам алоқаси бўлган. Отамнинг туғишган укаси бўлишига қарамай, феъл-атворлари ҳар хил эди. Отам содда одам бўлиб, ота-бобосидан қолган мол-мулкни кўз қорачиғидек асрар эди; у гуллар ва чойни, бундан ташқари шеърӣ асарларни ўқишни яхши кўрарди. Унинг китоблар, расмлар, қадимий буюмлар бобида диди баланд эди. Уйимиз қишлоқда жойлашган бўлиб, бу ердан шаҳар икки миль нарида эди; бу

шаҳарда амаким яшарди, шу ердан кўпинча сотувчилар гоҳ расмлар, гоҳ исирикдонларни кўрсатиш учун отамга олиб келишар эди. Қисқача қилиб айтганда, отамни “ман оф мэанс” – “ўткир дидли қишлоқлик азамат” деб таърифлаш мумкин эди. Шунинг учун у ўз феъли билан ишнинг кўзини биладиган амакимдан кескин фарқ қиларди. Шунга қарамай, уларнинг муносабатлари жуда яхши бўлган. Отам кўпинча амаким ҳақида гапирганда, ўзидан ҳам меҳнаткашроқ киши деб айтарди. Ота-онасидан қолган бойликка эга бўлган кишининг қобилияти, албатта, заифлашади; қисқача қилиб айтганда, ташқи олам билан курашиш зарурати бўлмаса яхши эмас. Бу каби сўзларни онам ҳам отамдан эшитган. Мен ҳам. Отам менга ўғит бўлсин деб айтган. “Сен бун яхшилаб қулоғингга қуйиб ол!” – дер эдилар отам менга қараб. Шунинг учун ҳам мен бу гапларни яхшилаб эслаб қолганман. Отам шунчалар мақтаган, шунчалар ишонган амакимдан мен шубҳаланишим мумкинми? У оддий шароитда ҳам мен фахрланишим керак бўлган амаким бўлиши мумкин. Лекин отамнинг вафотидан сўнг у нафақат фахрланишим сабабига айланди: у менинг яшашим учун зарур бўлган инсон бўлиб қолди.

## V

Ёзда ота-онамнинг вафотидан сўнг тарк этган уйимизга келганимда, бу ерда энди янги уй эгалари сифатида амаким хотини билан яшарди. Мен ҳали Токиога кетмасимдан олдин шунга келишиб олгандик. Мен бутунлай ёлғиз қолганим учун ўзга чорам йўқ эди.

Амаким ўша вақтда шаҳардаги турли ҳиссадорлик жамиятлари билан иш олиб борарди. Кулиб туриб у, ишлаш нуқтаи назаридан, унга шаҳардан икки миль нарида жойлашган қишлоқдаги уйимизга кўчиб ўтгандан кўра ўзининг шаҳардаги уйида қолиш анча қулайроқ бўлишини айтди. Бунини мен ҳали Токиога кетиш тараддудини кўраётган вақтимда айтган эди.

Уйимиз қадим замонларга бориб тақаладиган ўз тарихига эга бўлиб, маълум доираларда машҳур эди. Эҳтимол, сизнинг юртингизда ҳам худди шундайдир; қишлоқда ўз ворисига, тарихига эга бўлган уйни бузиш ёки сотиш озмунча катта иш бўлмайди. Ҳозир менга бундай туюлмади, аммо ўша кезларда мен ҳали бола эдим ва уйимизни асил ҳолида қандай қилиб сақлаб қолиш мени ташвишлантирарди.

Амаким вазият туфайли бўшаб қолган уйимизга кўчиб ўтишга рози бўлди. Лекин шаҳардаги уйини ҳам қолдиришини, у ерда ҳам, бу ерда ҳам бўлиб туришини, акс ҳолда ишлашга қийналиб қолишини айтди. Албатта, бунга қарши эътироз билдира олмасдим. Мен ҳар қандай шартга ҳам кўнишга тайёр эдим, фақат Токиога жўнаб кетсам бўлгани. Болалигимдаёқ юртимдан йироқда унга қалбимнинг соғинч кўзлари билан тикилардим. Мен унга вақти келиб қайтиб келадиган йўловчи ҳиссиёти билан термулардим. Токио қанчалик яхши бўлмасин, таътил бошланиши биланоқ, уйга қайтиш иштиёқи уйғонарди ва бу ҳиссиёт жуда кучли бўларди. Кўпинча қаттиқ машқ қилишлардан ва кўнгилхушликлардан кейин, мен таътил вақтида қайтиб бора оладиган юртимни тушларимда кўрардим.

Менинг йўқлигимда амаким бу икки уйни қандай эплаганини билмайман. Қайтганимда бутун оила шу уйга тўпланди. Мактабга борадиган болалари, одатда шаҳарда яшаса керак, аммо ҳозир ёзги таътил сабабли, уларнинг барчаси меҳмон сифатида шу ерга келтирилганди.

Мени кўриб, барча хурсанд бўлди. Менга ҳам уйимни ота-онам вақтидагига нисбатан қувончлироқ ҳолда кўриш ёқимли эди. Амаким менинг илгариги хонамдан ўзининг катта ўғлини кўчириб чиқарди ва хонани ўзимга қайтариб берди. Уйимизда хоналар кўп эди, менга қаерда жойлашишимнинг фарқи йўқ эди, бироқ амаким эътироз билдириб, шундай деди:

– Бу сенинг уйинг.

У бошқа гапга қулоқ солишни истамасди. Ота-онам тўғрисидаги баъзан менда уйғонадиган хотиралардан ташқари ҳеч қандай қайғум йўқ эди ва ёзни амакимнинг оиласи билан ўтказиб, яна Токиога қайтдим. Бутун ёз мобайнида дилимда ёқимли ҳис қолдирган нарса – бу амаким ва хотинининг мени уйланишга даъват этишлари бўлди – эндигина мактабга кирган менинг уйланишим-а! Улар буни уч-тўрт марта такрорладилар. Аввалига мен бу кутилмаган суҳбатдан ҳайрон бўлдим. Иккинчи марта гап очилганда мен қатъиян рад этдим. Учинчи марта мен улардан нима учун бу ҳақда оғиз очганликларини сўрадим. Уларнинг фикри оддий эди: мени уйлантириб, отамнинг уйига меросхўр бўлиб қолишимни исташган экан. Фикримча, таътилда келиб-кетиб туришим кифоя этарди. Ота меросини эгаллаш учун уйланиш зарур экан – бунинг барчаси ўз маъносига эга эди. Айниқса қишлоқдаги аҳволни тушунган мен учун бу тушунарли эди. Менинг ўзим ҳам бунга унчалик қарши эмасдим. Лекин Токиода эндигина ўқишга кирганим учун бу қандайдир кўз илғамас узоқликда туюлар эди. Шу боис мен пировард-натижада амакимга розилик бермасдан уйдан кетдим.

## VI

Шу билан мен никоҳ тўғрисидаги суҳбатни эсимдан чиқардим. Атрофимдаги барча ёшлар орасида бирорта ҳам оилалиги йўқ эди. Ҳамма эркин ва бўйдоқ эди. Беташвиш бу одамлар орасида, агар уларнинг ташқи ҳаётининг ортига назар ташланса, оилавий шароити туфайли уйлانганлари ҳам бордир, аммо мен ҳали бола бўлганлигим учун буни фаҳмламасдим. Бундан ташқари, бундайлар атрофидагилардан уялиб, ўқувчи ёшлар учун шу қадар йироқ бўлган бу мавзу ҳақида гапирмасликка ҳаракат қилишарди. Энди кўриб турибман, мен ҳам улардан бири эдим, лекин ўша дамда буни тушунмасдим ва болаларча қувониб, ўз машғулотларим бўйича илгарилаб борардим. Ўқув йили тугагач, мен саватларимни йиғиб, яна ота-онамнинг қабри жойлашган қишлоққа равона бўлдим. Бу сафар ҳам илгариги каби, ота-она яшаган уйда амаким, хотини ва болаларини кўрдим. Мен яна юртим ҳавосидан нафас ола бошладим. Бу ҳаво илгаригидек дилимга хуш ёқарди. Бу сўзсиз ўқув йилининг бир хилда кечувчи шароитида фойдали ўзгариш эди.

Мени тарбиялаб ўстирган шу муҳитда яшар эканман, амаким яна менинг уйланишимдан оғиз очди. У бултурги сўзларни такрорларди. Важдлар ҳам худди ўшандай. Лекин олдинги сафар у ҳали ҳеч кимни кўз остига олмаганди, бу гал келинликка номзод ҳам топиб қўйибди. Бу амакимнинг қизи эди. Амаким бу иккала томон учун ҳам яхши бўлишини, буни отам ҳам тириклигида тайинлаганини айтди. Бунинг яхши бўлишини ўзим ҳам билардим. Эҳтимол, отам ҳам бу ҳақда амаким билан гаплашгандир. Лекин бунга амакимнинг сўзларидан кейин эътибор бердим, унга қадар буни сезмагандим. Шунинг учун ҳайрон қолгандим. Ҳайрон қолсам ҳам, амакимнинг истаклари адолатли эканлигини яхши тушунардим. Мен беташвиш эдимми? Эҳтимол, шундайдир, лекин асосий сабаб менинг амакиваччамга бефарқлигим эди. Болалигимда шаҳарда яшовчи амакимникига тез-тез бориб турардим. Кўпинча у ерда қолиб кетардим. Ўша вақтлардаёқ мен амакиваччам билан яхши ўртоқ эдим. Биласизки, ака-сингиллар ўртасида оташин муҳаббат бўлмайди. Барчага маълум нарсани айтаман, бир-бири билан доим яқин бўлган кишилар ўртасида севги учун зарур бўлган рағбатларни яратувчи янгилик ҳисси йўқолади. Бамисоли хушбўй ҳидни фақат исириқдонда ҳид энди кўтарила бошлагандагина сезганингдек; бамисоли шарбатнинг мазасини фақат эндигина ича бошлаганда сезганингдек, муҳаббат бобида ҳам худди шундай; кучли ҳиссиёт бир лаҳзалик бўлади. Қанчалик кўпроқ кўниксанг, боғланиш ҳам шунчалик кучли бўлиб, муҳаббат риштаси аста-секин заифлашиб боради.

Мен қанчалик фикр юритмай, яқин қариндошимни хотинликка олишга кўнмадим. Амаким, агар мен истасам, тўйни ўқишим тугагунига қадар қолдириш мумкинлигини айтди: лекин шу билан бирга бугунги ишни эртага қўйма, деган нақлда айтилишича, эзгу ишни ортга сурмаслик керак, деди. Мен учун униси ҳам, буниси ҳам маъқул эмасди. Мен яна бир бор рад этдим. Амакимнинг юзи ўзгарди. Қиз йиғлаб юборди. У менга турмушга чиқмаётгани учун эмас, уни рад этганим учун нафсонияти оғриганидан йиғларди. Мен уни севмаганим каби, у ҳам мени севмаслигини билардим. Мен яна Токиога қайтдим.

Учинчи марта юртимга яна бир йилдан сўнг ёзда келдим. Имтиҳонлар тугаши билан Токиодан жўнаб қолардим. Юртимни шунчалар яхши кўрардим. Узингиз ҳам биласиз, она юрт ҳавоси, ерининг диси ўзгача бўлади. Қаерга қарамай, отам ва онамни эслатувчи хотиралар. Йилда икки ой – июль ва августда – шу ҳавода бўлиш, илон инига яширингани каби у ерга яшириниб олиш мен учун ҳамма нарсадан афзалроқ эди.

Соддалигим туфайли амакимнинг қизи билан никоҳим борасида ташвиш қилишга ҳеч қандай сабаб йўқ, деб ўйлардим. Ёкмаса рад этасан, рад этдингми, масала ҳал бўлди, деб ишонгандим. Шу боис амакимнинг раъйига қарши чиққанимга қарамай, мен бутунлай хотиржам эдим. Йил давомида бу ҳақда бирор марта ҳам ўйламадим ва энди уйга илгаригидек хуш кайфиятда кетмоқда эдим. Бироқ бу сафар келганимда амакимнинг муносабати ўзгача бўлди. У энди илгаригидек мени ўз қучоғига олмади. Шунга қарамай, мен эркинликда тарбияланганим учун уч-тўрт кун бунга эътибор бермадим. Фақат кейинчалик нима бўлди-ю, бунинг жиддийлиги маълум бўлди. Амакиваччам ва хотини ҳам ғалати бўлиб қолдилар. Хатто Олий тижорат мактабига кириш ниятида менга хат ёзган ўғли ҳам мени кўрганда ғалати бўлиб кетарди.

Феъл-атворим шунақа бўлгани учун мен бошқача ўйлай олмасдим. Ҳиссиётларим нима сабабдан бунчалар ўзгарди? Ҳа-да, нима сабабдан улар бунчалик ўзгариб қолдилар? Назаримда, раҳматлик ота-онам бирдан кўзимни очгандек бўлишди. Ота-онамнинг вафотидан кейин ҳам мен дилимда улар тириклигида мени қандай яхши кўрган бўлсалар, ҳозир ҳам шундай яхши кўрадилар, деб ишонар эдим. Ҳатто ўша вақтда ҳам мен табиат қонунларидан беҳабар эмасдим. Лекин ота-боболаримдан қолган хурофот излари қон-қонимга сингиб кетган эди.

Токқа ёлғиз чиқиб кетиб, мен ота-онам қабри олдида тиз чўқдим. Ҳам қайғу, ҳам миннатдорлик ҳисси жўш урарди дилимда. Гўё тақдирим шу ерда ётганларнинг қўлида эканлигини ҳис этиб, тақдиримни ҳал қилишларини илтижо қилиб дуо ўқидим. Сизга балки бу кулгили туюлар. Ўзим ҳам устимдан кулиш керак деб ўйлайман. Ахир ўзим шунга лойик эдим-да.

Назаримда бутун дунё оёғи осмондан бўлиб ўзгарди. Бу аҳволга тушган бир мен эмасдим. Дунёда гўзаллик мавжудлигини кашф этиб, ҳайратга тушганимда ёшим ўн олти-ўн еттиларда эди. Аввалига кўзларимга ишонмадим. Сўнг, “Э-воҳ, мана гўзаллик!” деб ҳайқирдим. Ўн олти-ўн етти ёшларда эркак ва аёлда жинсларнинг уйғониш даври бошланади. Шунда мен дунёда гўзаллик тимсоли бўлган аёлни биринчи бор кўрдим. Мен шу пайтгача борлигини пайқамай юрган қарама-қарши жинс кўзларимни бирдан очди.

Буни амакимнинг ҳаракатларига эътибор қилганимда ёздим. Кейин ўзимга эътибор қилдим. Бу беҳосдан, ҳеч қандай тайёргарликсиз рўй берди. Унинг ўзи, оила аъзолари ҳам кўз ўнгимда буткул бошқача намоён бўлишди. Мен кўркиб кетдим, бу шундайлигича қолса, келажагим нима бўлади, деб ўйладим.

## VII

Менда шу вақтгача амакимга ишониб топширилган бойлигимизнинг аҳволи ҳақида батафсил билиб олмасам, ота-онам олдида ўзимни қандайдир гуноҳкордек сезар эдим. Амаким доим ўзича банд бўлар, ҳеч бир жойда тунамасди. Бу ерда икки кун турса, учинчи кунни шаҳарда ўтказар, уйдан-уйга кўчиб юрарди, доим кўриниши ташвишли бўлар эди. “Бандман” сўзи унга одат бўлиб қолганди. Фикрларим тиниқ вақтида мен ҳақиқатан ҳам уни банд деб ўйлардим. Бундан ташқари, бизнинг замонамизда бу табиий бир ҳол дердим. Лекин мен ўз мулким тўғрисида у билан узоқ гаплашишга ҳаракат қилганимда, амакимнинг бундай бандлиги мендан қутилиш учун бир баҳона эканини билдим. Мен амакимни учратишга ҳеч фурсат топа олмадим.

Амакимнинг шаҳарда жазмани борлиги қулоғимга чалинганди. Мен бунини ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларимдаёқ синфдошларимдан эшитгандим. Амаким қаби кишининг жазмани борлиги ажабланарли эмасди, лекин отам ҳаётлигида бу ҳақда ҳеч нарса билмагани мени таажжубга солди. Ўртоқларим менга яна кўп нарсаларни айтиб беришди. Масалан, гўё унинг ишда омади келмай қолган деб ўйлашган, лекин у икки-уч йилдан кейин эса ҳамма нарсани қайтариб берган. Бу улар менга сўзлаб берган нарсаларнинг асосийси эди, аммо шунинг ўзи шубҳаларимнинг ортишига сабаб бўлди.

Ниҳоят, мен амаким билан суҳбатлаша бошладим. Бунини “суҳбат” деб ҳам атаб бўлмайди, лекин ўртамазда бўлиб ўтаётган гапларга қараганда шу сўз ўз-ўзидан хаёлга келади. Мен аввал-бошданок унга ишончсизлик билан қарардим ва ишни осонликча охирига етказа олмадим.

Афсуски, ўртада бўлиб ўтган суҳбатни ҳозир муфассал баён этолмайман – шошилиб турибман. Аслини олганда айтадиган муҳим нарсалар бор эди. Мен шахсий суҳбатда сизга ҳамма нарсани хотиржамлик билан сўзлаб бериш имкониятидан маҳрумман. Ёзишни истаган нарсамни қўлимда қалам ушлашга одатланмаганим учун билганимча ёзиб ташлаяман. Қимматли вақтнинг уввол бўлаётганига ачинаман.

Эсингизда бордир: бир вақтлар дунёда тайёр жиноятчилар бўлмайди, вақти келиб қутилмаганда олийжаноб киши ҳам жиноятчига айланади, деган эдим. Шунда сиз менинг жуда ҳаяжонланганимга эътибор берган эдингиз. Олийжаноб киши қандай ҳолларда жиноятчига айланади, деб сўраган эдингиз. Мен сизга “пул туфайли” деб жавоб берганимда, афтидан, жавобимдан қониқмаган эдингиз. Мен сизнинг ўшандаги ҳолатингизни жуда яхши эслайман. Ўшанда мен ўз амакимни назарда тутган эдим. Мен пулни кўриб, жиноятчига айланган амакимни, дунёда ишонса бўладиган одамлар йўқлигини назарда тутган эдим. Эҳтимол, олдинга, ғоялар оламига интилувчи бўлган сизга бу эскиргандай бўлиб туюлгандир. Аммо мен учун бу ҳаёт-мамот масаласи эди.

Ҳозир мен хотиржамман. Ўйлайманки, ақл билан фаҳмланган нарсаларни сўзлашдан кўра, бошқа бир нарсаларни сўз билан ифода этиш ҳаётийроқдир. Танани қон ҳаракатга келтирганидек, сўзлар нафақат ҳавони, балки инсон вужудини ҳам жунбушга келтира олади.

## VIII

Сирасини айтганда, амаким мулк борасида мени лақиллатди. Токиодаги уч йиллик ўқишим вақтида бу ишни ҳамирдан қил суғиргандек битирди. Барчасини амакимга ишониб кўйиб қатта аҳмоқлик қилдим. Бунини аслида олийжаноблик деб атаса ҳам бўлар. Уша даврдаги ўзимга ҳозир назар ташлар эканман, нега бу қадар думбул бўлиб туғилганман, нега тўғрисиўз ва софдил бўлиб яралганман, деб надомат чекаман. Шу билан бир вақтда

менда дунёга яна худди шундай бўлиб келиш истаги пайдо бўларди. Бир эслаб кўринг! Сиз билган ўшандаги “мен”га гард юкиб бўлганди. Агарда гард юкиши ёш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда, шубҳасиз мен сиздан анча каттаман.

Агар амакимнинг истаги билан унинг қизига уйланганимда, бу мен учун моддий жиҳатдан фойдали бўлармиди? Уйлайманки, албатта, фойдали бўларди. Амаким менга бир нимани кўзлаб ўз қизини таклиф қилган. Унинг менга аслида яхши муносабатда бўлгани, иккала оиланинг манфаатини ўйлаб эмас, балки бошқа ғаразли ният билан иш тутгани сабабли эди.

Мен унинг қизини яхши кўрмаганман. Унга нисбатан ҳеч қандай хусуматим ҳам йўқ. Аммо энди ўтмишга назар ташласам, мен ундан воз кечганим кўнглимга қандайдир таскин беради. Иккала ҳолда ҳам бирдек алданган бўлардим, аммо ҳар ҳолда амакимнинг айтгани бўлмай, унинг қизига уйланмаганим мен истагандек бўлди. Зеро, бунинг ишга алоқаси йўқ. Айниқса, бу ишга алоқаси бўлмаган сиз учун бунинг барчаси аҳмоқона туюлса керак.

Амаким билан менинг ўртадаги муносабатларга бошқа қариндошлар ҳам аралашди. Мен бу қариндошларга ҳам мутлақо ишонмасдим. Нафақат уларга ишонмасдим, балки уларни душман деб билардим. Амаким мени алдаганини билгач, қолганлар ҳам, албатта, мени алдайдилар деб ҳисоблардим. Отам шунчалар мактаган амаким мени шу аҳволга солган экан, бошқалари нима қиларди, деб ўйлар эдим. Ҳар ҳолда шу қариндошларим ҳали менга тегишли бўлган барча нарсани тўплашга ҳаракат қилдилар. Пулга чаққанда, менинг чамамдан анча кам эди. Олдимда икки йўл турарди: ёки индамай борини олиш, ёки амаким билан судлашиш. Мен ғазабда эдим. Нима қилишни билмас эдим. Суд бўлган тақдирда ҳам қарорнинг чиқишини узоқ кутишга тўғри келишидан кўрқар эдим. Мен ҳали талаба эдим. Талаба учун шунчалик қимматли бўлган вақтни йўқотиш яхши эмасди.

Шуларни ўйлаб, қўшни шаҳарлик ўзимдан катта бўлган мактабдош ўртоғимдан менга тегишли бўлган барча нарсани пулга айлантириб беришни илтимос қилдим. Ўртоғим ундай қилмасликни айтди, лекин мен унамадим. Ўша кунлари юртимни узоқ вақтга ташлаб кетишга қатъий қарор қилдим. Мен ичимда амаким билан ҳеч қачон учрашмасликка онт ичдим.

Она юртимни ташлаб кетишдан олдин яна бир бор ота-онам қабрини зиёрат қилдим. Бу сўнгги зиёрат эди. Энди уларни ҳеч қачон кўролмайман.

Ўртоғим айтганимдек қилди. Бу Токиога қайтиб келгач бўлди. Қишлоқда ерни сотиш осон эмас. Мен олган пул ўша вақтдаги нархлар бўйича анча оз эди. Очиғини айтганда, мен кетаётганимда чўнтагимда фақат бир нечта фоизли қоғозлар ва кейинчалик ўртоғимдан олган ўша пуллар бор эди. Бу, албатта, отамдан қолганидан анча кам эди. Менга алам қилгани шу эдики, мулким бориб-келиб шундай нозик пайтда камайган эди. Бироқ талабанинг кун кўриши учун шу ҳам етиб ортади. Аслини олганда пулларим келтирадиган фоизларнинг ярмини ҳам сарфлайдиган жойим йўқ эди. Маблағларим ортиқча бўлгани туфайли талабалик ҳаётим мутлақо кутилмаган ўзанга кириб кетди.

## IX

Пулга муҳтожлик нималигини билмаган менда сершовкин меҳмонхонани тарк этиб, ўзимга уй сотиб олиш истаги пайдо бўлди. Аммо бу уйни жиҳозлаш зарурати биланми ёки рўзғорга қараб турадиган бирорта кампир олиш кераклигиданми, бу истагим амалга ошмади.

Бир кун айланиб келиш ва шу билан бирга ўзимга уйча қараш мақсадида,

Хонго тепалигидан тушиб, тўппа-тўғри Дэндзуин томонга, Коисикава тепалигига кўтарилдим. У ерда трамвай ўтказилгандан бери жойнинг ташки кўриниши бутунлай ўзгариб кетганди, ўша кезлари чап томонда тўпхона тўсиғи қад кўтариб турарди, ўнг томонда эса очиқ майдон бўлиб, уни ўт босиб ётарди. Шу яланглик ўртасида туриб, мен ҳеч бир нарсани ўйламай қаршимдаги тепаликни томоша қилардим. Ҳозир ҳам у ернинг кўриниши ёмон эмас, ўша пайтда эса бутун манзара кўп жиҳатдан ўзгача эди.

Кўз илғайдиган жой ҳақиқатан ҳам асабларни тинчлантирувчи кўм-кўк ўсимликлар билан қопланган эди. Бирдан хаёлимга, шу ерларда менбоп уй йўқмикан, деган фикр қелди. Мен сўқмоқдан юриб, шимол томондаги ялангликни кесиб ўтдим. Уша пайтларда бу ерларда чиройли кўчалар йўқ бўлиб, уйлар жуда хунук эди. Мен гоҳ оғзи берк кўчалар ёнидан ўтиб, гоҳ тор кўчалардан айланиб, атрофни кезар эдим.

Ниҳоят қандолатфуруш хотиндан бу ерда ижарага бериладиган кичикрок уй йўқми, деб сўрадим. У бир зум ўйланиб туриб деди:

– Ижарага уй?...Ҳа...

У гўё ҳеч нарса ўйлаб топа олмагандек эди. Мен кетмоқчи бўлган эдим, аёл сўз қотди:

– Сизга хусусий пансион тўғри келмайдими?

Мен ўйланиб қолдим. Уй-рўзғор ва ижара билан боғлиқ бўлган ташвишлардан кўра тинч оилада бирорта хонани ижарага олган маъқул эмасмикан? Шу боис қандолат дўкони ёнидаги супачага ўтириб, қандолатфуруш хотиндан ҳаммасини суриштирдим. Бу бир ҳарбийнинг оиласи, тўғрироғи, оиласидан қолган уйнинг бир қисми экан. Бека менга оила бошлиғи японхитой уруши вақтида ҳалок бўлганини тушунтирди. Бир йил муқаддам улар Итигайдаги ҳарбий мактаб ёнида яшашар экан, уларнинг уйлари катта бўлган, хатто отхоналари ҳам бор экан; энди эса барчасини сотиб, шу ерга кўчиб келишган экан; ёлғиз яшаш улар учун зерикарли бўлиб, шу сабабдан муносиб одам топилса, уларнинг уйларини тавсия қилишини шу хотиндан сўрашган экан. Аёлнинг сўзларидан бутун оила бева аёл, унинг ёлғиз қизи ва хизматкор аёлдан иборатлигини билиб олдим. Мен у ерда тинч ва қулай бўлишини тасаввур этдим. Мени фақат бир нарса ташвишлантирарди: оилада қутилмаганда аллақандай талаба пайдо бўлганидан айниб, бирдан менга рад жавобини беришмасмикан? Ҳатто бундан умид узиб қўя қолай дедим. Бироқ, талаба бўлишимга қарамай уст-бошим ёмон эмасди. Боз устига бошимда талабаларнинг пўрим фуражкеси ҳам бор эди. Сиз, албатта, кулаётибсиз, пўрим фуражка, деб. Аммо ўша даврларда талабаларнинг обрўйи баланд бўларди. Айнан мана шу пўрим фуражка унинг жонига оро кирарди. Шартга қандолатфуруш хотин кўрсатган шу уйга қараб йўл олдим.

Бева аёлга келишим мақсадини тушунтирдим. У менга қатор саволлар берди: ўзим ҳақимда, қаерда ўқишим, мутахассислигим нималиги хусусида. Пировардида истаган вақтимда кўчиб келишим мумкинлигини айтди. Бева очиққина, тўғрисўз аёл экан. Чамаси барча ҳарбийларнинг хотинлари шундай бўлса керак, деб ўйладим ва унга нисбатан менда ҳурмат пайдо бўлди.

## Х

Мен дарҳол шу уйга кўчиб ўтдим. Биринчи ташрифимдаёқ бева аёл билан суҳбатлашган хонани эгалладим. Бу уйдаги энг яхши хона шу эди. Уша даврда Хонгода бирин-кетин талабалик ётоқхоналари қурилаётганди ва мен талаба яшаши мумкин бўлган энг яхши хоналарни эгаллаяпман, деб ҳисоблардим. Лекин энди кўчиб ўтганим бу хона илгаригиларидан аълороқ эди. У ерга кўчиб ўтгач, бу талаба учун ўта ҳашаматли, деган хаёлга бордим.



Уй қатта эди. Бош жовоннинг ён томонида чиройли тоқчалар ва шкаф-чалар қурилган: ташқи айвон қаршисидаги деворга ички шкаф ясалган эди. Деразалар умуман йўқ. Аммо жанубга қараган айвон томондан ёруғлик тушиб турарди. Мен кўчиб қирадиган куни бош жовонда шинам қилиб кесилган гулларни кўрдим, улар ёнига эса кото<sup>1</sup> суяб қўйилганди. Униси ҳам, буниси ҳам менга ёқди. Мен хитой шеърятти, китоблар, хушчақчақ маросимларни яхши кўрувчи инсон эдим.

Отам тириклигида тўплаган барча жиҳозларни бошқа нарсалар каби амаким талон-торож қилган бўлса ҳам ҳар ҳолда нимадир сақланиб қолганди. Уларни сақлаб туриш учун ўртоғимникида қолдирдим. Бошқа нарсалар орасида тўрт-бешта яхшироқ расмни саватим тубида ўзим билан олиб келдим. Кўчиб келишим билан уларни кўринадиган жойга осиб қўйиб, томоша қиламан деб ўйлагандим. Аммо мана бу кото ва гулларни кўрганимда бу фикримдан қайтдим. Кейинроқ сўраб, улар мен учун қўйилганини билдим ва жилмайиб қўйдим. Албатта, кото бу ерда илгари ҳам турган, қўядиган бошқа жой бўлмагани учун уни ноилож қолдиришган.

Сизга буларни сўзлаб бераётганимда, эҳтимол, кўз ўнгингизда ёш қизнинг сиймоси гавдаланар. Мен ўзим ҳам у ерга кўчиб ўтмасимдан илгарироқ шунга қизиқиб қолган эдим. Турфа фикрлар таъсириданми ёки одамови бўлиб қолганимданми, ҳар ҳолда қизни биринчи бор учратганимда базўр саломлашдим. Бунга жавобан қизнинг чехраси қизарди.

Шу вақтгача бева аёлнинг ҳолатига қараб ўзимча қизни аниқ тасаввур қилган эдим. Бу тасаввуримда уни бу қадар жозибали деб ўйламагандим. Модомики у ҳарбийнинг хотини экан – демак, у шундай, агар қиз унинг қизи бўлса – бинобарин, у ҳам онасига ўхшаган бўлиши керак. Аммо қизни кўрган заҳоти фикрим бутунлай ўзгарди. Менга шу вақтгача нота-ниш бўлган аёл иси димоғимга урилди. Шу вақтдан бошлаб жовонимда турган гуллар мен учун ёқимсиз бўлмай қолди. У ерда турган кото ҳам ҳалал бермай қўйди. Вақти келиб гуллар сўлиб қолганда, улар ўрнига ян-гилари келтирилди. Кото ҳам ён томондаги хонага тез-тез олиб чиқиларди. Хонамда иягимга тиралиб ўтириб бу асбобнинг чалинишини тинглардим. У яхши чаляптими, йўқми, мен унчалик фарқига бормасдим. Аммо усули унча кучли бўлмаганидан қиз моҳир созанда эмас деб ўйлардим. Мен гулларни яхши ажратардим, қизни бу соҳада ҳам билимдон деб бўлмасди.

Шунга қарамай, у менинг жовонимни доим гуллар билан безар эди. Гулларнинг жойлаштирилиши ҳар доим бир хил бўларди. Гулдон ва гуллар ўрни алмаштирилган ҳоллар бўлмасди.

Қиз турли қуйларни аста чаларди. Ашула айтарди, фақат жуда секин, гўё фақат ўзи учун айтаётгандек. Бирок бунинг учун танбех эшитганидан сўнг овози умуман чиқмай қолди. Мен дидсиз қўйилган гулларни бажону дил томоша қилар, кото товушини жоним билан тинглар эдим.

## XI

Юртимдан кетаётган чоғимда одамларга нисбатан хусуматда эдим. Уларга ишониш қийин деган фикр қон-қонимга сингиб кетгандек эди. Мен душман деб ҳисоблаган амаким, хотини ва бошқа қариндошлар ўша одамларнинг вакиллари бўлиб ҳисобланарди. Поездда ўтирганимда ҳам қўшниларимга худди шу тарзда қарардим. Мобода мен билан баъзан бирор кимса сўзлашб қолгудек бўлса, мен дарҳол сергак тортардим. Юрагим баъзан кўрғошин қуйилгандек оғирлашиб кетар ва асабларим қаттиқ таранг тортар эди. Токиодаги меҳмонхонадан кетгим келиб қолганига мендаги шундай ҳол сабаб бўлди. Агар илгаригидек аҳволда бўлганимда, пулим ошиб-тошиб кетганда ҳам бундай ишларга қўл урмасдим.

<sup>1</sup> Кото – чолғу асбоби.

Коисикавага кўчиб ўтганимдан кейин ҳам бир мунча вақт давомида тинчий олмадим. Атрофга шунчалик олазарақ бўлиб қарардимки, бундан ўзим уялиб кетардим. Қизиқ, фақат бошим, кўзларимгина тўғри ишларди, тилим эса базўр айланарди. Мен столим ёнида жим ўтириб уйда яшовчиларни мушук каби кузатардим. Баъзан бу қадар диққат билан кузатганимда уларга ачиниб кетардим: ўзимча уларга қандайдир кисавур бўлиб туюлардим ва бундан ўзимни-ўзим ёмон кўриб кетардим. Сизга ғалати туюлса керак: ана шу ҳолатимда қиз менга қандай қилиб ёкиши мумкин? Унинг дидсиз қўйилган гуллари қандай қилиб ёкиши мумкин? Унинг котони тўпори чалишидан қандай қилиб лаззатланишим мумкин? Бунга жавобан шу икки ҳолатни келтиришдан ўзингизга ҳавола қиламан, фақат бир нарсани таъкидламоқчиман: мен одамлардан фақат пул масаласи борасида шубҳаланганман, севги бобида эса иш бу даражага етганича йўқ. Шу боис бошқаларга ғалати, менинг ўзимга – зиддиятли туюлса ҳам, барибир булар қалбимдан жой олишга улгурган эди.

Мен бевани бекач деб атаб келганман, бундан буён ҳам шундай бўлади. Бекач эса мени камтарин, оғир-босиқ одам деб билган. Мени меҳнаткаш деб мақтаган. Лекин у ҳеч қачон менинг безовта кўзларим, ташвишланишим тўғрисида сўз очмаган. Буни сезмасмиди ёки гапиришга уялармиди – билмадим, лекин менга бутунлай эътибор бермаётганга ўхшарди. Боз устига, бир куни у мени “ташвишсиз киши” деб атади ва бу қандайдир ҳурмат аломати сифатида янгради. Ўша вақтда ҳали содда бўлганим учун қизариб кетдим ва сўзларини инкор этишга ҳаракат қилдим. Шунда у жиддий оҳангда тушунтирди:

– Сиз шундай деяпсиз, чунки буни ўзингиз сезмаяпсиз.

Бекачнинг аввалига мендек талабани уйига жойлаштириш нияти бўлмаган, шекилли, у уйни бирор хизматчига бермоқчи бўлган ва шу тўғрида қўшниларидан илтимос қилган. Унинг фикрича, хусусий пансионларда даромади кам бўлганлар яшашга мажбур, бу фикр унинг миясида анчадан бери айланиб юрган. Шунинг учун ўз тасаввуридаги ижарачи билан солиштириб, мени беташвиш киши деб атаган.

## XII

Бекачнинг бундай муносабати менинг руҳий аҳволимга катта таъсир кўрсатди. Маълум вақт ўтгач, кўзларим илгаригидек олазарақ бўлмай қолди. Юрагим эса хонамда ўтирганимдаёқ тинчланадиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, бекачдан тортиб уйда яшовчиларнинг барчаси менинг бу феълимга ўрганиб қолишгани мен учун бахт бўлди. Асабларим аста-секин тинчлана бошлади. Бекач зийрак аёл бўлгани учун менга атайин шундай муомала қилгани ёки ҳақиқатан ҳам мени беташвиш киши деб ҳисоблагани, билмайман. Балки менинг ташвишланишим ва эсанкирашим фақат онгимдагина бўлиб, кўринишимдан унча сезилмагандир ва шу уни чалғитган бўлиши мумкин. Тинчланиб, мен аста-секин бу оила билан яқинлаша бошладим. Мен гоҳ бекач билан, гоҳ қизи билан ҳазиллашардим. Баъзан улар мени чой ичгани хоналарига таклиф қилишарди. Баъзан эса ширинлик сотиб олиб, мен уларни ўз хонамга чақирар эдим. Назаримда, танишларим доираси кенгайгандек эди. Шу сабабли бир неча бор ўқув дарсларим режаси бузилган ҳоллар бўлди. Таажжубки, бундай ҳоллар мен учун тўсиқ бўлмасди. Бекач эркин одам эди. Қизи мактабга қатнар ва бундан ташқари кото чалиш ва ўсимликларни қандай кесиш бўйича сабоқ оларди; шунинг учун унинг бўш вақти бўлмаслиги керак эди; лекин мен ўйлаганим тўғри эмас, унинг бўш вақти гўё кўпдай эди. Шу тариқа биз уччаламиз йиғилиб суҳбат қурадик. Мени чақиргани кўпинча қиз келарди. У отимни айтиб чақириб:

– Сиз бандмисиз? – деб сўрарди.

Кўпинча мен бирор китобни очиб кўйиб, унга термулиб ўтирардим ва ташқаридан қараганда жуда банд одамга ўхшардим. Аслида эса ундай эмасди. Китоб саҳифаларига термулиб ўтириб, қизнинг келиб чақиритишини кутар эдим. Қиз келавермагач, ўзим туришга мажбур бўлардим. Шунда унинг хонаси ёнига келиб сўрардим:

– Сиз бандмисиз?

Қизнинг хонаси ички хонадан кейингиси бўлиб, унча катта эмасди. Бекач одатда шу ички хонада ёки қизининг хонасида бўларди. Гарчи бу икки хона бир-биридан тўсиқ билан ажратилган бўлса-да, улар ҳар ҳолда бир хонани ташкил этгандек эди ва она-бола гоҳ у хонада, гоҳ бу хонада бўлар эдилар. Ичкарига киришга рухсат сўраганимда, “киринг” деб, албатта, она жавоб берарди, қизи камдан-кам ҳолларда жавоб қайтарарди. Шу орада қиз бирор юмуш билан хонамга кирадиган ва мен билан суҳбатлашадиган бўлди. Шундай онларда қалбимда ғалати ҳислар пайдо бўларди. Менинг қаршимда ёш қиз ўтирганидан шундай бўлади, деб ўйламайман. Мен ўзимни йўқотиб кўярдим. Ҳаракатларим ғайритабиий, ўзимга хос бўлмай қолиши мени ташвишга соларди. У ўзини шу қадар хотиржам тутар эдики, мен наҳотки котода овоз чиқаришга ботина олмайдиган қиз шу бўлса, деган шубҳага борардим. Ҳатто олдимда узокроқ қолиб кетиб онаси уни қўшни хонадан чақирганида у “ҳозир” дея, кетишга шошилмасди. Қиз энди ёш бола эмасди. У мени тушунсин деб ўзини шундай тутаётгани аён эди.

### XIII

Қиз хонамдан чиқиб кетганида мен чуқур хўрсинар эдим. Шу билан бирга менда қоникмаганлик ҳиссими, айбдорлик ҳиссими пайдо бўларди. Лекин ўша вақтларда бизларнинг аксарият кўпчилигимиз шундай бўлганмиз.

Бекач уйдан кам чиқарди. Уйдан кетган вақтларида бизни – мени ва қизини ёлғиз қолдирарди. Бу тасодифиди ёки атайин қилинариди – буни билмайман. Буни гапириш сал ғалатироқ бўлса-да, лекин бекачни кузатар эканман, назаримда, у мени ва қизини яқинлаштиришни истаётгандек эди. Баъзан у гина қиладиган ҳоллар ҳам бўларди, бу эса менга ёқмасди.

Унинг менга бўлган ҳақиқий муносабатини билишни истардим. Мантикий нуқтаи назаридан у менга қаршидек туюларди. Лекин амакимнинг мени алдагани ҳали ёдимдан чиқмагани учун, дилимда яна шубҳалар пайдо бўлди. Мен бекачнинг хатти-ҳаракатларида нима самимий ва нима айёрлик эканлигини аниқлашга ҳаракат қилардим. Бир тўхтамга келишга иккиланардим. Иккиланганим ҳам майли, нимага у ўзини бундай тутаётганлигига ҳеч ақлим етмасди. Сабабини аниқлашга ҳарчанд уринмай, буни билолмасдим; аниқлай олмагач, бутун айбни аёл бўлгани учун унинг зиммасига юклаб тинчланардим. У аёл бўлгани учун шунақа, аёл киши эса ҳар ҳолда оқил бўлмайди. Фикрларим ривожланиб, муқаррар тарзда шу хулосага келардим. Аёлларга нисбатан бундай менсима муносабатда бўлсам-да, қизга бундай қилолмасдим. Менинг барча фикрларим унинг олдида ўз мантиғини йўқотар эди.

Мен қизга нисбатан эътиқодга яқин бўлган муҳаббатни хис қилардим. Қизга нисбатан фақат динда қўлланадиган сўзларни ишлатганим балки сизга ғалати бўлиб туюлар, аммо мен ҳозир ҳам шунга қатъий ишонаман. Қизнинг юзига қараганимда гўё ўзим ҳам чиройли бўлиб бораётгандек эдим. Шу қиз ҳақида ўйлаганимда кайфиятим ҳам кўтариларди. Агар муҳаббат деб аталувчи ўша эришиб бўлмайдиган нарсанинг икки учи бўлса, унинг юқоридаги учиде муқаддас туйғу, пасткисида эса – жинсий майл жойлашган бўлади. Менинг муҳаббатим сўзсиз юқоридаги учиде эди. Албатта, мен ҳар қандай инсон каби вужуддан ажрала олмасдим. Аммо бу қизга қараб турувчи кўзларим, бу қиз ҳақида ўйлаётган қалбим, вужуднинг

майлларида юқори турарди.

Онасига нисбатан қарама-қарши ҳиссиётларим билан бир қаторда, қизига бўлган муҳаббатим тобора ортиб бормоқда эди, учаламиз орамиздаги муносабат дастлаб келган вақтдагига нисбатан анча чигаллашди. Бу ўзгариш ташдан қараганда билинмасди. Шу вақт ичида онасининг муносабатини мен нотўғри тушуниб юрмаганмиканман, деган шубҳа туғилди. Онасининг менга муносабати барибир самимий, деган тўхтамга келдим. Бошқача айтганда, мени қизи билан яқинлаштиришга ҳаракат қилишни исташ билан бир вақтда, мени огоҳлантирар ҳам эди, аммо шундай пайтларда у нафақат ўз ниятини унутар, балки бизни яқинлаштиришдаги ҳаракатларини давом эттирарди. Мен унинг ҳаракатларини бизнинг хуфёна учрашувларимизда чегарадан чиқмаслигимизни истаиди, деб тушунтирардим. Менинг фикримча, унинг хавфсирашлари бекор, қизи борасида ёмон ўйларга бормаган эдим. Шундан сўнг онасига нисбатан мендаги нохуш ҳиссиётлар йўқолди.

#### XIV

Бекачнинг хатти-ҳаракатларини ҳар томонлама солиштириб, бу уйда ишончга сазовор эканлигимга амин бўлдим. Аввал-бошданок шундай бўлганимнинг исботини кўрдим. Бу кашфиётим одамларга қандайдир ишончсизлик билан қарайдиган қалбимда ғалати бир ҳис уйғотди. Мен эркакка нисбатан аёл ҳиссиётларга бойроқ бўлади деб ўйлардим. Айнан шунинг оқибатида аёл эркак томонидан алданиши мумкин. Онаси ҳақида шундай фикрда бўлсам-да, қизига самимий эдим. Ҳозир бу менга кулгили бўлиб туюлади. Чунки мен одамларга ишонмасликка онт ичган эдим, ўзим эса шу қизга мутлақо ишонардим, чунки онаси менга ишонганини ғайриоддий ҳол деб ҳисоблар эдим.

Мен уларга ўз юртим ҳақида унча кўп сўзлаб бермаганман. Хусусан яқинда бўлиб ўтган воқеа ҳақида ҳеч нарса демадим. Ҳатто хаёлимга бу тўғрида тасодифий бир фикр келса ҳам нохуш бир ҳис пайдо бўларди. Мен имкон қадар бекачнинг ҳикояларини тинглашга ҳаракат қилардим. У эса пайтдан фойдаланиб, менинг юртимда аҳвол қандайлигини билишга интиларди. Охир-оқибат мен уларга барчасини сўзлаб бердим. Мен энди уйимга бормаслигимни, борсам ҳам у ерда ота-онамнинг қабридан бошқа ҳеч нарсам йўқлигини айтганимда, онаси ҳаяжонланиб кетди, қизи эса хатто кўзига ёш олди. Уларга айтиб бериб яхши қилдим, деган фикрга бордим. Мен хурсанд эдим.

Мен ҳақимда ҳамма нарсани билиб олгач, унинг тахминлари тўғри чиққанига ишонган бўлса-да, буни очиқ айтмади. Шундан кейин у мен билан ёш қариндошидек муомала қила бошлади. Бундан жаҳлим чиқмади. Бу хатто менга ёқарди. Лекин шу вақт ичида менда яна шубҳа пайдо бўлди. Бу арзимасдек туюлса ҳам, далиллар тўплангани сари ваҳима ҳам орта бошлади. Онаси, амакимнинг мақсади каби, ўз қизи билан мени яқинлаштирмоқчи эмасмикан, деган фикр урилди миямга. Шу вақтга қадар меҳрибон ва хушмуомала бўлиб келган кишилар энди айёр ва найрангбоз бўлиб туюла бошлади. Мен аламимдан лабларимни тишлар эдим.

Аввал-бошданок бекач қизи иккаласига зерикарли бўлгани учун уйига ижарачи қўяётганини айтганди, мен ҳам шундай экан деб ўйлагандим. Биз яқинроқ танишиб, аёл ўзи ҳақида кўп нарсаларни сўзлаб берганидан кейин ҳам ҳеч нарса ўзгармаган эди. Бироқ унинг маблағлари унча кўп эмасди, фойда кўриш нуктаи назаридан мен билан яқинлашиш улар учун фойдадан холи эмасди.

Мен яна сергак тортдим. Аммо қизини яхши кўриб туриб, онасидан ҳадиксирашим нимаси? Ўз устимдан ўзим кулганим эмасми? “Аҳмоқ”

деб ўзимни койир эдим. Аммо бу ягона зиддият менга унча азоб бермасди. Қизи ҳам онасига ўхшаш найрангбоз эмасмикан, деган шубҳа пайдо бўлди менда. Иккаласи орқаваротдан тил бириктириб, зимдан иш битиришмаяптмикан? Шунда кайфиятим жуда тушиб кетарди. Шунга қарамай, қизга қаттиқ ишонардим. Натижада икки ўт орасига тушиб қолиб, бир нарса қилишдан ожиз эдим. Униси ҳам, буниси ҳам мен учун тахмин ва айни пайтда тўлиқ ҳақиқат эди.

## XV

Мен аввалгидек университетга маърузаларга қатнар эдим, лекин кафедрадаги одамларнинг маърузалари қандайдир олисдан эшитиларди. Машғулотларда ҳам шундай эди. Яққол кўриниб турган босма ҳарфлар юрагимга етиб келмасдан, тутун каби тарқалиб кетарди. Боз устига, камгап бўлиб қолдим. Уртоқларимдан икки-учтаси буни, мени ёмон фикрлар оғушига чўмиб юради деб тушуниб, бу ҳақда бошқаларга ҳам айтибдилар. Мен буни рад этишга ҳаракат ҳам қилмадим. Одамлар шундай ўйлаётганларидан мен қайтага хурсанд эдим. Лекин баъзан бу менга ёқмасди ва ёмон кайфиятим бирдан яхшилангани уларни ҳайратга соларди.

Уйимизда бегоналар камдан-кам бўларди. Бекачнинг қариндошлари йўқ эди. Қизининг олдига баъзан мактабдош дугоналари келиб турарди, аммо улар шунчалик секин гаплашар эдиларки, у ерда бирор кимса бор-йўқлиги билинмасди. Мендан уялишганидан шундай қилишларини сезмасдим. Менинг олдимга келадиган ошна-оғайниларим ҳам шовқин-сурон қилишмас, лекин улардан бирортаси ҳам уй эгаларидан тортинмасди. Бундай ҳолларда мен ижарачи сифатида кўпроқ уйнинг эгасига, қизи эса хизматкорга ўхшар эди. Буни мен шунчаки эсладим ва бунинг суҳбатимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бир нарсани эслатиб ўтишим керак: бир марта ё ўрта хонада, ё қизнинг хонасида эркак товуши эшитилди. Эркак менинг меҳмонларимдан фарқли ўлароқ секин гапирарди, шунинг учун гап нима ҳақида кетаётганини тушуна олмадим. Бу нарса менга тушунарсиз бўла бошлаган сари, асабимни кўзгатарди. Мен бир жойда ўтира олмадим. Ким у – қариндошими ёки шунчаки танишими? Ёшми, қарими? Ўтирган жойимда, албатта, буни била олмадим, туриб тўсиқни суришим ва мўралашим ҳам ноқулай эди. Асабларим таранглашди. Меҳмон кетганидан сўнг унинг кимлигини сўрадим. Она ва қизнинг жавоби қисқа бўлди. Мен қониқмадим, лекин қониқиш учун яна суриштиришга журъат қилмадим. Бунга менинг ҳақим йўқ эди. Менинг юзимда тарбиямнинг натижаси бўлмиш обрўни сақлаб турувчи босиқлик ҳисси ва шу босиқлик ҳиссига қарши курашувчи қизикқонлик ҳисси барқ уриб турарди. Уларнинг иккиси ҳам қулиб юборди. Улар устимдан мазах қилиб эмас, балки дўстона қулишдими, ёки фақат менга хайрихоҳликларини намойиш этиб қулишдими, тушуна олмадим. Ҳаммаси тугагач, мен барибир ичимда: “Сени аҳмоқ қилишди”, дедим.

Мен бутунлай эркин эдим. Шундай ҳолатда эдимки, ўқишни тугатиш ёки ўртасида ташлаб кетиш, қаерда яшаш, кимга уйланиш кераклиги тўғрисида ҳеч кимдан рухсат сўрашим шарт эмасди. Бир неча бор бекач билан қизига уйланиш тўғрисида гап очмоқчи бўлдим. Лекин ҳар сафар иккиланиб, журъат этмадим.

Менга рад жавобини беришларидан қўрққанимдан эмас. Гарчи менга рад жавобини беришса, тақдирим қандай бўлишини билмасам-да, ҳар ҳолда шундай қилишга журъатим етарди, у ҳолда бошқача ҳолатга ўтиш ва янгича шароитда яшаш имкони туғиларди. Мени гўё алдаб қўлга туширишгандек эди, менга шуниси ёқмасди. Мен учун бировларнинг қўлига тушиб қолишдан ёмони йўқ эди. Амаким мени алдагач, келгусида нима бўлган тақдирда ҳам ёлғонга учмайман, деб қарор қилдим.

## XVI

Фақат китоб сотиб олаётганимни кўриб, бекач менга костюм тиктиришни маслаҳат берди. Ҳақиқатан ҳам қишлоқда қоғоз матодан тикилган кийимдан бошқа ҳеч вақом йўқ эди. Уша даврларда талабалар ҳали бўз матодан кийимлар кийишмасди. Уртоқларим орасида иокогамалик савдогалардан бўлган бир ошнам бор эди ва унинг оиласи анча бой яшарди. Бир кунни уйдан унга шойи кўйлак юборишди. Бу кўйлакни кўриб ҳамма унинг устидан кулди. У уялганидан нима қиларини билмай, кўйлакни саватга улоқтирди ва бошқа киймади. Аммо уникага одамлар тўпланиб кўйлакни мажбурлаб кийдиришарди. Бахтга қарши, кўйлақда бит пайдо бўлди, бундан хурсанд бўлиб кетган ошнам, кўйлакни ўраб, анҳорга ташлаб юборди. Мен у билан сайр қилиб юрган эдим, кўприқда туриб ошнамнинг қилиғидан мириқиб кулдим, – бундай қилиш керакмаслигини айтиш хаёлимга ҳам келмаганди. Бу вақтга келиб анча улғайиб қолган бўлсам-да, ўзимга кўчалик кўйлак тиктиришни билмасдим. Мен бир нарсадан ажабланардим – ўқишни тугатиб, сокол-мўйлов ўстирмагунимча, кийим-кечак ҳақида ўйлаш керакмас дердим. Шунинг учун бекачга менга кўйлак эмас, китоблар керак, деб жавоб бердим. У қанча китоб сотиб олаётганимни кузатар ва шуларнинг ҳаммасини ўқийсанми, деб сўрарди. Сотиб оладиган китобларим орасида луғатлар ҳам бўларди, мен уларга бирровгина қарар эдим ва кўпинча саҳифалари очилмасдан турарди. Шунинг учун унга нима деб жавоб беришни билмасдим. Миямга, керакмас китобларни сотиб олганимдан кейин, керакмас кўйлак ҳам сотиб олишим мумкин, деган фикр келди. Бундан ташқари ўзимга харид қилиш баҳонасида қизига ҳам белбоғлик ёки кўйлақлик мато сотиб олишим мумкин, деган фикрда эдим. Шунинг учун ҳаммасини бекачга қўйиб бердим.

Бекач бир ўзи бормай, қизи ва мен билан бирга боришини айтди. Биз ҳозирги талабаларга нисбатан бошқачароқ тарбияланганмиз, кўчада ёш қизлар билан бирга юришга одатланмаганмиз. У пайларда удумларга риоя қилганимдан бир оз иккиланиб турдим-да, охири боришга жазм этдим.

Қиз яسانيб олди. Қизнинг ўзи оппоқ бўлишига қарамай, юзига упа суртиб олди ва янада кўпроқ кўзга ташланадиган бўлди. Йўлимизда учраганлар аввал қизга қарашар, кейин нигоҳларини мен томонга буришарди. Биз учаламиз Нихонбашида бўлдик ва керакли нарсаларни сотиб олдик. Харид вақтида ҳали уни танлаб, ҳали буни танлаб, вақтни чўзиб юбордик. Бекач мени атайин ёнига чақириб маслаҳатлашарди. Баъзан матони қизининг кўкрагига тутиб менга бир неча қадам наридан қарашимни буюрарди. Ҳар сафар мен ўз фикримни айтишим, “Бу тўғри келмайди!” ёки “Бу яхши”, – дейишим керак эди. Қайтаётганимизда кечки овқат маҳали бўлиб қолганди. Бекач миннатдорчилик сифатида мени кечки овқат билан меҳмон қилмоқчи эканини айтиб, бизни Каҳарадон театри ёнидаги тор кўчага олиб борди. Кўчанинг ўзи тор, овқатланадиган уйча ҳам тиқилинч эди. Мен бу жойларни мутлақо билмас эдим ва бекачнинг бу жойларни билиши мени таажжубга солди. Биз уйга тунда қайтдик. Эртасига якшанба бўлгани учун мен тонг отгунча хонамда ўтириб чиқдим. Душанба кунни университетга келишим билан ўртоқларимдан бири устимдан кула бошлади. У мен қачон уйланиб улгурганимни гўё шунчаки сўрагандек бўлди. Кейин хотинимни гўзал экан деб мақтади. Чамаси, Нихонбаши бўйлаб юрганимизда бирор ерда бизга кўзи тушган, шекилли.

## XVII

Уйга қайтгач, бу гапларни бекач ва қизига сўзлаб бердим. Бекач кулиб юборди. Менга қараб туриб:

– Сизга бу ёқмагандир? – деб сўради.

Шунда мен ўзимча ўйладим: нахотки хотинлар ҳар доим эркаларни шундай тергасалар? Бекачнинг юзидан мени шунга ишонтиришга уриниши кўриниб турарди. Фикримни унга айтсаммикан, деган ҳаёл ўтди кўнглимдан. Аммо шубҳаларим ҳали юрагимни тошдай босиб ётарди. Энди айтаман деб турганимда бирдан фикримдан қайтиб, гапни бошқа ёққа бурдим.

Мен буларни ҳаёлимдан чиқариб ташладим-да, қизининг турмуш қуриши борасидаги онанинг фикрини билмоқчи бўлдим. У бир-икки марта айнан шу тўғрида гап очганди. Аммо мен ҳали ёшман, ўқийман ва уйланишга ошиқмаяпман деб жавоб бергандим. Бекач очик айтмасе-да, қизининг ҳуснини дилдан кадрлар эди. Бир гал ҳатто истаса қизини эрга бериши қийин эмаслиги оғзидан чиқиб кетди. Лекин бошқа фарзандлари бўлмагани сабаб қизини эрга бериши осон эмасди. У чамаси қизини бошқа уйга эрга беришини ҳам ёки ичқуёв қилишини ҳам билмасди. Бекач билан суҳбатлашиб, ундан кўп нарсани билиб олганимни ҳис этдим, лекин натижаси шу бўлдики, мен қулай фурсатни бой бердим. Мен пировард-натижада ўзим ҳақимда бир оғиз ҳам сўз айтолмадим ва суҳбатни бир амаллаб бўлиб, ўз хонамга қайтмоқчи бўлдим. Шу пайтгача ёнимда ўтирган қиз бирдан хонанинг бошқа бурчагига сурилди ва бизга орқа қилиб олди. Хонамга кириб кетиш учун ўрнимдан турганимда унинг ўгирилиб олган жуссасини кўрдим. Бунақада киши фикрини билиб бўлмайди, шу боис ҳозир у нима ҳақда ўйлаётганини билмасдим. Хоним деворга қилинган шкаф ёнида ўтирарди. Очилиб турган эшигидан ниманидир олиб, тиззасига ёйиб томоша қиларди. Кўзим жавон четида биз сотиб олган матонинг бир четига тушди. Менинг кийимларим ва қизининг кўйлаклари шу жовонда турарди. Мен ўрнимдан турганимда бекач бутунлай бошқача оҳангда менинг фикрим қандайлигини сўраб қолди. Унинг сўз оҳанги шу қадар қутилмаган эдики, мен қайта сўрашга мажбур бўлдим:

– Фикрим қандай? Нима ҳақида?

Қизини тезроқ эрга бериш керакми ёки йўқми, деган саволга мен шошилмаган маъқул, деб жавоб бердим. Шунда ўзи ҳам шундай фикрда эканини айтди.

Шундай бўлиб қолдики, она ва қизи билан бўлган муносабатимга яна бир эрка аралашиши керак эди. Бу киши оила аъзоси бўлгани туфайли, менинг тақдирим кескин ўзгарди. Агар бу одам ҳаёт йўлида кўндаланг бўлиб турмаганида эди, эҳтимол сизга шу узун хатни ёзишимга эҳтиёж бўлмасмиди. Тан олишим керакки, бу уйга уни мен ўзим олиб кирдим. Албатта, олдин бекачдан руҳсат олишим, барчасини ундан яширмай сўзлаб беришим ва ундан бундан илтимос қилишим керак эди. Шунда у менга бундай қилмаслигимни айтар эди. Бу кишини уйимга олиб келишимга барча асослар бор эди ва менга “қолдиринг” деган бекачнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Шунинг учун мен унинг истагига қарши қилган бу ишимни тўғри деб ҳисобларди.

## XVIII

Мен бу ерда мазкур ошнамни К. деб атайман. Биз К. билан болалигимиздан дўст эдик. Мен “болалиқдан” деган бўлсам ўз-ўзидан аёнки, биз ҳамюртлармиз. К. Синсю сектаси руҳонийсининг иккинчи ўғли эди. Шунинг учун уни бир докторга тутинган ўғил қилиб беришди.

Менинг юртимда Синсю сектаси катта обрўга эга бўлган, шунинг учун бу секта руҳонийларининг моддий аҳволи бошқаларга нисбатан бирмунча яхшироқ эди. Мисол тариқасида шуни келтиришим мумкин, агар бундай руҳонийнинг балоғат ёшига етган кизи бўлса, диний жамоа аъзолари мажлис қилиб, уни бирор муносиб оилага узатар эдилар. Албатта, барча харажатлар руҳоний ҳисобидан бўлар эди. Шу боис Синсю

бухоналарида хизмат қилиш яхши эди. К. туғилган оила ҳам ўзига тўқ яшарди. Бироқ иккинчи ўғилларини Токиога ўқишга юборишга курблари етмаганиданми ёки бировга ўғил қилиб беришса таълим олиш осонроқ бўлганиданми, ҳар ҳолда К. ни бир докторнинг оиласи асраб олди. Бу биз ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларимизда содир бўлган эди. Синфда ўқитувчи барчанинг исми шарифини ўқиб йўқлама қилаётганда К. нинг исми шарифи бирдан бошқача бўлиб қолганини эшитиб, ўшанда жуда ҳайрон бўлгандим.

К. нинг янги оиласи ҳам ўзига тўқ оила эди. Бу оиладан маблағ олиб, у Токиога кетди ва мен жойлашган меҳмонхонага кўнди. Биз бир вақтда кетмаган бўлсак ҳам, у Токиога келгач, мен яшаётган меҳмонхонада тўхтади. Уша вақтларда кўпинча хонада иш столларимизни ёнма-ён қўйиб, икки-уч кишидан яшар эдик. Биз ҳам К. билан бир хонага жойлашдик. Биз тоғдан тутиб келиб қафасга солиб қўйилган ва ҳаммага ўқрайиб қараб турадиган жониворларга ўхшардик. Биз иккимиз ҳам Токиодан ҳам, токиоликлардан ҳам кўрқардик. Чокқина хонамиздан бутун оламга ўқрайиб қарардик.

Аммо иккимизнинг ниятимиз жиддий эди. Иккимиз ҳам буюк одамлар бўлиб етишишга ҳаракат қилардик. Айниқса К. жуда матонатли эди. У Будда ибодатхонасида туғилган бўлиб, доим “ўзини тийиш” деган сўзни такрорларди. Назаримда, бу сўзга у жон-жаҳди билан амал қиларди. Хаёлан мен унинг олдида бош эгардим.

Ўрта мактаб даврлариданок К. турли диний ва фалсафий саволлари билан мени гаранг қилиб қўярди. Бу отасининг ёки унинг уйи, яъни ибодатхонадаги муҳитнинг таъсири остида содир бўлар эдимиз, буни билмайман. Лекин у руҳонийларга уларнинг ўзидан кўпроқ ўхшар эди. Уни боқиб олган оила доктор бўлиб етишиш учун уни Токиога ўқишга юборди. Аммо у қайсарлиги туфайли доктор бўлмаслик ниятида уйдан чиқиб кетди. Мен ундан бу тутинган ота-онангни алдаш эмасми, деб сўрадим. У менга: “Ҳа, шундай, аммо бу “ўз йўлинг” учун зарур бўлса, ҳеч фарқи йўқ”, – деб жавоб берганди.

У ўша вақтда айтган “ўз йўлинг” сўзини ўзи ҳам тушунмаган бўлса керак. Мен ҳам, албатта, буни тушунмас эдим. Лекин бизнинг ёшимизда бу сўз баландпарвоз бир нарсасидек янграб эди. Биз уни тушунмасак ҳам, аммо кўтаринки руҳда эдик ва шу “йўл” бўйлаб кетишга тайёр эдик, бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ эди.

Мен К.нинг фикрига қўшилдим. Унинг учун менинг ҳамфикрлигимнинг аҳамияти бормиди-йўқмиди, билмадим. Ўйлайманки, мен қанчалик фикрига қарши чиқмай, у барибир ўз билганича иш тутарди. Лекин бола бўлсам ҳам шуни тушунардимки, уни қанчалик қўллаб-қувватласам, зиммамда шунчалик масъулият бўларди. Уша вақтда буни англамаган бўлсам ҳам майли, аммо энди катта ёшли кишининг нигоҳи билан ортга назар ташлар эканман, менинг зиммамда ҳам алоҳида масъулият ётганлигини тўлиқ тан оламан.

## XIX

К. мен билан бир факультетга ўқишга кирди. Тутинган оиласи юборган пулни хўмрайиб қабул қиларди ва ўзига ёққан йўлдан борарди. У ердагилар ҳеч нарсани билмасликларидан хотиржам эдимиз, ёки унга у ердагиларнинг билиб қолишлари барибир эдимиз – чамаси К. нинг қалбида у ҳиссиёт ҳам, бу ҳиссиёт ҳам бор эди. У бу масала борасида менга нисбатан бефарқроқ эди.

Биринчи ёзги таътилда К. уйига бормади. У Комагомэдаги будда ибодатхонасида бир хонани ижарага олаётгани ва у ерда дарс қилишини айтди. Сентябрь ўрталарида мен Токиога қайтдим, у эса ҳамон Каннон ибодатхонаси ёнидаги ўз ибодатхонасига қамалиб ўтирарди. Унинг хонаси бош меҳроб ёнида бўлиб, К. нинг кўриниши ўзи истаганича ишлай



олганлигидан мамнун эди. Менинг назаримда унинг хаёти тобора кўпрок рухонийлар хаётига ўхшаб кетмоқда эди. Билагада тасбеҳ осилиб турарди. Ундан буни нима қиласан, деб сўраганимда у бармоқлари билан ишора қилиб: бир, икки... деб санай бошлади. Чамаси, у кун давомида тасбеҳидаги халқачаларни бир неча марта санар эди. Бунинг маъноси менга тушунарсиз эди. Бу халқачаларни ҳар қанча санаса ҳам бўлади, бунинг охири йўқ. К. қайси жойда қандай фикрлар остида тасбеҳни санашдан тўхтар эди? Бу унчалик муҳим бўлмаса ҳам, мен бу тўғрида кўп ўйлардим.

Бундан ташқари К. нинг хонасида Библияга кўзим тушди. Бу ҳол мени бир оз таажжубга солди, чунки илгари ундан кўпинча турли буддавийча оятларни эшитиб турардим, аммо насронийлик тўғрисида ҳеч қачон сўзлашмаганмиз. Мен ундан Библияни унинг хонасида қандай пайдо бўлганини сўрамасдан тутолмасдим.

– Ҳеч қандай сабаби йўқ, – деб жавоб берди у, – одамларга шунча янгилик келтирадиган китоб билан танишиб чиқиш оддий ҳол-ку.

Бундан ташқари, имкони бўлса Куръон билан ҳам танишиб чиқмоқчи эканлигини айтди. Чамаси, Муҳаммад ва ҳадислари унинг учун алоҳида мазмунга эга эди.

Кейинги ёзда уйидагиларининг талабига кўра у юртига кетди. У ерга келгач, ўзининг мутахассислиги тўғрисида уларга ҳеч нарса демади. Олий мактабни тугатган сизга бу тушунарлидир: жамиятда талабалар хаёти, университетдаги тартиблар тўғрисида жуда кам билишади. Сиз билан бизга тушунарли бўлган нарса университет девори ортидагилар учун мутлақо тушунарсиз бўлиши мумкин. Биз эса, университет хавосидан нафас олувчилар, ҳамма университет хаётидаги аҳамиятлиқ аҳамиятсиз нарсани битта қолмай билиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бу борада К. жамиятимизни мендан кўра яхшироқ билар эди. Қовоғини солганча К. яна Токиога қайтди. Мен у билан бирга кетаётгандим, поездга ўтириб улгурмасимиздан мен ундан сўрадим:

– Хўш нима гаплар?

– Ҳеч гап йўқ, – жавоб берди К.

Учинчи ёз мен ота-онам қабри билан бир умрга видолашмоқчи бўлган ёз эди. Ушанда К. ни мен билан бирга кетишга кўндиришга ҳаракат қилдим, аммо у рози бўлмади.

– У ерда ҳар йили нима қиламан? – деди у. У, чамаси, яна ўз ишлари билан машғул бўлгиси келди.

Ноилож, Токиога бир ўзим кетдим. Юртимда кечган икки ойлик хаётим давомида тақдиримда қатта ўзгаришлар содир бўлди; мен бу ҳақда ёзган эдим, яна такрорлаб ўтирмайман. Ҳаяжон, қалбимда мунг билан мен сентябрда яна К. билан учрашдим. Унинг тақдирида ҳам шу каби ўзгаришлар содир бўлибди. У охир-оқибат отасига уни алдаганига иқроп бўлиб хат ёзганидан беҳабар эдим. “Бўлар иш бўлибди, энди истаган йўлингдан боришдан ўзга чора йўқ”, дейишларига умид боғлаганмиди. Ҳар ҳолда университетга киргунига қадар ўзининг тутинган ота-онасини алдаш ниёти бўлмаган. Алдашга қарор қилиб, у, чамаси, бу ҳол унча узоқ давом этмаслигига ишонган.

## XX

Хатни ўқиб, К. нинг тутинган отаси қаттиқ ғазабланди. У дарҳол ўғлига ота-онасини алдайдиган бундай виждонсиз ўғилга ўқиш учун пул юбора олмаслигини ёзиб юборган. К. бу хатни менга кўрсатди. Яна ўзининг уйдан келган хатни ҳам кўрсатди. Унда ҳам олдингисидан бағтарроқ айбловчи сўзлар битилган эди. Чамаси, тутинган оила олдида ўзини айбдор деб ҳис қилгани учун ўз оиласи ҳам уни пулсиз қолдиришини билдирган.

К энди ўз оиласига қайтиш ёки тутинган оилада қолиш масаласини ҳал қилиши керак, ҳозир эса бирор чора топиш керак эди, чунки ўқиш катта харажатлар талаб этарди.

Мен К. дан бу борада бирор режанг борми, деб сўрадим, у менга кечки курсларда дарс бериш нияти борлигини айтди.

У даврларда яшаш осонроқ эди ва ҳозиргига нисбатан кўшимча ишлар сиз ўйлагандан кўпроқ бўларди. Шу боис К. ҳар қачон жойини топа олишини билардим. Лекин, ўша вақтда оиласининг раъйига қарши чиқиб, ўз билганича иш тутишга қарор қилган К. ни қўллаб-қувватлаганим учун мен ҳам жавобгар эдим. Мен энди қўл қовуштириб ўтира олмадим. Унга дарҳол моддий ёрдам таклиф қилдим. К. уни рад этди. Унинг феъли шундай эдики, оғайнисининг ёрдамини қабул қилишдан кўра ўз меҳнати билан яшаш осонроқ эди. У менга университетда ўқиётган ҳар бир эркак ўз кунини ўзи кўриши керак, дерди. Мен зиммамдаги масъулиятимни адо этаман деб унинг нафсониятига тегиб қўйганимдан хижолатда эдим. Шу боис уни ўз ҳолига қўйиб, бошқа аралашмадим.

Кўп ўтмай К. ўзига иш топди. Вақтининг кадрига етадиган К. га бу иш қанчалик ёқмаслигини айтмаса ҳам бўлади.

Мен унинг саломатлигидан ташвишлана бошладим. У эса қайсар бўлгани учун фақат кулиб қўяр ва менинг огоҳлантиришларимга эътибор бермасди.

Шу орада унинг тутинган оиласи билан бўлган муносабатлари буткул бузилди, ўта банд бўлгани сабабли у менга илгаригидек ҳаммасини батафсил айтиб беролмади, пировард-натижада нима содир бўлганлигини билолмадим; фақат шунисини билдимки, масалани ҳал этиш тобора қийинлашиб борди. Уларни яраштириш учун кимдир воситачи бўлганидан ҳам хабарим бор. Бу одам К. га ёзган хатида юртига келишини ёзган, аммо К. бунинг барчаси бефойда деб жавоб қайтариб, келмаган. Бу қайсарлик эди: ўқиши тугамагунича қайтмаслигини таъкидлаган; оиласининг нуқтаи назаридан бу ғирт қайсарлик эди. Тутинган оиласини ўзига қарши қўйиб, у ўз оиласининг ҳам қаҳрига дучор бўлди. Мен унинг учун ташвишландим ва иккала тарафни мурасага келтиришга уриндим, уларга хат ёздим, лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. Хатларим жавобсиз қолди. Менинг қаттиқ жаҳлим чиқди. Шу вақтгача К. га хайрихоҳлик билдириб келдим, энди эса тўғрими-ноғўғрими бутунлай унинг тарафига ўтдим. Охир-оқибат К. ўз оиласига қайтишга қарор қилди. Бу ҳолда тутинган оиласининг унинг ўқишига қилган сарф-харажатларини К. нинг оиласи қоплаши керак эди. Бунинг ўрнига унинг оиласидагилар, билганини қилсин, бизга барибир, дейишди. Очиғини айтганда, бу уйдан қувилиш демак эди. У ўз аҳволини шундай тушунди.

К. нинг тукқан онаси аллақачон ўлиб кетган эди. Эҳтимол, феъл-атворининг айрим хусусиятлари айнан ўгай она тарбиясининг оқибатидир, – деб ўйлардим мен, – ўзининг оиласи билан муносабатлари бутунлай узилиб кетмади. Отаси руҳоний эди – бу тўғри. Аммо ўз бурчи борасидаги матонати кўпроқ самурайларга ўхшарди.

## XXI

К. билан содир бўлган воқеалардан кейин мен поччасидан узун хат олдим. К. бу одам тутинган оиласига қариндош бўлишини, уни ўғил қилиб олишаётганларида ва ундан кейин ўз оиласига келиб турган чоғларида унинг фикри ҳамиша муҳим бўлганини айтган эди.

Хатда ҳозир К. нинг аҳволи қандайлигини хабар қилишим сўралганди. Иккон қадар тезроқ жавоб беришим, опаси ташвишланаётгани ҳам қўшиб қўйилганди. К. бошқа оилага узатиб юборилган опасини руҳоний акасига қараганда кўпроқ яхши кўрарди. Улар ҳаммаси бир онанинг фарзандлари


бўлиб, К. билан опасининг ўртасидаги фарк унча катта эмасди. Шунинг учун болалигида уни ўгай она эмас, балки мана шу опаси тарбиялаган эди. Мен хатни К. га кўрсатдим. У ҳеч нарса демади, фақат ўзи ҳам опасидан икки-уч марта шу каби хатлар олганини айтди. Бундай ҳолларда мен ҳақимда ташвишланманглар, деб жавоб берарди. Бахтга қарши, опасининг ўзида етарлича маблағ йўқ эди ва шу боис укасига қанчалик ачинмасин, моддий ёрдам беролмасди. Мен К. нинг поччасига шу аснода хат ёзиб юбордим. Бирор кор-ҳол содир бўлса, ташвиш қилмасликларини, мен кўлимдан келган барча нарсани қилишимни ёздим. Буни қисман К. нинг опасини бироз тинчлантириш учун, қисман мени ҳам менсимайдиган тутинган ва туғишган оилаларининг нафсониятларига тегиш учун қилгандим.

К. ўзининг исми шарифини қайтариб олганида университетнинг биринчи босқичида ўқирди. Шундан сўнг у деярли бир ярим йилча фақат ўз кучига ишониб юрди. Бироқ ўта оғир меҳнат унинг саломатлиги ва руҳиятига ёмон таъсир кўрсатарди. Бунга исми шарифини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ҳолат ҳам сабабчи эди. У аста-секин таъсирчан бўла бошлади. Баъзан унга дунёдаги барча бахтсизлик ёлғиз унинг елкасига тушгандек туюларди. Унинг йўлини ёритиб турган ёғду ундан узоклашиб бораётгандек эди. Уқий бошлаганингда зиммангда бирор улкан нарса турганини, қандайдир янги йўлга қадам қўяётганингни ҳис этасан, киши. Шундан сўнг бир ёки икки йил ўтгач, ўқиш якунига етаётган бир пайтда, бу йўлдан жуда секин силжиётганини билиб руҳи тушиши – бу одатдаги ҳол. К. ҳам бошқалар каби худди шундай аҳволга тушди, аммо унинг интилиши бошқаларникидан анча кучли эди. Ниҳоят, унинг руҳий оламига фақат бир нарса оро кириши мумкин, деб ўйладим.

Ётиб олиб машқ қилишни ташла, дедим унга. Бир оз дам олиш унинг келажаги учун ҳам фойдали бўлишини уқтирдим. Қайсарлиги тутиб, гапимга кулоқ солмаслигига кўзим етиб турарди, аммо у билан гаплаша бошлаганимда кутганимдан ҳам кўпроқ ҳаракат қилишим кераклигини англадим. У менга илм унинг бош мақсади эмаслигини айтди. У иродасини чиниқтирмоқчи ва кучли инсон бўлмоқчи эканини зўр бериб таъкидларди. Шунинг учун имкон қадар риёзат чекишим керак, деган хулосага келди К. Бундок олиб қараганда, у ғалати одам эди. Бундан ташқари, асаблари ҳам анча бўшашганди. Унга самимий ҳамдардлигимни билдиришдан ўзга чорам йўқ эди. Охири мен ҳам шу йўлдан бормоқчи эканимни айтдим (буни мен бекорга айтмагандим. Гапларини тинглаган сари унинг қарашларини чуқурроқ ҳис қила бошладим: унинг сўзларида аллақандай сеҳр бор эди). Менда у билан яшаш ва битта йўлдан бирга қадам ташлаш истаги пайдо бўлди. Хуллас, уни ўз уйимга кўчириб олиб келдим.

*Япон тилидан Нодира АМИНОВА  
таржимаси*

*(Давоми бор)*



**МИРТЕМИР**  
(1910 – 1978)

*Пен ВАРЛЕН чизган расм.*

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**  
140

## УЛКАН МЕРОС

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир (1910.30.5 – 1978. 25.1) таржимасида олмон, рус, озарбойжон, грузин, хитой, хинд шоирлари ижодидан намуналарни яна бир марта ўқиб, уқиш марокли машғулот, албатта. Биламизки, Миртемир лирик, лиро-эпик, эпик асарларни бирдек маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилиб, таржимон сифатида ҳам ниҳоятда кенг қўламли адабий мерос қолдирган. У А.С. Пушкин лирикасининг салмоқли қисмини, шеърини эртақларини, шунингдек, “Отишма”, “Ойимқиз-қишлоқи қиз” каби насрий асарларини, М.Ю. Лермонтовнинг бир қанча шеърларини, “Шоҳ Иван Васильевич, навқирон ясовул ва азамат савдогар Калашников ҳақида қисса” поэмасини, Н.А. Некрасовнинг “Русияда ким яхши яшайди?” поэмасини ўзбек китобхонларига армуғон этди. Бундан ташқари, Миртемирнинг таржимонлик маҳорати Бердақ шеърини (Бердақ. Танланган асарлар. 1951; 1956), “Қирққиз” қорақалпоқ халқ достони (Уйғун билан ҳамкорликда, 1956), “Манас” қирғиз халқ эпоси биринчи бўлим биринчи китоби (1964), Ершов “Букри тойчоқ” поэмаси (1964), Ш. Руставели “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони (М.Шайхзода билан ҳамкорликда, 1966) таржималарида ҳам ёрқин намоён бўлди. У. Насимий, Махтумқули, Г. Гейне, Э. Потье, Абай, Я. Купала, Т.Г. Шевченко, Н. Бараташвили, Ли Бо, Чон Чхоль, М. Горький, Р. Тагор, А. Твардовский, А. Сурков, В. Соснора, П. Неруда, С. Вурғун ва бошқалар ижодидан намуналарни ҳам меҳр-мухаббат билан ўғирди. “Кармен”, “Улуғбек” опералари, “Нагалка-полтавка”, “Баядера”, “Кето ва Кота” мусикали драмалари унинг таржимасида ўзбек саҳнасида жаранглади.

Элга эл қўшилса, давлат. Маълум адабиётга бошқа халқ бадиий хазинасидаги асар таржима бўлиб қўшилар экан, ҳар икки адабиёт ҳам, ҳар икки халқ ҳам баравар даражада бойийди. Чунки кўнги кўнгилдан сув ичади, икки ўртада мулоқот кучаяди, муносабатлар мустаҳкамланади, бир-бирларини тўғри ва теран англайдиган бўлади.

Зеро, ҳар бир йирик ижодкорнинг ҳар бир асари таржимаси моҳиятан ўзига хос эстетик, фалсафий, аксар вақт муҳим ижтимоий масалаларга ҳам боғланадики, уларни тўғри англамасдан ва ҳаққоний қабул қилмасдан туриб, асл нусхага мувофиқ таржимани яратиш бўлмайди.

“Денгизга” шеъри (1824) Пушкин ижодидаги муҳим асарлардан бири:

*Прошай, свободная стихия!  
В последний раз передо мной  
Ты катишь волны голубые  
И блещешь гордою красой.*

Миртемир таржимаси:

*Алвидо, зўр қудрат – асов галаён!  
Яшил тўлқинларинг сўнг дафъа суриб –  
Кўзларим олдида қайнайсан чунон,  
Мағрур гўзаллигинг билан барқ уриб.*

Таржимон рус шоири ўз мисраларига жо этган рухий шиддатни, шеър динамикасини яққол ифодалай билган.

Асл нусхада:

*Мир опустел... Теперь куда же  
Меня б ты вынес, океан?  
Судьба земли повсюду та же:  
Где капля блага, там на страже  
Уж просвещение иль тиран.*

Миртемир таржимаси:

*Дунё бўшаб қолди... энди сен мени  
Қаён олиб чиқар эдинг, океан?  
Инсонлар тақдири ҳар ерда бирдир,  
Қайда фароғат бор бўлса, посбон –  
Мағрифат ё золим у ерда, аён...*

Лирик қахрамон кўнгидаги коллизия таржимада ҳам табиий зухурини

топган.

Миртемир Пушкиннинг бутун ижодини, ҳаёт йўлини, дунёқарашининг шаклланиш ва ривожланиш тамойилларини чуқур билмаганида эди, бу даҳо лирик асарларини бундай маҳорат билан таржима қила олмас эди.

Барҳаёт шоиримизнинг ўз ижодига ва таржималарига замондошлари нигоҳи билан қараганимизда, Миртемир феноменини тобора теранрок англаётганимизни сезамиз.

Шоир ва адиб Мирмуҳсин эсдаликларига куйидаги фикрлар бор: “Устоз Миртемир мутлақо ўхшаши йўқ шоир эди... Ўзбек адабий тили жарангу жилвасини тараннум этди. Шу бекиёс ва тарихан ниҳоятда бой тилга Пушкин шеърятини энг аъло таржима қилган шоир ҳам у эди. У столга ўтириб таржима қилмас, балки у Пушкин ёнида туриб, у билан баробар куйларди, десам, хато бўлмас”. Шевченко, Некрасов, Гомер, “Манас”... Унинг қалби Сирдарё атрофидаги кўк ва олтин ёйиқлардек кенг, қарчиғайлар учиб худудига ета олмас”.

Ҳақиқатан, Миртемир шеърятини ва таржималари – яхлит, ягона бадиий ҳодиса. Шу тарзда ўрганганимизда, унинг ижоди замиридаги эстетик-фалсафий қарашларини уқиш ўнғайлашади.

Мирмуҳсин ишора қилганидек, Миртемир лирикани ҳам, эпосни ҳам чинакамига теран англагани ва кадрлагани учун, лириканию эпосни бирдек кучли салоҳият билан таржима қилди.

Албатта, “ой туғса ҳам шунга туғсин, кун туғса ҳам шунга туғсин” қабилида иш тутиб бўлмайди. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас. Миртемирнинг шоирлик фаолиятини ҳам, таржимон-шоирлик фаолиятини ҳам XX аср ўзбек адабиёти умумий жараёнидан ажратиб олиб ўрганиш асло мумкин эмас. Дейлик, унинг Пушкин, Лермонтов, Некрасовдан таржималарини Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, Уйғун, Усмон Носир, Зулфия ва улардан кейинги авлод вакиллари таржималари кесимида ўрганиш – бу, ягона адабий муҳитга мансуб шоирларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини белгилашга ёрдам беради. Ўзбек таржимашунослик фани айни йўналишда ҳам маълум изланишлар олиб бормоқда. Бошқа йирик шоир-таржимонларимиз қаторида, Миртемир ҳам ўзига хос таржима мактаби яратгани аллақачон эътироф этилган.

Н.А.Некрасовнинг “Русияда ким яхши яшайди?” поэмаси наинки Миртемир, балки бутун миллий таржимачилигимиз эришган юксак чўққилардан биридир. У худди ўзбек тилида ёзилгандек туюлади – шеър шундай равон, табиий куюлиб келади. Бу поэма таржимасига бағишланган алоҳида тадқиқотлар яратилиши айни муддаодир.

Ўзбек тилида “Манас” қирғиз халқ эпоси (биринчи бўлим, 1-китоб) нашр этилиши таржимачилигимиз эришган катта ютуқлардан бири бўлди. Миллий фольклоримизни, қардош халқлар, умуман, жаҳон халқлари фольклорини севган, уларни доимий равишда ўрганиб борган шоир Миртемир “Манас”ни таржима қилиш учун одати бўйича, астойдил, ҳар тарафлама тайёргарлик кўрди, “Манас” ва бу туркумга кирувчи бошқа дostonларни синчиқлаб ўқиб чиқди, манасшуносларнинг тадқиқотлари билан танишди, Манас номи билан боғлиқ жойларни зиёрат қилди. “Манас” ритмини ўзбек тилида табиий равишда янграташ йўлида изланди. Ўзбек халқ шоирлари айтган дostonларни ҳам хаёлидан бир-бир ўтказди. Охир-оқибат муродига етди. Адабий жамоатчилик ҳам, кенг ўқувчилар оммаси ҳам “Манас”ни ўз дostonидек қабул қилди, ётсираб турмади.

“Манас” кўшиқлари, қаранг, қандай равон, синини бузмай, эркин, жангдор янграйди... Мана бу парчада Хоникей Манас ва ҳамроҳларини олисдан кўрганида кўнглидан неларни кечиргани тараннум этилган:

“Ой тагида дарёнинг,  
 Тўлқинидан битгандай.  
 Ҳаводаги бўлутнинг,  
 Салқинидан битгандай.  
 Осмондаги офтобнинг,  
 Еругидан битгандай.  
 От бостирган ерларни,  
 Остин-устин титгандай...  
 Хоникей сулув тўлганиб,  
 Тўхтаб қолди ўйланиб:  
 ”... Оққула миниб қаққайган,  
 Бугдой юзлик келади.  
 Тумандан йўл топгувчи  
 Олов кўзлик келади.  
 Огасининг кетидан  
 Йўлга чиққан экан-да.

Мен шўрликнинг дардимда  
 Чўлга чиққан экан-да.  
 Куёвим бўлса кошкийди,  
 Кўнглимга хос шер экан.  
 Узилганин уласам,  
 Сочилганин тўпласам,  
 Чарпишганни қўймоччи  
 Чамаси етар эр экан!  
 Манаснинг Манас эканин  
 Илгаридан билардим.  
 Манаслиги чин бўлса,  
 Атай излаб келар деб,  
 Мени кўзлаб келар деб,  
 Яратганнинг ўзидан  
 Мен қургур тилаб юрардим”.

“Манас”да наинки қудратли алпларнинг, донишманд чолларнинг, балки гўзал ва оқила хотин-қизларнинг баркамол образлари ҳам эсдан чикмайдиган қилиб гавдалантирилган.

Юксак маҳорат билан таржима қилинган асар муайян маънода янги асар бўлади. Уни она тилида – асл нусхасида ўқиб уққан кишилар бу асарни бошқа тилда мутолаа этиб, мағзини чакқанларида, илгари ўзларига маълум бўлмаган кўп хосиятлардан хабар топиб, хайратга тушадилар. Бир тил иқлимидан иккинчи тил иқлимига ўтган асар, шубҳасиз, янгиланади, яшаради, бугуннинг кишилари эстетик идрок этиши учун ўнғайроқ шаклга келади. Бу эса бадиий асар яшаб қолишининг зарурий шартидир. Архаикадан халос бўлиб, жонли адабий тил сайқалига эришиб, қайтадан меҳр-муҳаббат, ардоқ топган бадиий асар марвариддек ярқирайди, оҳанрабодай ўзига тортади. “Манас” ана шундай таржимадир.

Шоирлик одоби шундайки, у руҳини ҳеч қачон куёш поясидан қуйига индирмас. У на шеърида, на суҳбатида тортган азобларини “достон” қилган. Ҳа, Миртемир ижод машаққатлари билан биргаликда ҳаёт синовларини, ноҳақликларни мардона энгиб ўтган буқилмас ирода эгаси эди. У 1932 йил 8 августда “Қизил қалам” адабий ташкилотининг аъзоси сифатида Боту, Олтой сингари “миллатчилар” билан алоқада бўлганлиги учун ГПУ томонидан ҳибсга олинган. 1935 йил 1 январь куни озод этилган. Лекин шоир тақдирига тушган синокли кунлар асоратидан осонликча халос бўлиб кета олмаган. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да ёзилганидек, “2-жаҳон урушидан кейинги йиллардаги адабий сиёсат натижасида Миртемирга ижод этиш ва ёзган асарларини эълон қилиш имкони берилмаган. Натижада у таржима ва таҳрир ишлари билан шуғулланишга мажбур бўлган. Қорақалпоқ шеъриятдан қилган таржималари ва “Қорақалпоқ дафтари” (1959) шеърий туркумининг катта муваффақият қозониши Миртемирнинг “эркин” ижод-корлар сафига қайтиши ва ижодий яшаришига сабабчи бўлди”.

У ҳаёт синовларини илҳом ва ижодий меҳнат билан энгди. Кўнгил эркинлигини ҳар қачон барқарор сақлай олди.

Ғафур Ғуломнинг ўртоқлик ҳазилида Миртемирнинг баркамол, бетакрор инсоний қиёфаси худди график расмдагидек, лекин аниқ ифодаланган:

*Пинагини бузмай, ларзакор ва жарангдор полапон қушдай оҳиста,  
 Ясси бўйлаб чўнг али сингари зайтунзор аро девкор ва ёвқур  
 Шеър ёбонларида ёвиан чечакларин терган ёзуқли қайсар,  
 Сулув шеъриятининг тугин кўтариб  
 Жиндай газалхон, танити шоир Миртемир келаетир!..*

## Генрих ГЕЙНЕ

(1797 – 1856, Германия)

\*\*\*

Ажаб гўзал баҳор ойи – соз,  
Жумла дарахт куртак очди боз,  
Ҳам уйғониб ёш кўнглимда ишқ,  
Биринчи гал бўлдим ишқибоз,

Ажаб гўзал баҳор ойи – соз,  
Ўрмонларда қушлар хушовоз,  
Иқрор бўлдим дилбарга мен ҳам,  
Унга дедим ўз ишқимдан роз.

\*\*\*

Оқ кўтиқдан тўқилган қадар –  
Чиройи оқ, ёрқин, жилвагар;  
Унашилган бегонага қиз,  
Четга келин бўлуру дилбар.

Кўнгил, кўнгил, тўлқинланма – тек,  
Жек кўргандан олмагил сен кек,  
Майли, тоқат қил, эси наст ёр –  
Қилмишларин кечир, қўлинг чек!

\*\*\*

Яйдоқ шимол, тоғ чўққисида  
Бир қарагай турар яккаҳол,  
Мудрар ҳам муз, ҳам қор устида –  
Чулганмишидир оқ кафан мисол.

У бечора кўрар тушида,  
Овлоқ ерда – кун ёқда жим, лол –  
Кунда куйган қоя тўшида  
Куюнар бир хурмо яккаҳол.

\*\*\*

Улар мени қийнади роса,  
Ўликдай нур ўчди рангимдан.  
Баъзилари севгандан бўлса,  
Баъзилари – душманлигидан.

Улар оғу қўшиди ошимга,  
Улар қотди сувга ҳам захар –  
Баъзиси дўст, келар қошимга,  
Баъзилари душмандан баттар.

Лекин ўша дилбарки – дилбар,  
Ситамидан ҳануз дил нолон;  
Менга раво кўрмади ҳеч шарр,  
Севмади ҳам мени ҳеч қачон.

## ПУШКИН

(1799-1837, Россия)

### ТУМОР

Яланг қояларга сира тўхтамай  
Денгиз ҳаммишалик чайқалиб урган,  
Илиққина порлаб кўкда тўлин ой  
Туннинг ширин пайти жилмайиб турган,  
Харамда мусулмон кайфани суриб,  
Яшаган диёрда – кўзлари хумор  
Жоду қиз эркалаб, нозланиб туриб,  
Кўлимга тутқазган эди бир тумор.



Эркаланиб туриб менга дедики:  
 “Менинг туморимни йўқотмай сақла.  
 Унда сирли куч бор, муҳаббатимки  
 Багишлади сенга, сен уни оқла!  
 Бўронда, довулда, мудҳиш тўфонда –  
 Касалдан, ўлимдан, тўфондан, эй ёр,  
 Бошингни сақламас ҳеч бир маконда  
 Сенга мен бахш этган сеҳрли тумор.

Шарқнинг сон-саноқиз давлатларини  
 Багишламас сенга бу тумор ҳеч ҳам  
 Ҳамда пайгамбарнинг умматларини  
 Бош эгдириб сенга қилмайди қарам;  
 Тагин сени гамгин бу узоқ юртдан  
 Дўстлар огушига, ватанга, дилдор, –  
 Шимол сари, она юртга жанубдан  
 Учириб етказмас мен берган тумор...

Ва лекин макрли, ҳийлакор нигоҳ  
 Мафтун этиб қўйса сани дафъатан,  
 Ё зулмат кечада дудоқлар ногоҳ  
 Севмасдан бўсалар олса лабиндан,  
 Азиз дўст, ўшандай бир жиноятдан  
 Юракка янгидан қўймай дард, губор;  
 Хиёнат, унутиш каби ҳолатдан  
 Сақлаб қолар сени мен берган тумор.

\*\*\*

Куйлама ёнимда, о, соҳибжамол,  
 Грузиянинг гамгин қўшигин, ҳайҳот,  
 Куйласанг ёдимга тушади дарҳол  
 Йироқ соҳил ва ўзга ҳаёт.

Ҳайҳот, ҳеч шафқат йўқ бу қўшигингда,  
 Хотиримга солар олис саҳрони  
 Ҳам ойдин кечада – ой ёруғида  
 Йироқдаги қизни – шўрлик сиймони...

Азиз, машъум хаёл чиқар ёдимдан,  
 Унутилар сени кўрганда, дилдор,  
 Сен куйлайсан, тагин мен кўз олдимда  
 Тасаввур этаман ўшани такрор.

Куйлама ёнимда, о, соҳибжамол,  
 Грузиянинг гамгин қўшигин, ҳайҳот,  
 Куйласанг ёдимга тушади дарҳол  
 Йироқ соҳил ва ўзга ҳаёт.

# Самад ВУРҒУН

(1906 – 1956, Озарбайжон)

## ОЗАРБАЙЖОН

Кўп ўтганман бу тоғлардан,  
Турна кўзли булоқлардан,  
Эшитганман узоқлардан  
Жимжит оққан Оразларни,  
Синаганман дўсту ёрни...

Эл биларки, сен манимсан,  
Юртим, элим, масканимсан,  
Онам – туғма Ватанимсан!  
Айриларми кўнгил жондан,  
Озарбайжон, Озарбайжон!

Мен ўглинганман, сен бир она,  
Ўглинганманки, мен парвона,  
Олис-яқин, ҳар томонга –  
Кўп учсам-да ошёнимсан,  
Элим, куним, маконимсан.

Йўлим сендан йироқ тушса,  
Ўртализга фироқ тушса,  
Ажабмас сочга оқ тушса,  
Бўғар ойлар, йиллар мени,  
Айб этмасин эллар мени.

Тоғларингнинг боши қордир,  
Қоплаган оқ булутлардир,  
Буюк бир ўтмишинг бордир,  
Минг-мингдадир сенинг ёшинг,  
Неларни кўрмади бошинг!

Тушинг сен ёвуз тилларга,  
Ёмон ой, ёмон йилларга,  
Насллардан-наслларга  
Ўтган бир шухратинг бордир,  
Ўгил-қизлар бахтиёрдир...

Қарайман кенг андизларга,  
Шахло кўзли қундузларга,  
Қора холли оқ юзларга –  
Кўнгил истар: ёзсин газал,  
Яшараман ёзсам ҳар гал...

Бир ёнингда Хазар ётар.  
Яшилбош сухсурлар юзар,  
Хаёлим айланар, кезар –  
Музон, Элдор... Озар юрти...  
Манзил узоқ – умр-чи, ярти!

Қатор тоғлар, кенг даралар,  
Кўнгил очар манзаралар,  
Жайрон сакрар, пода маърар,  
Қанча кўп ўтлогинг сенинг,  
Чаманинг, яйлогинг сенинг!

Ўтинг тоғу гулистондан,  
Астрадан, Ланкарондан,  
Африкадан, Ҳиндистондан  
Бизга меҳмон бўлар қушилар,  
Зулмдан озод, кўнгли хушилар...  
Бутогини ёзиб ҳар ён,  
Сап-саргайиб пишар лимон.  
Тоғларда оқ қор ҳар қачон,  
Тоғларимиз нўлат қўргони,  
Ўта олмас ёвуз душман.  
Ланкарондир бир гулистон,  
Қизларимиз кўркама, хандон.  
Чойни қуйиб узат, жонон –  
Ўзгага очмас дилини,  
Онамнинг дилбар келини!

Зар бошоқлар нону чўрак,  
Оқ пахтамыз чечак-чечак,  
Узумзорда шарбат чак-чак –  
Сахарларда е беармон,  
Белинга ҳам бўлур дармон.

Қазахда мин саман отга,  
Ёлларига ёта-ёта.  
От кўпикка бота-бота  
Кенг яйловлар белига чиқ!  
Кавказ тоғ, Кўк кўлига чиқ!

Эй озод кун, озод инсон,  
Тўйгунча ич бу баҳордан.  
Бизнинг гулдор шолчалардан  
Ёз, чинорнинг кўлкасига!  
Олқиш қуёш ўлкасига,  
Кўнглим ўтар Қорабогдан,  
Гоҳ у тоғдан, гоҳ бу тоғдан,  
Оқшом пайти кўп узоқдан –  
Кўкса учсин бахт овози,  
Қорабоғнинг жаранг сози.

Юрт! Минг йиллар қўшигисан,  
Гўзалларнинг бешигисан,  
Бахшиларнинг маъишугисан,  
Ўзинг қуёш қучогисан,  
Шеъру санъат ўчоғисан!

Ўлмас кўнги, ўлмас асар,  
Низомийлар, Фузулийлар,  
Кўлинг қалам, сийнанг дафтар  
Айтгил, дилда ниманг бордир,  
Айтилган сўз ёдигордир.

Қани, бизнинг Бокуга боқ!  
Соҳилларда нурли чироқ,  
Гудоклари ҳайқирароқ –  
Наъра солар бўз чўлларга,  
Нур сочар дарё, кўлларга.

Нозланади ел эсарак,  
Соҳилларда керинг кўкрак.  
Бизнинг Боку – бизнинг юрак,  
Ёруғлиқда қудрат сўзи,  
Саҳарларнинг ҳулкар кўзи.

Гўзал Ватан! У кунки сан  
Ол байроқли ёруғ тонгдан  
Илҳом олдинг... Тугилдим ман,  
Кулар тупроқ, кулар инсон,  
Кекса Шарққа дарвозасан.

## Николаз БАРАТАШВИЛИ

(1817 – 1845, Грузия)

### МЕРАНИ<sup>1</sup>

Чопар йўлсиз асов тулпор, учар гумбир-гум,  
Кўзи куюк қора қарга қаргаб қолар шум.  
Уч, Мерани, сенга чек йўқ, олга! Олиб қоч!  
Қора қайгум пўртанасин соч, шамолга соч!

<sup>1</sup> Мерани – Грузия афсонаси ва шеъриятида кўп учрайдиган чопқир от.

Елни ёргин, сувни қоргин,  
 Қоялардан ўт, инмагин,  
 Олга! Бесабр бир йўлчиман,  
 Йўл танобин торт, тинмагин!  
 Ёлқинда ҳам, ёнгинда ҳам,  
 Учагоним, бекинмагин,  
 Гар жонбозинг, чавандозинг  
 Толса – аяб, чекинмагин.

Тарк этайин ватанни мен,  
 Майли, қолса тенг-тўш, дўст-ёр,  
 Тугишганни кўрмам ортиқ,  
 Тул қолгуси ҳатто дилдор.  
 Тун етганда – тонгим отсин,  
 Шу жой бўлсин тугма диёр,  
 Дил сирларим юлдузларга,  
 Йўлдошларга айтгум ошкор.

Дил ноласи, қолдиқ севги, фидо денгизга,  
 Сендек эсар чопагонга, кўрки тенгсизга,  
 Қора қайгум пўртанасин соч, шамолга соч,  
 Уч Мерани, сенга чек йўқ, олга! Олиб қоч!

Кўмилмай ўз ватанимда, бобо қабри – соз тупроқда,  
 Майли, аза очмасин ёр, ёш тўкмасин зил фироқда;  
 Қора қарга қабрим қазур чет яйлоқда, бўш ўтлоқда,  
 Сўягимни кўмгай қуюн ўкириб зор тим йироқда.

Ўксиз ўлик йиғи қутмас, шудринг томса бас-да гоҳ-гоҳ,  
 Қавм-қариндош учун йўқлар гала қузгун-чинқироқ оҳ;  
 Уч, Мерани, олиб ўтгин, қолсин тақдир аталмиш чоҳ,  
 Бош эгмовди, бош эзмагай сенинг эганг, бўлгин огоҳ!

Тақдир зайли, майли, ўлсам якка ва ёлғиз,  
 Қайсар ёвман, тиг тортса ҳам тақдир, букмам тиз.  
 Уч, Мерани, сенга чек йўқ, олга! Олиб қоч!  
 Қора қайгум пўртанасин соч, шамолга соч!

Ўлимга дуч жон нияти ҳеч беҳуда кетмас ёлгон,  
 Сен топтаган машаққат йўл қолади-ку, ахир инон;  
 Мендан кейин касбдошимга йўл, шубҳасиз, бўлув осон.  
 Арғумоги шум тақдирдан олиб ўтар дадил, омон.

Чопар йўлсиз асов тулпор, учар гумбир-гум,  
 Кўзи куюк қора қарга қаргаб қолар шум.  
 Уч, Мерани, сенга чек йўқ, олга! Олиб қоч!  
 Қора қайгум пўртанасин соч, шамолга соч!

# ЛИ БО

(VIII аср, Хитой)

## ЛУШАН ТОҒИДАГИ ШАРШАРА

*Бўз туманлар кетида ловиллар оқшом,  
Қарайман олисдан бу манзарага;*

*Қарайман пасту баланд тоғ тизмалари  
Ҳам шаршарага.*

*Булутли чўққилардан отилиб тушар –  
Ўтиб тоғлардаги не-не ўрмондан;*

*Сомон йўли ўзилиб тушганга ўхшар  
Худди осмондан.*

## ОЙДИНДА ЁЛГИЗ ИЧГАНИМ

*Гулзор ўртасига қўйдим кўзани,  
Кеча жимжит эди, ой тўлгун.  
Жимжит шу кечада ичаман ёлғиз,  
Дўст йўқ эди ёнимда бугун.  
Улфат бўлайлик деб чақирдим ойни,  
Сўхбат ширин бўлгуси, инон,  
Даврага ундадим ўз соямни ҳам,  
Ичмакдамиз ҳозир учовлон.  
Ўз-ўзимга секин бераман савол:  
Ичармиди ахир ой ҳам май?  
Май ичганми соя ахир бирон вақт.  
Юрса ҳамки издан айрилмай?  
Ой бор жойда доим соя ҳам ҳозир,  
Шу вазданки, тунларда мен ҳам –  
Розиман учовлон базму айш қурсак,  
Тагин қайтиб келгунча кўклам.  
Мен қўшиқ бошлайман – куй мақомига  
Тўлганади ой ҳам ўшбу тун,  
Ўйнайман – соям ҳам ўйинга тушар –  
Ўзи новча, соқов, бешовқин.  
Шўх ва шодон эди ширин базмимиз.  
Маст ҳам бўлдик ахир учовлон,  
Биз ўбдан маст бўлиб, ажралишдик-да,  
Ҳар ким кетди ўз йўли томон.  
Токи Сомон йўли ёнида ёрни  
Учраткунча ёруғ осмонда,  
Тагин бу ҳаётда якка ва ёлғиз  
Дайдиш қолди менга жаҳонда.*

## БЕШ ЧОЛ ЧЎҚҚИСИ

*Беш Чол чўққисига узоқ қарайман –  
Лушань тоғи, жануби-шарқ томонга.*

*Олтин чечак каби юксалмиш чўққи,  
Кўринади боши осмонда.*

*Тепасига чиқсам, кўрингай жаҳон.  
Қани чиқолсаму баҳралар олсам...*

*Кошки шунда яшаб, сўнгги сафарни  
Шу чўққида тугата олсам!*

## Рабиндранат ТАГОР

(1861 – 1941, Ҳиндистон)


*Шу қутлуғ кенг дунёда сира ўлмасам дейман,  
Одамлардан бир умр жудо бўлмасам дейман!  
Балки ёруғ ўрмонда, тирик қалблар ичида  
Мангулик ўрин олгум... четда қолмасам дейман!*

*Ҳаёт оқими мангу, қувноқ унинг ўйини,  
Айрилиқлар, висоллар, қувонч, кулгу ва қайғу!  
Мен тўқиб бахт куйини ва бахтсизлик куйини,  
Эҳтимолки, дунёда барҳаёт қолгум мангу?*

*Асрлар хотирида қолиш бўлмаса тақдир,  
Барибир, ўлгунимча айнимайин сира ҳам,  
Инсонларга улашгум қўшиқларни бирма-бир,  
Қўшиқлар гултожида ўзим қолгум мужассам.*

*Қўшиқларимни қувноқ қабул қилсин инсонлар,  
Майли, тупроққа отсин агар бўлса хазонлар!*

МИРТЕМИР таржималари



Абдулла УЛУҒОВ



## ТУШ – ҒАРОЙИБ ЖУМБОҚ

Ҳар бир одам ўзига хос сирли олам бўлгани боис ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам ҳамиша жумбоқдир. Одам ақл-идрок даражаси, ижтимоий мавқеи, ҳаётининг тажрибасининг кўп-озлигидан қатъи назар, адашади, хато қилади, янглишади ва шу жараёнда аста-секинлик билан ўзини ва тева-рак-атрофидаги оламни англаб боради. Кишининг ҳар бир хатоси унга аввал сезмаган, пайкамаган, эътибор қилмаган ҳақиқатларини аён этади.

Одам бошқа пайтда эмас, айнан хато қилганида,

янглишганида унинг ҳаёти бошқалар билан бениҳоя боғлиқлигини кўпроқ ҳис қилади ва турмуш жуда чигал, мураккаб жумбоқ эканини англай бошлайди. Бу жараён бир умр – сўнгги нафасгача давом этади. Адабий асарларда азалдан шу хусусда сўз юритилади. Уларда инсон ҳаёти билан боғлиқ турли муаммоларга эътибор қаратилади. Бу жиҳатдан санъатнинг бошқа бирор тури адабиёт билан тенглашолмайди. Унда инсоннинг ўтмиши эслатилиб, бугуни гавдалантирилади, келажак тўғрисидаги орзу-хаёллари, ўй-кечинмалари ифодаланади. Бадиий асарларда, жумладан, қаҳрамонларнинг тушида кечган ҳодисалар ҳам нақл қилинади. Тушлар эса инсон ҳаётида ўзига хос ўрин тутади. Уларда одамнинг кўрган-кечирганлари, хаёл-тасаввури, ўй-кечинмалари ғаройиб тарзда уйғунлашади. Одам ўнгида кўрганларини таҳлил қилиб, бошқаларга тушунтира олади. Лекин ҳеч ким тушида кўрганларини бошқаларга тўлиқ маълум қилолмайди. Тушда кўрганларни англаш, тушунтириш эмас, тўлиқ эслолмасликнинг ўзи ҳам кишини мушкул аҳволга солади. Шунинг учун Мавлоно Жалолиддин Румий:

*Ўз тушин таъбирин билмас киши,*

*Ўзгалар таъбири бирла не иши, –*

дейди. (Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Бешинчи китоб. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Техрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2004. – 400 б. – 181-бет.)

Туш оқар сувдай тўхтамасдан ўтиб кетади. Сувни эса изига қайтариб бўлмайди. Ўнгида кўрган, эшитгани одамнинг хотирасига озроқ бўлса-да, ўрнашиб қолади. Лекин тушидагиси тўғрисида бундай деб бўлмайди. Улар тезда эсдан чиқади. Киши диққатини жамлашга ҳар қанча уринганида ҳам тушида кўрганларини хотирасида тўлиқ тиклолмайди. Лекин улар хаёл ойнасида кутилмаганда пайдо бўлади ва ғоят тезлик билан сирли тарзда йўқлик қаърига сингиб кетади. Балки шунинг учундир тушдаги ҳодисаларни худди турмушдаги воқеалар сингари таҳлил, тафтиш қилишга одамнинг қурби, ақли етмайди. Аммо ҳар бир кишининг турмуши тушида кўрганлари билан қандайдир тарзда боғлиқ кечади. Бу ҳақиқатни ҳис қилиш, туш ва ҳушёрлик ҳолати ўртасидаги

ришталарни ўзаро боғлашга одам кўпинча ожизлик қилади.

Туш, вақт ўлчамига кўра, киши умрининг арзимас улушини ташкил этади. Лекин унга эътибор қилмасдан инсон ўзи тўғрисидаги асл ҳақиқатни билиб ололмайди. Чунки ҳақиқат ёмби каби ҳеч қачон яхлит бўлмайди. Уни билиб олиш учун нафақат катта, йирик ҳодисалар, балки майда зарраларга ҳам диққат қилиш, ўрганиш талаб этилади. Шунинг учун ҳақиқатга осонликча эришиб бўлмайди. Аёнки, ҳар бир одам баъзан кўзи очиқ ҳолида, ақл-хуши жойида бўлган пайтида ҳам ўзининг айрим ҳаракатларидан таажжубга тушади. Шундай экан, киши ухлаганида, мияси дам олаётганида кўрганларини тушунмасдан ажабланиши табиий. Агар одам ҳамма нарсани, айниқса, ўзини осонгина тушуниб етганида эди, ҳаёт бунчалик қизиқ бўлмасди. Ҳар бир одам умр бўйи ўзини билиб-билмай, тушуниб-тушунмай яшайди. Шу боисдан инсон ўзи учун ҳам, бошқалар учун тушуниксиз, мавҳум, айна чоғда қизиқарли ва ғаройиб олам бўлиб қолаверади. Инсоннинг сирли, жумбоқ дунёси шу боис ҳам фан, адабиёт, санъат учун асосий мавзу бўлиб келади.

Маълумки, инсоннинг ҳаёти икки ҳолат – уйғоқлик ва уйқу ҳолатида кечади. Инсон уйғоқ ҳолатида турли амалий иш билан шуғулланиб, борлиққа таъсир кўрсатади. Аниқроғи, уни ўз мақсадига мувофиқ тарзда ўзгартиришга интилади. Унинг изланиш, ҳаракат, уринишлари натижасида теварак-атрофда муайян янгиланишлар юзага келади. Инсоннинг уйғоқликдаги фаолияти борлиқни ўзлаштириш, уни ўзгартиришга қаратилади. Чунки уйғоқлигида ҳар бир одам жисмоний ва ақлий меҳнат билан шуғулланади. Ухлаганида эса унинг жисмоний ва ақлий фаолияти тўхтайтилади. Аммо у баъзан туш кўради ва унда турли ҳаракатлар қилади, ҳаёлига келмаган ҳодисаларни бошидан кечиради, ҳар хил воқеаларга гувоҳ бўлади. Лекин тушидаги воқеа-ҳодисалар уйғоқлик ҳолатидаги воқеаларга кўпинча унчалик ўхшамайди. Шунинг учун туш азалдан барчани қизиқтириб келади. Ушбу жумбоқ турлича талқин этилади. Шарқу Ғарбнинг рухшунос олимлари, барча давр файласуфлари тушни ўрганиш, таҳлил қилиш билан шуғулланади. Аммо тушлар хусусидаги шарҳ, изоҳлар жуда жўнлиги боис ҳеч кимни қаноатлантирмайди. Масалан: “Туш – уйқуда содир бўладиган субъектив психик ҳодиса. Физиологик жиҳатдан туш бош мия катта яримшарларининг тормозланмаган ҳужайралари фаолияти натижасидир. Чуқур уйқу пайтида бош мия пўстлоқ қисмининг ҳужайралари бутунлай тормозланади ва бунда туш кўрилмайди. Бош мия пўстлоқ қисмининг айрим бўлақлари тормозланмаганда шу жойлар кучсиз таъсирларга сезгир бўлади. Шунда одам туш кўради. Тушда уйқудаги киши аниқ ва тасвирли кечинмаларнинг шохиди бўлади. Тушдаги воқеалар бир-бирига боғлиқ, бир оз ноаниқ, ҳаяжонли, афсонавий тус олади. Туш, асосан, тез кечадиган уйқу фазасидан уйғониш вақтида ёки ундан сўнгги бир неча дақиқа давомида рўй беради, киши уни узоқ вақт ёдда сақлай олмайди. Киши сокин кечадаги уйқу фазасида ҳам туш кўриши мумкин. Эрталабки уйғониш даврида туш, одатда, узоқ давом этади (чунки бунда “тез кечадиган” уйқу вақти узоқроқ бўлади). Тушнинг хусусияти кишининг нерв системаси типига, унинг соғлиғига, маълум даврдаги кечинмаларига боғлиқ” дейилади. (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. 704 б. – 685-бет.) Табиийки, туш тўғрисидаги бундай илмий тавсифлар кўп кузатишларга асосланади. Лекин улар туш ҳодисасининг моҳияти тўғрисида аниқ тасаввур бермайди. Туш ҳодисасининг мавҳум ва сирлилиги ҳар бир одам ўзига хос жумбоқ, унинг туши ҳам ғоят чигал лабиринт эканлиги, инсон қалбида турли оламлар туташидан далолат беради. Инсонда оламлар бирлашгани боис у “коинот гултожи” дейилади. Инсон заминга банди, унинг кундалик ташвишларига асир бўлгани ҳолда, самога интилади, ҳаёлида ой, юлдузлар билан сирлашади. Эҳтимол, шу



боис у ўнгида эплолмайдиган ишларини тушида осонлик билан амалга оширади. Туш ҳодисаси одамга у замин ва осмон туташадиган макон эканига ишора этади. Баъзида одам гувоҳи бўлган воқеалари аввал тушида намоён бўлганини билиб қолиши, айрим ҳолларда эса тушида кўргани ўнгида рўй берганини ҳис қилиши – буларнинг барчаси ғайриихтиёрий тарзда кечиши худди шуни билдиради. Тушдаги воқеалар кўпинча кишининг кундалик фаолияти билан қандайдир тарзда боғланади ва бу, албатта, хаёлдан ўтади. Шу боисдан ҳеч ким тушига бефарқ бўлолмайди. “Туш – уйқуда вужудга келадиган образлар, уйқу вақтида кўриладиган нарсалар” бўлгани учун у кишининг кайфияти, фаолиятига, албатта, ўз таъсирини ўтказиши. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. 2-том. – М. : “Рус тили” нашриёти, 1981. – 715 б. – 236-бет.) Одам яхши туш кўрса ҳам, аксинча бўлганида ҳам яқин орада ҳаётида қандайдир ҳодиса юз беришини ич-ичидан ҳис этади. Ана шу савкитабий ҳолат уни ўйлантириб, ташвишга солади. Бадиий асарларда инсон ҳаётини ҳар томонлама ёритиш, унинг образини тўлақонли кўрсатиш мақсадида қаҳрамонларнинг тушлари баёнига муайян ўрин берилади. Фольклор намуналарида ҳам, ёзма мумтоз асарларда ҳам инсоннинг туши унинг ички кечинмалари, мақсад-интилиши, дуч келган муаммолари билан бевосита боғлиқ ҳолда кечишига эътибор қаратилади. Чунки туш ҳар бир киши ҳаётининг узвий қисми саналади. Туш мотиви, туш эпизоди жаҳон адабиёти намуналарида ҳам, ўзбек адиблари асарлари сюжетида ҳам ҳажм жиҳатидан унчалик катта ўрин эгалламайди. Лекин у қаҳрамонлар характери очишда, уларнинг руҳиятидаги зиддиятли курашни акс эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Туш эпизоди ва туш мотиви инсон ҳаётидаги мавжуд ҳодиса сифатида дастлаб оғзаки адабиётда акс этгани, ундан ёзма адабиётга ўтгани барчага аён. Аксарият эртак, дostonларда сюжет воқеалари бевосита тушда кечган воқеалар орқали ривожланади. “Алпомиш” дostonи бунга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу дostonни ҳам, “Рамаяна”, “Маҳабҳорат”, “Манас”, “Тўрўғли” сингари халқ дostonларини ҳам қаҳрамонларнинг тушисиз тасаввур этиб бўлмайди. “Алпомиш” да бир неча ўринда қаҳрамонларнинг туш кўрганига эътибор қаратилади. Масалан, Алпомиш, Барчин ва Қоражоннинг бир пайтда бир хил туш кўргани айтилади. Дostonда кўнгли, руҳи, дунёқараши бир-бирига мос кишилар ўртасида узвий боғлиқлик, ўзаро яқинлик бўлиши шу тарзда таъкидланади. Халқ оғзаки ижодида, жумладан, дostonларда туш мотиви сюжет ҳалқаларини туташтиришда асосий нуқталардан бири саналади.

“Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон” каби дostonларда туш мотиви сюжетни ҳаракатлантирувчи, унга динамик тус берувчи зарурий унсур – катализатор вазифасини бажаради. “Маликаи Хуснобод”, “Сусамбил” сингари халқ эртакларида ҳам туш мотиви шундай мавқеда туради. Адабиётшунос Жаббор Эшонқулнинг “Фольклор: образ ва талқин” монографияси, “Ўзбек халқ дostonларида туш мотивининг ўрни ва таснифи”, “Ўзбек эртакларида туш мотиви” мақолаларида бу хусусда батафсил мулоҳаза юритилиб, туш мотиви эртак, дostonларнинг таркибий қисми эканлиги таъкидланади.

Туш инсон ҳаётининг ажралмас, узвий бўлаги бўлгани боис эртак, дoston, романларда унга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки тушида ҳар бир одам бошқа бир оламга тушиб қолади. Одам тушида кўпинча ўзини юксак шон-шухратга эришган ёки тубанлик ботқоғига ботган ҳолда кўради ва бунинг таъсирида унинг кайфияти ўз-ўзидан ўзгаради. Кайфиятнинг ўзгариши эса кишининг фаолиятига бевосита таъсир ўтказиши. Одам тушидаги воқеаларнинг маъносини, унинг нимага ишора эканини аниқ билолмасам-да, лекин уларни буткул унутиб ҳам юборолмайди. Тушида кўрганлари ҳар бир одамнинг онг остида сақланиб қолади. Бу хусусда улуғ рус адиби Фёдор Достоевский шундай дейди: “Гоҳо ҳеч ақлга тўғри келмайдиган, ғайритабий ва ғалати тушлар кўради одам; уйғониб

уларни аниқ эслаймиз ва шундай ғалати нарсадан жуда ҳайрон бўлиб қоламиз; туш кўрган пайтингизда ақлингиз доим ўзингизда бўлганлигини ҳамиша эслайсиз... Сизнинг тушингиз ҳеч куракда турмайдиган, бўлмағур, ақл бовар қилмайдиган воқеаларга тўла, лекин аини пайтда сизнинг ақлингиз буларни ўзи худди шундай бўлиши керак бир нарсадай қабул қилади, нега шундай?.. Уйқудан уйғонарсиз ва воқелик қучоғига қайтаркансиз, ҳар сафар сиз уйқу билан бирга яна англаб бўлмас бир нарсани қолдирганлигингизни қудратли бир ҳиссиёт кучи билан сезасиз, нега? Сиз ҳеч ақлга тўғри келмаган нарсаларни туш кўрганлигингиздан қулиб қўясиз, шу билан бирга, тушдаги мана шу ақлга тўғри келмайдиган нарсалар ҳаммаси қовушиб, бир-бирига чапишиб, қандайдир бир фикр ҳосил қилаётганлигини пайқайсиз, бу фикр ўнгингиздаги ҳаётингизга тааллуқли бўлади. Сизнинг ҳозирги ҳаётингизнинг аллақандай бир улушини ташкил қилади, у сизнинг қалбингизда илгари ҳам, ҳозир ҳам мавжуд бўлади; тушингиз сизга аллақандай бир янги нарсани, сиз кутган нарсани башорат қилгандай бўлади; сиз қаттиқ таъсирланасиз, шодланасиз ёки қайғуга ботасиз, лекин бу ўзи нимадан иборат, сизга қандай хабар келди – буларнинг барини сиз на англай оласиз ва на эслай оласиз”, дейди. (Достоевский Ф. М. Телба: Тўрт қисмдан иборат роман/ [Иброҳим Ғафуров тарж.] – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 656 б. – 477 – 478-бетлар.)

Ф. Достоевский ўз асарларида қахрамонларини турли вазият, кайфият, ҳолатда кўрсатиш асосида ҳар бир одамнинг ботинида ўз тафтишчиси бўлиши ҳамда у билан доим баҳс-мунозара кечиши, овозсиз, унсиз бу савол-жавоб жараёни сўнги нафасгача давом этиши, ички мунозара-сўроқ чоғида одам ўзининг аслида ким эканлигидан, оз-моз бўлса-да, воқиф бўлиши, инсоннинг ўзидан қаноатланмаслиги ва атрофдагилардан норозилиги айнан шу сирли жумбоқ билан боғлиқлигини очиб беради. Достоевский асарларида инсон ҳар бир нарсада, борликдаги ҳар бир ҳаракатда мислсиз маъно мавжудлигини англаши, унинг бутун ҳаёти ана шу маънони излашга, идрок этишга қаратилиши, шунда унинг умри мазмун касб этиши, акс ҳолда, бесамар кечишини таъкидлайди. А. Пушкин, Н. Гоголь, О. Бальзак, Л. Толстой сингари улуғ адибларнинг асарлари ҳам жаҳон адабиётидаги ноёб ҳодисалар сирасига киради. Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Чунки уларнинг асарларида ҳаёт ҳодисалари ниҳоятда ишонарли тасвирланиб, кишилар образи жуда жонли, ҳаётий гавдалантирилади. Ф. Достоевский эса “Евгений Онегин”, “Тарас Бульба”, “Инсоният комедияси”, “Уруш ва тинчлик” муаллифлари каби инсоннинг ҳаётий, жонли образини кўрсатишнинг ўзи билан кифояланмайди. У ана шу мураккаб ҳолатни очиб бериш мақсадида инсон қалбининг қаърида кечадиган жараёнларга, ўз-ўзи билан савол-жавоб чоғида онг-тафаккури ёришиб кетадиган лаҳзаларга эътибор қаратади. Адиб туш ҳодисасини ҳам ниҳоятда нозик таҳлил қилади. У инсоннинг ўзини-ўзи англаши жараёнида тушида кечганлари муҳим аҳамият касб этишини уқтиради.

Туш жумбоғи худди Достоевский таъкидлаганидек, ғаройиб эканлигини ушбу романни ўқиётганда ҳар бир одам чуқур англайди. Тўғрироғи, ўзида ҳам тушлари тўғрисида шундай фикр бўлгани, лекин роман билан танишганидан кейин буни англаганини идрок этади. Улуғ адиб ўз асарларида шу тарзда одамларнинг ботинида турган, лекин илганмайдиган туйғу, фикрларни аниқ-равшан ифодалаб беради. Ёзувчининг асарлари ўқувчи учун бамисоли ботинини кўрсатадиган кўзгуга айланади. У инсоннинг турли кечинма, ҳолатларини, жумладан, тушини барча адиблардан кўра чуқурроқ ёритади. Шу боисдан машҳур файласуф адабиётшунос Михаил Бахтин: “Достоевский тушнинг деярли барча кўриниш ва нозик жиҳатларига жиддий эътибор қаратиб, унинг воқеликни бадиий акс эттиришдаги имкониятларидан жуда кенг фойдаланган. Достоевский асарларида туш шу даражада кўп ва муҳим ўрин тутадикки, эҳтимол, Европа адабиётида бошқа

бундай ёзувчи йўқдир. Раскольников, Свидригайлов, Мишкин, Ипполит, ўсмир, Верлов, Алёша ва Дмитрий Карамазовнинг тушларини ҳамда бу тушларнинг ушбу асарлар ғоявий мазмунини очишдаги ролини эсга олайлик. Достоевский асарларида қаҳрамонларнинг кўрқинчли туш кўргани кўп тасвирланади”, дейди. (Бахтин М. М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: «Советская Россия», 1979. – 320 с. – С. 172).

Кишининг тушига муносабатида ҳам унинг табиати, ички дунёси билинади. Бесабр, ховлиққа кишилар кўпинча тушини бошқаларга билдиришга ошиқади. Улар тушида кўрганлари ёнига бошқа воқеаларни ҳам кўшиб-чатиб айтаверади. Бундай кишилар кўрқинчли туш кўрса, ваҳимага тушиб, атрофдагиларни безовта қилади. Кўрган тушига ёлғон гапларни кўшиб айтиш эса гуноҳ саналади. Чунки ёлғон аралашганда рост сўз ҳам таъсирсиз бўлиб қолади. Шу боис “Ёлғон сўз ризкни қияди”, дейилади. Ризкнинг камайишига сабаб бўладиган ёлғон яхши тушнинг ҳам файзини кетказади. Тушида кўрганларига ёлғон сўз кўшмасдан, эслаганича айтиш кишига зарар келтирмайди. Тушини бошқаларга маълум қилгандан кўра, уни сир сақлаш мақбул саналади. Чунки Абу Ҳомид Ғаззолий: “Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: “Киши тушида отасидан бошқасини кўриб, отамни кўрдим, деб даъво қилиши, кўрмаган нарсасини кўрдим ёки айтмаган нарсасини айтдим, дейиши улкан ёлғондир” (Бухорий ривояти). Яна шундай мазмунда ҳадис бор: “Кимки ёлғон туш айтса, қиёмат кунинда ҳеч қачон бир-бирига тугилмайдиган икки қилини тугиш вазифаси унга юкланади” (Бухорий ривояти)”, дейди. (Абу Ҳомид Ғаззолий. Тил офатлари китоби. – Тошкент: – “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 156 б. – 89-бет.) Оғир, вазмин кишилар ўнгида кўрган воқеаларини ҳам, тушида кечган ҳодисаларни ҳам иложи борича бошқаларга билдирмайди. Улар тушини кўпинча ҳеч кимга айтмайди ва тезда унутиб юборади. Агар киши тушини эслаганича бошқаларга айтса, у хотирасида нисбатан узоқроқ сақланади. Чунки айтаётганида тушидаги айрим ўринлар хаёл-тасаввурда кўриниб, мияга мустаҳкамроқ ўрнашади. “Ўткан кунлар” қаҳрамони табиатан оғир, вазмин бўлгани боис уйқусидан чўчиб уйғонган, юраги гуп-гуп уриб безовталанган бўлса-да, ҳеч кимга бу ҳусусда оғиз очмайди. У шунинг учун ҳам кўрқинчли тушини тезда эсидан чиқаради. Қолаверса, Отабек исломий тарбия кўргани боис нохуш туш кўрганини маълум қилмайди. Чунки мусулмончиликда яхши туш Оллоҳнинг инояти экани, киши бунинг учун яратганга шукрона айтиб, тушини бошқаларга билдириши, маҳзун қиладиган туш шайтонданлиги, шундай туш кўрганида парвардигордан паноҳ тилаб, уни ўзгаларга маълум қилмаслиги маъқул кўрилади.

Тушдаги воқеалар мавҳум, ғира-шира кўринишда бўлса-да, улар Ф. Достоевский таъкидлаганидек, кишининг турмушида кечган ва кечадиган воқеаларга қандайдир тарзда боғланади. Лекин бу алоқадорликни киши ўша пайтда эмас, кейинчалик пайқайди. Тушда кечган воқеалар дақиқалар ўтиши билан хотира қаърига шўнғиб кетади. Шунинг учун Отабек уйқудан турганида тушида кўрганларини тўлиқ эслолмайди.

Одам тушида кўрганларини эмас, ўнгида кечганлари, ўзининг ўй-кечинмаларини ҳам сўзма-сўз, айнан айтиб беролмайди. Киши кўрган-кечирган, гувоҳи бўлган, ўйлаганларини сўзлаб бераётганида, албатта, талайгина муҳим жиҳатларни унутиб қолдиради. Лекин одамнинг ўнгида кўрганлари ҳам, тушида кечганлари ҳам шу бўйича қолиб кетмайди. Улар дафъатан кутилмаганда хотира қаъридан юзага қалқиб чиқади. Шунда киши беихтиёр хайратга тушади, бир зум ажабланиб қолади ва ўзининг ўзи учун жумбоқ эканлигини, бир зумга бўлса-да, ҳис этади. Афсуски, одам ўзининг бундай ҳолатига унчалик эътибор бермайди. Чунки бу инсоннинг руҳига боғлиқ жумбоқ. Руҳнинг сирини эса мушоҳада билан етиб бўлмайди. Туш ҳодисаси кишининг руҳи ҳамда турмуши билан боғланади.

Инсон табиатининг ушбу жумбоғи хусусида Фёдор Достоевский “Инсон калласида туғиладиган ҳар қандай даҳо ғояда ёки фикрда бошқа одамларга англагиб, етказиб бўлмайдиган, жилд-жилд асарлар ва шарҳлар ёзиб, ўттиз беш йил тушунтиришга ҳаракат қилиб ҳам англагиб бўлмайдиган алланима қолиб кетади; миянғизда асло четга чиқишни истамаган алланима доим қолади, абадий сиздан ажралмайди”, дейди. (Достоевский Ф. М. Телба: 415-бет)

Аслида Худо бандаларини ҳамма нарсдан огоҳ қилади. Афсуски, одамзод турли тарзда билдириладиган ишораларни сезмай, эътиборсиз қолдиради. Одам тушидаги огоҳлантиришларга аксарият ҳолларда бепарво қарайди. Бу унинг рамзлар маъносини англамаслигидан келиб чиқади. Илоҳий китобларда тушда кўринган рамз, ишораларни англаш инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. “Қуръон” да Оллоҳнинг пайғамбари Юсуфнинг бошидан кечирганлари нақл қилиниб, у “энг гўзал қисса” деб таърифланади. Ушбу қиссада Юсуф ибн Яъқуб Миср мамлақати подшосининг тушини таъбир қилиб, халқни келгусида рўй берадиган очарчилик балосидан сақлаб қолгани баён этилади. Қиссада Юсуфнинг қисмати нима учун шундай чигал кечгани хусусида ҳам изоҳ берилади. Яъни “Юсуфни – унга барча тушларнинг таъбирини билдириш учун, – ўша ерга (Миср ҳокимининг уйига) жойлаштириб қўйдик. Оллоҳ ўз ишида ғолибдир (Яъни Уни Ўзи хоҳлаган ишни қилишдан ҳеч ким ман қила олмайди)” дейилади (12-сура, 21-оят). Юсуф Оллоҳ унга ато этган илоҳий илм туфайли тушлардаги белги, рамзлар маъносини аниқ англайди ва уларни тўғри таъбир қилади. Тушда кишининг бошидан кечирганлари ва хаёл-орзулари бирикиб кетади ва улар мантиққа номувофиқ, ақл билан тушуниб етиш мушкул ғаройиб манзара ҳосил қилади. Унда намоён бўлган рамз, белгилар нимага дахлдорлиги, нимага ишора эканлигини ҳар қанча бош қотирганда ҳам тушуниб, идрок этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ф. Достоевский “тушингиз сизга аллақандай бир янги нарсани, сиз кутган нарсани башорат қилгандай бўлади; сиз қаттиқ таъсирланасиз, шодланасиз ёки қайғуга ботасиз, лекин ўзи бу нимадан иборат, сизга қандай хабар келади – буларнинг барини на англай оласиз ва на эслайсиз”, дейди. Юсуф алайҳиссаломнинг тушларни таъбир этишидан аён бўладики, Оллоҳ бандаларига ҳамиша беҳад меҳрибонлик қилади ва уларга турли рамз, ишоралар орқали тўғри йўлни кўрсатади. Аммо муаммони қандай ҳал қилишни ҳар бир кишининг ўзига қолдиради. Чунки у одамларга ақл қувватини бериб қўйган. Афсуски, кишилар ўзларига берилган жуда кўп имкониятлардан керакли ўринда фойдаланишолмайди. Жумладан, ўзларидаги ақл қувватини ҳам етарлича ишга солишолмайди. Одамлар вақти ва ақлий-руҳий қувватини кўпроқ нафсини лаззатлантириш учун увол қилишади. Улар теварак-атрофдаги воқеалардан ибрат олмаслиги, эшитган, билган, гувоҳи бўлган ҳодисалардан ўзи учун керакли хулоса чиқаролмаслиги боис маънавий-руҳий камолотга эришолмайди. Ҳар бир одамнинг ён-верида эса уни ҳақ йўлга даъват этадиган, фалокат, офатлардан сақлайдиган жуда кўп рамз, ишоралар туради.

Туш – жўн ҳодиса эмас. У инсон табиатидаги ғоятда ғаройиб жумбоқ бўлиб, унинг сир-синоатларини “икки қарра икки тўрт” деган тарзда тушунтириб, шарҳлаб бўлмайди. У кишининг маънавий-руҳий олами, дунёқараши тўғрисида муайян тасаввур беради. Чунки тушида кишининг руҳий ва жисмоний ҳиссиёт, кечинмалари акс этади. Киши тушида кўпинча ўзини ожиз ҳолда кўради. Отабек ҳам тушидан ўзини “дармонсизланган ва ханжари қўлидан тушган” ҳолда кўриб, чўчиб уйғонади. Ҳаётда эса ҳар бир одам ўзини ҳамма нарсага қудрати этадиган каби тутаяди, арзимас муваффақиятидан беҳад ғурурланиб юради, барчадан ўзини устун, деб билади. Отабек – қатта амалдор, давлатманд кишининг яққаю ягона фарзанди. У савдо ишлари билан кўп юрт кезган. Шу боис у энг мушкул, таҳликали вазиятларда ҳам ўзини дадил тутаяди. Ҳаёти хавф остида турганида ҳам

Ўзини йўқотиб қўймайди. Қаҳри қаттиқ, золим амалдорлардан асло чўчимайди. Уларга бўйин эгмасдан тенгма-тенг туриб сўзлашади. Лекин ҳар қанча довжорак, дадил бўлса-да, тушида кўрқади, ўзининг ночорлигидан изтиробга тушади. Барча динларда такаббурлик инсонликка номуносиб иллат экани таъкидланади. Чунки инсоният азалдан табиатидаги айни шу иллат туфайлидан азият чекади. Одам илоҳий мавжудот бўлгани боис унинг ботинида турфа ходисалар, сирли жумбоқлар яширин туради. Оллоҳ одамнинг ўзига ва оламга тегишли кўп сирларни пинҳон тутаяди. Одам кўпинча сахар пайтида туш кўради. Сахар эса энг қутлуғ вақт саналади. Сахарда кун тун устидан ғолиб келади. Бу пайтда жамики жониворлар кунни олқишлаб, овоз беради: хўроз қичқириб, чумчуқлар чуғурлай бошлайди, қалдирғоч валфажр айтади. Дов-дарахтлар ҳам сахар арафасида барг чиқариб, гуллайди. Сахар еру коинотда ҳаёт давом этаётганидан дарак беради. Шу боисдан барча динларда тонгда туриб, ибодат қилиш буюрилади.

Сахар вақтнинг алоҳида бир бўлагидир. Бу пайтда тун чекиниб, кун бошланади. Оламга интиқлигидан сарғайган куёш аста-секин чиқиб келади. Борлиқда ҳаёт қайтадан жонланади. Сахарда жамики жонзотга ризқ улашилади. Шайх Фаридиддин Аттор бу хусусида шундай дейди:

*Келур ризқим менинг субҳу азалдин,  
Қутулдим бир йўла ҳирсу хабардин...  
Ўзинг е ўз гамингни, бўлма гофил,  
Биров ерми гамингни, ўйла, охир...  
Магар билмасмисан, тонг тунни ўртар,  
Сени ухлоқ кўриб ёқангни йиртар.  
Ва андин, кўрқамен, бедор бўлур сен,  
Кийимсиз, қип-яланғоч, хор бўлурсан...*

Ҳар бир одам уйғоқлигида – ўнгида кечган воқеалардан ҳамда ухлаганида – тушида кўрган ходисалардан, албатта, таъсирланади. Аниқки, уйғоқлигида кўрганлари кишига кўпроқ таъсир этади. Аммо бундан тушда кечганлари одам учун унчалик аҳамиятли саналмайди, деган хулоса чикмайди. Тушда кечганлари кўпинча кишининг ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Лекин бу бирданига сезилмайди. Тушда кўринган ходисалар секинлик билан воқеликка айланади. “Қуръон”да Юсуф алайҳиссаломнинг тушда кўрганлари қирқ йилдан сўнг амалга ошгани айтилади (12:100). Бу инсоннинг туши – ғайб сири эканлиги, унда Оллоҳнинг ҳикмати яширинлигини билдиради.

Кишига тушида у уйғоқлигида қилган ишларга қатъий баҳо берилади ва келгусидаги ходисалардан огоҳ этилади. Шу боисдан Шекспир қаҳрамони Отелло: “Туш бўлса ҳам бир гаплардан хабар беради” дейди. (Шекспир В. Сайланма. Уч жилдлик. 2-жилд. – Т. : “Фан”, 2008. – 654 б. – 247-бет.) Ана шу мавҳум хабар одамни кўрқувга солади. Одам ҳар қандай иш, юмушнинг машаққатларини бошига тушгачгина ҳис қилади. Киши иссиқ-совуқнинг қадрини, очлик, касаллик азобини уларга дуч келган пайтида чинакамига сезади.

Тушлар кишиларнинг ақлий, руҳий, маънавий, ижтимоий даражаси, интилиши, фаолиятига мувофиқ кечади. “Кўпинча тушларимга буюк шахслар киради, – дейди улуғ адиб Чингиз Айтматов. – Улар билан ҳеч қачон учрашмаган бўлсам-да, аммо тасаввурга эгаман. Баъзан бирорта тирик жонга айтмай юрган сирларимни уларга айтиб қўяман.” (Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оху зори: (Аср адоғида айтилган истиғфор). – Тошкент: “Шарқ”, 1998. – 432 б. – 57-бет.)

Ҳаётда ҳеч бир ҳодиса ўз-ўзича рўй бермайди. Ҳар қандай воқеа заминида нимадир ётади. Жумладан, тушлар ҳам муайян заминга асосланади. Туш-

да кўринган ҳодисалар замирида, албатта, ўзига хос сабаблар туради. Одил Ёқубовнинг “Кўхна дунё” романида Султон Маҳмуднинг кўркинчли тушлар кўриши ҳақида сўз боради. Жумладан: “Мана, бу дарди бедавога гирифтор бўлганига бир неча ой бўлди, шундан бери кўнгли нотинч, жони беҳаловат, кечалари ёмон тушлар кўриб, ваҳима босади. Нечундир эзгу ишлари, қурган қасрлари, яратган боғлари, барпо қилган мачит ва мақбаралари эмас, жанглар сурони-ю отлар дупури, кесилган бошлар, дорда чайқалган мурдалар, ёнғинда қолган шаҳарлар ёдига тушади. Миясида илгари ҳеч қачон ўйламаган ёмон ўйлар чарх уради” дейилади. (Ёқубов О. Кўхна дунё: Роман. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 336 б. – 40-бет.) Одил Ёқубов ушбу романида кишиларга қилинган ҳар қандай зулм, зўравонлик изсиз кетмаслиги, золим, ким бўлишидан қатъи назар, ўз қилмишлари учун, албатта, жазога тортилишига ишора қилади.

Тушларни ҳар ким ўз ҳаёт тажрибаси, тушунча, дунёқараши асосида талқин қилади. Чунки уларда ҳеч бир нарса аниқ айтилмайди. Тушлардаги ана шу мавҳумлик кўнгилга ҳадик солади, соҳибини изтиробга қўяди. Султон Маҳмуд ҳам тушлари нимага ишора эканини билолмаганидан хавотирга тушади. Шундан унинг “миясида илгари ҳеч қачон ўйламаган ёмон ўйлар чарх уради”.

Одам ўзини мажбурлаб ухлаши ёки ухламаслиги, овқатланиши ёки сув ичмаслиги мумкин. Лекин ҳеч ким ҳоҳлаган пайтида туш кўриб, истамаганида туш кўрмасликнинг уддасидан чиқолмайди. Чунки туш кўриш-кўрмаслик одамнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ ҳодиса эмас. Бу руҳий-жисмоний жараёни ақл, ирода кучи билан тартибга тушириб, бошқариб бўлмайди. Шунинг учун одам тушида кўркиб ёки ҳаяжонланиб кетганида босинқираб, ҳеч кимга билдирмаган ички сирларини айтиб қўяди. Масалан, жиноятчиларнинг кирдикорларини очиш учун уларнинг асаб хужайраларига таъсир этадиган турли дорилар, ўткир спиртли ичимликлар, наша, кўкнори, ёлғонни фош қилувчи детекторлардан фойдаланилади. Лекин бу усуллар ҳар доим ҳам кутилган натижани бермайди. Аммо ҳар жиҳатдан бақувват, асаблари обдон чиникқан жосуслар ҳам тушида алаҳсираб, ўзининг кимлиги, асл мақсадини ошкор этиб қўяди. Айрим бадиий асарларда тушнинг мана шундай ғаройиб жиҳатига эътибор қаратилади. Шунинг учун Фёдор Достоевский: “Киши бесару самон бўлиб эзилиб юрган чоғларда унинг кўрадиган тушлари ҳам кўпинча беҳад қаварган, тиниқлашган ва худди ўнгида кўрганга ўхшаган бўлади. Гоҳида одамнинг тушда кўрган нарсалари фавқулудда жуда даҳшатли бўлиб туюлади. Лекин тушдаги мухит ва кечаётган жараёнлар шу қадар ишонса бўладиган, умумий манзарага мос, уни бадиий жиҳатдан тўлдирадиган нозик тафсилотларга эга бўладикки, уларни ўнгида шу туш кўрган одамнинг ўзи ҳам, у борингки, Пушкин ёки Тургенев сингари санъаткор бўлган чоғида ҳам тўкиб чиқара билмасди. Шундай тушлар, жуда узок вақтлар эсда қолади ва жисми урён, ўзи бир ҳоли сар бўлиб юрган одамга жуда қаттиқ таъсир қилади”, дейди ва Раскольников кўрган кўркинчли тушни баён этади. (Достоевский Ф. М. «Жиноят ва жазо»: Роман, И. Ғафуров тарж. – Т.; Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – 664 б. – 69-бет.) Ушбу туш тафсилотлари романда олти саҳифани эгаллайди.

Қотиллик қилиши арафасида ҳаловатидан айрилган Раскольников тушида етти ёшлик пайтини, ўзи туғилган шаҳарчани, байрам куни кечқурун отаси билан шаҳар чеккасига сайилга борганини эслайди, қовокхона олдида маст-аласт одамларнинг бақир-чақир қилаётгани, қаттақон аравани тортолмаётган қирчанғи отни, аравага кўп одамлар чиқиб олганини, эгаси ва бошқа одамлар аравани жойидан қўзғотишга кучи етмаётган ориқ, кичкина отни аямай савалашаётганини, мастлигидан қутуриб кетган эгаси отни қамчи билан ургани камлик қилгандай шоти билан ура бошлаганини, атрофдагилар бу томошадан маза қилиб кулганини, Раскольников ўзини отнинг ёнида йиғлаб югуриб бораётганини, отнинг нақ кўзига

камчи тушуришаётганини кўради ва отга ачинганидан йиғлаб, “юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлади, кўз ёшлари қуюлиб келади. Отни қамчилаётганлардан бирининг қамчиси унинг юзига” тегиб кетади; лекин у буни сезмайди, у қўлларини қарсиллатиб синдиради, бақиради, соч-соқоллари оппоқ оқариб кетган чолдан нажот истаб чопади, қария бошини чайқайди, буларнинг бари унга ёқмайди, уни дилгир қилади”. Маст-аласт кишилар аравани тортолмай йиқилган ориқ отни қўлларига илинган нарса: тош, таёқ, қамчи, шоти билан уриб ўлдиришганида Раскольников додлаганича саман отнинг олдига бориб, унинг жонсиз, қонга беланиб ётган бошини кучоқлаб ўпади, кўзларидан, лабларидан ўпади... Кейин кутилмаганда ўрнидан сакраб туриб, ғазаб билан муштчаларини кўтариб отнинг эгасига ташланади. Шу он анчадан бери унинг орқасидан қувиб юрган отаси ушлаб олиб, одамлар орасидан олиб чиқиб кетади”. Раскольников одамлар нега отни ўлдиришди, деб йиғлайди. Нафаси тикилганидан бошқа сўз айтолмайди. “Бақирмоқчи бўлади ва уйғониб кетади”. Раскольников қўрқинчли туш кўргач, ўзининг режалаштирган иши – судхўр кампирни ўлдириши бемаънилик эканини англаб етади. “Ё раббим! Наҳотки, наҳотки мен ростдан ҳам кўлимга болта олиб, унинг калласига урсам, миясини мажақлаб ташласам... Шилимшиқ, иссиқ қон ичида кечиб юрсам, кулфни бузсам, ўғирлик қилсам, қўрқиб-пусиб, бикинсам; бошдан-оёқ қонга беланганча... кўлимда болта билан яширинсам... Ё раббим, наҳотки?” деб изтиробга тушади. Романда Раскольниковнинг мудҳиш жиноятга қўл уриш арафасидаги азобли ўйлари батафсил баён этилади ва унинг қай тарзда қотиллик қилгани кўрсатилади. Ўқувчи Раскольниковни нияти, мақсади жиноятчи қотилга айлантирганини ҳис қилади ва ниятда гап кўплиги, мақсадда ҳикмат борлиги, ота-боболаримиз яхши ният қилиш кераклигини бежиз айтишмаганини кўнглидан ўтказилади.

Тушлар кўпинча кишини ўтганларни эслашга ундайди. Уларда кишининг бошидан ўтган воқеалари, яқин одамлари қиёфаси, тасодифан дуч келган кишиларнинг ҳолати кўринади. Бу пайтда хотиралар шабадада мавжланган кўл юзидаги тўлқинлар сингари бир-бирига уланиб кетаверади. Тугамайдиган туюладиган манзара, кўринишлар, дилга хуш ёқадиган ёки хавотирга соладиган воқеалар, афсуски, охирига етмасдан шарт узилади. Фаройиблиги шундаки, бу кўпинча ташқи таъсир туфайли юз беради. Яъни киши кутилмаганда нимадандир чўчиб, бехосдан уйғониб кетади. Бундай тушлар қарама-қарши фикрлар уйғотиб, кишига ҳаётнинг у аввал эътибор қилмаган ҳақиқатларини очиб беради. Кўнгил тубидан ёришиб чиқадиган бу фикр таъсирида одам ўтган воқеаларни қайта ўйлаб кўради ва хатоларини англайди. Лекин уларни ошкора тан олгиси келмайди. Султон Маҳмуд Ғазнавий, Абдуллатифнинг ҳолатида ҳар кимда мавжуд ана шу ожизлик кўринади. “Кўҳна дунё”, “Улуғбек хазинаси” қаҳрамонлари алғов-далғов тушлари туфайли хатоларини тушуниб етади ва ўзини кечиролмай, изтиробга тушади.

Мархумлар тушга бежиз кирмайди. Чунки ҳар биримизнинг ҳаётимиз тириклар ва мархумларга боғлиқ тарзда кечади. Биз истасак-истамасак, ҳар доим мархумларни эслаймиз. Уларнинг феъл-атворидаги турли жиҳатларни ўзимизча муҳокама қиламиз. Мархумлар ҳар биримизнинг ҳаётимизда ҳамиша муайян ўрин эгаллайди. Шунинг учун эртақ, дostonларда ҳам, ёзма адабиёт намуналарида ҳам тирикларнинг тушига мархумлар кўрингани тўғрисида сўз юритилади. Чунки ҳақиқатан ҳаётда шундай ҳодисалар содир бўлади. Худо тирикларга мархумлар руҳи орқали хушxabар етказилади ёки тавба қилиб, ёмон ишлардан тийилишига ишора қилади. Одамларга тушида ҳам юз бериши кутилаётган ҳодисалар очик-ошкора билдирилмайди. Чунки Оллоҳ одамга теvarак-атрофидаги ҳодисалардан ибрат олиб, мушоҳада юритиши учун ақлидрок бериб қўйибди. Яратувчи шу боис одамнинг ўзига ва оламга тегишли

кўп сирларни пинҳон тутати. Бўлғуси воқеалар одамларга ўнгида ва тушида аниқ-равшан билинганида ҳаёт жуда силлик, бир меъёрда кечган бўларди, кишилар ҳеч қандай ташвиш, муаммога дуч келмасди. Агар шундай бўлганида ҳаёт яқраг тус олиб, у жуда зерикарли бўлиб қоларди. Ҳаёт қизик, ғаройиб кечиши учун ҳам келгусида кутилаётган ҳодисалар очик-ошқора эмас, жуда нозик ишоралар, турли рамзлар орқали маълум қилинади. Кишилар бу ишора, рамзларни кўпинча воқеалар бўлиб ўтганидан кейингина пайқашади ва уларга эътибор беришмаганидан пушаймон бўлишади.

Одамга теварак-атрофидаги кўп нарсалар жўн ва арзимасдай туюлади. Лекин айнан ўша нарсаларнинг қатида кўп сир-синаот яширин туради. Улар ҳаётнинг аввал маълум бўлмаган ҳақиқат, ҳикматларини англашга очкич эканлиги кутилмаган бир тасодиф туфайли аён бўлади. Ўшанда киши эътибор қилмаганлари ҳам кадрли эканлиги, ҳаётда ҳам ҳар бир нарса эъзозлашга лойиқ эканлиги хусусида ўйланиб қолади. Султон Маҳмуд Ғазнавийни ҳам, Абдуллатифни ҳам ноҳақ қурбон бўлганларнинг руҳи безовта қилади. Уларнинг ҳар иккаласи одамларнинг ҳаёти билан ўйнашаётгани ҳақида кўп-да ўйлашмаган. Бошқаларни назар-писанд қилишмаган. Одил Ёкубов “Кўҳна дунё” романида Бўтакўзбегим руҳининг Ибн Сино тушида кўринганини қаламга олиш орқали тириклар эмас, марҳумлар ҳам адолатсизликдан азият чекишини таъкидлайди. “Ҳар бир руҳ, – дейди Афлотун (Платон), – эзгуликка интилади ва бу йўлда ҳар нарсага тайёр туради. Руҳ эзгуликнинг мавжудлигини ҳис этади, уни излайди, аммо унинг қаерда эканини англашга қуввати етмай қийналади.” (Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. – 372 б. – 82-бет)

Туш мотиви қаҳрамон руҳий ҳолатини очишда ўзига хос очкич бўла олиши Антон Чеховнинг “Уйку истаги” ҳикоясида янада яққол сезилади. Ушбу ҳикояда дастёр қизнинг аччиқ қисмати жуда таъсирчан гавдалантирилади. Улуғ рус адиби ушбу ҳикоясида туш мотивини беихтиёр қотилликка қўл урган Варьканинг уқубат тўла ҳаётини аниқ тасаввур қилиш имконини берадиган ўзига хос кўзгуга айлантиради. Бировнинг хонадонида хизматкорлик қилиб кунларини ўтказаятган Варька тузукроқ кийим кийиш, тўйиб овқатланишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Хўжайинининг тўхтовсиз бериб турадиган топшириқларини бажаришдан қўли бўшамайдиган бечора қиз фақат бир нарса – тўйиб ухлаш тўғрисида ўйлайди. Чунки у эрта сахардан ярим кечагача тинмасдан елиб-югуриб хизмат қилади. Тонггача эса хўжайинининг беланчакдаги боласига қараб чиқади. Варькага тунда ҳам бирпас бўлса-да, ухлашга имкон беришмайди. Варька хўжайинининг беписанд муомаласи, камситишларини оғринмасдан қабул қилади. Хўжайини уни хўрлаб, ҳақорат қилаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Аммо уйқусизликка тоқат қилолмасдан қийналади. У беланчак тебратиб ўтириб, туш кўради. Тушига ҳам уйку қиради. Ҳикояда бу: “Варькани уйку босиб, кўзлари юмилмоқда. Бўйни толиб, боши ерга оғиб боради. На қоғоғини қимирлата олади, на лабларини. Назарида юзи қовжираб, тарашадай қотган, боши тўноғичнинг бошидай кичкина бўлиб қолганга ўхшайди. Алла, кўзим, алла-ё, Сенга ош пишира-ё... деб минғирлайди у. Печкада чигиртка чириллайди. Нариги уйда хўжайини ва шогирди Афанасий хуррак тортади... Беланчак нолигандай ғижирлайди. Варька минғирлайди. Буларнинг ҳаммаси кўшилиб, аллаловчи тун мусиқасига айланадики, бу мусиқани ўринга ётиб эшитганда хузур қилади киши. Бу мусиқа Варьканинг ғашига тегади, чунки уйқусини келтиради, ухлаш эса мумкин эмас. Худо кўрсатмасин, агар ухлаб қолса борми, хўжайини уриб ўлдиради”. (Чехов А. П. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том. – Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1957. – 692 б. – 390 – 391-бетлар.) Ушбу парчада ҳар бир деталь қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ифода этишга қаратилади. Адиб ҳикояда уйку инсон учун энг ширин неъмат экани, бу табиий эҳтиёжни ирода кучи билан енгиб бўлмаслиги,



кишини бу зарурий эхтиёжидан махрум этиш фожиага олиб келишини юксак бадий маҳорат билан кўрсатади. “Уйқу истаги”ни ўқиётганида ҳар бир кишининг кўнглида беихтиёр Варькага нисбатан ачиниш ҳисси жўш уради. Чунки унда кундузи тинимсиз елиб-югуриб, кечаси ором олмасдан беланчак тебратишга мажбур хизматкор қизнинг уйқу истагидаги ҳолати: “У ерга ўтириб, хўжайини калишини ювар экан, шу катта ва чуқур калишга бошингни тикиб, бирпасгина мизғиб олсанг қандай яхши бўларди, деб ўйлайди. Бирдан калиш шишиб кенгайиб, уйдаи катта бўлиб қолди. Варьканинг қўлидан чўткаси ерга тушиб кетди. Варька дарҳол бошини силкиб, кўз олдидаги нарсалар катталашиб, ҳаракатланмасин деб кўзларини каттароқ очишга тиришди” деб кўрсатилади. (Ўша манба. 394-бет.)

Кишининг тушида кўрганлари, албатта, унинг таржимаи ҳолига, кундалик фаолиятига муайян даражада дахлдор бўлади. Бу ҳақиқат Варьканинг туши тафсилотлари ва ундан кейинги воқеаларда ҳам кўринади. Одам кўпинча тушидаги кўрқинчли воқеалар таъсирига тушиб, нима қилишини билмай қолади. Бундай пайтда, ҳатто, ўзи билмаган ҳолда жиноятга ҳам қўл уради. Чунки ҳар бир кишининг табиатида эзгу ҳиссиётлар баробарида бошқа иллатлар ҳам яшайди. Одамнинг ичидаги яширин ёвузлик кутилмаганда қандайдир ташқи таъсир туфайли жунбушга келади. Ўша пайтда босиқ, вазмин кишиларнинг ҳам жаҳли чиқиб, ғазаби жўшади. “Уйқу истаги” қаҳрамони ўзи истамаган ҳолда беланчакдаги бегуноҳ болани ўлдиради. Алғов-далғов, тушуниксиз туши ва ҳаддан ташқари жисмоний толиққани Варьканинг ичидаги кўмилиб ётган нафрат, ғазабни юзага чиқаради. У табиатидаги яширин ёвузлик таъсирига тушади. Бу иллат турли шаклда – бировда озроқ, бировда кўпроқ, ҳар бир кишида мавжуд.

Антон Чехов мазкур ҳикоясида таҳқирлаш, зулм инсонни руҳан мажруҳ этиб, жиноятга бошлаши, қотилга айлантиришини қаҳрамоннинг туш таъсиридаги ҳолати билан боғлиқ тарзда тасвирлайди. “Ниҳоят меҳмонлар кетишади, чирокларни ўчириб, хўжайинлар ётишади. – Варька, болани тебрат! – деган сўнги буйруқ эшитилади. Печкада чигиртка чириллайди; шипдаги доғ, ёйғлик шим ва йўргак, латталардан тушиб турган соялар лип-лип қилиб яна Варьканинг очик кўзига суқилади, уни гангитади. – алла айтай сенга-ё, – деб минғиллайди у, - алла, кўзим, алла-ё... Бола йиғлай-йиғлай қотиб қолади. Варька яна ҳалиги катта тош йўлни, тугун кўтарган одамларни, Пелагеяни, отаси Ефимни кўради. У ҳаммани танийди, ҳаммасини тушунади-ю, лекин карахт қилиб, қўл-оёғини бойлаб кўйган, яшашга монелик қилаётган бу куч қанақа эканлигига чала уйқу ичида сира тушунолмайди. У яна шу кучдан кутулиш учун у ёқ-бу ёққа қарайди. Лекин уни тополмайди. У ниҳоят чарчаган ҳолда ўзининг бутун кучини, сезгисини тўплаб, шипдаги липиллаётган доғга тикилади ва йиғи овозига қулоқ солиб яшашга монелик қилаётган душманни топди. У душман – бола экан. Қиз қулиб юборади. Нега шунча кундан буён шу арзимаган нарсани тополмай юрган экан? Шипдаги доғ, соялар ва чигиртка ҳам ҳайрон бўлиб, унга қўшилиб кулаётгандай туюлади. Шу хаёл Варькани бутунлай чулғаб олади, у ўрнидан туриб, илжайганча кўзларини юммасдан, уйнинг у бошидан бу бошига юради. Қўл-оёғига кишан бўлиб турган боладан ҳозир қутиламан, деган хаёл уни қитиқлайди, хурсанд қилади. Болани ўлдиради-ю, кейин ҳузур қилиб ухлайди. У қулиб, кўзларини қисиб, шипдаги доғга қараб, бармоғи билан таҳдид қилади, аста беланчак ёнига боради ва энгашиб болани бўғади; кейин дарҳол полга ётиб ухлашнинг иложи топилганидан беҳад севинади ва бир дақиқадан сўн ўлиқдай ухлаб қолади” деб тасвирлайди. (Чехов А. П. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том. – Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1957. – 692 б. – 395-бет.)

Одам ухлаганида ҳам нафас олади, танасида қон айланади. Яъни унинг танасида ҳаракат жараёни бир зум тўхтамайди. Мия ҳам ҳушдагидай бўлмаса-да,

хар қалай, бедор туради: хотирада сақланган воқеалар аралаш-қуралаш бўлиб, қутилмаган манзаралар ҳосил қилади. Одам нима ҳақида кўп ўйласа, қандай муаммога дуч келса, тушида айна нарсалар қандайдир тарзда кўринади. Антон Чехов “Уйқу истаги” ҳикоясида эса шу ҳақиқатни акс эттиради.

Фитратнинг “Қиёмат” ҳикоясида гиёҳвандликка мубтало кишининг тушида кечганлари нақл этилади. Рўзиқул – Почамир кўкнор тополмасдан касал бўлиб қолади. Унинг фикру хаёлини наша топиш, чекиб хумордан чиқиш илинжи банд қилади. Почамир иситмаси чиқиб ётар экан: “У дунёда наша бормикин?” деб ўйлайди. Унинг иситмадан қуруқшаб қолган лаблари орасидан фақат шу сўз чиқади. “У дунёда наша топмоқ фикри Почамирнинг миясини чарчатади”. Рўзиқул ҳолсизликдан ўзини ўлган ва у дунёга тушган ҳис этади. У дунё ҳақида эшитганлари, ўқиганлари ёдига тушади. Почамир хаёлан Мункар-Накир билан мунозарага киришиб, уларни мот қилади. Қиёмат юз бергани, сон-саноксиз одамларнинг жаннат ва дўзахга тушаётганига гувоҳ бўлади. Тирикликдаги амаллари тарозидан тортилаётган одамлар орасида худди бу дунёдагидай “очираг” зарурлигини айтиб, тартиб жорий бўлишига эришади. Қурбонлик қилган оқ кўйини миниб, қилқўприқдан ўтиб, жаннатга боради. У жойдаги тўкинчилик, фаровонликдан зерикади. Яшашдан безиб қолган пайтида “Тўрт одим нарироқда кўзига бир бута кўкнор кўринди. Шодлигидан сесканиб кўйди. Бирдан шунга қараб югурди. Оёғи остидаги чуқурни кўрмаган экан, оёғи чуқурга тойиб кетди. – Воҳ! – деб йиқилди. Ўзининг “воҳ” деганига уйғониб кетиб, кўзини очса, хотини ёстиғи бошида ўтириб, Почамирнинг терларини артадир. Хотини: Устингизни очмангиз, терлагансиз. Тушингизда бир оз кўрқдингизми? – деди. Почамир кўрганларининг тушда эканини билгач, теран бир сўлиш олди. – Уф, сўрама, хотин. Кўп балоларга учрадим. Яхшиямки, туш экан, – деди.”(Фитрат А.Танланган асарлар. Жилд 1. 256 б. Т.: “Маънавият”, 2000. – 179-бет.)Адиб “Қиёмат”ни “хаёлий ҳикоя” деган бўлса-да, унда гиёҳвандликка гирифторман кишиларнинг ҳақиқий ҳолатини гавдалантирган. Гиёҳвандлар бу касалликдан қутулмоқчи бўлганида Почамирдан ҳам баттарроқ аҳволга тушиб қийналади. Почамир мадрасада таҳсил олгани учун у дунё тўғрисида ўйлайди. Аммо бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам яшаш лаззатини наша чекишда кўради. Шунинг учун Рўзиқулнинг алғов-далғов тушлари кўкнорига бориб боғланади. Рўзиқулнинг тушида кечганларини унинг терларини артиб ўтирган хотини кўрмайди. Хотини Почамир “воҳ”деб уйғониб кетганида, эрининг тушида кўрққанини пайқайди. Рўзиқул тушида у дунёда сайр қилиб, кўп воқеаларни кечирган бўлса-да, улар сассиз кечади. Почамир эшитган овозлар, қичқирик, шовқин-суронлар хотинига эшитилмайди. Чунки бировнинг тушидаги манзараларни бошқалар кўролмайди. Туш кўраётган киши эшитган гап-сўз, овозлар бошқаларга номаълумлигича қолади.

Бадий асарлардаги туш тасвири шундан далолат берадики, тушда инсон руҳий оламининг нозик ва нафис жиҳатлари кўнгилга ўрнашиб қолган нопок истаклари билан тўкнашади. Шунинг натижасида босириқ тушлар юзага келади ва ундаги турли алғов-далғов воқеалар кишини ваҳимага солади. Ҳар бир одам эса ҳиссиётлар, истакларига бошқалар эътиборсиз қарашидан қийналади. Ана шу ҳолат унинг руҳиятига таъсир этиб, миясининг пучмоқларига жойлашиб олади ҳамда ташқи омиллар таъсирида қутилмаганда қўзғалиб, кишини тушқун қайфиятга солувчи тушларни туғдиради. Бундай тушлар моҳияти – нимага ишора экани аён бўлмасдан санокли сониялар ичида хаёл қаърига сингиб, ғойиб бўлади. Айна ҳолат кўнгилни хижил қилиб, кишини ўзидан, бошқалардан, умуман, ҳаётдан норози бўлишига олиб келади. Шунда юракка мажҳул оғриқ қиради. Бу эса мантиқ қолипларига сиғмайдиган туш ҳодисаси онг идрок этолмайдиган ғаройиб жумбоқ эканини билдиради.



*Зайнобидин АБДУРАШИДОВ*  
**“Катта бошлик”  
фаолиятининг айрим  
қирралари**

*(Буюк маърифатпарвар Мунавварқори  
Абдурашидхонунинг 135 йиллигига)*

Мустақиллик учун курашган, жадидчилик ҳаракати номини олган мутафаккирлар гуруҳи миллатнинг ўзлигини танитиш, миллий-озодлик ҳаракатини шакллантириш ва уни амалга оширишдек улуғ вазифани ўз олдига қўйган ва бутун Туркистон ўлкасини ҳаракатга келтирган буюк куч эди. Бу ҳаракатнинг раҳбарлари Шарқ ва Ғарб маърифати, маънавиятини эгаллаган, илмга чанқок зиёлилар эдилар. Улар мустамлака зулми исканжасида харобага айланиб бораётган она - Ватан жароҳатларига малҳам изладилар. Миллатнинг ана шундай зиёлиларидан бири, тошкентлик жадидларнинг раҳнамоси Мунавварқори Абдурашидхонвдир.

Мунавварқорининг ҳаёти, ижоди, фаолияти ҳақида истиқлол йилларида жуда кўп ёзилди. Ушбу тадқиқот, мақола ва турли ёзувларни таҳлил қилар эканмиз, уларда Мунавварқори кўз олдимизда миллат тарбиячиси, мохир сиёсатчи, адиб сифатида яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, Мунавварқорининг ҳаёт йўли ўта машаққатли, турли эврилишлар ва зиддиятларга тўла. Тарихий ҳужжатларга боқсак, чор маъмурияти вакилларининг Мунавварқорига тошкентлик жадидларнинг етакчиси, бутун жадид мактабларининг бошлиғи, мусулмон матбуотининг илк ташкилотчиларидан, деган таърифларига дуч келамиз. Ҳа, русларнинг бу зиёлига нисбатан берган таърифлари жуда ҳаққоний эди, аммо холис-хайрихоҳ эмас, албатта.

Мунавварқори ўта мохир сиёсатчи эди. У турли матбуот нашрларида чоп этган мақолаларида ўз фикрларини шу қадар мохир тарзда ифода этадики, чор маъмурлари унга бирор айб қўя олмас эдилар. Бу эса Мунавварқорининг жуда синчков публицист эканлигидан далолат беради. Шу сабабдан ҳам чор маъмурияти Мунавварқорини фақат кузатиш, у ҳақда маълумот йиғиш, орқасидан хуфялар қўйиш билангина чекланган. Мунавварқорининг фаолиятини ўта синчковлик билан кузатган туркистонлик рус маъмурларидан бири, ўлка мустамлака маориф тизими “асосчиларидан” Николай Остроумов эди. Н.Остроумов китоблари орқали ўта шовинист, миллатпараст сифатида танилган. Унинг биргина “Қуръон ва тараққиёт” ёки “Қуръон нима?” каби асарлари юқоридаги фикрга далил бўла олади. Н.Остроумов мунтазам равишда маҳаллий зиёлилар устидан юқори идораларга арз қилиб турган. Унинг 1910 йил 3 сентябрда Туркистон генерал губернатори канцелярияси бошлиғи В.А.Мустафинга йўллаган махфий билдиришида Тошкент шаҳридаги жадид мактабининг катта муаллими Мунавварқорининг ҳукуматга қарши иш олиб бораётганлиги ҳақида огоҳлантириб қўйиш ўз вазифаси эканлигини маълум қилади. Н.Остроумовнинг ушбу билдириши натижаси ўлароқ В.А.Мустафин Туркистон ҳудудий оҳранкаси бошлиғига шахсан генерал губернаторнинг кўрсатмасига биноан Мунавварқори ортидан кузатув кучайтирилиши борасида буйруқ беради. Табиийки, Туркистон оҳранкаси Мунавварқори борасида турли йўллар билан маълумот йиғиб,

ушбу маълумотлар Мунавварқори ва унинг издошлари ҳамда ҳамфикрлари фаолиятининг айрим қоронғу жиҳатларини очишга ва улар борасидаги маълумотларнинг бойишига хизмат қиладиган манбалардан ҳисобланади. Энг ачинарлиси, бундай маълумотларнинг кўпи ўзларини ҳукуматга содиқ эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилган айрим маҳаллий “миллатпарварлар” томонидан тақдим этилган. Улар берган чакув қоғозларида асосан Мунавварқори ва унинг агрофига йиғилган ҳақиқий миллатпарварлар ҳақида маълумотлар жамланган. Ўзини Мунавварқори масжиди аҳлларида бири, деб таништирган “миллатпарварлар” дан бири берган чакув қоғозига кўра, Мунавварқори ташкил этган газеталар ҳукумат тарафидан ёпиб кўйилгандан кейин фикр ва ғояларини янги мактаблар орқали тарқатишга тиришаётгани ҳамда маҳаллий ёшларни Туркияга ўқишга юборишга каттиқ ҳаракат қиляётгани ўта эҳтирос билан баён этилган. Бу “миллатпарвар” Мунавварқорини “фош” қилиш мақсадида Туркистондан ташқаридаги матбуотда ўлка маъмурияти ва айрим амалдорлари тўғрисида танқидий мақола бериляётган бўлса, уларнинг барчаси Мунавварқори тарафидан ёзиляётганлигини ҳамда шахсан Н. Остроумов шаънига турли ҳақоратомуз сўзлар айтаётганини билдиради. “Ҳозирги вақтда Туркистонда Мунавварқори ва Самикоридан бошқа расмий ҳукуматга қарши ҳаракат қиляётган кимсалар йўқ. Агарда пайдо бўлган бўлса ҳам бевосита бу иккисининг шогирди бўлади”, деб ёзади “миллатпарвар”. Бу чакув қоғозлари Мунавварқорининг миллат равнақи учун олиб борган ишлари эски тарзда фикрловчи инсонларни қай тарзда ташвишга солганини кўрсатади.

Тошкент шаҳрининг мусулмон қисми полиция бошлиғи капитан Колесниковнинг Туркистон ҳудудий охранка бўлимига 1910 йил 9 декабрда берган маълумотномасида Тошкент шаҳридаги маҳаллий аҳоли ўртасида кечаётган янгиланиш ҳаракатининг раҳбари ва раҳнамоси Мунавварқори эканлиги таъкидланади. Мунавварқори бошлиқ ушбу ҳаракатнинг энг фаол 20-25 аъзоси мунтазам равишда ҳафтанинг пайшанба кунлари йиғилиш ўтказиб туриши ва бу йиғилишларда мусулмонлар ҳаётини ўзгартириш, Туркияга кўпроқ талаба юбориш масаласи муҳокама қилиниши маълумотномада багафсил ёритиб ўтилади. Колесников Мунавварқорининг маҳаллий мусулмонлар орасида қанчалик юқори эътиборга лойиқлигини кўрсатиш мақсадида “уни ҳаммалари катта бошлиқ” деб аташларини алоҳида урғулаб ўтади.

Мунавварқори чор ҳукумати тарафидан 1905 йил 5 октябрда эълон қилинган Манифестдан кейин ўз фаолиятини анча кучайтирди. Манифест бунга имкон берар эди. Лекин Россия империяси ҳудудидаги рус бўлмаган миллатларга ушбу Манифест берган сиёсий эркинликдан туркистонликлар жуда кам истифода қила олдилар. Бунинг асосий сабаби, агар Исмоил Гаспринский таъбири билан айтадиган бўлсак, туркистонликларнинг “ҳаётсизлиги”, уларнинг ўта сустрлиги бўлди, дейиш мумкин.

Гаспринский фикрича, туркистонликлар берилган имкониятдан фойдаланган ҳолда ҳукуматдан биринчи навбатда вақф ҳамда таълим соҳаси дохил диний ишларни ҳал қилишда эркинлик берилишини ҳамда Туркистон истило қилингандан бери жорий бўлиб келинаётган “ҳарбий ҳолат”ни бекор қилишни талаб қилишлари керак эди. Бу масалада Мунавварқори биринчилардан бўлиб Гаспринскийнинг юқоридаги фикрларини қўллаб чиқди. Мунавварқори Тошкент аҳолисини ҳаракатсизликда ва бошқа миллатлар аллақачон эришиб бўлган масалалар бизда ўрнидан силжимаётганлиги, яъни “Туркистондаги сиёсий тузумни ислох этиш; диний ва сиёсий ҳуқуқлар берилишини талаб қилиш” каби ишларни амалга оширишга хоҳишлари йўқлигидан шикоят қилади.

Мунавварқори “Тараққий” газетасида берган мақолаларидан бирида тошкентликлар юқоридаги каби айрим масалаларни ҳал қилиш мақсадида ҳукуматга мурожаат этиш учун бир неча маротаба турли йиғилишлар ўтказганига қарамай иш ўрнидан умуман силжимагани ҳақида ёзади. Бунинг асосий сабабини эса Мунавварқори фикрлари бир жойдан чиқмагани, бирлик бўлмагани ҳамда ҳар ким умум фойдасини кўзламай фақат шахсий манфаатини кўзлагани деб эркинлигидан истифода этган ҳолда бир неча вақтли матбуот органлари –

“Шухрат”, “Осиё”, “Хуршид” каби газеталар фаолиятини йўлга қўйди. Лекин ушбу матбуот органлари ислохпарварларнинг асосий “душманлари” уламо ҳамда улар ортидан эргашувчи “маърифатсиз” омма қаршилигига дуч келди. Чор маъмурияти юқоридаги “миллатпарварлар”дан фойдаланиб, газеталарни ҳукуматга қарши фикрларни тарқатаётганликда айблади ва уларни бирин-кетин ёпиб қўйди.

Дарҳақиқат, Тошкентда миллий матбуотни бошлаб берган илк вақтли матбуот органларида биринчи навбатда эски фикрли уламога қарши сўзлар айтилган бўлса, иккинчи ўринда ҳукуматнинг айрим вакиллари танқид остига олинди. Бу эса, табиийки, икки томонга ҳам хуш келмади.

Мунавварқорининг илк мақолаларида, Туркистонда мусулмонлар ижтимоий ҳаётини тубдан ислох қилиш тўғрисидаги фикрлар учрайди. У мазкур мақолаларида ислох қилишдан мақсад биринчи навбатда диний софликка чақирув, яъни ислом динини турли бидъатлардан тозалашга тарғибот яққол кўзга ташланади.

Туркистондаги илк “Тараққий” газетасида юқоридаги каби мақолаларнинг асосий муаллифи Мунавварқори эди. Ушбу газета катта қаршиликка учраб, ҳукумат тарафидан ёпилгандан кейин орадан бир неча ҳафта ўтиб Мунавварқори “Хуршид” газетасини таъсис қилди. Бу газета ҳам “Тараққий” тутган йўлдан борди, лекин бу сафар Мунавварқори газетанинг асосий йўналишини Россия ва қўшни мамлакатларда кечаётган сиёсий жараёнларни ёритишга урғу берди. Афтидан, Мунавварқорининг газетани бу йўналишга бургани Исмоил Гаспринскийга жуда хуш келган кўринади. И.Гаспринский “Таржимон”да “Хуршид”ни Россия мусулмонлари тарафидан чоп этилаётган газеталар ичидаги “соф миллий” матбуот органи эканлигини ёзиб чиқади. Бу эса туркистонлик, хусусан, тошкентлик зиёлиларнинг катта ютуғидан дарак беради.

И.Гаспринский Мунавварқори газетасининг “тили”дан ўта мамнунлигини яширмайди. Чунки бу “тил” Гаспринский тарғиб қилаётган туркий миллатларнинг умумадабий тилига жуда мос тушди. Шу сабабдан ҳам “Таржимон” “Хуршид”нинг биринчи сонидеги асосий мақолани ўз саҳифаларида қайта чоп қилди. Унинг “тили”ни эса бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатди. “Таржимон” “Хуршид”ни қолган сонларини ҳам диққат билан кузатди ва ундан анчагина маълумотларни яна ўз саҳифаларида қайта нашр қилиб борди. “Хуршид” газетасининг фақат 10 сони чиқди ва у 1906 йил 13 ноябрда “аксилҳукумат йўналиш”даги газета сифатида расмийлар тарафидан ёпилди. Ундан кейин Мунавварқори, Абдулла Авлоний ва татар намояндаси Аҳмаджон Бектемировларнинг биргаликда ташкил этган “Шухрат” ва “Осиё” газеталари ҳам юқоридаги айблов билан ёпилди. 1908 йил май ойида Туркистон миллий матбуоти, америкалик тадқиқотчи Адиб Холид сўзи билан айтганда, ҳукумат томонидан “бўғиб ўлдирилди”. Туркистон миллий матбуотининг биринчи даври шу тариха “хаётдан кўз юмди”.

Мунавварқори фаолиятининг асосий қирраларидан бирини ташкил этувчи йўналиш бу хайрия ташкилотларидир. Мусулмон хайрия ташкилотлари ички Россияда 1890-йиллардан бошлаб пайдо бўла бошлади. Бу йўналишда ҳам Гаспринский ва унинг “Таржимон” газетаси асосий тарғиботчи бўлди. Газета жамиятлар қай йўсинда очилади, унинг низоми қандай тартиб берилади, ҳукуматнинг қайси органларига мурожаат қилинади, деган масалаларни мунтазам ёритиб борар эди. Туркистонда бундай жамиятларнинг тўнғичи 1909 йили айнан Тошкентда Мунавварқори ва унинг атрофига жам бўлган миллатпарварлар ташаббуси билан ташкил этилди.

Ушбу кенг қамровли жамият 1909 йил 15 июлда, айрим маълумотларга кўра 10 августда “Жамияти Имдодия” номи билан қурилди.

“Жамияти Имдодия”нинг биринчи раиси сифатида Абдулла Авлоний 4 ой иш олиб борди. Ундан кейин эса жамият раислигига Тошкентнинг нуфузли миллионер савдогари Саидқаримбой Саидазимов тайинланган.

Мазкур жамият ҳукумат белгилаб берган “Намунавий Низом” асосида ўз низомини тасдиқлатгани боис айрим ишларни амалга оширишда “қўли боғлиқ” эди. Жамият фақатгина Сирдарё вилояти худуди бўйича турли моддий ёрдам кўрсата олар эди. Туркистондан Россия ва бошқа жойга бориб ўқиётган туркистонлик талабаларни моддий жиҳатдан қўллаши қонун бўйича таъқиқланган

эди. Шу сабабдан ҳам таниқли тошкентлик маърифатпарвар Мўминжон Муҳаммаджонов, у вақтда Уфадаги "Мадрасаи Олия" талабаси, жамиятга моддий ёрдам сўраб мурожаат қилишига қарамай, рад жавоби олган эди. Лекин жамият асосчиси Мунавварқори шахсан ўзи айрим бой савдогарлар олдига бориб М.Муҳаммаджонов учун бир миқдор маблағ топиб бергани "Турмуш уринишлари" асарида баён этилган.

Жамият аъзолари таркибида тошкентлик айрим нуфузли бой кишиларнинг ҳам бўлишига қарамай моддий жиҳатдан у қадар бой ташкилотга айлана олмади.

"Жамияти Имдодия"нинг моддий жиҳати фақатгина аъзолардан олинган бадал пули ҳамда турли йиғилишларда йиғилган маблағга боғлиқ бўлганлиги сабабли жамиятнинг ишлари жадал ривож топмади. Жамият Низомдан ташқари бошқа бир турли фаолият олиб бора олмаслиги ҳам уни имкониятларини бир тарафдан чеклаб қўйган бўлса, бошқа тарафдан моддий қийинчилик ҳам тўсиқ бўлди. Жамиятнинг раиси Саидазимбой Саидқаримов тошкентлик бойларни жамият атрофида қовуштира олмагандан кейин жамиятни Мунавварқори бошлиқ ёшлар қаноти ташаббусни ўз қўлларига олишга мажбур бўлди. Мунавварқори ўз "Хотиралари"да жамият аввалда катта бойлар қўлида эди кейинчалик ёшлар қўлига ўтди, деб ёзганида айнан мана шу вазиятни назарда тутган эди. 1913 йилга келиб жамиятни ёпиш масаласи ўртага қўйилди. Мунавварқори вазиятдан чиқиш мақсадида айрим рус ва татар хайрия жамиятлари қўллаган усулдан фойдаланишга қарор қилди. "Жамияти Имдодия" моддий жиҳатини яхшилаш учун турли бадий кечалар ташкил этиш режасини ишлаб чиқди. Тадбирдан тушган маблағ Жамият ҳисобига ўтди.

"Жамияти Имдодия" ташкил этилган 1909 йилнинг ўзидаёқ Тошкентнинг рус қисми комендант Н.К.Калмаков Сирдарё вилояти Ҳарбий губернаторига жамиятни ёпишни илтимос қилиб рапорт берди. Калмаков жадиждлар раҳнамолигидаги дунёвий ишлар билан шуғулланувчи ушбу жамият шариат қоидаларига умуман зид деб таъкидлашга уринади. У бундай жамиятлар таъсирида Тошкент аҳолиси ўртасида турли жанжаллар чиқиши, бу эса бутун минтақа бўйлаб норозилик кайфиятларини кучайтириб юбориши мумкинлигидан юқори ташкилотларни огоҳ этишни ўз бурчи эканлигини ҳам қўшиб ўтади. Кўриниб турганидек, аҳолини янгилик ва эскилик тарафдорлари бўлган бир-бирига қарши икки гуруҳни шакллантиришга алоҳида эътибор берган. Бу мақсадда эса ислом дини ва шариатни "қурол" қилиб олди. Жадиждлар тарафидан амалга оширилаётган ҳар қандай ислоҳот ва янгиликни шариатга зид қилинмоқда деб уламони уларга қарши қўйишга ҳаракат қилди. Шу тариқа Туркистон чор маъмурияти ислом динининг келажакига "қайғурган" бўлиб аҳолини шариат доирасида бошқариб борди.

Тошкентда янги усул мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожини яна Мунавварқори фаолияти билан боғлиқ. Ушбу йўналишда охириги 20 йил ичида жуда кўп изланишлар, мақолалар эълон қилинди. Яна уларни такрорлашга ҳожат йўқ. Бир нарсани айтиш мумкинки, Мунавварқори аҳолига янги усул мактабларининг афзалликларини таништириш мақсадида Тошкентда ички Россияда унумли қўлланилиб келинаётган очик имтиҳон тадбирини биринчилардан бўлиб қўлади. Энг асосийси, ушбу тадбирлар ҳақида Н.Остроумовнинг "Туркистон вилояти газети" саҳифаларида ёритиб борилди.

Мунавварқорининг фаолияти жуда кенгқамровли бўлганлигидан унинг барча жиҳатларини кичик мақола доирасида ёритиб бериш жуда мушкул вазифа. Унинг фаолияти нақадар чуқур бўлса, ушбу фаолиятнинг ҳар бир кирраси шу қадар мукамал ва чуқур тадқиқ қилиниши лозим. Ана шундагина биз Мунавварқорининг миллат манфаати, равнаки, унинг тараққиёти ва истиқлоли учун олиб борган ишлар қўламини яққолроқ кўришимиз мумкин бўлади.



## Нарзулла ЖЎРАЕВ

# ТАВАЛЛОДАН МУНОЖОТГАЧА

*Илмий-фалсафий эссе*

XVIII асрга келиб Европада Зардуштийлик фалсафаси кенг тарқалди. “Авесто” турли йирик илмий тадқиқот марказларида, кутубхоналарда мутахассислар томонидан зўр қизиқиш билан ўргана бошланди. Ушбу давр Европа фалсафий тафаккурида кескин бурилиш даври бўлди, десак хато бўлмайди. Европа фалсафасида бутунлай ўзгача йўлдан кириб келган, инсоншунослик ғоясини қалб ва руҳият орқали ўрганиш тамойилини илгари сурган Фридрих Нитше ўз фалсафий қарашлари билан кенг жамоатчиликка тез танилди. Албатта, у ўзидан олдинги йирик файласуфлар, жумладан, Шопенгауэр фалсафасини чуқур ўрганди. Унга эргашиди, метафизик қарашларидан фойдаланди. Бироқ, ёш олимнинг ҳеч кимга ўхшамаган хулосалари, ҳаёт йўли, одам ва оламга бўлган муносабати жаҳон фалсафасида мутлақо янгилик бўлди.

Нитше фалсафасида оламнинг бус-бутунлиги, инсоннинг баркамол ва етуқлиги муаммоси асосий ўрин тутди. У яхлит оламнинг барча гўзалликлари-ю жозибаси билан бирга салбий жиҳатларини бир бутунлигича қамраб олади. Натижада идеал инсон ва идеал ҳаёт тарзини орзу қилади. Ана шу ушалмас орзу унинг бир умрлик фалсафий қарашлари моҳиятига айланди.

Нитшенинг Зардушт фалсафасига бутунлай берилиши ва бу таълимот мақомидаги фалсафани ўрганиши, ўрганибгина қолмай, уни ўз қалбидан, руҳиятидан ўтказиб, реал воқеликка айлантириш ғояси тасодиф эмас. Нитше протестант руҳонийси оиласида туғилди. Унинг мурғак онги тақво ва ибодат таъсирида шаклланди, ривожланди. Тақводорлик муҳити унинг илк диний тасаввурларини бойитди. Гимназияда ҳам диний таълим олди, черковларга қатнади. Қалбан ва руҳан илоҳиятга ўта яқинлиги, жозибадор ва кўркем йиғитча бўлганлиги туфайли бўлса керак, ўртоқлари уни “ибодатхонадаги 12 ёшли Исо” дейишарди. Бу эса шахс сифатида ёш Нитшенинг сурати ва сийрати, шакли ва мазмуни, зоҳири ва ботини бир хиллигидан далолат беради.

Ёш Нитшенинг адабиёт, санъат, тарих ва фалсафага қизиқиши жуда баланд эди. У, ҳатто, ўн ёшидан шеърлар ҳам ёза бошлайди. Илоҳий китобларни қироат билан ўқишни яхши кўрарди. Диний кўшиқларни меъёрига етказиб ижро эта оларди. Қироат, оятларни ғоят оҳангдорлик билан кўшиқ қилиб қуйлаш ишқи ва маҳорати унинг диний-мистик қарашларини шакллантирди. Бонн ва Лейпциг университетларида таълим олди. Базел университетида профессор бўлиб ишлади. Ана шу йиллар олимнинг самарали ишлаш, Ғарб фалсафасида бетакрор, ўзига хос илмий кашфиётлар қилиш даври бўлди.

Нитшенинг санъат, тарих ва адабиётга қизиқиши фалсафий қарашларига ҳам ўзига хос таъсир этди. Бошқача қилиб айтганда, мураккаб фалсафий тафаккурни жозибадор бадиий сўз ҳамда образли ифода билан уйғунлаштириб, мутлақо янги шакл ва мазмундаги фалсафий асарларни дунёга келтирди. “Муסיқа руҳидан

фожианинг туғилиши” (1872), “Қувнок фан” (1882), “Зардушт таваллоси” (1883), “Ҳамма учун ва ҳеч ким учун” (1883-1892), “Ҳокимиятга интилиш” (1906) сингари асарлари номланишининг ўзиёқ кишининг диққатини тортади, қизиқшини оширади. Бу асарларнинг ҳар бири муаллифга кўпдан-кўп шуҳрат келтирди.

Оғир касаллик туфайли жамоадан ажралиб қолган Нитше идеал инсон орзуси билан яшади ва бу мавзуда қатор асарлар яратди. 1872 йили “Муסיқа руҳидан фожианинг туғилиши” китоби нашр этилади. Ушбу асарда яшаш завқи ва фожиавийлик туйғулари билан мушоҳадалилик, мантиқийлик, катта интеллектуал салоҳият, ақлий устуворлик муаммолари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар фалсафий талқин этилади ва инсон онгидаги бундай азалий зиддиятларнинг ўзига хос талқини Нитше фалсафий қарашларининг бетақрорлигидан далолат беради. У кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Икки қисмдан иборат “Зардушт таваллоси” китобининг биринчи қисми 1883 йили, тўлиқ нашри эса 1892 йили чоп этилади. Муаллифга жуда катта шуҳрат олиб келган ушбу китоб фикр билан туйғу, ақл билан ҳиссиёт, юксак фалсафий мушоҳада билан эҳтиросли бадиият қоришиб, мутлақо ўзига хос насрий дoston сифатида юзага келган. Ушбу нодир асарни таниқли олим ва йирик таржимон Иброҳим Ғафуров зўр маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган<sup>1</sup>.

Нитше файласуф сифатида, айтиш мумкинки, қарашларида инсоният имкониятлари чегарасидан чиқиб кетган онгни мужассамлаштирган Зардушт билан ўзини тенглаштиради. Яъни, кишилиқ тарихида илк марта илоҳий ғояларни илгари сурган Зардушт билан ҳамфикр бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу асарда чуқур психологик ҳолат билан мантиқий асос уйғунлашган. Қалб изтиробларини, зарбаларини, титроқларини, бесаранжом, беорому беҳаловат туйғуларини руҳий ҳолат орқали ифода этади.

Китобда ҳаёт фалсафаси, инсон тушунчаси, кишилиқ ҳаётининг ёруғ ва қоронғу томонлари, зиддиятлар ва изтироблар ўз аксини топган. “Авесто” ғояларини чуқур ўзлаштирган, айни пайтда ана шу ғояларда одам ва олам моҳиятини кўра билган, унда диний ва дунёвий қарашлар уйғунлашганини англаган Нитше ўз фалсафий қарашларини, илмий ғоялари ва муносабатларини Зардушт орқали ифодалашга эришади.

Асар услубида Зардушт билан Нитшенинг тенглиги яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, муаллиф илоҳий шахс билан ўзини тенг қўяди, ўзаро мулоқотда бўлади, кўп ҳолларда Зардушт номидан гапиради, Зардушт ғояларини ўзининг қалб кечинмалари билан синтезлаштиради. Гарчи улар туғилган макон турли минтақаларда жойлашган, жуда улкан, маҳобатли тарихий давр уларни ажратиб турган бўлса-да (улар яшаган давр қарийб уч минг йиллик масофа билан фарқланади), қарашлар уйғунлиги фавқулodда ҳодиса сифатида, айни пайтда ўта табиий ҳолатда юзага келади. Бу шу даражада табиий, шу даражада мусаффо ва гўзалки, уни бир-биридан ажратишга интилиш ёки бир-биридан айро ҳолда тушуниш жиддий хатоликка олиб келади. Асарда муаллиф Зардушт билан замондошдай, яқин дўстдай гаплашади. Ўзининг ғояларини тўғридан-тўғри Зардушт орқали тушунтиришга ҳаракат қилади ва бунга эришади:

“Қаранг, мен сизларга аъло одам ҳақида таълимот беражакман”.

Аъло одам – заминнинг мазмуни. Сизнинг иродангиз айтсин: “Майли, аъло одам заминнинг мазмуни бўлсин!” (6-бет).

Аъло одам. Бу жамиятнинг сараланган, табиий танланган қатламига, элитасига дахлдор одам. Нитшенинг аъло одамни кўргиси келяпти. Маънавий баркамол, интеллектуал жиҳатдан юксак, қудратли, шижоатли, бағрикенг, тўғрисўз, баркамол одамни соғиняпти. Ҳаётда шундай одамлар мавжуд бўлишини балким орзу қилгандир. Балки шундай одамлар мавжудлигига ишонгандир. Жамиятда

<sup>1</sup> Қаранг. Нитше. “Зардушт таваллоси”. Т.; “Янги аср авлоди”. 2007. Иқтибослар шу китобдан олинган, фақат бети кўрсатилади.



аъло, яъни баркамол одамларга эҳтиёж ҳамма вақт бўлган ва бор, у бизга шуни яна бир бор эслатаётгандек.

“Аъло одам заминнинг мазмуни! Зотан, замин ҳаёт манбаи, ризқу рўз манбаи, фаровон ва бахтли ҳаёт маскани. Агар аъло одам унга эгалик қилсагина! Ва илоҳий имдод келади: “Майли, аъло одам заминнинг мазмуни бўлсин!” “Биродарларим, мен сизга илтижо қилиб айтурман: заминга содиқ бўлингиз ва ер узра умид тўғрисида сизга сўзлаётганларга ишонмангиз. Ўзлари биларларми-билмасларми, барибир, улар заҳарлагувчилардир.

Улар ҳаётдан нафратланурлар, улар ўзларини-ўзлари заҳарламышлар ва ўлимлари сари йўл олмишлар, ер улардан чарчамишдир: ўлим уларга!” (6-бет).

Муаллиф қалбида олдин кучли оптимизм бор эди. У реалликка мойил эди. Бироқ инсоннинг эзгулик ва ёвузлик олами эканлигидан сесканиб кетади. “Авесто”даги даъватлар, нидолар, саловотлар ва дуолар қулоғига чалинади. У ҳушёр тортиб, реал ҳаётга қайтади. Жаҳолат, қабоҳат, надомат, хусумат мавжуд бўлган бир пайтда, идеал ҳаёт ва идеал инсон ҳақида ўйлаш қанчалик изтиробли. Бу Нитшенинг жаҳон фалсафасидаги ўзига хос имдоди эди.

Зардушт фалсафаси яхлит инсоният тафаккурининг мажмуаси, қомусий характерга эга бўлган илоҳий ҳаёлот, диний тоат-ибодат ва тақво, реал заминда, конкрет ҳаётда инсоният қарашлари ва тафаккур тарзини ўзида мужассам этиб, дунёвий фалсафа, дунёвий тафаккур мақомига эга бўлади. Аслини олганда, Зардушт фалсафасининг ҳаётийлиги ҳам, маҳобати ҳам, ўлмаслиги ҳам ана шунда.

Нитше “Бир куни Зардушт ҳам барча нариги дунёчилар каби ўз ҳаёлларини одамнинг нариги дунёсига қаратди. Ўшанда менга дунё азоб чекаётган ва абгор бўлган Худонинг аъмоли бўлиб туюлди”, – дейди (24-бет). Энди муаллиф боқий дунёдаги одамлар аҳволидан хабардор бўлади, уларни кўз олдига келтиради, азобланаётганларидан азобланади. Жаннат гаштини сураётганлардан кўнгли таскин топади.

Афсуски, азобли, уқубатли дунё кенгрок туюлади унга ва фоний дунё унинг кўзига “азоб чекаётган ва абгор бўлган Худонинг аъмоли бўлиб туюлади”. Идеал одам фалсафаси, баркамол инсонни кўриш орзуси, ҳар томонлама етук одам билан мулоқотда бўлиш истаги энди изтиробга айланади.

“Яхшилик ва ёмонлик, шодлигу азоб, мену сен – бари менга Яратганнинг кўз ўнгидаги ранго-ранг дуд бўлиб кўринади. Яратган ўзидан ўз назирини эвиришни истади ва ўшанда у оламни бино қилди” (24-бет).

Демак, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, ишонч ва ишончсизлик, садоқат ва хиёнат, эзгулик ва ёвузлик оламнинг рамзи, Яратган унинг эврилишини хоҳлайди. Ўзи бино қилган оламнинг бенуксон ва кўркем бўлишини истади. Бу бевосита инсон оламининг қай даражадалигига боғлиқ. Қалбан гўзал инсон гўзаллик яратади. Эзгулик билан яшайдиган киши эзгулик ҳукмрон бўлган турмуш тарзини йўлга кўяди.

Нитше инсон, ҳаёт, дунё атрофида фикр юритар экан, руҳий ҳаёлот ва фикратдан ҳаётий хулосаларга ўтади, реал воқеликка муносабат билдиради ва шундай дейди: “Мангу зиддиятнинг акси ва нотаом тимсол, мангу нотаом бу дунё – унинг нотаом яратувчиси учун мастона шодиёна, – бир маҳаллар дунё менга шундай бўлиб туюлди” (26-бет). Зиддиятларга тўла олам, нуқсонлардан холи бўлмаган тимсол – одам. У мангу нотаом, етук бўлолмайди, идеал инсонга айлана олмайди. Демак, замин нотаомлар маскани. Кишилик ҳаёти баркамол эмас. Шундай эди, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Фақат кимлардир айрим жиҳатлари, фазилатлари ё ақлий қобиляти билан ўзгалардан ажралиб туриши мумкин. Айни ана шу инсоният ҳаётининг идеал даражада бўлмаслиги баркамол бўлмаган одамлар учун қайсидир маънода шодиёнадир. Нитше ҳам, Зардушт ҳам шундай ўйлайди ва чексиз изтироб чекади.

Нариги дунёчилар зикрида давом этар экан, Нитше ўзида кучли оптимистик

руҳни ҳис этади, ирода қуввати ошади, юксак маънавий куч энди унга ҳаётга рағбат, келажакка ишонч, янгидан-янги умид куртакларини очади ва “Нима бўлди ўзи, биродарларим? Мен азоб чекаётган ўзлгимни енгдим, мен ўзлгимнинг хоки туробини тоққа олиб чиқдим, ўзимга ортиқ нурафшонроқ аланга топдим. Қаранг энди! Шарпа мендан узоқлашиб кетди!”, – дейди (24-25-бетлар).

Эзгин хаёллар, кўнгилга таҳдид солувчи қора шарпалар ортда қолди! Нитше ўзида кучли иродани ҳис этди, ўзини-ўзи енгди. Орзу-умидлар тоғига чиқди, нурафшон ҳаётга ёрқин нигоҳ билан қарай бошлади. Бу муаллифнинг ички кечинмаларигина эмас, дунёда қанча одам бўлса, барчасининг қалбида ана шундай ҳис, ана шундай туйғу мавжуд. Ички ирода ва ўзини-ўзи бошқаришга қодир бўлган руҳ бор. Ҳамма гап уни кўзгата олишда, уйғота билишда, ривожлантира олишда, холос. Умуман олганда, инсон ўзининг табиий, биологик, физиологик ва маънавий тузилиши жиҳатидан мураккаб тизим. Ҳар бир одам алоҳида олам. У ўзини-ўзи бошқара олиши, йўналтира билиши, ривожлантириб, камол топтириш рағбатига эга бўлиши лозим. Ҳар ким ўз инон-ихтиёрининг ҳоқими ўзи бўлсин. Ўзини-ўзи рағбатлантирсин, руҳлантирсин, ножўя хатти-ҳаракатлар қилганда ўзига-ўзи танбех бера олсин, ўзини-ўзи жазолай ва кечира олсин.

Нитшенинг инсон фалсафасида қалб ва руҳият категориялари алоҳида мавқега эга. Қалб ҳар бир инсоннинг яхлит ва бир бутун алоҳида олами. Юрак эмас. Юрак одамнинг кўплаб аъзоларидан биттасигина, холос. У ўзининг биологик вазифасини ўтайди, – вужудни қон билан таъминлайди, холос. Қалб эса ҳар бир индивиднинг бетакрор, фақат ўзигагина хос бўлган, ўзининг “Мен”ига эга бўлган яхлит олами. Руҳ эса уни бошқаради, йўналтиради. Бу хулоса нафақат Зардушт фалсафасида, балки барча дунёвий динларда турли шаклларда ўз ифодасини топган. Зотан, таквонинг тури, ибодатнинг шакли хилма-хил бўлса-да, Аллоҳ ягона! Нитше фалсафаси Зардушт орқали ана шундай мақомга эга. Бошқача қилиб айтганда, Зардушт саловоти, дуолари, таваллоси Нитше қалби орқали нитшеёна муножот бўлиб янграйди. Бу муножот ўта жарангдор, ўта файзли, тароватли, чуқур мазмунга ва хулосаларга эга бўлган ғоя. Айни пайтда бироз мискин, тушқун, ғамгин фалсафадир. Ана шу жиҳатдан қараганда, уни айрим файласуфлар тушқунликка, пессимизмга берилганликда айблашади. Аслида эса, ушбу тушқунлик, ғамгинлик тагида Нитшенинг кучли, қудратли иродаси ва ёрқин руҳияти аниқ сезилиб туради.

Зардушт ва Нитшенинг ҳам илоҳий, ҳам ҳаётий фалсафаси бу! Зардушт беморларга шафқатли, меҳрибон, раҳмдил. Бирок, инсон ҳар қандай шароитда ҳам инсон-да. Баъзан меҳру шафқатни билиб-билмай суистеъмол қилиши, кўрнамаклик қилиши мумкин. Аммо буюклик – буюкликдир. У фақат меҳр, шафқат, бағрикенглик, чексиз мурувват соҳиби. Кўрнамаклик, мунофиқлик, умуман барча иллатлардан устун турадиган маъво. Нитше бу ерда реал ҳаёт билан диний тафаккурни уйғунлаштиради, реаллаштиради, ҳаётийлигини ва улуғворлигини исботлайди.

Нитшенинг баён услубида, фикрни ифодалаш шаклида европалик донишмандлар услубидан кўра кескин ва ёрқин ўзига хослик бор. Биринчидан, у ҳар қандай оғир, залворли фикрни, ақлни остин-устун қилиб юборадиган гапни жўшқин ҳиссиёт ва қайноқ эҳтирос билан йўғрилган ҳолда баён этади. Иккинчидан, у бевосита ва тўғридан-тўғри Шарқ феноменига мурожаат қиляпти, унинг оламида яшаяпти. Ўзини ўзи танлаган, ихлос қўйган зардушт тимсолида кўрмоқда. Шунинг учун Нитшенинг услуби “Авесто” матнларининг услубига жуда ўхшайди, яқин туради. Нитшега “Авесто”нинг таъсири шу даражада кучли бўлганки, ҳатто фикрни баён этиш услублари ҳам бир-бирига ўхшаш. Яъни, ҳар бир гап кўпинча алоҳида сатрдан бошланади. Ҳар бир гап тўлиқ, бўлиқ, аниқ фикрга йўналтирилган, аниқ хулосани ифодалаган яхлит тизим. Иккинчи гап ўз ўрнида янги сатрдан бошланади. Албатта, бу гап ҳам ўз юкига, фикрий

салмоғига, тўлиқ мағзига эга. Улар фақат бир-бирини тўлдиради, холос. Ҳар бир гап алоҳида урғу, алоҳида таъкид ва ниҳоят, алоҳида таъсир кучига эга. Жумлалар оғир ва мағизли, шижоатли ва даъваткор, жозибали ва таъсирчан. Айни пайтда чуқур ўйлашга, фикрлашга, ақлнинг янгидан-янги қирраларини очишга мажбур этадиган чақирик. Бу бетакрор услуб.

“Ҳис нимани ҳис қилар ва ақл нимани билар – ўзида ҳеч қачон ўз мақсади бўлмас, лекин ҳис ва ақл сени ишонтирмоқчи бўлиб, уринарларки, улар ҳамма нарсаларнинг мақсади деб: улар шунчаки худписанддирлар” (28-бет).

Аслини олганда, инсон жонзот сифатида ҳиссиёт ва ақл олами. Айни ана шу жиҳатлари билан ҳам бошқа жонзотлардан устун туради. Имом Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат” китобида таъкидлашича: “Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок, илоҳий нурдан иборат. Фақат инсонда ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд”<sup>1</sup>. Демак, ҳайвонда шаклланишга, ривожланишга, ўзини-ўзи бойитишга, ўзини қадриятга айлантиришга даъват этадиган руҳ, ички қувват йўқ. Фаришта эса азалу абад пок бўлганлиги учун унинг шаклланиши ва ривожланишига эҳтиёж йўқ. У шундоқ ҳам тоза, шундоқ ҳам покиза, нур янглиғ безавол. Фақат инсондагина руҳий камолотга интилиш туйғуси мавжуд ва унинг комилликка интилишида, етуклик сари ҳаракат қилишида ҳаёти мазмунини бойитишга, шу аснода яхлит кишилик жамиятининг гўзал ва кўркам бўлишига даъват бор. Руҳий камолот туйғуси инсон феноменининг таянчи, уни қадриятга айлантиргувчи буюк мўъжиза.

Ғаззолий фикрини анча кейин атоқли немис файласуфи К.Ясперс бошқача талқин этади: “Ҳис-туйғу моҳияти сифатида у (инсон – Н.Ж.) ҳайвондан юқори, маънавий-руҳий жиҳатдан фариштадан пастда туради. Ўз моҳиятининг ана шу икки томони билан уларга қавмдош бўлса-да, ҳайвон ҳам эмас, фаришта ҳам эмас. Уларнинг ҳар икковидан ҳам устун томонлари бор. Бу бевосита Аллоҳ томонидан яралганлиги билан белгиланади”<sup>2</sup>.

Нитше фалсафасида ҳис ва ақл тушунчаси устуворлик қилади, бироқ уни ривожлантиришга, камолотга етказишга эҳтиёж ҳамиша катта бўлади. Мақсад, орзу, умид туйғулари инсонни асрайдиган, истикболга даъват этадиган, эртанги кунга ишонч туйғуларини оширадиган воқелик. Инсон ҳиссиёт орқали ҳис этади, ақл орқали мақсадларини амалга оширади. Руҳ ва ирода хатти-ҳаракатга айланиб, орзулар ва умидлар рўёбини таъминлайди. Шунинг учун бўлса керак, Нитше уларни худписандликда айблайди. Зотан, аниқ хатти-ҳаракат, интилиш, мақсадни рўёбга чиқаришга қодир бўлган ирода, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни енга оладиган сабот бўлмаса, ақлнинг ўзи уни рўёбга чиқара олмайди. Ҳавасу иштиёқни аниқ амалий фаолиятга айлантиролмайди. Эҳтимолки, Нитше инсон руҳиятидаги ана шундай мураккаб ҳолатни назарда тутгандир.

Юқоридаги фикрни давом эттириб, аллома “Биродарим, сенинг фикратинг ва ҳиссиётларинг узра янада қудратлироқ ҳукмдор, номаълум бир ҳаким қад ростлаб туради – унинг исми ўзидир. У сенинг танангда яшайди; у айнан сенинг вужудингдир”, – дейди (28-бет). Бу фикрни икки хил талқин қилиш мумкин. Аслида ҳам шундай. Биринчиси, ҳар бир кишининг фикрати ва ҳиссиётидан устун келадиган, унга буйруқ бериб турадиган ҳукмдор, кўзга кўринмайдиган, ҳамиша ҳушёр караб турадиган ҳаким “Унинг ўзи” – Аллоҳ: Аллоҳ хоҳламаса, буюрмаса бандаси ҳеч нарса қилолмайди. Бу барча дунёвий динлар ақидаси, қатъий ҳулосаси. Иккинчи томондан, дунёвий таълимотда инсон ва унинг моҳияти бевосита феъл-атвор, руҳий ва маънавий етуклик орқали очилади. Вужуд ўзингники, демак, уни ўзинг бошқарсан, йўналтирасан, фақат ақлинг доирасида, ҳис-туйғуларинг таъсирида. Руҳият ва ирода бошқарувчи куч, холос.

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари. Т., 1999, 149-бет.

<sup>2</sup> Ясперс К. Смысл и назначение истории. М., «Республика», 1994.

Нитшенинг идеал инсон борасидаги армони ана шу ерда яна долзарблик касб этади.

Нитше фалсафасида онг, инсоннинг ўзини-ўзи англаши масаласи алоҳида мавқега эга. Унинг инсон фалсафаси инсон моҳиятини тушуниш, мавжудот сифатидаги қадриятини белгилаш ва бу қадриятни ҳар бир индивиднинг ўзи қадриятга айлантира олиш ё олмаслиги масаласини чуқур таҳлил қилади. Зардушт таваллоси орқали Нитшенинг ички нидоси, қалб ҳайқириғи айни ана шу зиддиятли, мураккаб, ранг-баранг олам феноменини яратишга қаратилган. Бу эса инсоншуносликда ўзига хос илмий-фалсафий, бадиий-мантикий, илохий-дунёвий қарашлар синтези сифатида юзага келди. Бир қараганда, мазкур китоб соф илмий фундаментал тадқиқотга ўхшайди. Иккинчи томондан, уни ўқиганингиз сари чуқур фалсафий ва мантикий фикрларга асосланган бадиий асарга гувоҳ бўласиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам аллома Зардушт тимсоли орқали ўзининг ички кечинмаларини, илмий-назарий хулосаларини, инсоншунослик борасидаги фундаментал концепциясини яратади. Асарда илмий бетакрорлик ва бадиий мўъжизакорлик уйғунлашиб кетган.

“Сенинг вужудингдаги онг сенинг олий ҳикматингдан кўра каттароқдир. Ва яна ким билсин, сенинг вужудингга сенинг олий ҳикматинг нимага ҳам керак?” Бир-бирига зид, бир-бирини инкор қиладиган фикр илгари суриляпти. Аслида эса, фалсафанинг моҳияти фикрлар қарама-қаршилигидан, ғоялар зидлигидан, бир-бирини инкор қилишдан иборат. Акс ҳолда, ҳамма файласуфлар бир хил фикрлаган бўлишарди. Нитше эса мазкур ғояси билан инсон моҳиятининг янги қиррасини очяпти. Онг бўлмаса инсон ҳеч нарса эмас. Инсонни инсон қилиб турган нарса онг деган ғояни илгари сурияпти. Яна ўзини-ўзи инкор қилиб, олий ҳикмат, мурувват ва ҳиммат онг бўлмаса, керак бўлармикин деган саволни ҳам ўртага ташлайди. Бу эса ўз-ўзидан барча фазилатларинг, барча имкониятларинг онг орқали намоён бўлади, онг орқали ўзингнинг қудратингни кўрсатасан. Онг бўлмаган тақдирда бу фазилатларинг ҳеч нарсага ярамайди, демокчи.

Бу ерда инсоннинг ички оламидаги зиддиятлар юқорисидагидай ўзини ўзи инкор қилиш ҳолатларида кўзга ташланади. Ҳаётдан нолиб яшайдиган, камчилик излайдиган, бировларнинг нуқсонини топишдан ҳузур қиладиганлар ҳақида гап боряпти. Яратгувчи нафратни яратди, шодлик ва ғамни яратди. Айни пайтда, иродадан устун турадиган барча эзгуликларни амалга оширишга, яхшилиқ ва саховатни ҳимоя қилишга қодир бўлган руҳни ҳам берди. Ана шу руҳ, айтиш мумкинки, инсоннинг барча бало-офатлардан, ёмонликлардан, ҳасад ва ғаразлардан ҳатто, тажовузлардан асрагувчи илохий қудрат. Бу ғоя тасаввуф фалсафасида ҳам алоҳида мавқега эга. Ислом ақидаларига кўра инсонни руҳ бошқаради. Ақл руҳнинг қуроли.

Алишер Навоий ўз асарларида “сувайдо” сўзини ишлатади. Ҳазратнинг фикрларига кўра, сувайдо инсон юрагининг қоқ ўртасида жойлашган куюк нуқта, туйнук эмиш. У кимдадир яхшилиқ, эзгулик, меҳр-шафқат, ёруғ орзулар туйнуғи. Кимдадир ғараз, кўролмаслик, ҳасад, ёмонлик туйнуғи. Инсон ана шу туйнук орқали оламга қарар экан, кўз орқали кўриб, ақл орқали идрок этиб, қалби-руҳи буюрганича хулосага келармиш. Демак, қалбнинг буйруқ берувчи кучи бу – руҳ. Шунинг учун ҳам мутасаввуфлар руҳи соғлом одам кучли бўлади, руҳи тетик одам ҳар қандай тўсиқларни енга олади, зиддиятларда синиб қолмайди, ўзини-ўзи ҳимоя қила олади, асрай билади, деган фикрни илгари суришади. Нитше “Рух яратди мисоли иродасининг дастидарози каби” деганида ана шуларни назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

“У ўзи баридан кўпроқ истаган нарсани қилишдан ожиз, – ўзини бундан буён яратишдан ожиз.

У буни баридан ортиқ истар, унинг бутун ҳирсу эҳтироси худди мана шундан”(29-бет). Ҳар бир инсоннинг биологик, физиологик, интеллектуал ва маънавий етуқлигидан келиб чиқадиган бунёдкорлик имконияти бўлади.

Жисмонан заифроқ одам пахлавонлик даъво қилолмайди. Афсуски, инсон баъзан ўз имкониятидан ортиқроқ нарсаларга эришишни хоҳлайди. Бироқ имконият доирасидан ташқари бўлган ҳар қандай эҳтиёж ҳеч қачон қондирилмайди. Ортиқча таъма ризқни қирқади, деган нақл ҳам бор халқимизда. Кўп нарсани хоҳлаш мумкин, унга катта ҳирсу эҳтирос билан даъво қилиш мумкин, лекин имконият азалул-абад чекланган.

Тан, вужуд – моддият. Рух, онг, тасаввур – илоҳият. Имкониятидан кўпроқ сўраган, таъмагирлик ва кўп нарсага эришиш иштиёқи одамни руҳан ўлдиради. Кўзлаганига эришолмаган одам ҳаётдан, замин у осмондан норози бўлади. Норозилик нафратга айланади. Унинг “ғилай нигоҳидай, онгсиз ҳасад ғилдиллаб туради”. Ҳасад эса инсоннинг кушандаси. Ҳасад очкўз курт, одамни ичидан кемирадиган. Лекин у ўзи яшаётган вужудни абгор қилгунга қадар, ўзгалар қонини ичади, “аъло одам”лар умрига зомин бўлади. Яхшиларнинг, яхшилиқнинг, эзгуликнинг изтиробидан роҳатланади. Зардушт ундан нафратланади.

Нитше фалсафасида аъло одам ғояси ана шу тарзда устуворлик қилади. У Зардушт қарашлари орқали кишилиқ ҳаётига назар солади. Инсон моҳиятини таҳлил этади. Фалсафий-мантӣкий изланишлар орқали ўзининг эзгу идеалини яратишга ҳаракат қилади. Ҳасад, фисқу фасод, кўролмаслик, худбинлик илдиз отган, чиркин ҳаётдан бир зум узоклашиб, идеалларидан эзгуликка йўғрилган нурдай покиза ҳаёлотидан, орзуларидан нажот излайди.

Албатта, Нитше ҳам бошқа буюк файласуфлар қатори идеал инсон бўлмаслигига қатъий ишонади. Чунки инсон қанча яшамасин, доимий равишда тарбияга эҳтиёж сезади. У камолот сари интилишга маҳкум этилган жонзот. Агар инсон мукамалликка эришса, фариштага айланмоғи лозим. У ерда яшамайди. Осмоннинг еттинчи қаватида – Арши Аълонинг атрофида яшайди (Имом Ғаззолийнинг юқорида келтирилган фикрини эсланг). Буни Нитше яхши тушунади. Бироқ идеал инсон фалсафаси, аъло одам тушунчаси унинг ўзининг идеали. У илмий-фалсафий идеал сифатида алломани асрайди, ҳимоя қилади, рағбатлантиради, буюк кашфиётлар қилишга даъват этади.

Нитше осмон билан ер, илоҳиёт билан жамият, инсон билан Аллоҳ ўртасидаги масофани яқинлаштиради. Илоҳий ғояларни реаллик билан уйғунлаштиради. Натижада асотирий-диний қарашлар асосидаги ғояларни илгари сургандай бўлиб, инсон ва инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган, унинг истикболини белгилашга хизмат қиладиган кучли, қудратли, таъсирчан ва мўъжизавий ғояларни илгари суради.

Яхшилиқ, эзгулик фақат инсонгагина хос. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал (пиндори неқ, гуфтори неқ, кирдори неқ) – инсон моҳиятини ўзида тўла мужассам этган маънавий-фалсафий формула. Ушбу формуланинг ечими “аъло одам” учун жуда осон: ўйларинг, гапираётган гапинг, қилаётган ишинг бир бўлсин. Зардушт қарашларида ҳам, Ислом ва тасаввуф фалсафасида ҳам, Нитше ғояларида ҳам бу уч унсур уйғунлиги бош Низом ҳисобланади.

Ҳар бир одам алоҳида олам. Олам эса турфа ва ранг-барангдир. Ана шу ранг-баранглик инсон оламининг бутун драматизмини таъминлайди. Ҳар бир инсоннинг ўз “Мен”и бўлади. У индивиднинг феъл-атвори, орзу-ўйлари, хатти-ҳаракати ва муносабатини ўзида мужассам этади. Бироқ ҳар бир “Мен”нинг ичида бир неча “мен”чалар яшайдики, улар доимий равишда, бир умр бир-бири билан олишиб, курашиб, бир-бирини маҳв этиб яшайди. Эзгулик билан ёвузлик, муҳаббат билан нафрат, саҳийлик билан баҳиллик... ва ҳоказо... уларнинг тури кўп. Барчаси доимий равишда ўзаро курашда. Бу инсон қалбидаги узундан-узок, бир умрлик жуда катта руҳий қудратни, иродани, ақлни, сабр-тоқатни, бағрикенгликни тақозо этадиган драмалар туркумидир. Зотан, бизнинг ҳар бир кунимиз сони номаълум бўлган сериалнинг битта қисми, холос.

Нитше юқоридаги парчада ана шу ҳаёт драмасини таҳлил қилгандай, гўё. Унга муносабат билдирапти, фалсафий мушоҳада юритяпти, Зардушт номидан

аниқ, илмий-назарий жиҳатдан асосланган, реал воқелиқдан келиб чиққан маънавий-ахлоқий хулосани илгари суряпти. Бу Нитше фалсафасининг ўзига хос кўринишидир.

Шижоат, ғайрат туйғуси Нитше фалсафасида алоҳида ўрин тутади. Худди шундай зардуштийлик қарашларида ҳам эзгулик ғояси бевосита инсон феъл-атвори, хатти-ҳаракати ва интилишлари орқали илгари суриладики, бунда инсон қалбидаги ғайрат, шижоат туйғуси асосий роль ўйнайди. “Кимки тубсиз қаърга бургут кўзи билан қараса, кимки тубсиз қаърга бургут чангали билан чанг урса – фақат шу кимсадагина матонат бор”, – дейди Нитше (285-бет).

Нитше баъзан инсонга шубҳа билан қарайди. Ана шу шубҳа инсоннинг номукамал жонзот эканлигидан далолат беради. Баъзи ҳолатларда инсонда айрим иллатларнинг сақланиб қолиши тарафдори бўлади. Балки инсоннинг инсонлигини англаш учун айна иллатлар ҳам фазилатлар билан параллел равишда яшамоғи лозимдир. Яхшини ёмондан, оқилни аҳмоқдан ажратиш учун айна ана шу фазилат ва иллатларнинг мавжудлиги уларнинг даражасини ҳисобга олиш, баҳолаш имконини беради. Жаҳон фалсафасидаги инкорни инкор этиш формуласи ана шу ерда ўз ечимини топади. Бошқача қилиб айтганда, бу ёвузликка нисбатан ёвуз бўлиш, ёмонликка қақшатқич зарба бериш, бутун чоралар билан эзгуликка интилиш ғоясининг ўзгинасидир.

Ўта мураккаб драматик ҳолат, руҳий кийнок ва маънавий изтироб намунаси бу. Инсоннинг яхши ва айна пайтда ёвуз бўлиши бу балки эзгулик йўлида иродани чархлаш, эътиқодни синовдан ўтказиш, иймон даражасини баҳолаш, матонат туйғусини намоён қилиш имкониятидир. Шундай бўлиши ҳам керак. Зотан, нафрати кучли одамнинг муҳаббати ҳам кучли бўлади. Интеллектуал салоҳияти юқори бўлган, ҳиссиётдан кўра ақл билан иш тутадиган, ўта қатъиятли, интизомни яхши кўрадиган, фақат аниқ хулосаларга суяниб иш тутадиган одамлар баъзан кимларгадир шафқатсиз, ёвуз бўлиб кўриниши мумкин.

“Кучингиз етмаган ишларни қилманг, имкониятингиздан ташқаридаги нарсаларни орзу қилманг. Таъма қилманг. Ўз ақлингиз доирасида ҳаётингизни қуринг. Акс ҳолда, бемаъни алдам-қалдамлар гирдобига тушиб қоласиз”. Бу ҳаёт тажрибаси, минг йиллар мобайнида инсон кўпдан-кўп марта кўрган ва исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Ана шундан келиб чиқиб, Нитше: “Бунда айниқса, эҳтиёт бўлингиз, о, олий одамлар! Зеро, бугун мен учун ҳақгўйликдан қимматроқ ва ноёброқ нарса йўқ.

“Бугун” деганимиз оломонга тегишли эмасмикин? Аммо оломон билмас нима улуғ, нима кичик, нима тўғри ва нима ҳаққоний: оломон соддалиги боис кўнгли эгри, у доим ёлғон гапиради” (287-бет).

Инсон психологияси шундай. Қаерда ожизлик бўлса, ёлғон ўша ерда бўлади. Қаерда соддалик, маърифатсизлик бўлса, ўша ерда мунофиқлик юз беради. Инсонни улуғлайдиган, шарафлайдиган ўлчов, мезон – маърифатдир. Донишмандларнинг “Маърифатли киши шижоатли бўлур”, деган фикри ана шу ерда ўз исботини топади.

Умуман олганда, Нитше фалсафасида баъзан инсонга нисбатан нафрат туйғуси кўзга ташланади. Инсон феноменини ўрганган айрим донишмандлар унинг салбий жиҳатларини алоҳида бўрттириб кўрсатишган. Америкалик буюк ёзувчи Жек Лондон: “Инсон бебаҳо махлуқларнинг энг охиргисидир”, деган эди. Машҳур рус файласуфи В.Ключевский эса: “Инсон – дунёдаги энг буюк ҳайвондир”, деган. Бироқ, уларда нафрат туйғуси йўқ. Инсоннинг мавжудот сифатидаги моҳиятидан келиб чиққан хулосалар, холос, бу.

Аъло одам жамият моҳиятини, ҳаёт мазмунини, чуқур тушунади. Унинг қарашлари эса, жамият ижтимоий-маънавий қиёфасини ўзида мужассам этади. Бироқ у ҳам нуқсонлардан холи эмас. Аъло одам ҳам энг аввало одам! Унга бутун фазилатларини нуқсонлари билан бирга, яхлит ҳолда қараш керак бўлади. Нитше наздидаги аъло одам образи эса бенуқсон, мукамал. Балки у

ўз ғояларини етарли даражада етказиш учунгина тимсол сифатида аъло одамни иделлаштиргандир. Яна ким билади?

Нитше фалсафасида ҳокимият тушунчаси устуворлик қилади. Ундаги “олий одам” образи “кучли шахс тимсоли”, у таъсир ўтказувчи, бўйсундирувчи ва сафарбар этувчи куч. Нитше ҳаёт тушунчасини шарҳлар экан, дарахт ва ўсимликларни мисол келтиради ва “Ўрмоннинг дастлабки дарахтлари нима учун бир-бирлари билан курашадилар? ...ҳокимият учун!” дейди Нитше. У “ирода ва куч уйғунлигида ҳаёт моҳияти”ни кўради<sup>1</sup>. Унинг фалсафасида ҳокимиятга юқори даражада интилиш туйғуси устуворлик қилади. Буни “Ҳокимиятга интилиш” китоби мисолида яққол кўриш мумкин. Олий одам (сверхчеловек) бошқарувчи, йўналтирувчи, жамоага ўзининг таъсирини ўтказувчи шахс. У маҳалла ё кишлоқ бўладими, шаҳар ё туман бўладими, ташкилот ё муассаса, унинг аҳамияти йўқ. Унинг бошқарувчиси ўз худудида олий одам тоифасига киради.

Улуғ аллома руҳият кишиси. У қалб ва туйғу орқали ҳаёт фалсафасини яратади. Умуман олганда, Нитше жаҳон фалсафий тафаккурига ҳаёт фалсафаси тушунчасини олиб кирган ва уни мумтоз илмий-назарий асосларини яратган. Нитше ҳаёт фалсафасини тушунишда санъатнинг роли ва мавқеи баланд, дейди. Шунинг учун у эстетик тафаккур, оламни бадиий-эстетик ўрганиш, инсоннинг интуитив имкониятлари ҳаётни англаш таянчи эканини алоҳида таъкидлайди.

Нитшеннинг яна бир ғайритабиий ғояларидан бири Худосизлик. Тўғридан-тўғри “Худо ўлди”, дейди. Бу даҳрий, динсиз, эътиқодсиз одамнинг гапи. Нитшени бу тоифага киритиш ҳам ҳозирча мунозарали. Албатта, бунда ўзини оқлайдиган жиҳатлар ҳам бор. Ибтидоий одамлар турли нарсаларга топинишган. Табиат ҳодисаларига, қуёшга, ҳайвонларга, дарахтлар ва бошқа жисмларга сиғинишган. Уни Худо деб билишган ва тан олишган. Балки Нитше ана шу эътиқодлар ва тақволар хилма-хиллигига барҳам бериб, зардуштийликнинг яккахудолик ғоясини қўллаб-қувватлагандир.

Нитше “Худо ўлди” иборасини биринчи марта “Зардушт таваллоси”ни ёзмасидан олдин, 1882 йили нашр этилган “Қувнок фан” асарида ишлатди. Китоб услуби, инсон ва ҳаёт муаммоларининг фалсафий ечимлари жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. У бешта китобдан ва 383 парчадан иборат. Унда Нитше ёвузликнинг моҳияти, санъат ва табиат ўртасидаги боғлиқлик, мантиқ қонуниятлари асосида оламни тартибга солиб турадиган, унинг мувозанатини сақлайдиган Илохий куч тўғрисидаги ўта жиддий ғояларини илгари суради ва ўзининг машҳур, айна пайтда мунозарали иборасини ишлатади.

Нитшеннинг “Худо ўлди” ибораси дунё файласуфлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бироқ ҳали ҳамон унинг тўлиқ ечими топилган эмас. Ушбу ибора ҳақида фикр юритар эканмиз, алломанинг “Қувнок фан” китобининг “Телба” номли 125 қисмига эътибор беришга тўғри келади. Телба куннинг ўртасида қўлида ёниб турган чирокни кўтариб, кўчада бор овози билан: “Худони қидиряпман! Худони қидиряпман!” деб бақариб юради. Майдонда бир гуруҳ одамлар суҳбатлашиб турганини кўриб, уларнинг олдига боради. Телбанинг гапларини эшитганлардан бири: “Нима, У йўқолдими?” дейди. “Бутазорга яширинди”, дейди бошқаси. Яна бири: “Балки биздан кўрқандир”, деса, бошқаси: “Сувга чўкиб кетди”, деб телбани мазах қилишади. Шунда телба шиддат билан уларнинг орасига кириб, кўзларини чақчайтириб, “Қаёққа йўқолди Худо?! Ҳозир мен сизларга айтаман! Биз Уни ўлдирдик – сиз ва мен! Биз ҳаммамиз Худонинг қотилимиз! Ана шунақа, биз унинг қотилимиз!” дейди. Хохолаб турган одамлар бирданига эсанкираб қолишади. Шу топда улар телбанинг эси пастлигига ҳам, ўта ақллилигига ҳам ишонишмасди. Ўзларини йўқотиб қўйган, қандайдир мавҳум, изтиробли ҳолатга тушган одамлар ҳайрат билан қарашарди. У эса сўзини давом эттириб: “Ҳа, Уни биз ўлдирдик! Бутун

<sup>1</sup> Қаранг. Спиркин А.Г. Философия. М.; Гардарики. 2007. стр.165.

олам, биз ҳаммамиз пичоғимиздан сачраган қонларга бўялдик. Бу қонни ким артади? Уни қандай сув билан ювамиз?” деб тинмай гапирарди. Ғазаб билан кўлидаги чирокни ерга уради. Чирок чил-чил синиб, олови ўчади ва хўрсиник, мунгли овозда: “Мен дунёга анча вақтли келдим. Ҳали менинг даврим келмаган. Хайратли ва ҳавас қилгулик воқеалар ҳамон йўлда. У ҳали инсониятга етиб келмаган!..” дейди.

Бу билан Нитше, биринчидан, инсоният ҳали баркамол эмас. У ҳали тарбияга эҳтиёж сезмоқда. Одамларда Эътиқод, Адолат, Ҳақиқат туйғулари заиф. Аксинча, разолат, қабоҳат, мунофиқлик ва эътиқодсизлик инсон қонида кўпирмоқда, демоқчи. Иккинчидан, телба воқеаси Нитше фалсафасидаги олий одам тушунчасининг ўзига хос, бетакрор ифодаси. Бу ғоятда оғир, изтиробли руҳий ҳолат. Кишини чуқур ўйлашга, фикрлашга даъват этадиган, инсон ҳақидаги тасаввурларни остин-устун қиладиган, қалбингни ларзага солиб, ҳиссий бўҳронлар ва руҳий тўфонлар уйғотадиган драматизм. Балки жожеадир!

“Худо ўлди!” дейишнинг ўзи қанчалар оғир. Бироқ Худо билан бандаси, Олий хилқат билан инсоният ўртасидаги масофа одамларнинг чекланган дунёқараши, мураккаб феъл-атвори, султ эътиқоди, нотўқис ахлоқий ва маънавий даражаси туфайли анча узоқлашиб кетмаяптимики? Умуман олганда, телба қандай одам? У Нитше тасаввурида ростдан ҳам ақли заиф одамми? Балки бундай эмасдир. Чунки у жамиятдан, атрофдаги одамлардан нафратланыпти. Олий ҳақиқатни изляпти. Уни йўқотиб, аниқроғи, уни унутиб қўйишдан изтироб чекапти. Бунинг учун ҳаммамизни айбдор деб ҳисобляпти.

Аслини олганда, Нитшеннинг Худога муносабати унинг эътиқодсизлиги, худосизлиги ёки динсизлигидан эмас. Унинг учун илоҳиёт ва айни Худо оламни олий даражада идрок этиш, инсон тасаввуридан ташқаридаги ва фантастик ҳаёлотдаги буткул мукамал, баркамол инсон ва мутлақ адолатли, кишилиқ жамияти ҳақидаги орзу-армонининг тимсолидир. Айни пайтда бу идеал жамият, идеал шахс ҳақидаги юнон, араб, хитой ва, умуман, Шарқ фалсафасининг нитшеёна ифодаси дейишимиз мумкин.

Олий Ҳақиқат, олам сарвари — Аллоҳ Нитшеннинг назарида барча эзгуликлар ва фазилатларнинг рамзи, ҳимоячиси ва ифодаси. Телба эса бандаларининг иймон-эътиқод, бурч ва масъулият, яратувчанлик ва бахтли ҳаёт орзусининг тимсоли. У ўз эътиқодидан, билганидан қайтмайди, нимани ўйласа, шуни гапирди. Уни исбот қилиб ҳам ўтирмайди. Унга бунинг қизиғи ҳам, аҳамияти ҳам йўқ. У ўйлаганини айтди-қўйди. Унинг фикри эса инсон ва жамият моҳиятини ўзида мужассам этади. Натижада олий одам ва идеал жамият ғояси билан сингиб кетади.

Нитше фалсафий тафаккуридаги “Худо” атоқли олим Мартин Хайдеггер хулосаларига кўра яхлит оламни, инсон тасаввурига сиғмайдиган, унинг акл-идрокидан ташқаридаги чексизликни тушунтирадиган восита. Худо — энг олий ғоялар, идеаллар тимсоли, баркамол образи<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Нитше Шарқ фалсафасининг катта билимдони. Шарқ тафаккур тарзини чуқур ўрганган, унга эътиқод билан қараган ва кенг тарғиб этган дунёвий алломалардан бири. Унинг ҳар бир асари ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам хайратомуз ғоялари, кескин фарқ қилувчи ёндашувлари ва бетакрор ифода усули билан жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига тортмоқда. “Зардушт таваллоси” китоби эса, ана шу хайратомуз илмий-ижодий фаолиятнинг чўккиси ҳисобланади.



<sup>1</sup> Қаранг. А.Спиркин А.Г. “Философия. М.; Гардарини. 2007. стр.-167.





## Мо ЯНЬ

Ҳозирда дунёга машҳур ёзувчи Мо Янь 1955 йилда Хитойнинг Шаньдун вилоятида туғилган. Унинг “Қип-қизил тентак” (Қизил Гаолян), “Сандал дарахти ўлими”, “Мусаллас ўлкаси” сингари ўнлаб асарлари жаҳоннинг кўплаб тиллариغا таржима қилинган.

Ёзувчи 2012 йилда сюрреалистик руҳда ёзилган “Мусаллас ўлкаси” романи учун Нобель мукофоти билан тақдирланди.

Қуйида мазкур мукофотни топшириш маросимида адиб ўқиган маъруза эътиборингизга ҳавола этиляпти.

## ҚИССАГҲЎЙ

### НОБЕЛЬ МАЪРУЗАСИ

Мухтарам Швеция академияси аъзолари, хонимлар ва жаноблар!

Телевидение ёки интернет орқали барча ҳозир бўлганлар у ёки бу даражада, эҳтимол, Хитойнинг шимоли-шарқида жойлашган менинг олис ватаним Гаоми ҳақида тасаввур ҳосил қилган бўлсангиз керак. Эҳтимол, сизлар менинг тўксон яшар отамни, акаларим ва опаларимни, хотиним, қизимни ва бир йилу тўрт ойга тўлган қиз набирамни кўргандирсизлар. Аммо айни дамда ҳаммадан кўп ўйлаётганим инсон – онажонимни энди кўрмайсизлар. Менга мана шу мукофот берилгандан бери онамдан бошқа жуда кўп кишилар шухратимни баҳам кўрдилар.

Онам 1922 йилда туғилиб, 1994 йилда вафот этди. Биз уни қишлоғимизнинг кунчиқар томонидаги шафтолизорга дафн этдик. Ўтган йили қабри қишлоқдан яна ҳам нарироққа кўчиришимизга тўғри

12 “Жаҳон адабиёти” №6

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

177



келди, чунки айни ўша жойдан темир йўл ўтиши керак эди. Қабри қавлаб қарасак, тобут чириб битибди ва онажонимнинг суяклари тупроқ билан қоришиб кетибди. Қабр тупроғининг бир қисмини янги жойга олиб, рамзий қабр тиклашдан бошқа иложимиз қолмади. Худди ўшанда онажоним тупроқ билан битта бўлиб кетганини кўриб, менинг момо ерга мурожаатим онамга мурожаатим эканини ҳис қилдим.

Мен онамнинг “супра қоқдиси” эдим.

Болалик йилларимдан эсимда қолган энг биринчи нарса шу эдики, мен ягона термосимизни кўтариб, қайноқ сув олгани жамоат ошхонасига борар эдим. Очликдан заифлашиб кетгандим, бир куни йўлда кетаётиб термосни кўлимдан тушириб юбордим ва у чилчил бўлди. Мен қаттиқ кўрқиб кетдим ва кун бўйи пичан ғарамига кўмилиб ётдим. Кечкурун онамнинг мени қақирган овози қулоғимга чалинди ва мен “насибам” ни олгани ғарам ичидан чиқдим. Бироқ онажоним урмади, уришиб ҳам қўймади. У бошимни силаб, оғир хўрсиниб қўйди, холос.

Энг оғир хотираларимдан бири бу онажоним билан жамоа бугдойзорига бошоқ (машок) тергани борганимиз эди. Узоқдан қоровул кўриниши билан ҳамма тум-турақай қоча бошлади. Оёқлари кичкина онажоним тез чопа олмасди, девқомат қоровул унинг устига бостириб борди-да, юзига шунақанги мушт туширдик, шўрлик ерга юзтубан йиқилди. Сўнг қоровул терган бошоғимизни олди-да, хуштак чалганча у ердан узоқлашди. Онажоним ерда чўнқайиб ўтирар, ёрилган лабидан қон сизарди, унинг юзидаги бу изтиробни умрбод эсимдан чиқармайман. Кўп йиллар ўтиб, мен ўша қоровулни бозорда кўриб қолдим, у соч-соқоли оппоқ чол бўлиб қолганди, ўч олгани у томон интилган эдим, бироқ онажоним мени тутиб қолди: “Болажоним, бу мени урган чол эмас,

бошқа одам,” – деди у хотиржам.

Яна бир воқеа хотирамга маҳкам ўрнашиб қолган. Ой байрами<sup>1</sup> эди ва биз ҳар кимга бир ликопчадан чучвара тугдик. Туш вақти эди, ҳамма дастурхонга келиб ўтирди. Шу пайт уйимиз дарвозаси олдида бир тиланчи пайдо бўлди. Уни тезроқ даф қилиш ниятида мен унга яримта қуритилган батат (ширин картошка) тутқаздим. “Ўзларинг чучвара тушираяпсанлар, – хафа бўлиб деди тиланчи, – мендай бир қарияни эса батат билан алдаб қўяяпсизлар, шуям одамгарчиликданми?” Шунда меники тутиб кетди: “Бизлар ҳам чучварани йилда бир ё икки марта еймиз, ўшанда ҳам ярим ликопчадан, кошки тўйиб еёлсак! Бататли бўлганингга шукур қилсанг-чи, агар тўғри келмаса – бор, йўлингдан қолма!” Бироқ онажоним мени қойиб берди ва ўзининг ликопчасидаги чучваранинг тенг ярмини тиланчининг ликопчасига солди.

Карам сотишда онажонимга ёрдам бериш чоғидаги эсдан чиқмас воқеа учун ҳамон ўзимни қийинман – атайлаб қилдимми ё билмай қилдимми, бир ёши ўтинқираган харидорнинг бир куай – тийинини уриб қолибман. Тушган пулларни қайтадан санаб, мактабга жўнадим. Уйга келиб нимани кўрдим денг – онажоним йиғлайвериб кўзлари шишиб кетибди, у камдан-кам ҳолларда йиғларди. У мени қарғаб ўтирмади, фақат эшитилар-эшитилмас қилиб: “Сен мени шарманда қилдинг, болам”, – деди, холос.

Онажонимнинг оғир сил касалига йўлиққани маълум бўлганда, ўн икки-ўн уч ёшда эдим. Очлик, касалликлар ва оғир ишлар туфайли оиламиз бошига зулматли, нурсиз кунлар тушди, ёруғ кунлар келишига асло умид йўқ эди. Кўнглимга нуқул ёмон ўйлар келарди, ҳар лаҳзада онажоним ўзини бир нима қилиб қўядигандек ҳис этар эдим. Ишдан қайтиб келиб, энг аввал баланд овозда онажонимни чақирардим ва унинг овозини эшитгач, кўнглим жойига тушар эди. Борди-ю, овоз эшитилмаса, мен юрагим ёрилгудек

<sup>1</sup>Ой байрами – тўлин ойдан завқланиш байрами бўлиб, Хитой таквими бўйича саккизинчи ойнинг 15-куни (тўлин ой), бу тахминан сентябрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

бўлиб, уни аввал ташқи, кейин ички уйлардан қидира бошлардим – ичкари ҳовлида биз дон янчардик. Бир гал ҳамма ёқни қараб чиқиб, онажонимни тополмай, ҳовлига ўтириб олиб, хўнг-хўнг йиғлагандим. Шу топ бир боғ ўтинни орқалаб, онажоним келиб қолди-ку! Менинг беҳуда кўз ёши қилганимни кўриб, қаттиқ хафа бўлди. Мен нимадан чўчиётганимни ошқора тан оломасдим, албатта, аммо онажоним ичимдан не ўтаётганини алайна кўриб турарди. “Кўпам куйинаверма, болажоним, – деди у. – Гарчи бунақа яшаш жонимиздан тўйдириб юборган бўлса-да, аммо жаҳаннам эгаси ўзи чақириб олмагунча ҳеч қаёққа кетмайман”.

Афт-андомим кўримсизгина бўлиб дунёга келганман. Башарамнинг хунуклигидан кишлоқдагилар кўпинча устимдан қулишарди, мактабда эса гажир синфдошларим калтакларди, уйга йиғлаб келганларимда онажоним менга тасалли берарди: “Сен ҳечам хунук эмассан, болажоним. Бурнинг йўқми ё кўзларинг йўқми? Қўлоёқларинг жой-жойида, қаеринг майиб-майриқ экан? Кимнинг юраги тоза бўлса, ким яхши ишлар қилса, агар майиб-майриқ бўлса ҳам кўзга яхши, чиройли бўлиб кўринади”. Кейинчалик, шаҳарга кўчиб ўтганимда ҳам баъзи ўқимишли одамлар менинг афт-башарамни орқаваротдан, ҳатто, юз-кўзимча ҳам мазахлар эдилар. Бироқ мен онажонимнинг сўзларини эслардим-да, ўзимни босиб, уларни кечирар эдим.

Онажоним саводсиз эди ва ўқишни биладиганларни жуда хурмат қиларди. Биз кашшоқ ҳолда яшар эдик ва кўпинча эртага нима ейишимизни ҳам билмас эдик, бироқ битта-яримта китобми ё ўқув қуролларидан бирор нарса сотиб олайлик десам, сира йўқ демасди. Ўзи меҳнаткаш бўлганидан болаларининг дангасалик қилганига чидаёлмасди, аммо мутолаага берилиб кетиб буюрилган ишни қилиш эсимдан чиқиб қолса, мени зинҳор уришмасди.

Бир куни бозорга қиссагўй – шошуди келиб қолди, мен зиммамдаги юмушни унутиб, унинг достонини эшитгани жўнавордим, бундан онажоним хафа бўлди. Уша куни кечқурун у жинчирок

ёруғида бизга кийим тикаётганда сабрим чидамади ва қиссагўйдан эшитганларимни айтиб бера бошладим. Аввалига у тишини тишига қўйиб тинглади, чунки қиссагўйларни одам ўрнида кўрмас ва ўзларига муносиб бўлмаган ишни қилувчилар деб биларди: бундай одамлардан жўяли гап чиқармиди? Бироқ аста-секин гапларим унга маъқул кела бошлади ва шундан кейин у бозор куни менга ҳеч қанака топширик бермайдиган бўлди – сукут аломати ризо деганларидек, онажонимнинг сукути бозорга бориб, қиссагўйдан бирон яхши нарса эшитиб келишга рухсати эди. Ҳимматига жавоб тариқасида, шунингдек, хотирам кучлилигини кўрсатиб қўйиш мақсадида кундузи эшитганларимни онажонимга жонли, рамзли қилиб сўзлаб берар эдим.

Сал нарига бориб, қиссагўйнинг ҳикояларини қандай сўзлаган бўлса шундайича такрорлаш меъдамга тегди ва мен уларни бежаб, ўзимдан оз-моз қўшиб ҳикоя қиладиган бўлдим. Онажонимга ёқадиган қилиб сюжетни қайта тузар, гоҳо охирини бошқача қилиб тугатар эдим. Буларни бир онажоним эмас, балки опаларим, холаларим, ҳатто бувим ҳам жон қулоқлари билан тинглаб эдилар. Шундай пайтлар бўлардики, навбатдаги ҳикояни тинглаб бўлгач, онажоним менга мурожаат қилибми, ё ўзичами, ич-ичидан тўлиқиб ва ташвиш ила бундай дерди: “Катта бўлганимда ким бўларкансан-а, болам? Бунақа ҳавойи гаплар билан қандай қорин тўйғазасан?”

Онажонимнинг нимадан ташвиш-ланаётганини тушуниб турардим, чунки қишлоғимизда маҳмадона болаларни аяб ўтиришмасди, улар бир кунмас-бир кун қишлоқ бошига ҳам, ўз оилалари бошига ҳам мусибат олиб келишади, деб билар эдилар. “Хўкизлар” ҳикоямдаги қишлоқдагилар ўлғудай ёмон кўрадиган ёш бижилдок бола қисман менинг болалигимга ўхшаб кетади. Онажоним кўпинча тилингни бу қадар бурро қилаверма деб танбех берар эди, у менинг камгап, рисоладагидек бола бўлишимни, мендан келажакда сипо одам чиқишини хоҳларди. Бироқ эшитганларимни бир

неча ҳисса жозибадор қилиб такрорлаш уқувидан ташқари кўнглимда нимадир айтишга кучли хоҳиш пайдо бўлганди, бу энди, тан олиш керакки, хатардан холи эмасди. Тўтидек сайраб ҳикоя қилишларимдан онажоним бир томондан терисига сиғмай қувонса, бошқа томондан юрагининг туб-тубида ниш ура бошлаган шубҳалардан изтироб чекар эди.

Элда шундай бир нақл бор: “Одамдаги одатни ўзгартиришдан тоғни жойидан кўзгатиш ёки дарё ўзанини бузиш осонроқ”, яъни тарки одат – амри маҳол. Ота-онамнинг шунча қилган насиҳатларига қарамай, менинг кўп гапиришга бўлган табиий майлим ўзгармади, худди устимдан қулганидек исмим Мо Янь<sup>1</sup> бўлгани ҳам аслида шундан.

Барибир бошланғич мактабни тугатолмадим, оғир ишларга ҳали кучим етмасди, кичкиналик қилардим, шу боис дарёнинг серўт қирғоғида мени молбоқарликка қўйишди. Мактаб дарвозаси олдидан сизир ва эчкиларни ҳайдаб ўтарканман, ҳовлида ўйнаб юрган собиқ синфдошларимга кўзим тушар ва ҳар гал юрагим ғамга тўларди. Бу эса одам учун, ҳатто бола учун жамоадан ажраш нечоғли оғир эканини янада чуқурроқ ҳис этишга мажбур қиларди.

Мен жониворларни ўтлагани қирғоққа қўйиб юборардим, тепада тубсиз ва бепоён мовий осмон, пастда охир-адоғи кўз илғамас ўтлокзор-яйлов, атрофда зоғ учмайди, инсон саси эшитилмайди, фақат қушларнинг чуғур-чуғуригина қулоққа чалинади. Мен ёлғизликдан нақ ёрилиб кетай дейман. Гоҳо ўтлокқа ётиб олиб, тепада оппоқ булутлар эринибгина сузиб ўтишини томоша қилардим ва миямда бир-биридан ғаройиб хаёллар пайдо бўларди. Биз томонларда париларга айланиб қолган тулкилар ҳақида кўплаб ривоятлар юрарди. Ўзимча ана шу парилардан бири ҳализамон келиб қолади-да, мен билан бирга мол боқади, деб тасаввур қилар эдим, бироқ у пари сира келмади. Аммо бир куни ўт-ўланлар орасидан нақ иягим тагидан оловдек бир тулки

<sup>1</sup> Мо Янь – сўзма-сўз ўғирганда «гапирма» маъносини англатади.

сакраб чикди. Шунчалик кўрқдимки, ортим билан ерга ўтириб қолдим. Тулки-ку аллақачон ғойиб бўлганди, мен эса ҳамон қалт-қалт титраганча жойимдан кўзгалмас эдим. Гоҳо сигирнинг ёнгинасида чўккалаб ўтириб олардим-да, унинг чуқур мовий кўзлари ичидаги ўзимнинг оёғи осмондан аксимни томоша қилардим, осмонда учиб юрган қушларнинг сайроғига тақлидан улар билан суҳбат қурадим, баъзида эса ўз руҳий кечинмаларимни дарахтларга “достон” қилардим. Аммо на қушлар, на дарахтлар менга эътибор берар эдилар. Кўп йиллар ўтиб, ёзувчи бўлиб етишгач, ўша йиллардаги озмунча хаёлот меваларини китобларимга жам қилмадим. Кўплар мени рамзийликда беназирсан деб кўкларга кўтарди, баъзи адабиёт ихлосмандлари эса бу қобилиятни ўзимда қандай тарбиялаганим сирини очиб солишимни кутадилар. Бунга мен захархандалик билан жилмайиб қўяман, холос.

Қадимги Хитойнинг буюк донишманди Лао-цзи айтганидек, “муваффақиятсизлик замирида муваффақият ётади, бахтсизлик бахтга айланиши ҳеч гап эмас”. Болалигимда мактабда тўлиқ ўқиёлмадим, очлик ва ёлғизлик нималигини эса ортиғи билан бошдан ўтказдим, китоб тақчиллигидан жон чекдим, бироқ бунинг эвазига, бамисоли олдинги авлод ёзувчиси Шень Конгвен га ўхшаб, ҳаётнинг буюк китоби билан эрта ошнолашдим. Қиссагўйнинг ривоятларини тинглагани бозорга боришларим мана шу буюк китоб саҳифаларидан бири бўлиб қолди.

Мактабда тўла таълим олиш менга насиб этмади. Мен катталар оламига кириб кетдим ва тинглаб ўқиш орқали ҳаётни англашнинг узоқ йўлини босиб ўта бошладим. Икки аср олдин машҳур ўлкамда буюк истеъдод соҳиби, қиссагўй Пу Сунлин<sup>2</sup> яшаган. Қишлоқдан чиққан кўпларимиз, шу жумладан мен ҳам

<sup>1</sup>Шень Конгвен (1902-1988) – Хитой ёзувчиси, лирик наср муаллифи, мумтоз анъаналарга катта эътибор қаратган, ижодда маънавий мустақиллик тарафдори.

<sup>2</sup>Пу Сунлин – (1640-1715) – Шаньдун вилоятида яшаган ҳикоячи. «Ғайриоддий нарсалар ҳақида кайдлар», халк ривоятлари ва даос афсоналари асосидаги хаёлий ҳикоялар тўпламлари муаллифи.

у асос солиб кетган анъаналарнинг давомчиларимиз. Қаерда бўлмайин, бошқалар қаторида даладами, оғилдами ёки отхонадами ишлаган, бобом ва бувим билан иссиққина канг да ётган, ҳатто хўкизлар кўшилган аравада чайқалиб маза қилган дамларда ҳаддан ташқари кўп ажойибу ғаройиб ҳикоялар қулоғим остида жаранглайверарди: булар руҳлар ва алвастилар ҳақидаги ҳикоятлар, эшитганни бутунлай ром қилиб оладиган бир-биридан қизиқ достонлардир. Ўлкамиз табиати, хонадонлар ва насаблар тарихи билан чамбарчас боғлиқ бу ривоятлар менга воқеликнинг асл моҳияти, қудратини танитар эди.

Бир кун келиб булар барчаси асарларим учун манба бўлиб қолиши менинг етти ухлаб тушимга кирмаганди. Ўшанда мен бундай ривоятларни жондан ортиқ кўрувчи ёш болакай эдим, нимани ҳикоя қилсалар ютоқиб тинглардим. Ўшанда мен художўй эдим, бу рост, атрофдаги ҳамма нарсанинг жони борлигига ишонардим. Катта дарахтлар менда ҳурмат уйғотарди. Қуш ҳар лаҳзада одамга айланиб қоладигандек бўлар, бегона одамга кўзим тушганда эса бу одамга айланиб қолган жонивор эмасмикан дея шубҳалана бошлардим. Кечкурун иш куни тугаб, катта саноат бригадасидан уйга қайтаётган чоғимда вужудимни кучли бир кўркув қамраб олар ва кўркувни енгил учун югурганимча кўшиқлар хиргойи қилардим. У пайтларда кўшиққа овозим етмасди, гоҳ хириллаб, гоҳ чийиллаб чиқарди, буни эшитган ҳамқишлоқларимнинг тоқатлари тоқ бўлиб кетган бўлса, ажаб эмас.

Шу тариқа мен қишлоғимда йигирма бир йил яшадим, бу вақт ичида Чингдао<sup>4</sup>дан ташқари бирон-бир жойга бормадим. Чингдаога ҳам бир мартагина поездда борганман ва ўшанда дарахт арралайдиган жойдаги улкан ёғоч жамланмалари орасида адашиб қолганман. Онам Чиндаода нималарни кўрганимни сўраганида, мен тахта бойламларидан бошқа ҳеч нима кўрмаганимни ғамгин айтиб берганман. Аммо Чиндаога айнан мана шу саёҳат

<sup>3</sup>Канг – анъанавий хитой уйидаги иситиш қатчаси.

<sup>4</sup>Чингдао – Шаньдун вилоятидаги бандаргоҳ.

менда киндик қони тўқилган жойларни ташлаб чиқиб, дунёни кўришга оташин хоҳиш уйғотганди.

1976 йил февралда мени армияга қақришди ва мен ҳам яхши, ҳам ёмон кўрадиган кадрдон гўшам – Дунбэй Гаомисини тарк этдим. Ичига “Хитойнинг қисқача тарихи” тўрт жилдлик китоблар солинган сафархалтамни елкамга ортмоқлаб олдим. Уни онажоним ўзининг тўй тақинчоқларини сотиб олиб берганди. Ҳаётимнинг муҳим даври бошланди. Тан олишим керакки, агар хитой жамияти ўттиз йилдан кўпроқ тараққиёт йўлини босиб ўтмаганида, агар ислохотлар ва ошкоралик сиёсати амалга оширилмаганда, мендай ёзувчи бўлмас, бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Бир маромдаги армияча ҳаётда яшай туриб, мен саксонинчи йилларнинг мафкуравий хурриятини ва адабий юксалишини кўтаринки руҳ билан кутиб олдим, ҳикоялар тинглашни ва бошқаларга сўзлашни севадиган болакайдан энди уларни қоғозга тушира оладиган ёзувчига айландим. Бу йўлнинг аввали силлиқ кечмади. Қишлоқдаги ҳаётимнинг йигирма йиллик тажрибаси нечоғли бой ашёни жамлаганини ўшанда англагандим. Ўшанда адабиёт билан шуғулланиш яхши ишлар қиладиган яхши одамлар ҳақида, яъни намунали ишларига тақлид қилиш керак бўлган қахрамонлар ҳақида ёзишни кўзда тутди деб билардим. Шу боис гарчи мен бир нечта асар чоп эттирган бўлсам-да, улар адабий қиммат касб этмаганди.

1984 йилнинг кузида мени Хитой Халқ-озодлик армияси (ХХОА) Санъат академиясининг адабиёт куллиятига қабул қилишди. У ерда ўзимнинг хурматли мураббийим, таникли ёзувчи Сюй Хуайчжун раҳбарлиги остида бир нечта қисса ва ҳикоялар ёздим, жумладан: “Кузги тошқин”, “Қуриб қолган дарё”, “Сархил сабзи” ва “Қипқизил тентак”. Айнан “Кузги тошқин” да биринчи марта “Дунбэй Гаомиси” бирикмаси учрайди ва шундан бошлаб бир парча ерга эга бўлган саёқ батрак деҳқонга ўхшаб, ўшандай адабий саёқ мен ҳам, ниҳоят, бир жойда қўним

топдим. Тан олишим керакки, менинг адабий дунём, Дунбэй Гаомисини яратиш жараёнида америкалик Уильям Фолкнер ва колумбиялик Габриэл Гарсия Маркеснинг асарларидан гоёт таъсирланганман. Унисини ҳам, бунисини ҳам жуда кўп ўқиганим важдан эмас, дадиллик борасида уларнинг бемисллигидан тўлқинланиб кетдим, ёзувчининг ўзига қарашли бурчаги бўлиши кераклигини англадим. Бу кундалик ҳаётда камтар ва одобли бўлиш, адабий ижодда эса ўзини мағрур тутмоқ ва ўз инон-ихтиёри ила ҳаракат қилмоқдир. Икки йилча бу икки устоз йўлидан бордим, шундан кейин улардан иложи борича тезроқ қутулиш зарурлигини англадим. Бир эсседа бу ҳақда бундай гапларни ёзган эдим: улар – икки ланғиллаб ёниб турган ўчоқ, мен эса – бир парча музман, агар уларга яқинроқ борсам, эриб кетишим тайин. Менинг тушунишимча, бир ёзувчи бошқасининг таъсирини, агар қалбларининг туб-тубида улар нималари биландир бир-бирига ўхшаса, шунда ҳис қилиши мумкин, бу нарса “биргалиқда титраган қалблар”<sup>2</sup> деб аталади. Шу боис, гарчи мен уларнинг асарлари билан чуқурроқ танишмаган бўлсам-да, бир неча саҳифани ўқиб чиқишим биланоқ улар нима қиладилар ва қандай қиладилар – шу нарсани англадим.

Менинг вазифам аслида унча мураккаб эмасди: ўзимча ёзишим ва ўзимга тегишли бўлган нарса ҳақида ёзишим керак. Ўзимча деганда, бозор қиссагўйларининг менга яхши таниш бўлган услуги тушунилади, худди менга бобом билан бувим ҳамда қишлоқ қариялари ҳикоя қилиб берганларидай. Виждонан айтганда, мен ўз ривоятларимни сўзлаётганимда тингловчиларим кимлар бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳеч қачон бош қотирмаганман: балки онамга ўхшаганлар бўлар, балки менинг ўзимга ўхшаганлар бўлар. Менинг ҳикояларим аввал-бошда менинг ўз тажрибамга асосланган бўларди. Мисол учун “Қуриб қолган дарё”даги таъзирини еган зумрашани ёки “Сархил сабзи”даги чурқ этиб оғиз очмаган

<sup>1</sup> Дунбэй – Хитойнинг шимолий-шарқий вилоятларининг йиғма номи.

<sup>2</sup> Машхур ибора тан шоири Ли Шангъиннинг (813-858) шеърдан олинган.

мишиқини олайлик. Мен ўзим бир ишқал ишим туфайли отамдан нақ кўрадиганимни кўрганман ва аслида кўприк қурилишидаги темирчининг мешини тортиб турганман. Албатта, шахсий тажрибангни ҳақиқатда қандай бўлса, шундайлигича ҳикояга олиб ўта олмайсан, бу ерда воқеанинг ғаройиблиги ҳам ҳисобга ўтмай қолади. Насрда тўқима иштирок этиши шарт, рамзийлик бўлмоғи керак. Кўпгина дўстларим “Сархил сабзи”ни менинг энг яхши асарим эканини айтишади. Мен рад этмайман ва рози ҳам бўлмайман, аммо “Сархил сабзи” ёзганларим ичида энг тимсолий ва маъно жиҳатидан энг теран асар деб биламан. Азоб-уқубатларга дош беришда ақл бовар қилмас қобилият ва кучли ҳиссиётга эга бу қорачадан келган болакай менинг бутун адабий ижодимнинг жони. Кейин мен озмунча қаҳрамонлар яратмадим, аммо ҳеч бири мана буниси каби юрагимга яқин эмас. Борди-ю, бошқача ифодаламоқчи бўлсам, ёзувчи яратган барча қаҳрамонлар орасида ҳар доим битта етакчиси бўлади. Мен учун мана шу индамас бола ана шундай етакчи қаҳрамон. Бир оғиз ҳам гапирмайдиган бола ҳар турли одамларни ортидан эргаштира олади ва Дунбэй Гаомиси саҳнасида эҳтиросли томоша намоиши этади.

Тажрибанг захираси таги кўриниб қолганда, ўзинг ҳақингда кўп нарса айтолмайсан, бошқалар ҳақида ҳикоя қилишга тўғри келади. Хотираларим таг-тагидан худди буйруқ билан ҳаракатга келган аскарлардек, қариндош-уруғларим ҳақидаги, қишлоқдошларим ҳақидаги ҳикоялар, шунингдек бир вақтлар қариялар оғзидан эшитган ажодлар ҳақидаги ҳикоялар бош кўтариб чиқиб келаверади. Улар бари мен тўғримда қачон ёзасан, дегандек менга умид билан қарайдилар. Бобом, бувим, отам, онам, акаларим ва опаларим, аммаларим ва тоғаларим, хотиним ва қизим – улар барчаси асарларим саҳифаларида пайдо бўладилар. Лавҳаларда Дунбэй Гаомисидан кўплаб юртдошлар иштирок этадилар. Албатта, адабий ишловдан ва асарларнинг қаҳрамонларига айлангандан кейин уларнинг қиёфалари ҳаётдаги

прототипларидан дурустроқ акс этади.

Менинг сўнгги “Қурбақалар” романимда аммамнинг қиёфаси гавдалантирилади. Менга Нобель мукофоти берилгандан кейин кўплаб журналистлар интервью беринг, деган илтимос билан уни қуршаб ола бошладилар. Аввалига аммам сабр-тоқат билан саволларига жавоб бериб турди, бироқ сал нарига бориб бу нарса унинг тоқатини тоқ қилиб юборди ва ўғлиниқига яшириниш учун қочиб кетди. Мен ҳақиқатан ҳам аммам мисолида роман ёзган эдим, аммо у роман қаҳрамонидан осмон билан ерча фарқ қиларди. Романда у ўзбилармон ва мустабид, гоҳо сал бўлмаса катта йўлдаги қароқчилардек иш тутади, ҳаётдаги аммам эса барчага баравар, яхшилик истовчи аёл, вафодор хотин ва меҳрибон она. Аммамнинг ҳаёти ёши бир жойга етганда бахтли ва тўқис ҳаёт кечирган эди; романдаги қаҳрамон эса йил ўтган сайин чидаб бўлмас руҳий азоблардан уйқусини йўқотади ва қора либос кийиб, тун бўйи арвоҳдек кезиниб юради. Самимий, камтарин муносабати учун мен аммамдан чексиз миннатдорман, уни бутунлай бошқача қилиб тасвирлаганим учун у мени заррача қоймади. Унга меҳру хурматим чексизлигининг яна бир сабаби шулки, у адабий қаҳрамон ва ҳақиқий одам ўртасидаги тафовутни тўғри тушунади.

Онажоним вафот этганда мени шунақанги катта ғам чулғаб олдики, бир романимни унга бағишлашга қарор қилдим. Бу роман “Бағри кенг, сабри тоғдай” деб аталади. Уйлаганларим амалга оша бошлаганида илҳомдан шунақанги ғайратим жўшиб кетдики, бор-йўғи саксон уч кун ичида ярим миллион иероглиф ҳажмидаги романинг дастлабки вариантини ёзиб ташладим. “Бағри кенг, сабри тоғдай” романимда онамнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ манбалардан тортинмай фойдаландим, бироқ китобдаги она туйғуси ва характери ё бутунлай тўқима, ёки Дунбэй Гаомисидаги кўплаб оналардан кўчириб олинган. Гарчанд “Арши аълодаги онам руҳига бағишлайман” деб ёзган бўлсам-да, аслида роман арши аълодаги барча оналарга бағишланган. Бу шундай аҳмокона даъвонинг зуҳури эдики,

уни бутун Хитой ва ҳатто бутун дунёни миттигина Дунбэй Гаомисида мужассам этишга қилган ҳаракатимга ўхшатиш мумкин.

Ҳар бир ёзувчининг ўз ижод жараёни бўлади, фикр ва илҳом манбаи ҳам менинг ҳеч бир асарим учун бутунлай бир хил эмас. “Сархил сабзи” сингари айрим асарларим тўқималар дунёси шарофати ила туғилган, “Саримсоқ балладаси” сингари асарларим эса муайян воқеаларга асосланган. Бироқ тўқиманинг бу олами инсоннинг шахсий тажрибаси билан муштарак бўлгачгина ҳаққоният, ҳам пировард-оқибатда ёрқин ифода этилган, индивидуаллик, кўплаб маънодор тафсилотларга эга типик қаҳрамонлар, бой тил ва ўзига хос композиция билан адабий асарга айланади. Шуни таъкидлаш жоизки, айнан “Саримсоқ балладаси” да мен бош қаҳрамонлардан бири сифатида ҳаётда мавжуд киссагўй ва кўшиқчини танлаганман. Қаттиқ афсусланадиган жойим шундаки, мен бу киссагўйнинг ҳақиқий исмидан фойдаланмаганман, ҳолбуки, романда у қилган ишларнинг барчаси тўқимадан бошқа нарса эмас. Бундай ҳодисалар менда тез-тез рўй бериб туради: бошланишида мен қаҳрамонларга нисбатан бир қадар яқинликка эга бўлиш илинжида ҳақиқий исмлардан фойдаланман. Бироқ китоб устидаги ишим охирида улар исмини ўзгартиришга киришганимда бунинг иложи йўқлигини англаб қоламан. Шу боис қаҳрамонларим исмидаги одамлар ўз норозилиklarини изҳор этиш учун отамнинг ҳузурига келадилар. Отам улардан кечирим сўрайди ва айни дамда буни кўнгилларига олмасликларини ўтинади. Мана масалан, “Қип-қизил тентак” даги дастлабки жумлани олинг: – “Менинг отам – бу қароқчи наслидан” – менга оғир ботмайдими? Сизлар хафа бўлмасангиз ҳам бўлади”.

Энг кўп қийинчилик туғдирган асар “Саримсоқ балладаси” бўлди. Бу ҳозирги замонда содир бўлиб турган воқеалар тасвирланган асар. Бу менга осон эмасди, гап жамиятдаги нохуш ҳодисаларни танқид остига ола билишимда эмас, гап шунда эдики, қаттиқ қаҳру ғазаб туфайли сиёсат адабиётдан устун келиши ва шунда роман жамиятда содир бўлаётган

воқеа-ҳодисалар ҳақидаги репортажга айланиши мумкин эди. Жамият аъзоси сифатида ёзувчи албатта ўз ўрнига ва ўз нуқтаи назарига эга, аммо асар яратиш чоғида у гуманист сифатида майдонга чиқиши ва асардаги қаҳрамонларга айланиб қолиши керак. Шундагина адабиёт қандайдир воқеадан четлашиб қола оладигина эмас, балки ундан ўтиб ҳам кета олади, сиёсатга қизиқадигина эмас, ундан устун ҳам кела олади.

Узоқ вақтгача ҳаётим маҳрумийлар билан тўлиб-тошди ва, эҳтимол, шунинг шарофати билан инсон табиати борасида анча теран тушунча ола билдим. Ҳақиқий ботирлик нима эканини биламан, чинакам ҳамдардлик нима эканини тушунаман. Биламан, ҳар бир одамнинг қалбида қандайдир хира жой бор, бу ерда нима тўғрию нима нотўғри, нима яхшию нима ёмон эканини айтиш қийин. Худди ўша ерда ёзувчи истеъдоди қанот ёздиган ўрин ҳам бор. Борди-ю, асарда зиддиятларга тўла, шу ўрин аниқ ва жонли тавсифлаб берилса, у шубҳасиз, сиёсат доирасидан чиқади-да, адабий маҳоратнинг юқори даражасини шарт қилиб кўяди.

Эҳтимол, фақат ўзимнинг асарларим ҳақида гапиравериб, сизларни чарчатиб кўяётгандирман, аммо менинг ҳаётим шу асарларим билан боғлиқ ва борди-ю улар ҳақида гапирмасам, билмадим, яна бошқа нима ҳақида гапиришим мумкин. Шу боис мени маъзур тутасизлар деган умиддаман.

Ўзимнинг илк асарларимда адабий услуб ниқоби остидаги замонавий киссагўй каби ижод қилар эдим, аммо “Сандал дарахтининг ўлими” романимдан бошлаб ниҳоят саҳна ортидан саҳна олдига чиқиб келдим. Агар менинг илк насримни ўқувчи билан эмас, ўзим билан суҳбатлар деб айтиш мумкин бўлса, бу романда эса ўзимни майдонда туриб олиб кўп сонли тингловчилар олдида жонли ва рамзли ҳикоя сўзлаётгандек намоён бўлдим. Бир муддат ғарб модерн адабиётини кунт билан ўрганган ва баённинг турлитуман шаклларини тажрибадан ўтказган эдим, аммо охир-оқибат анъаналарга қайтган эдим. Албатта, бу қайтиш янгилик киритилмасдан содир бўлмас эди. “Сандал дарахтининг ўлими” ва кейинги романлар услуби хитой мумтоз

насри анъаналарини давом эттиради ва айни вақтда ғарб адабий усуллари тажрибасидан фойдаланади. Адабиёт соҳасидаги янгилик асосан ана шундай қоришиқнинг натижаси ҳисобланади ҳам. Бу миллий адабий анъаналарнинг бошқа мамлакатлар адабий усуллари билан қоришувигина эмасди, балки санъатнинг бошқа турларини жалб қилиш ҳам эди. “Сандал қатли” романида, масалан, Пекин операси нинг оммабоп маҳаллий тури иштирок этади, менинг айрим дастлабки асарларим учун эса нафис санъат, мусиқа ва ҳатто акробатика озуқа воситаси бўлган эди.

Сўзимнинг охирида “Ҳаёт – азоб, ўлим – халоскор эмас” романим хусусида икки оғиз гапиришимга ижозат берсангизлар. Китобнинг хитойча номи буддавийларнинг муқаддас китобларидан олинган ва, менга маълум бўлишича, турли мамлакатларнинг таржимонлари уни қандай талқин қилишда бошлари қотмоқда экан. Мен буддавийлик ақидаларини мукамал биламан деб айтолмайман ва менинг буддавийлик ҳақидаги таассуротим ниҳоятда юзаки. Бу номни танлаганим боиси шундаки, буддавийликнинг талай асосий ғоялари ўзида чинакамига самовий онгни намоеън этади ва буддавийнинг назарида одамлар оламидаги кўплаб нидолар мутлақо маънига эга эмас. Мана шу олий нуктаи назардан қараганда одамлар олами ғам-ғуссалар билан лиммо-лимдир. Аммо менинг романим даъватгўйлик эмас; унда мен инсон тақдири ва инсон туйғулари ҳақида, инсоний маҳдудлик ва камтарлик ҳақида, шунингдек бахтни қидириш ва ўз иймонини ҳимоя этишда одамлар қанақанги ўлиб-тирилиб ҳаракат қилишларию қанақанги қурбонлар бермасликлари ҳақида ёзаман. Роман қаҳрамонларидан бири Лянь Лянь бир ўзи давр шамолига қарши туради, менинг нуктаи назаримда – бу ҳақиқий қаҳрамон. Бу қаҳрамонимга прототип қилиб кўшни қишлоқдаги бир деҳқонни олганман. Кичкиналигимда мен кўпинча уйимиз олдидан ёғоч ғилдиракли аравасини ғийтиллатиб ўтганини кўрар эдим. Аравага чўлок

<sup>1</sup> Пекин операси – Хитой анъанавий театрида кўп тарқалган опера тури.

хўкиз кўшилган бўларди, хўкизни эса ингичка оёқларини дока билан ўраб олган ўша деҳқоннинг хотини етаклаб борарди. Ўша даврдаги жамоатчилик жамиятида бу ғайриоддий меҳнат ширкати шу қадар ғалати ва қолоқ ҳодиса ҳисобланардики, биз – болаларга улар замона зайлига қарши борувчи масҳарабозларга ўхшаб кетарди. Бу нарса бизнинг шунақанги ғазабимизни кўзитардики, биз уларни тошбўрон қилардик. Кўп йиллар ўтиб, асарлар ёза бошлаганимда ўша деҳқон ва ўша манзара миямга қалқиб чиқди, бир кун келиб у ҳақда китоб ёзишим кераклигини, эртами-кечми у ҳақда оламга жар солишим лозимлигини англадим. Аммо 2005 йилдагина бу буддавийлик эҳроми деворида Сансар<sup>2</sup> чархи тасвирини кўрганимдагина мана шу китобни қандай ёзишим кераклиги менга кундай равшан бўлди.

Менга Нобель мукофоти берилиши биров бахс келтириб чиқарди. Аввалига бу бахснинг сабабчиси мен деган қарорга келдим, аммо аста-секин бунинг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканини тушуниб етдим. Мен худди театрдаги томошабин сингари атрофимда ўйналаётган томошани кузатдим. Мукофот совриндорини гулларга кўмишларини, тошбўрон қилишларини ва устидан мағзава ағдаришларини кўрдим. Уни тепкилаб, янчиб ташлашларидан кўрдим, аммо у гул ва тошлар остидан кулимсираб чиқиб келди, энгил-бошини қокди, хотиржам бир четга ўтди-да, оломонга юзланди.

Ёзувчи учун дилидагини айтишнинг энг яхши усули – ўз сўзларини қоғозга тушириш. Мен айтмоқчи бўлган ҳамма нарсани сиз китобларимдан топасиз. Айтилган сўзни шамол учириб кетади, қалам билан ёзилган сўзлар эса асрлар оша яшайди. Умид қиламанки, китобларимни ўқишга сабрингиз дош беражак, холбуки, уларни сизга ўқийсан деб мажбур қилолмайман. Борди-ю, ўқиб кўрганингизда ҳам мен ҳақимда фикрингизни ўзгартирасиз деб ўйламайман. Асарлари барчага бирдек ёққан ёзувчи ҳали дунёга келган эмас, боз устига бугунгидек бир замонда.

Мен ортиқ ҳеч нарса демасликни

<sup>2</sup> Сансар – Буддавийликда қайта туғилиш жараёни.



маъкул кўрардим, аммо бугун мана шу воқеа муносабати билан гапиришимга тўғри келади ва яна икки оғизгина сўзламоқчиман.

Мен – киссагўйман ва қуйидаги воқеаларни ҳикоя қилмоқчиман.

1960 йилларда мен учинчи синфда ўқирдим, биз бутун мактаб билан эски жамиятдаги азоб-уқубатларга бағишланган кўрғазмага келдик, у ерда ўқитувчимизнинг кўрсатмаси билан аччиқ-аччиқ кўз ёш тўқдик. Менинг садоқатли ўқувчи эканимни ўқитувчим кўрсин деб ёшларимни артмаётгандим. Бирдан кўзим синфдошларимдан бирига тушди, кўз ёши деб ўйласин деб у қўлларига тупурарди-да, тупукни юз-кўзига суртарди. Чинакамига йиғлаётганлар ва йиғлаганга ўхшаб кўринганлар орасида юз-кўзида ёшдан асар ҳам йўқ бир болани кўрдим, у “ғик” этиб товуш чиқармаётгани ва ҳатто юзини қўллари билан ёпмагани ҳам. У фақат кўзларини катта-катта очганича бизларга қараб турарди, унинг кўзларида на ҳайрат ва на ғам ифодаси бор эди. Кўрғазма тамом бўлгандан кейин мен шу ўқувчининг қилиғи ҳақида ўқитувчимизга бориб чақдим ва уяхшигина таъзирини еди. Йиллар ўтиб, ўқитувчимга ўша чақимчилигимдан ҳали-ҳали пушаймонлигимни, бундан уялаётганимни айтганимда, ўқитувчим ўша куни шундай чақувлар билан олдиға ўндан ортиқ одам келганини айтди. Ўша синфдошим бундан ўн йил олдин ўлиб кетгани ва ҳар гал уни эслаганимда виждоним қийналар эди. Аммо мен бу воқеадан бир муҳим ҳақиқатни билиб олдим: атрофдагиларнинг бари йиғлаётганда кимгадир йиғламасликка изн берилиши мумкин. Кўз ёши қалбаки бўлса, инчинун.

Энди сўнгги ҳикоямни айтай, уни кўп йиллар олдин менга бобом сўзлаб бергани. Бир куни ишлагани ғишт

терувчи саккиз мардикор жаладан қочиб, эски эҳромга яширинишибди. Ташқарида момоқалдиروق гумбурларкан, эҳром дарвозаси ортида бирин-кетин олов зўлдирлар думалай кетибди, ҳавода бамисоли аждарҳо ўкириги янграётгандек бўлаверибди. Ҳамманинг юраги ёрилиб, рангларидан ранг қолмабди. “Ҳойнаҳой, ораимиздан биримиз қаттиқ гуноҳ қилиб, Худонинг ғазабини келтирдик. Гуноҳ қилган одам эҳромдан чиқсин-да, жазосини олиб бегуноҳларни қутқарсин”, – дебди усталардан бири. Табиийки, ҳеч ким чиқишни истамабди. Шунда яна бири дебди: “Модомики, ҳеч ким чиқишни истамас экан, келинлар, ҳаммамиз қалпоғимизни ташқарига отамиз. Кимнинг қалпоғи дарвозагача етиб борса, гуноҳга ўша одам йўл қўйган бўлади, ўшани ташқарига чиқарайлик, жазосини олсин”. Барчалари қалпоқларини иткита бошлашибди. Етита қалпоқ шамол эсишидан эҳромга қайта келиб тушибди, фақат биттаси дарвозагача етиб борибди. Барчалари унга ташланишибди, ташқарига чиқиб, жазонгни ол, дейишибди, у эса, табиийки, рад этибди, шунда уни тутиб, дарвозадан ҳайдаб чиқаришибди. Барчангиз, эҳтимол, хангома нима билан тугаганини билгандирсиз: ҳалиги кишини ҳайдаб чиқаришлари ҳамон эски эҳром кулаб тушибди.

Мен – киссагўйман.

Ҳикояларим туфайли мен адабиёт бўйича Нобель мукофотини олдим.

Менга мукофот берилганидан кейин озмунча ёрқин воқеалар рўй бермади ва бу менинг ҳақиқат ва адолат борлигига бўлган ишонч-эътиқодимни янада кўпроқ мустаҳкамлади.

Бундан кейин яна ўз ҳикояларимни сўзлашда давом этаман.

Барча ҳозир бўлганларга ташаккур билдираман.

*“Иностранная литература”  
журналининг 2013 йил 5-сонидан  
олинди.*

*2012 йил 7 декабрь*

*Рус тилидан Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси*




*Азиз журналхон! Югурик вақт ўз кучини кўрсатиб, ҳаши-паши дегунча ёз фаслини ҳам ўтказаямиз. Ойлар кетидан ойлар, кунлар ортидан кунлар бир-бирини қувиб борар экан, ҳаёлимизга турфа фикрлар келади. Мана, журналимизда “Жаҳон маданияти ва санъати” рукнининг очилганига ҳам роппа-роса бир йил тўлибди. Ўтган йил давомида кўплаб шоиру ёзувчилар, санъаткору рассомлар, файласуфу олимларнинг руҳий дунёсига кириши, улар ҳаётининг бизга қоронғу бўлган нуқталарига эътибор қаратиши, қизиқ, гоҳо тушунарсиз, ибратли, аммо мураккаб қисматга, ўзига хос характерга эга бўлган машҳур шахсларнинг умр йўлларига назар ташлашни олдимизга мақсад қилган эдик. Мана шу ўтган вақт ичида нималар қилолдик, олдимизга қўйилган мақсадларни қай даражада удалай олдигу яна нималарни хотирамиздан фаромуши қолдирдик? Биз билмаган, яна қанча очилмаган қўриқлар, бизни ҳайрату таажжубга соладиган номаълум тақдирлар турибди. Айни дамда дунё тафаккур ва санъат саҳнасида қандай жараёнлар кечмоқда ва уларни имкон қадар қамраб олишни қай даражада удаладик?*

*Келажак ҳамиша сирли кўринади. Чунки унда яшаш имкони йўқ. Яшалмаган лаҳзалар эса кишини англашга, тахайюлга, ширин орзу-умидларга чорлайди. Бизнинг ҳам орзуларимиз бир талай. Кўп нарса ҳақида ваъда беролмасмизу, аммо биз қизиқаётган, ўрганиши иштиёқида бўлган қанча-қанча тақдирлар, кечмишлар ҳали олда турибди. Бу сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, албатта.*

*Анъанамизни давом эттирган ҳолда, журналимизнинг июнь сонини Россия қуни нишонланиши муносабати билан рус биродарларимиз адабиёти ва санъатига бағишладик. Моҳир таржимонларимиз ўгирган роман ва пьеса, шоирларимиз томонидан тақдим этилаётган мазмундор шеърлар, ўйлаймизки, ҳаммамиз севадиган рус адабиёти сарҳадлари томон бизни бир одим бўлса ҳам яқинлаштиради.*

*Маълумки, 1 июнь – халқаро болаларни ҳимоя қилиш қуни сифатида нишонланади. Зеро, журналимизнинг бу сониди келажакимиз эгалари, ўйимизнинг жажжси юлдузларини ҳам безътибор қолдирмадик. Журналимизда биринчи марта жаҳон болалар шеърятининг айрим намуналари ўзбек тилида тақдим этиляпти.*



## САРКАШ ВИССАРИОН

*(Виссарион Григорьевич Белинский)*

Замондошларининг гувоҳлик беришича, Виссарион Белинский ниҳоятда саркаш, ўз қарашларини ниҳоятда қатъият билан ҳимоя қиладиган, бўйсунмас инсон бўлиб, оддий сўзлашувда бироз тутилиб, қийналиб гапирар экан. Аммо бирор жиддий адабий-эстетик ҳодиса хусусида сўз кетса кўзлари ёниб, эҳтирос билан сира тутилмасдан соатлаб маъруза қилиши мумкин экан. Бу шундан далолатки, у ўзини ҳаёти мазмунига айланган адабиёт ва санъат дунёсида мутлоқ ҳур ва озод ҳис этган...

Виссарион Григорьевич Белинский умумжаҳон бадий-эстетик тафаккури тараққиётида ҳеч муболағасиз ўзига хос ўрин тутадиган мутафаккирдир. Гарчи уни шўро даври қизил мафкура андозаларига солиб, революцион демократ сифатида тақдим этиб келган бўлса-да, тарих Белинскийни оташин мунаққид, мутафаккир сифатида баҳолаш ҳақиқатини айтади. Балки шу боисдир, бундан икки йил муқаддам, яъни 2011 йилнинг июнь ойида бутун Россия ва дунё ижтимоий-адабий жамоатчилиги Виссарион Белинскийнинг 200 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлади.

У 1811 йили ҳарбий флот врач бўлиб ишлаган Григорий Белинский

хонадонидан таваллуд топди. Отаси хизматдан истеъфога чиққач, оиласини Пенза губерниясига кўчириб келади. Виссарионнинг ёшлиги ва дастлабки ўқиш йиллари ана шу губернияда кечади. 1829 – 1832 йиллари у Москва университетидан ўқийди. Бирок дорилфунунни якунламасдан “соғлиғининг ёмонлиги ва лаёқатининг чекланганлиги” сабабли ўқишдан ҳайдалади. Аслида эса Белинский Москва цензура қўмитасига ўзининг 1830 йилда ёзган “Дмитрий Калинин” номли романтик драмасини тақдим этганидан кейин шундай аҳвол юз берган эди. Қўмита Москва университетининг ректори бошчилигидаги профессорлардан таркиб топган бўлиб, крепостной зиёлининг аччиқ қисматидан ҳикоя қилувчи асар уларга мутлақо маъқул бўлмаган ва унинг муаллифи ўз талабалари бўлганлиги учун ҳеч иккиланиб ўтирмай, уни талабалик сафидан чиқариб юборган эдилар. Шундан сўнг Белинский ўша даврда чиқиб турган “Телескоп” номли журнал таҳририяти билан ҳамкорлик қила бошлайди. Мазкур журналда 1834 йили унинг “Адабий ўйлар” номли биринчи танқидий мақоласи чоп этилади. Ана шу дастлабки мақоладаёқ бўлғуси танқидчининг энг муҳим фазилатлари: таҳлилга тортилаётган асарларга нисбатан талабчанлик, концептуаллик, ҳар томонлама асосланган дадил фикр айтиш хусусияти кўрина бошлаган эди. Белинский учун ҳар қандай асарнинг кадр-қиммати аввало, унинг халқчиллиги билан белгиланар эди. Бу айнан оддий халқ ҳаётини тасвирлашни эмас, балки “халқ ғояси”ни ифодалашни тақозо этарди. “Халқ ғояси” эса бу нимани ва қандай тасвирлашдан қатъи назар биринчи навбатда оддий халқ манфаатини назарда тутиш ва унинг келажаги, озодлиги, фаровонлиги учун қуюниш маслақларига қаратилган эди.

Белинскийнинг дастлабки даврдаги танкидий методи романтик, маълум маънода, идеалистик метод эди. Масалан, у ўз даври рус шеърятининг атоқли намояндалари Жуковский, Батюшков ижодини таҳлил қилар экан, бу шоирларга муносабат билдириш билан бир қаторда уларни улуғ Пушкин шеърятдаги илк романтик босқични тайёрлаган шоир салафлари сифатида баҳолайди.

1835 йили Белинскийнинг “Рус киссалари ва Гоголнинг повестлари ҳақида” (“Арабески”, “Миргород”) номли катта мақоласи эълон қилинади. Бу мунаққид ижодидаги янги босқич эди. Агар аввалги босқичда халқчиллик ғояси илгари сурилган бўлса, кейингисида фикр ҳаётини ҳаққонийлик ғоясига қаратилади. У энди “тасвир ҳаққоний бўлса, демак халқчилдир” деган қатъий қарашдан келиб чиқади. Шуларга биноан Белинский адабиётни икки турга бўлади. Ҳаёлий поэзия, яъни ҳаётни ўз ҳаёлий идеалларидан келиб чиқиб акс эттириш, ва иккинчиси, ҳаққоний поэзия, яъни ҳаётни барча мураккаблиги ва моҳияти билан борича акс эттириш. Айнан мана шу ўринда Белинский романтик метод билан реалистик методнинг энг асосий фарқини белгилаб беради.

Белинский ўз замонасида гарчи ўнлаб ва балки юзлаб ижодкорлар қалам тебратаётган бўлса-да, уларнинг орасида даврнинг энг муҳим хусусиятларини ўзида мужассам этиб, уни юксак бадият билан тасвирлай билган алоҳида асарлар ва адибларга эътиборини қаратади. Шу маънода Белинский учун XIX асрнинг 20-йилларида Пушкин, 30-йилларида Гоголь шундай ҳодиса бўлиб туюлади ва таҳлил қилинади. 40-йилларнинг бошларида у Лермонтовни, 40-йилларнинг ўрталарида эса яна Пушкин ижодини ана шундай том маънодаги ибрат намунаси сифатида талқин қилади. Ҳаётининг сўнги йилларида у яна Гоголь ижодига қайтади. Янги рус адабиёти реалистик йўналишда ривожланаётганлигини, бинобарин, Гоголь барча замондошларидан кўра ҳаётни ҳаққоний, теран ва бадий мукамал тарзда тасвир эта олганини исботлашга уринади. Белинский учун бадиятнинг тўртта асосий белгиси бор эди. Биринчиси – соддалик; иккинчиси – ҳаётнинг мутлақ ҳаққонияти;

учинчиси – халқчиллик; тўртинчиси – ўзига хослик (оригиналлик). Мунаққид фикрича, ана шу фазилатларнинг барчаси бошқалардан кўра кўпроқ Гоголь ижодида мужассам бўлган эди. Айни чоғда у Гоголга хос бўлган яна шундай бир хусусиятни қайд этган эди: “Чуқур қайғу ва ачиниш руҳи билан суғорилган комик жонлилиқ”.

Ўз вақтида Белинский ёрқин эхтиросли танқидчи ўлароқ Пушкиннинг, Гоголнинг ва замонасининг бошқа атоқли зотлари назарига тушган эди. Пушкин унинг дастлабки мақолаларини ўқиб эътироф этган ва хатто мунаққидни ўзининг “Современник” (“Замондош”) журналига тақлиф этмоқчи ҳам бўлган экан. 1838 – 39 йилларда Белинский “Московский наблюдатель” (“Москва кузатувчиси”) журналида ҳамкорлик қилади. 1839 йилнинг кузида у Петербургга кўчиб келиб, “Отечественные записки”, (“Ватан битиклари”) журналининг танқид бўлимини бошқара бошлайди. Шу ерда унинг “Бородино санаси” (1839), “Менцель Гёте танқидчиси” (1840), “Грибоедовнинг ақллилик балоси” (1840) мақолалари эълон қилинади. М.Ю. Лермонтовнинг “Замонамиз қахрамони” романи ҳамда “Шеърлар тўплами” чоп этилгач, мунаққид иккита мақола – тақриз эълон қилиб, ёш Лермонтов ижодини теран ва микёсли таҳлил этади. У Лермонтовга баҳо берар экан, шоирни рус жамиятининг ёрқин ижтимоий-тарихий саҳифалари бадий ифодасини топган янги шеърят ижодкори сифатида улуғлайди. Уни Пушкиндан кейинги улкан бадий-эстетик ҳодиса сифатида таърифлайди. Белинский 1841 йилда “Рус адабиёти 1840 йилда” номли мақоласини чоп этади. Ва шундан бошлаб ҳар йили йиллик адабий-танқидий обзор мақолалар бериш анъанасини яратади. Мунаққиднинг энг катта тадқиқоти бу Пушкин ижодига бағишланган “Александр Пушкин асарлари” (1843–1846) номли 11 мақоладан иборат туркум бўлиб, унда рус адабиётининг Ломоносовдан бошлаб, то Пушкингача бўлган бутун тараққиёт жараёнлари таҳлил этилиб, сўнгра Александр Сергеевич Пушкин ижодининг энг буюк намуналари, айниқса, “Евгений Онегин” шеърини романи батафсил таҳлилга тортилади.

Шўро даври Белинскийни эстет мунаққиддан кўра кўпроқ фақат

ижтимоий ғоявийликни бош мақсад қилган ғоябозга айлантириб қўйган эди. Ваҳоланки, у Пушкин ижодини баҳолаб якуний хулоса чиқарар экан, шундай фикрни илгари суради: “Нафосат ва инсонийлик туйғусини ривожлантириш орқали инсонни инсон сифатида шарафлаш Пушкин шеърятининг алоҳида ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади”.

Белинский “Отечественные записки” журналдан бўшагач, 1847 йилдан бошлаб “Современник” журналининг раҳбарларидан бирига

айланади. Шу ерда у юқорида эслатилган адабий обзорларини, жумладан, “1847 йилги рус адабиётига назар” номли икки катта мақоласини эълон қилади. Ана шу мақолалари мисолида мунаққид ўзи эҳтирос билан ёклаган реалистик ва тарихий методнинг юксак намуналарини яратади.

В.Г.Белинский 1848 йили 37 ёшида сил касалидан вафот этади. У ҳеч муболағасиз ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам адабий-эстетик тафаккур ривожига энг эътиборли сиймолардан бири бўлиб қолди.

*Ирода ВАҲОБОВА тайёрлади*



## ТИЛБИЛГИЧ МУМТОЗ АДИБ

Иван Александрович Гончаров 1812 йил 18 июнда Симбирскда туғилди. Унинг отаси ўзига тўқ рус савдогарларидан бўлиб, боласи эндигина уч ёшга тўлганида у оламдан ўтди. Гўдак онаси билан қолди. Онаси, гарчи ўқимаган бўлишига қарамай, боланинг соғлом, билимли, зийрак бўлиб ўсиши учун ҳар нарсага тайёр, ақлли аёл эди. Болани чўқинтирган қариндошлари – истеъфога чиққан мўйсафид денгизчи ҳам ёш Ванининг кенг фикрли, саводли бола бўлиб ўсишида яқиндан ёрдам кўрсатади. У

Ваняга денгизда бўлиб турадиган турли ҳодисалар, саргузаштлар, кемадаги саёҳатлар ҳақида гапириб берар, болада денгиз илми, саёҳат ва саргузаштларга рағбат уйғотар, ўз навбатида боланинг ҳам кундан-кунга ўқиб-ўрганишига, табиат билан дўстлашишига, йироқ мамлакатлар ва халқлар ҳаётига қизиқиши ортиб боришига сабаб бўлар эди.

Яна бир жиҳат – Гончаровлар оиласи олийжаноб, зиёли ва руҳоний одамлар билан қўшни турар, улар эса ёш Иваннинг китоб ўқиши, тил ўрганиши, илмли бўлишида қўлларидан келган ёрдамларини аямасдилар. Масалан, қўшни аёлларнинг бири француз бўлиб, пансионда шу тилдан дарс берар, Иван эса унда француз тилини ўрганиб олган эди. Ун икки ёшга тўлганда Иван онаси, қариндоши ва қўшнилариининг ёрдами билан Москвага жўнайди. Бу ерда у ўрта ўқув юртига қабул қилинади, немис, инглиз тилларини ўрганиб олади, мутотлаага чин ихлос қўйиб, ўзи ҳам ёзиш-чи-зиш билан машғул бўла бошлайди. 1831 йилда у Москва университетининг филология факультетига ўқишга киради ва шу ерда ўз даврининг машхур педагоглари – профессорлар Надеждин, Шевирёв, Давидовлардан сабоқ олиб, маърузалар тинглашга муваффақ бўлади, қадимги юнон ва рим адибларининг ҳаёти, асарлари билан танишади. Гончаров талаба пайтида ёшлар ўртасида Пушкин даҳоси жуда ардоқланар эди. Қолаверса, кейинчалик рус адабиётининг фахри

бўлиб қолган Белинский, Лермонтов, Станкевичлар ҳам Гончаров билан олдинма-кетин курсларда ўқишар, улар билан кўришиб туриш, мунозара қилиш, бадиий асарларни алмашлаб ўқиш, ўзлари ёзган машқларни бир-бирларига ўқитиб олишлар ҳам унинг адиб сифатида шаклланишида ижобий роль ўйнагани шубҳасиз.

Ўқиш ва таҳсиллар муддатини тугатган Иван Александрович Симбирскка қайтиб келади. Дарвоқе, кўп тилларни мукамал биладиган полиглот йигит қайси маҳкамага керак эмас дейсиз?! Тез орада уни Петербургга – Молия вазирлигига таржимонлик вазифасига ишга қақришади. Молия вазирлигида иш кўп эди, лекин ёш ва ғайратли таржимон шунча иш орасида ҳам ўзининг севимли машғулоти – адабий асар яратиш машғулотларига ҳам вақт топа олади. Бундан ташқари Гончаров шу шаҳарда яшовчи машҳур рассом Н.А. Майковнинг уйига ҳам қатнаб, унинг ўғлига тил ва адабиёт дарсларини ўтар, ўзи ҳам шу уйда бўладиган адабиёт, санъат, маданият йиғинларида иштирок этарди. Рассомнинг уйда ўз даврининг машҳур адиблари, адабиётшунослари, рассом ва актёрлари, турли арбоблар кўплаб йиғилиб туришар, мунозаралар, муҳокамалар авжига чиқар, бу эса ёш ижодкорнинг дунёқараши, тафаккури, адабий-эстетик қарашлари ривожига жиддий таъсир кўрсатарди. Натижада Гончаровнинг ёзувчилик маҳорати чарчлана борди, у дарс берган ёш Майков эса кейинчалик рус шеърятининг ёрқин юлдузларидан бирига айланди. Шу тариха, Гончаров яратган янги асар – (“Оддий воқеа” романи) ҳам Майковлар хонадонидан илк бор муҳокамадан ўтиб, Некрасов муҳаррирлик қилаётган “Современник” журналида чоп этилади. Бу роман туфайли ёш адиб аввал “Майков тўғараги”да, асар чоп этилганидан сўнг эса бутун Россияда катта шухрат қозонди. Бундан илҳомланган Гончаров ўзининг иккинчи йирик асари – “Обломов” романини ёзишга киришди.

Бу орада (1852 йил) Гончаров Денгиз Вазирлигидан хат олади, мактубда у Япония мамлакатига жўнаб кетаётган савдо-тижорат экспедициясининг раҳбари адмирал Путятиннинг котиби сифатида узоқ давом этадиган денгиз саёҳатида иштирок этиши сўралган эди (мана сизга кўп тилларни билишнинг шарофати!). Шундай қилиб, Иван

Александровичнинг болалик чоғидаги орзулари амалга ошди. Икки йил давом этган бу саёҳат натижаси ўларок, адибнинг “Паллада” фрегати” деган саёҳатнома асари дунёга келди. Бу китоб рус саёҳатномаларининг ичида ҳамон тенги топилмайдиган китоб деб эътироф этилади, мазмунан бой ва ранг-баранглиги, табиат манзаралари, денгизчилар ҳаёти батафсил тасвирланганлиги билан дунё китобсеварларини қизиқтириб келади.

Саёҳатдан қайтганидан кейин Иван Александрович Халқ маорифи вазирлигининг цензура қўмитасига ишга қақрилади. 1857 йили у ўзининг энг машҳур романи – “Обломов” асарини ёзиб тугатди. Роман “Отечественные записки” журналида чоп этилди, кейинчалик китоб ҳолида ўқувчилар кўлига етиб борди. Орадан ўн йиллар ўтиб, 1868 йилда муаллифнинг яна бир улкан романи – “Жар” чоп этилди. Рус адабиётининг мумтоз намояндаси ҳисобланган Гончаров қаламига мансуб асарлар асосан ана шулардан иборат. Тўғри, адиб қартайган чоғида ҳам матбуот саҳифаларида, адабий журналларда мақолалари, хотира ва эсселари билан иштирок этиб турди.

Ўзининг улуғ истеъдоди, бадиий салоҳиятига кўра Гончаров рус адабиётида ҳақли равишда Пушкин ва Гоголлар билан бир қаторда тилга олинади. XIX аср рус ҳаётининг бирмунча кулгили, тубан, иллагларга бой манзаралари Гоголь қаламида қанчалик ҳажв қилинган бўлса, Гончаров ўз асарларида бу хил камчиликлар билан бирга ижобий ўзгаришлар ҳам бўлаётганини, рус кишлок ва вилоятларида оқил, эзгу ниятли, содда, самимий, олийжаноб одамлар ҳам бор эканлигини ишончли кўрсатиб бера олди.

Айтишларича, И.А.Гончаров жуда секин ёзар экан; шунинг натижасими, ундан мерос қолган асарлар ҳам унчалик кўп эмасди. Чет элларда уни фақат биттагина романнинг муаллифи сифатида билишади. Унинг хизмат вазифаси давлат ишлари билан боғлиқ бўлганлиги туфайли, Гончаров шу ишлардан бўшаган пайтлардагина бадиий ижод билан шуғулланар эди. Унинг романлари бадиият жиҳатидан ҳам, композицион тузилиши жиҳатидан ҳам, лингвистик хусусиятлари жиҳатидан ҳам пишиқ-пухта чиққанлигининг боиси ҳам шундадир, эҳтимол.

*Музаффар Аҳмад  
тайёрлади*



## БОЛАЛИКНИ СОҒИНИБ ЯШАГАН АДИБ

Антуан де Сент-Экзюперининг асарлари аллақачон XX аср француз адабиёти классикасига айланган. Адибнинг адабиётда ўхшаши кам учрайдиган, романтик руҳ, поэзия, нозик лиризм, фалсафий мушоҳадалар ва инсонларга муҳаббат руҳи билан йўғрилган асарлари жаҳоннинг жуда кўплаб тилларига таржима қилиниб, ўз ўқувчиларини топган.

Антуан де Сент-Экзюпери 1900 йилнинг 29 июнида Лион шаҳрида анча қашшоқлашиб қолган зодагонлар оиласида туғилди. Унинг ўз болалик йилларига бўлган муносабати кишини ҳайратга солади. “Бизнинг болалик дунёмиз, сўзлашувимиз, ўйинларимиз олами менга бошқа нарсадан кўра ҳеч қачон туганмас борлиқдай туюлади,” – дейди у онасига ёзган мактубларидан бирида.

Сент-Экзюпери дунёда, хусусан, Ўзбекистонда аввало “Кичкина шахзода” накл-эртагининг муаллифи сифатида маълум ва машҳур. Ҳаётдан кўз юмганига 70 йилга яқин вақт бўлганига қарамай, унинг ижодий мероси ҳамон адабиётшунослар ва ўқувчилар эътиборида. Сент-Экзюпери асарларини, унинг асосий касби – учувчиликдан айро ҳолда қабул қилиш мумкин эмас, албатта. У ўзини ҳеч қачон профессионал ёзувчи деб ҳисобламаган.

Сент-Экзюпери ўн икки ёшга тўлганда биринчи бор ҳавога кўтарилди: ўша даврнинг машҳур француз ёзувчиси Ведрен уни самолётида бирга олиб учади. Ана шу лаҳзадан бошлаб парвоз ишқи ёш Антуаннинг ҳаётидаги асосий, бир умрлик мақсадига айланган бўлиши мумкин.

1921 йили у кўнгилли равишда ҳарбий хизматга отланди. Ҳарбий қирувчилар авиаполкида зўр иштиёқ билан учувчилик сирларини ўрганди ва француз армиясининг лейтенанти унвонига эга бўлди. У 1927 йилдан бошлаб Франция жанубини Африка билан боғловчи почта йўналишида учувчи бўлиб ишлайди. Иккинчи жаҳон уруши пайтида ҳарбий разведка қисмларида хизмат қилди ва Франция мағлубиятидан сўнг АҚШга кетишга мажбур бўлди. Сент-Экзюпери томонидан билдирилган қатъий сўровлар натижасида у ҳаракатдаги армия сафига қайтарилган. 1944 йилнинг 30 июнида Франция жанубида разведка ишларини олиб бориш учун АҚШ ҳаво кучларига қарашли ҳаво кемасида парвоз қилган Сент-Экзюпери самолёти уриб туширилди. Олтмиш йилдан сўнг–2004 йили Ўртаер денгизида унинг сомонети қолдиқлари топилди.

Сент-Экзюпери учун авиация энг аввало дунёни ўрганиш, уни кашф этиш, инсондаги нодир фазилатларни тарбиялаш, инсонлар ва мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликка, биродарликка йўл очиш воситаси эди. Бундан ташқари, самода парвоз қилувчи, юқоридан туриб ерни кузатувчи инсон бошқаларга нисбатан ўзгача дунёқарашга эга бўлади. Бир қарашда сезилавермайдиган, лекин самолёт кабинасида туриб ниҳоятда нозик ва ҳимоясиз бўлиб кўринадиган она заминимизда инсонлар нақадар ёлғиз, бир-бирини тушунишга ожиз эканликлари учувчи Сент-Экзюперини ҳамиша ташвишга солган. Умрнинг қисқалиги, инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, бир-бирларини тушуниб яшашга бўлган интилишларнинг тириклик

мазмунини ташкил этиши Экзюпери яратган деярли ҳар бир асарнинг бош гоёси эди.

Сент-Экзюпери авиация мавзусини адабиётга олиб кириб XX асрдаги янги соҳа кишиларининг фаолияти ҳақида илк бор ҳикоя қилди. Шу билан бирга, у ўз касбини цивилизация, жамият келажаги ва инсонлар тақдири ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар манбаига айлантира олди. Натижада, ёзувчи жаҳон адабиётида биринчилардан бўлиб учувчиликни маънавий-ахлоқий ҳодиса сифатида талқин этди.

Ёзувчи воқеа ва ҳодисаларни ҳикоя қилишни эмас, балки ана шу воқелар туфайли пайдо бўлган мулоҳазаларни баён этишни муҳим деб ҳисоблаган.

Сент-Экзюпери ижодидаги муҳим асарлардан бири бўлган ва ёзувчи номини бутун дунёга машҳур қилган “Кичкина шахзода” фалсафий эртаги 1942 йилда, ёзувчи Нью-Йоркда яшаган пайтида ёзилди. Ушбу асар жанр ва композицияси билан аввалгилардан фарқ қилади. У дунёнинг юздан ортик тилларига таржима қилинган ва энг кўп нашр этилган асарлардандир. Адабиётшунос Р.Грачёвнинг таъкидлашича, “Кичкина шахзода” инсон ўзини поэтик жиҳатдан ҳис қилишининг ишончли тажассуми бўлиб қолди. У ёзувчининг бошқа асарларига нур таратиб туради ва уларни ушбу эртақсиз англаб етиш мумкин эмас.

Асар мотивлари, аниқроғи, болакай тимсолининг пайдо бўлиши 1927–1929 йилларга бориб тақалади. Бу даврда Кап-Жуби (Марокаш) аэродромининг бошлиғи бўлган Сент-Экзюпери самолёти Сахрои-Кабирда аварияга учраганлиги ва шу куни саҳрода тунашга мажбур бўлган учувчи тушига қандайдир митти одам киргани ҳақида маълумотлар бор. Муаллиф анча вақтгача ана шу туш таассуроти билан юрганлигини унинг томонидан турли йилларда чизилган қанотли болакай суратлари тасдиқлайди. Эртақнинг дастлабки чизгилари ана шу воқеа таъсирида пайдо бўлган бўлиши мумкин. Лекин

ана шу чизгиларнинг мукамал бир асар тусини олишида асосий туртки бўлган воқеа – Иккинчи жаҳон уруши ва унинг ёзувчи руҳий оламига кўрсатган таъсири ҳисобланади. Ёзувчи 1943 йил март ойида фашистларга қарши ҳарбий ҳаракатда қатнашиш учун шимолий Африкага келади. Эртақ эса апрель ойида Америкада босилиб чиқади. Асардаги Шаҳзода эртақ ниҳоясида ўзи ўстириб парваришлаган атиргулга масъул эканлигини ҳис қилади. Адабиётшунослар ана шу Атиргул образи ортида ёзувчининг умр йўлдоши Консуэло тимсоли назарда тутилган бўлса керак, деб тахмин қиладилар. Бу фикрни инкор этиб бўлмайди. Нозик жуссали, кувнок, абжир, яна ажойиб фантазиячи ва кези келганда эксцентрик феъл-атворга эга бўлган бу аёлнинг Сент-Экзюпери ҳаёти ва ижодида ўз ўрни, таъсири бор. Уларнинг ҳаётидаги номутаносибликлар ва тез-тез бўлиб турувчи айрилиқ онлари “Кичкина шахзода”даги қаҳрамоннинг нозик ва инжиқ Атиргулни ташлаб саёҳатга кетиши, кейинчалик фикру-зикри ана шу гулида бўлиши, бошқа ҳеч қандай гул ўзи ўстирган Атиргулга ўхшамаслигини ҳис қилиши орқали ифодаланган дейиш мумкин.

Ҳаёти давомида вақти-вақти билан болаликка қайтиб яшашни тарғиб қилиб келган Сент-Экзюпери “Кичкина шахзода”ни Франциядаги дўсти Леон Вертнинг болалик дамларига бағишлагани, асарнинг бош қаҳрамони қилиб болани танлагани ҳам бежиз бўлмаса керак. Сент-Экзюпери “Кичкина шахзода”дан ташқари “Маҳбусга мактуб” (1943) асарини ҳам Леон Вертга (1879–1955) бағишлаган. Ёзувчи ва адабиётшунос бўлган бу инсон Сент-Экзюперининг дўстигина эмас, балки уни тушунувчи ягона киши бўлган. Уруш туфайли у инсонларда содир бўлаётган тарқоқлик, маънавий тубанлашиш сингари кўринишлар ҳақида 1939–1944 йилларда дўстига ёзган хатларида жуда кўп маротаба таъкидлайди.



Сент-Экзюпери ўз қахрамонига 5-6 ёшдаги бола руҳиятига хос хусусиятларни ато этган. Асар давомида болалик дунёси катталар дунёсига қарама-қарши кўйилади. Катталарнинг ҳаётни безаб турувчи романтика ва гўзалликни ҳис қилиш каби туйғулардан йироқ эканлиги болани ҳайратга солади. Шунинг учун ҳам катталар шахзода чизган филни тириклай ютиб юборган бўғма илон расмини “шляпа” деб атайдилар. Бола эса ўша катталар кўра олмайдиган қутича ичидаги кўзичоқни кўра олади. Умуман, шахзода ҳали катталар қадами етмаган софлик сайёрасининг соҳибидир. Бош қахрамоннинг “Кичкина шахзода” деб аталиши ҳам шундан.

Шахзода кизиқувчан ва ишонувчан бўлиб, барча жонли мавжудод уни ҳайратга солади.

Антуан де Сент-Экзюпери ҳайрат ҳиссини инсонга ато этилган ажойиб неъматлардан бири деб билади. Фақат қалби пок, беғубор кишигина ҳаёт гўзалликларидан чинакамига ҳайратга тушиши мумкин. Лекин инсон улғайган сари ҳаёт ҳодисаларидан, гўзалликларидан ҳайратланиш йўқолиб боради. Ҳайрат ҳиссининг йўқолиши эса инсонни дағаллашишга олиб келади, уни фикрловчи механизмга айлантириб кўяди.

“Кичкина шахзода”да катталарнинг ҳаётни безаб турувчи романтика ва гўзалликни ҳис қилиш каби ҳислардан йироқ эканлиги болани ҳайратга солади. Муаллиф болаларга мос кузатувчанлик билан катталарга баҳо беради: “Катталар рақамларни жуда яхши кўришади. Агар уларга янги дўст ортирганингиз хусусида айтиб қолсангиз, улар ҳеч қачон асосий нарса ҳақида сўрамайдилар. Улар: “Унинг овози қанақа? Нечта оға-иниси бор? Оғирлиги қанча экан? Отаси қанча мояна олади?” –деб сўрай кетадилар. Сўнг шу тарика ўзларича одамларни яхши билиб олган бўладилар”.

“Кичкина шахзода”нинг бошқа асарларига ўхшамайдиган яна бир оригинал жиҳати бор. Бу асарнинг муаллиф томонидан эртак сюжети

чизилган суратлар билан берилишидир. Бу суратлар ёзувчи ҳикоясига шарҳ бериш вазифасидан ташқари, сўзда ифодалаб бўлмайдиган нозиклик, соддаликни ҳам китобхонга етказиб берганки, бу жаҳон адабиётида жуда кам учрайдиган услуб ҳисобланади.

Сент-Экзюперининг софлик сайёрасининг соҳиби бўлган қахрамони аллақачонлар ўзбек ўқувчилари қалбини ҳам забт этган. Эртак ўзбек тилида дастлаб 1963 йили нашр этилди (М.Умаров таржимасида).

Асарнинг Хайриддин Султонов томонидан қилинган таржима варианти “Ёшлик” журналининг 1985 йилдаги 6-сонидан эълон қилинган. Кейинги йили “Кичкина шахзода”, “Тунги учиш” (Аҳмад Аъзам таржимасида) асарлари ва “Башар сайёраси” китобидан парча (Хайриддин Султонов таржимасида) алоҳида китоб ҳолида босмадан чиқди. 2003 йилга келиб, “Кичкина шахзода” асари лотин ёзувида алоҳида нашр этилди.

Сент-Экзюперининг ижодий мероси “Учувчи” новелласи (1926), “Жанубий почтачи” (1928), “Тунги учиш” (1931), “Башар сайёраси” (1939) киссалари, Испаниядаги уруш ҳақидаги очерклари, 1942 йилда чоп этилган “Ҳарбий учувчи” ва “Кичкина шахзода” асарлари ҳамда 1936 йилдан вафотигача ёзиб борилган, лекин яқунланмаган “Истеҳком” асарларидан иборат. Ёзувчи дастлабки асарлариданок ўзига хос услуби билан шуҳрат қозонди. 1931 йили “Тунги учиш” асари учун нуфузли “Фемина” адабий мукофоти, 1939 йили эса “Башар сайёраси” учун Франция Академиясининг роман учун бериладиган катта мукофоти сазовор бўлган.

Умуман олганда, Сент-Экзюпери асарлари инсонларни доимо ягона мақсад йўлида – инсонийликни сақлаб қолиш учун бирлашишга чақириши билан ҳеч қачон ўз аҳамиятини ва долзарблигини йўқотмайди.

*Абдуғонир ҚОСИМОВ,  
филология фанлари доктори*



## ЎЗБЕК ОПЕРАСИНИНГ БУЛБУЛИ

(Ўзбекистон халқ артисти Назира  
Аҳмедова таваллудининг 100 йиллигига)

Назира Аҳмедова... Бу номни бугунги ёшларнинг аксарияти яхши билмайди. Унинг жарангдор ва ширали овозини телевидение фондларида сақланиб қолган фоноёзувларда эшитиш, назокатли қиёфасини эса кино тасмаларида кўриш мумкин, холос. Назира Аҳмедованинг замондошлари уни “Ўзбекистон булбули” деб аташарди.

Назира Аҳмедова туғма истеъдод эгаси, ноёб овоз соҳибаси эди. У 1913 йилнинг 5 июнида жуда кўплаб санъат ва маданият арбобларини етиштириб берган сўлим Андижон шаҳрида таваллуд топди. Мусиқа санъатига бўлган меҳр-муҳаббат унинг вужудига она сути билан бирга кирган десак, янглишмаймиз. Дарҳақиқат, Назира Аҳмедованинг онаси ҳам халқ кўшиқ ва лапарларини маромига етказиб куйлар, дуторни моҳирона ижро этарди. Ёш Назира отасининг вафотидан сўнг Тошкентга келади ва ўқишини мактаб-интернатда давом эттира бошлайди. Бу ерда ўтказиладиган бадий ҳаваскорларнинг концертларида, тadbирларда фаол иштирок этган Назира ўзининг бадий ижодиётга бўлган мойиллигини, овозининг ноёблигини сезиб, кўшиқчилик билан жиддий шуғуллана бошлайди. 1928 йили кўплаб иқтидорли ўзбек ёшларининг биринчи

вакиллари қаторида Н.Аҳмедова ҳам Москва бадий театр мактабига ўқиш учун жўнайди. У ерда ўқишнинг ўзига яраша қийинчиликлари, машаққатлари ҳам йўқ эмасди, шу билан бирга бошқа халқ маданияти ва санъати билан танишув ёш кўшиқчининг дунёқарашини бойитди, кенгайтди. Энг муҳими, Назира Аҳмедова Европа кўшиқчилик санъати мактабининг вокал йўналишини чуқур эгаллади, овоз диапозони янада кенгайди. Бутун ижодий фаолияти давомида тинимсиз меҳнат ва изланишда бўлди. Назира Аҳмедова она юртига қайтиб келгач, ўзбек ишчи ёшлар театрига қабул қилинади ва тез орада Ўзбек миллий академик драма театрига (собик Ҳамза номидаги театрга) ишга ўтади. Айни пайтда ғайрат ва шижоатга тўлган хонанда радиода бир қатор халқ кўшиқлари, лапарлари, замонавий кўшиқларни куйлаб халққа танила боради.

У 1933 йили Тошкент “Колизей” театрининг опера студиясига қабул қилинади.

1935 йил. Бу йил Назира Аҳмедова учун эсан чикмас, омадли йил бўлди. Уни Республика давлат мусиқа театрига ишга таклиф этишди. У бу ерда ёрқин, эса қолувчи ранг-баранг образларни яратди. Унинг ёқимли тембрга эга бўлган, “лирик-колоратурали сопрано-овоз” деб баҳоланган овози, ташқи қиёфаси, нафис ва назокатли ҳаракатлари, актёрлик иқтидори – ўзига хос бадий ифодавийлик касб этиб, хонанда улардан моҳирона фойдалана оларди. “Эр Тарғин” мусиқали драмасидаги Тана роли унинг илк ижро этган ролларидан бўлиб, замондошлари хотирасида бир умр сақланиб қолди. Назокатли ва жозибатор қалмоқ гўзали Тана нафақат ботир Тарғинни, балки томошабинлар қалбини ҳам ўзига мафтун этди. Шунга айтиб ўтиш жоизки, Назира Аҳмедова бу асарда машҳур санъаткор Ҳалима Носирова билан бирга роль ижро этди. Хоннинг маккора қизи Оқюнус (Ҳ.Носирова) азоб чекаётган асира Танани хўрлаётган пайтдаги уларнинг биргалашиб ижро этган дуэти томошабинларни ҳар гал чуқур ҳаяжон ва титроққа соларди. Бу дуэт

ўша йиллари деярли барча концерт дастурларида энг кўп ижро этиладиган намунавий асарга айланди.

1938 йили “Эр Таргин” операси Ленинградда намойиш этилди. Россиянинг дунё тан олган маданий маркази ўзбекларнинг ўзига хос спектаклини кўтаринки рух билан қарши олди, мутахассислар асарни юқори баҳолашди, асар ва ижрочилар шарафига тасаннолар ўқилди. Ленинград матбуотида босилиб чиққан тақризларда мутахассислару томошабинларни вокал ва драматик маҳоратлари ила лол қолдирган тўрт нафар санъаткорнинг номи тилга олинди. Булар – Ўзбекистон халқ артистлари Ҳалима Носирова, Назира Аҳмедова, Муҳиддин Қори-Ёқубов ва Карим Зокировлар эди.

Ўша кезлари Алишер Навоий асари асосида яратилган “Лайли ва Мажнун” операси мазкур санъатнинг Ўзбекистонда ривож топишига асосий туртки бўлди. Р.Глиэр ва Т.Содиқовларнинг мазкур операси тўрт маротаба тахрирдан ўтказилди ва ҳар гал асар драматик жиҳатдан такомиллашиб, пишиб борди. 1954 йили асарнинг тўртинчи тахририда Лайли образини саҳнага Назира Аҳмедова олиб чиқди. Образнинг бу галги талқини аввалгиларидан тубдан фарқ қилиб, бошқача бир кўринишда намоён бўлди. Шарқ маданияти ва урф-одатларини, аёлларга хос бўлган самимийлик, жозибадорлик, ақл-заковатни, тақдир зарбаларига сабр, матонат билан жавоб берадиган образ талқинини актриса саҳнада ҳаққоний ва самимий акс эттира олди.

Бундан ташқари Назира Аҳмедова С.Абдулланинг “Фарҳод ва Ширин” мусиқий драмасида (Т.Жалилов мусиқаси) гўзал ва ҳийлагар Моҳим ролини ҳам қиёмига етказиб ижро этди. Хоразмча куйлашнинг жозибадор усулидан фойдаланган актриса танноз ва инжиқ малика образини саҳнада жонлантирди.

Т.Содиқовнинг “Гулсара” асарида эса Назира Аҳмедова Моҳим характерига тамомила зид, қарама-қарши образни яратди. Спектаклдаги Асал партияси гўёки Назира Аҳмедова учун махсус ёзилгандай эди. Асал об-

рази ҳаётдан завқ олиб яшайдиган қиз бўлиб, бу образ жўшқин ва эҳтиросга тўла, нозик қалб тебранишлари билан йўғрилган руладалар (булбул нағмасининг мусиқий атамаси) билан бойитилган. Санъатшунос олима А.Корсакова “Ўзбек опера театри” китобида шундай ёзади: “Актриса, ўзбек операсининг куйлаш услубига хос бўлмаган услубда моҳирона куйлаб, “замонавий кўшиқ мактаб”ини тўла эгаллаганини намойиш этди, товуш софлигига, бенуқсон интонацияга эришди”.

Айнан шу “замонавий кўшиқ мактаби” усуллари Назира Аҳмедованинг беозор испан қизи Микаэла (Ж.Бизенинг “Кармен” операси), П.И.Чайковскийнинг “Евгений Онегин” ва “Пиковая дама”, Ж.Вердининг “Риголетто” операларида ва Европа классикларининг бошқа асарларида ёрқин образлар ижро этишига катта ёрдам берди.

1963 йили Назира Аҳмедова 50 ёшида дунёдан кўз юмди. У ўзбек маданиятига қўшган улкан ҳиссаси учун “Ўзбекистон халқ артисти” деган юксак унвон билан тақдирланди. 2002 йилдан бошлаб вокалистларнинг Назира Аҳмедова номидаги республика танловлари ўтказиб келинмоқда.

Бу йил эса санъатсевар халқимиз, Ўзбекистон маданияти ва санъати арбоблари, опера санъати шайдолари ёрқин истеъдод соҳибаси Назира Аҳмедова таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлайдилар. Назира Аҳмедова Ўзбекистон маданияти тарихида ўчмас из қолдирган, халқимиз юрагидан муносиб ўрин эгаллаган миллий опера санъатининг беназир ва унутилмас сиймоларидан бири бўлиб қолади.

*Шоиста ҒАНИХОНОВА,  
Санъатшунослик фанлари номзоди*



## САРОБГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

1989 йилнинг сентябрь ойининг ўртаси эди. Бир гуруҳ журналистлар Кобул аэропортидан Тошкентга қайтаётгандик. Чипталаримизни эндигина рўйхатдан ўтказаятганимизда ногаҳон аэропорт биносининг атрофига мужоҳидларнинг ракеталари ёғила бошлади. Ракета еру осмонни титратарди. Ноиложликдан ўзимни стол тагига ташладим. Ёнимга Украинанинг Одесса шаҳрига таҳсил олиш учун жўнаб кетаётган бир афғон аспиранти келиб, жойлашиб олди. Неча йилдан буён бомба, ракета овозига ўрганиб қолган афғон йигити гўё ҳеч қандай ҳодиса юз бермаётгандек, парво қилмасди. У мендан: “Шўравийданмисиз?” деб сўради. “Ҳа” дедим мен паст овозда. “Қўрқманг, бу ерга ракета ташланмайди, аэропорт биноси уларга керак. Пешин намози ҳам яқинлашяпти. Намоз пайтида бомбардимон қилиш тўхтатилади”, дея таскин берди. – Эшитишимча, деди у, – Шўравийда Аҳмад Зоҳирни яхши кўрар экансизлар-а?”. “Бале, шундай”, деб тасдиқладим унинг сўзини.

– Шўравий касофати Аҳмад Зоҳирдек қўшиқчиларимиз ҳаётига зомин бўлдию, ўрнига ракета, танк, уруш овозини ташлаб кетди. Ана энди сизлар ҳам бемалол эшитинглар бу овозини!

Афғон йигитининг бу хулосага келганини тушуниш мумкин эди. Чунки собиқ шўро ўзининг гегемонистик мақсадларини рўёбга чиқаришни давом эттириш мақсадида чегарасидаги бетараф ва тинчликсевар Афғонистоннинг ички ҳаётига “Буюк Савр инкилоби” сценарийси туфайли араллашиб, тинчлигини бузди.

“Агар замбаракдан ўқ отилса, мусиқа ўчади”, деб бежиз айтишмаган. Машҳур хонанда ва бастакор Аҳмад Зоҳир ҳам миллионлаб ватандошлари каби мустабил тузумнинг қурбони бўлди. Биз – ўтган аср 70-йилларининг ёшлари сеҳрли овозга эга бўлган хонанда Аҳмад Зоҳирнинг тароналари оғушида ўсдик, камол топдик. Унинг гўзал қўшиқлари мунтазам радио тўлқинлари орқали, кўчаю хиёбонларда, тўю базмларда янграрди. Хонанданинг қўшиқларини ўзбекистонлик хонандалар, халқ артистлари Бобомурод Ҳамдамов, Хайрулла Лутфуллаев, Муҳаббат Шамаева, шунингдек, Мунира Муҳаммедова, Шавкат Тошматов каби ўнлаб ёш қўшиқчилар ўзгача завқ билан куйлардилар. Агар Раж Капур Ҳиндистон санъатини, унинг жозибали куй-қўшиқларини қалбимизга олиб кирган бўлса, Аҳмад Зоҳир афғон халқининг ҳам жўшқин, ҳам фиғонли, дардли қўшиқлари билан қалбларимизни ром этган десак, янглишмаймиз.

70-йилларнинг охирларига келиб, афғонистонлик ижодий гуруҳлар Ўзбекистонга ташриф буюра бошлашди. Улар қаторида Аҳмад Зоҳирни ҳам юртимизга келишини сабрсизлик билан кутардик. Лекин бу истагимиз амалга ошмади. 1979 йилнинг 14 июнь куни Кобул радиоси нохуш хабарни тарқатди: эндигина туғилган кунини нишонлаб, умрининг ўттиз учинчи баҳорини кутиб олаётган сеvimли хонанда Мазори шариф шаҳридаги концертдан сўнг Кобул томон кетаётганида сирли ҳолатда Саланг довоида ўлдирилади. Бу мудҳиш хабар бутун мамлакатни ларзага келтирди. Буюк санъаткорнинг жанозасида бутун Кобул шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли тўпланиб,

унинг жасадини пойтахт чеккасидаги тепаликда жойлашган Шухадойи солеҳин қабристонига дафн этади. Биз талабалар бир неча кун ўзимизга келолмадик. “Марги ман рўзе фаро хоҳад расид...” (“Менинг ўлимим бир куни яқинлашади”) кўшиғи қалбимизни янада мутаассир қиларди.

Айтишларича, унинг қабри ойлар давомида гулу гуллоларга бурканган, ҳаттоки, урф-одатларга хилоф бўлса-да, Аҳмад Зоҳир санъатига шайдо бўлган қизлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, у билан видолашмоққа борадилар, мозори устида фағон кўтардилар... Ушбу маҳзун лаҳзаларни бевосита ўз кўзи билан кузатган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом “Қор босган тоғлар” (Аҳмад Зоҳир кўшиғи) шеърида шундай тасвирлаган:

*Нуристонга етолмай  
Йўлда қолдим, вой-вой.  
Ииқим баён етолмай  
Ййга толдим, вой-вой.*

*Мовий кўзли Ҳумайро  
Йўлга чиққандир танҳо  
Мени кечиргил, зебо,  
Ғамга солдим, вой-вой.*

*Қор босган тоғлар хомуш,  
Аждаҳодай Ҳиндикуш  
Йўлимни тўсиб турмиш,  
Мен йўқолдим, вой-вой.*

Дарвоқе, Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов ҳамда Сирожиддин Саййид ҳам Аҳмад Зоҳир ўлимидан сўнг унга бағишлаб ўз марсияларини битганлар.

Аҳмад Зоҳир Афғонистон муסיқий санъатида катта ўзгариш, таъбир жоиз бўлса, инқилоб қилган санъаткор ҳисобланади. Айтишларича, Афғонистонда аристократлар, давлат арконларида ишлаётган шахслар фарзандларининг санъаткор бўлишига изн бермаган эканлар. Аҳмад Зоҳир аввало, мансабдор кишиларнинг бу қарашларини ўз маҳорати ва одоби билан ўзгартирди. Негаки, у 1946 йил 14 июнь куни Афғонистон кироли Зоҳиршоҳ саройидаги мамлакат бош

вазири Абдул Зоҳирнинг хонадонига дунёга келган эди. Отаси ўғлининг шифокор бўлиб, инсонлар дардини енгиллаштиришини орзу қилган эди. Аммо Аҳмад Зоҳир ўзининг таъсирчан, ҳаётбахш ва ёқимли кўшиқлари билан афғон халқининг дарду фироғига малҳам бўлаётганди. Ўғлининг бу интилишини кўрган ота унинг санъаткор бўлишига рози бўлди ва кўллаб-қувватлади. У Кобулдаги “Ҳабибия” лицейини тугатганидан сўнг Ҳиндистондаги санъат институтларидан бирида таҳсил олди. У ерда инглиз, ҳинд ва урду тилларини мукамал ўрганди, шу тилларда кўшиқлар ижро этди. Ватанига қайтгач, бир муддат “Кобул таймс” газетаси таҳририятида, сўнгра “Афғонфильм” студиясида ишлай бошлади. Аммо у кўшиқсиз, санъатсиз яшай олмасди. Хусусан, Кобул радиосида ташкил этилган оркестр унинг бутун ҳаётини кўшиқчилик санъати билан боғлашга сабаб бўлади. Мана шу оркестр ёрдамида “Интерконтинентал” меҳмонхонасининг катта залида хонанданинг илк концерти бўлиб ўтади. Энди у пойтахтдан ташқари, кўпгина вилоятларга ҳам гастрол сафарларига чиқа бошлади. Унинг овози тезда Афғонистон радиоси тўлқинларини ҳам “забт” этди. Қисқа муддат ичида Эрон, Покистон ва бошқа кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистонда ҳам унинг шуҳрати кенг ёйилди.

Афғонистонда санъаткорларга расман фахрий унвон берилмайди. Халқ ҳар йили ўзининг энг севган кўшиқчиси ёки актёрини танлайди, холос. Аҳмад Зоҳир эса 1971 йилдан умрининг охиригача “Йилнинг энг яхши кўшиқчиси” деган шарафли номга сазовор бўлиб яшади. Чунки у ўз кўшиқларида Шарқ муסיқасининг барча колоритларини сақлаган ҳолда уларга янгича, замонавий руҳ бағишлай олди. “Шарқ ва Ғарб муסיқий санъатларини муросага келтирмоқчиман”, деган эди у журналистларга берган суҳбат-

ларининг бирида. Аҳмад Зоҳир Франция кўшиқчиси Энрико Масиас, Салваторе Адамо, америкалик Элвис Преслиларнинг санъатини чуқур ўрганиб, уларнинг тароналарини Шарққа мослади. Хусусан, Пол Мариа куйи билан унинг ижросидаги “Танҳо шудам, танҳо” (“Ёлғиз қолдим, ёлғиз”) кўшиғи дарҳол Европа аудиториясини ҳам ўзига жалб этди. У Италия, Австрия, Франция, АҚШ мамлакатларига сафар қилиб, афғон ва шу тарика Шарқ мусикасини тарғиб ва ташвиқ этган санъаткор бўлиб қолди.

Хонанданинг кўшиқлари матнлари бир-биридан гўзал, маъноли, куйига мос танлаган. Чунки у болалигидан Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Жалолоддин Румий ғазалларини ёд олган, Шайх Саъдий, Абдурахмон Жомий, Бадриддин Ҳилолий, Лоҳутий назмидан энг сараларига куй боғлаганди. Турмуш ўртоғи Фаҳриянинг айтишича, Аҳмад Зоҳирнинг кутубхонасида 8000 жилдан зиёд китоб жамланган бўлиб, у бу ерга тонгда кириб, окшомда битта кўшиқ билан қайтиб чиқар экан. У ўзига жуда талабчан эди. У қайси бир кўшиғини овоз ёзиш студиясида 47 маротаба ёздирган экан.

“Санъаткор иккита нарсани ёддан чиқармаслиги керак, – дерди у, – биринчидан кибр, юлдузлик касали бўлса, иккинчидан санъаткорлар орасидаги ҳасад. Бу иккиси санъаткорни ўлдиради”.

Аҳмад Зоҳир ҳақиқий ошиқ эди. Ундан ошиқлик нима, деб сўраганларида, у ошиқлик бу ишқ, Худога, ҳаётга, табиат, борлиққа ошиқлик” деб жавоб берган экан. “Ошиқ шудам, гуноҳи ман ҳамин аст” дейди у кўшиғида. Яъни: “ошиқ бўлдим, гуноҳим шудир!”.

Кўпгина санъаткорлар томонидан турлича талқинда ижро этилган Шайх Саъдий ғазали билан “Эй сарбон” кўшиғи ўзбек мусиқа шайдоларига ҳам яхши таниш. Бу кўшиқнинг куйи Афғонистон қироли Зоҳиршоҳ саройи давраларида ўзинининг

муносиб мақомига эга бўлган, афғон халқининг яна бир буюк ҳофизи Сорбонга тааллуқдир. Лекин ушбу оҳанг Аҳмад Зоҳирнинг сурурбахш овозида, унинг хос талқинида янада жозибали янграган.

1996 йилининг кузида толиблар Афғонистонда ўзларининг даҳшатли ва қонли сиёсатини ўрнатдилар. Телевидение ҳамма жойда ёпилиб, барча архив материаллари ёқиб ташланди. Жумладан, Аҳмад Зоҳир аудиокассеталари барча хонадонлардан тўплаб олиб, ўтга ташланди. Диний ақидапарастлар бу билан Аҳмад Зоҳир овозини ўлимидан кейин ҳам бўғмоқчи бўлдилар. Аммо санъат ихлосмандлари нур сари интилдилар. Унинг мусиқий меросини асраб-авайладилар. 2002–2003 йилларда Афғонистонга ижодий сафар қилганимда барча ерларда Аҳмад Зоҳир ноласини эшитдим. Мазори шариф шаҳридаги дўконларнинг биридан севимли хонанданинг ҳар бири рақамланган 15 та аудиокассетасини сотиб олишга муваффақ бўлдим.

Афғонистон – кўп миллатли мамлакат. Аҳмад Зоҳир эса шу юртнинг барча халқлари учун азиз ва севимли хонанда бўлиб қолди. У интервьюларидан бирида: “Асл шоирлар, адиблар ва санъаткорлар ўз эътибори, шухрати билан миллатни пароканда эмас, балки бирлик, бирдамлик ва тотувликка чорлашга хизмат қилишлари лозим”, деб таъкидлаган эди. “Менинг орзуим, – деган эди у, – бир куни келиб инсонларнинг бахт-саодатини кўришдир, бу бахт эса фақат тинчлик, бирдамлик ва инсонларнинг дўстлигию инوқлиги билан муяссар бўлади”. Аҳмад Зоҳирнинг бу некбин орзулари бир куни рўёбга чиқишига биз ҳам умид қилиб қоламиз.

*Шоқаҳҳор САЛИМОВ*



## МУҒОМ САНЪАТИ БАЙРАМИ

Бундан тўрт йил муқаддам Наврўз шодиёналари арафасида Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида “Муғом олами” халқаро фестивали илк бор ўтказилган эди. Шарқ халқлари мусикий дурдонасига бағишлаб ташкил этилган ушбу анжуман мамлакатнинг маданий тараққий этиши ҳамда миллий маърифатпарварлик эзгу ғояларини илгари сурди.

Муғом фестивалининг ўзига хослиги шунда кўринадики, у шаклан нисбатан мустақил, мазмун-моҳиятига кўра эса бир-бирига боғлиқ учта нуфузли тадбирни ўз ичига олади. Булар: илмий симпозиум, санъат усталари иштирокида бериладиган очик концертлар ҳамда турдош жанрларга ихтисослашган ёш ижрочилар танловидан иборат. Айни пайтда, озарбайжон муғомлари негизида яратилган мумтоз опера спектакллари, миллий чолғулар ва симфоник оркестрлари, хор жамоалари учун басталанган йирик асарлар, муғом-жаз концерт дастурларининг намойиш этилиши, қолаверса, эркин ижодий учрашув ва мулоқотлар шу кунги рангин маданий ҳаёт манзарасини тасаввур этишга хизмат қилади.

Узоқ ўтмишдан етиб келган маҳаллий муғом турларини ҳам, XX аср бошларида Озарбайжон композиторлик мактабига асос солиб, уни халқаро жамоатчиликка танитган Узаир Ҳожибейли ижодий меросини ҳам, шунингдек, Фикрат Амиров, Қора-Қораев, Ниёзий, Жангир Жангиров ва бошқа ҳассос муаллифлар муғомга таяниб яратган ажойиб асарларни ҳам идрок этишга, янги-янги ижро

талқинларидан баҳра топишга имкон етарли.

Шу ўринда ўзбек шоири Ғафур Ғулумнинг шеърий мисраларида изҳор этган самимий қардошлик туйғуларининг жарангдор тараннуми бехос ёдга келади:

*Озарбайжон халқининг кўркам шеъри, санъати*

*Жуда қадим-қадимдан дўстларига ёддош.*

*Отахон Низомийнинг сўздаги маҳорати*

*Шарқдаги кўп шоирнинг ижодига эмукдош.*

*Бизлар яхши ўқиймиз Фузулий, Фидоийни,*

*Асримиз классиги Самад Вурғун шеърини.*

*Ҳузур билан тинглаймиз Узаирбек ижодини,*

*Тушунамиз бу халқнинг фалсафий зўр фикрини.*

Икки йилда бир маротаба ўтказилиши йўлга қўйилган “Муғом олами” фестивалининг режа ва дастурлари ҳар гал ибратомуз янги жиҳатлар билан бойитилаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Масалан, дастлабки симпозиум “Муғом ва турдош мусиқа жанрларини бадий ва илмий тафаккур кесимида ўрганиш” масаласига бағишланган эди. Иккинчисида “Озарбайжон муғоми ва Урта Шарқ мусиқаси”, шу йили ўтказилган учинчисида эса “Озарбайжон муғоми ва қардош Шарқ халқлари анъанавий жанрларида чолғуларнинг роли” деб номланган ғоятда кизиқарли ва долзарб илмий мавзулар муҳокама учун илгари сурилди. Уқилган барча маърузалар озарбайжон, англиз, араб ва рус тилларига таржима қилиниб, алоҳида-алоҳида илмий тўпламлар сифатида чоп этилиши муғомшунослик фанига кўрсатилаётган жиддий эътибордан

нишона. Хусусан, ЮНЕСКО ҳузуридаги анъанавий мусиқа кенгаши, унинг таркибида фаолият кўрсатаётган халқаро “Мақам” гуруҳи билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик ижобий самарасини берди.

Маълумки, озарий муғом санъати ўтмишда Яқин ва Урта Шарқ халқлари касбий мусиқаси доирасида ҳамда туркий ила форсий тилли аруз шеърляти билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Ўзига хос қомусий фазилатларни жо этган мақам, мақом, муқом, муғом, дастгоҳ шакллари ҳозирда шу минтақа эл-юртлари маънавий меросида бош ўрин тутиши билан ҳам бир-бирига яқин ёки тенгдир. Шарқона мумтоз мусиқанинг ижодий ва ижрочилик, илмий-назарий ва услубий, фалсафий-эстетик ва маърифий анъаналари ҳақли равишда муштарак дея эътироф этилиши бежиз эмас.

Сирасини айтганда, ўзбек ва озарбайжон халқларининг нафақат кўҳна мақом навлари, балки унинг келиб чиқиш омилиарию сарчашмалари бир, тарихий ривожланиш йўллари, тақдирлари туташ.

Бугунги кунда дилкаш мақом-муғом анъаналари, озми-қўпми, ўзгарган шарт-шароитларда янгича тус олаётир. Бир ҳисобда товуш, тасвир, ранг, алоқа, ёзув воситаларига тегишли технологик кашфиётлар туфайли ижод аҳлининг ҳам, санъат истеъмолчиларининг ҳам тинглов муҳити ўзгарди, имкониятлари бениҳоя кенгайди. Аммо, мусиқа шинавандалари учун бевосита, жонли ижро мулоқотининг ўрни ва кадри ҳамиша бўлак. Айни шундай муҳит Самарқанд шаҳри шуҳратига шуҳрат қўшган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида намоён бўлади. Унда Ўзбекистон мақоми ила Озарбайжон муғоми уста намояндалари жонбозлик кўрсатишаётгани табиий ҳол. Шу йўсинда улар салмоқли ижодий ютуқларни қўлга киритиб, бебаҳо мумтоз кадрлялар гуллаб-яшнашига ўзларининг муносиб улушини қўшиб келмоқдалар.

Эслик, 1997 йилда катта тантаналар билан бошланган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали доирасида бўлиб ўтган танловда озарбайжонлик ёш муғомчи-хонанда Симара Иманова билан севимли мақом хонандамиз Муножат Йўлчиеванинг чиқишлари олий муқофотларга лойик топилган эди.

Қарангки, роппа-роса ўн икки йилдан сўнг Боку фестивалида бунинг ўзига хос акс садоси таралгандек бўлди. Яъни, “Муғом олами” халқаро фестивали доирасида ўтган ёш хонандалар мусобақасида олий соврин озарбайжонлик Тайяр Байрамовга насиб этган бўлса, иқтидорли ҳамюртимиз, Ўзбекистон давлат консерваториясида таҳсил кўрган мақом хонандаси Юлдуз Турдиева шарафли биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Фестивалда таниқли санъат усталари томонидан бериладиган оқшом концертлари алоҳида дастур бўйича ўтади. Унда мезбон муғомчилар янги-янги ижрочилик чўққиларини забт этиш баробарида тингловчиларга завқ улашиш учун пухта тайёргарлик кўришгани шубҳасиз. Шу боис барча концертларда машхур озарий муғом ижрочилари учун кенг ўрин ажратилади.

Таниқли ўзбек хонандаси, халқаро танловлар совриндори Нодири Пирматованинг хониши 2009 йилги “мажолис ун-нафоис”га алоҳида фойз бағишлагани рост. Тўрт йилдан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева ўзбек мақом ижрочилиги мактабининг забардаст вакили сифатида юксак ижро санъатини намойиш этди. Улар муҳташам олтин меросимиз – Бухоро Шашмақоми ҳамда Фарғона – Тошкент мақом йўллари сара намуналари мисолида теран миллий гўзаллик тимсолини устозона ифода этиши билан шинавандалар олқишига сазовор бўлди.

Шу йили ўтказилган учинчи “Муғом олами” халқаро фестивали танловида хонандалик қаторида созандалик бўйича ҳам алоҳида номинация жорий этилиши нур устига нур бўлди. Зеро, муғому мақомда овоз ва соз йўналишида мустақил маҳорат уйғунлиги, бири бирига рағбат кўрсатиши ва бир-биридан илҳомланиши ниҳоятда баланд кадрланади.

Мазкур фестивалнинг асосий тадбирлари мовий осмонга туташ Каспий денгизи соҳилида, кўркам боғ хиёбонида қад қўтарган “Халқаро муғом маркази” янги бино сахнасида ўтади. Унинг айнан муғом кечаларини ўтказиш мақсадида мослаб қурилгани учун шинамгина зали, бежирим сахнаси, аёло акустикаси кишини мамнун этди.

Мумтоз мақом-муғом санъатига



кизикиш дунё бўйлаб тобора ортиб бормоқда. Замондошларнинг ундан баҳраманд бўлиш имкониятлари ҳам бениҳоя кенгайди. Бокуда ўтган сўнги фестивал тадбирлари мамлакат пойтахти билан чекланиб қолмасдан, вилоят ва туман марказларига ҳам етиб боргани унинг оммавий тус олаётганидан дарак беради.

Эътироф этиш лозимки, Ҳайдар Алиев жамғармаси, Озарбайжон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги, Озарбайжон Бастакорлар уюшмаси “Муғом олами” халқаро фестивалини таъсис этиб, унга бошчилик қилишаётган экан, ташкилий ҳамда илмий-ижодий жиҳатдан юқори савияни кўзлаб иш тутмоқдалар. Иттифоқо, мазкур халқаро санъат анжумани чиндан ҳам катта ижтимоий-маданий воқеликка айланди улгурди.

Шарқ халқлари кўҳна мақом наволаридан баҳра топиб, озарий муғомнинг бугунги равнақи юзасидан олам-олам таассуротларга эга бўлиб ўз юртимизга қайтишимиз биланок, ўзбек мақомининг бугунги аҳволи кўзимизга анча ташвишли кўринди. Мавжуд тафовутлар кўзга яққолроқ ташланиб, оғриқли саволлар кўндаланг турди. Енгил, кўнгилочар тоифадаги мусиқа йўналишининг устувор аҳамияти боис айнан шу сифат маҳсулотлар билан ўралашиб қолдик, чамаси.

Айниқса, қўша-қўша маҳаллий радио тўлқинлари ҳамда теледастурлар мисолида кўпинча савияси паст ҳаваскорона ижрочилик билан чекланиш яққол кузатилади. Отахон мусиқа олими, устоз Файзулла Кароматли бу ҳолатни лўнда таърифлашга уриниб: “...қалбаки эстрада вакиллариининг нафақат концерт заллари, балки радио ва телевидениеда ҳам ўта устуворлиги, очиғини айтганда, қандайдир бир “мусиқий вабо” тусидаги бахтсизликдир, – дея ташхис қўяди. – Холбуки, бу дарднинг олдини олишда энг кучли воситалар радио ва телевидение бўлиши керак”.

Оламшумул мавкега молик мақом, достон, мумтоз бастакорлик кадриятларига ҳамда миллий композиторлик ютуқларига нисбатан эътиборсизлик наҳот бизни қониқтираётган бўлса?

Пойтахтимизда учинчи бор “Тошкент баҳори” номида ўтказилган опера ва балет халқаро фестивали

дастурларида биронта ўзбекча асарга ҳамон йўл очилмагани таажжубли ҳол. Ўзбекистонда бу соҳада қўлга киритилган салмоқли ижодий ютуқларни мутлақ инкор этилишини қандай тушуниш лозим? Ёки ўзбек операси ва ўзбек балети ўз она-Ватанида ўгайга айландими?

Ардоқли мақом мероси бўйича илмий-ижодий изланишларини йўлга қўйиш, унинг устувор ривожланиш йўллариини кўзлаш ва режалаш, жумладан, республика микёсидаги мақом ижрочилари танловини тиклаш, оммабоп мақом кечалари анъаналарини жонлантириш, мусиқий тарғиботда бузилган мувозанатни тўғрилаш, илмий-оммабоп адабиётларни яратиш ва чоп эттириш, ҳозирги мусиқа таълими босқичларида тўпланиб қолган муаммоларнинг ечимини топиш ишлари ниҳоятда суст кечмоқда.

Ўзбекистон композиторлари, назаримизда, айна шу соҳа ижодиётига, касбий вазифаларига нисбатан ҳукм сураётган вазиятга, салбий ҳолатга қўникиб ҳам қолишди, шекилли.

Шу кунга қадар ватанимиз мусиқа ҳаётининг муҳим сана ва воқеалари, муҳокамага муҳтож масалалари ёзма аксини топадиган минбарга – ўз газетасига ҳам, махсус журналига ҳам эга эмас. Мусиқа маданияти солномасини яратиш, тизимли-тартибли ёритиш каби мақсадли ишлар ҳам ўлда-жўлда. Ўзбекистон давлат консерваторияси янги бинога эгалик қилаётганига ўн йилдан ошган бўлса-да, шу кунга қадар бирорта эътиборли мавзуда халқаро мусиқий анжуман, танлов ёки иқтидорли ёшлар фестивалини уюштира олмади.

Ушбу ва бошқа ечимини кутаётган масалалар алоҳида таҳлилий-маърифий мақола учун мавзу бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда Ўзбекистон мусиқа маданияти вакиллари, мақом мутахассислари учун Озарбайжон ҳамкасбларининг муғом борасидаги фаол сайъ-ҳаракатлари, янги ижодий тажрибаси, халқаро кўламда олиб бораётган дадил ишлари ибрат бўлиб хизмат қилишига умидимиз катта.

*Равшан ЮНУСОВ,  
Ўзбекистон Республикаси санъат  
арбоби*



## КАНН ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ

Канн халқаро кинофестивалининг навбатдаги 66-анжумани бўлиб ўтди. Бу сафарги танлов раиси қилиб америкалик кинорежиссёр Стивен Спилберг тайинланди. Шунингдек, ҳайъат аъзолари сифатида турли давлатлардан ташриф буюрган таниқли кино усталари, режиссёрлар, драматурглар қатнашди. Жумладан, франциялик актёр Даниэль Отёй, ҳиндистонлик актриса Видья Балан, япониялик кинорежиссёр Наоми Кавасэ, ХХРдан кинорежиссёр Энг Ли, шотландиялик кинорежиссёр ва драматург Линн Рэмси, австралиялик актриса Николь Кидманлар иштирок этишди. Фестивални “Буюк Гетсби” фильми бош роль ижроچиси Леонардо ди Каприо ўз нутқи билан очиб берди. Эслатиб ўтамиз, Франсис Скотт Фицджералднинг “Буюк Гетсби” романи 2011 йил журналимизнинг 11-12 сонларида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилганди. Фестивалнинг очилиш маросими мазкур роман асосида суратга олинган “Буюк Гетсби” фильми билан бошланган бўлса, Жероме Салленинг “Зулу” кинокартинаси сўнгги ижод намунаси сифатида иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

“Палма япроғи” олий мукофотиغا франциялик режиссёр Абдуллатиф Кешишнинг “Кўк – энг илиқ ранг” номли кинокартинаси сазовор бўлди. “Палма япроғи” кўшимча мукофоти эса “Кўк – энг илиқ ранг” фильми учун — Адель Экзаркопулос ва Лео Сейдуларга насиб этди. Гранприга америкалик ака-ука Коэнларнинг “Люин Девиснинг ички олами” филми лойиқ топилди. “Энг яхши режиссёр” номинацияси бўйича мексикалик Амант Эскаланте “Эли” фильми учун ғолиб топилди.

“Энг яхши сценарий” номинациясига хитойлик Жиа Жангке “Туноҳ мухри” фильмига ёзган сценарийси учун сазовор бўлди. Фестивал якунига кўра, “Энг яхши актриса” номинацияси бўйича “Ўтмиш” филмидаги роли учун Берениче Бехо, “Энг яхши актёр” номинациясига эса америкалик Брюс Дерн “Небраска” фильмидаги роли учун лойиқ топилди. Ҳайъат мукофотиغا япониялик Ҳироказу Корээданинг “Ота қандай – фарзанд шундай” фильми муносиб кўрилди. Жанубий Корея киноижодкорлари маҳсулоти “Сейф”, “Энг яхши қисқа метражли фильм” деб топилди.

Шунингдек, томошабинларга “Севишганларгина тирик қолажак” (АҚШ), “Фақат Оллоҳ кечиради” (Франция), “Абадий гўзаллик” (Италия), “Кўчманчи” (АҚШ) фильмлари тақдим этилди ҳамда улар томонидан илик кутиб олинди.

*С. Алижоновна тайёрлади*



## МУҚОВАМИЗДА...



## ФЛАМАНД САНЪАТИНИНГ ЙЎЛБОШЧИСИ

XVII асрда Европа санъати антик ва Уйғониш даври анъаналари заминда камолга етди. Санъатда инсон бош мавзу қилиб олинди. Унинг жисми, ўй-хаёллари, ҳис-ғуйғу, орзу-истаклари, руҳий кечинмалари санъаткорлар асарларида теран талкин этилди. Инсоннинг қиёфасини янада ҳаққоний кўрсатиш, унинг руҳий ҳолатини, турмуш паст-баландликларини тасвирлаш шу давр асарлари учун муҳим йўналиш бўлиб қолди. Ҳаётдаги зиддиятлар, муракабликлар, ундаги ички қурашлар рассом ва хайкалтарошлар назаридан асло четда қолмади. Озодлик ва тенглик ғоялари баралла қуйланди. Санъат турлари ва жанрлари орасидаги нисбатлар ҳам бирмунча ўзгарди. Мавжуд бадий анъанавий сюжетлар билан бирга ҳаётий воқеалар акс этган асарлар ҳам кенг қўламда ҳаётга кириб кела бошлади. Бу даврда Барокко, Рококо, Классицизм каби услублар бир-бири билан доимий муносабатда бўлиб, бирининг таъсири бошқа бирида ўз аксини топди. Бу ўзгариш ва таъсирлар, энг аввало, у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузуми, тарихий шароити билан узвий равишда боғлиқ эди. Шу боисдан ҳам XVII асрда Италия, Испания, Франция, Голландия ва Фландрияда миллий бадий мактаблар вужудга келди.

Бу даврда фламанд санъати рангтасвирда реалистик санъатнинг янги қирраларини кашф этди ва жаҳон санъати тарихида янги саҳифа очди. Черков санъатнинг асосий буюртмачиси сифатида янги қурилаётган, таъмирланаётган кичик ва катта ибодатхоналарни катта-катта деворий суратлар билан безаттирди ва меҳроблар учун йирик суратлар ишлатди. Бу суратлар ўзининг чуқур драматизми ва таъсирчанлиги билан оммани ўзига жалб этиши ҳамда черков ғояларини тарғиб этиши ниҳоятда зарур эди. XVII асрда Фламанд санъати услуб ва мавзулар ранг-баранглигини белгилашда муҳим роль ўйнади. Диний-мифологик ва дунёвий мавзуда кўплаб суратлар ишланди. Бу даврда фламанд санъати ўзининг гуллаган даврини бошидан кечирди.

Фламанд рангтасвир санъатининг йўлбошчиси, Европа санъатининг буюк вакили Рубенс 1577 йили 28 июнда Германияда туғилди. У ёшлик йилларида ота-онаси билан Фландрияга кўчиб келиб, шу ерда лотин мактабида ўқиди, сўнгра рассом Отто ван Веей устахонасида мусаввирлик санъати сирларини эгаллади. Рубенснинг рассом бўлиб етишишида унинг Италия бўйлаб қилган сафари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мусаввир Италияда буюк санъаткорлар асарлари билан яқиндан танишди. Айниқса, Микеланжело, Леонардо да Винчи, Тициан, Веронезе ва Караважо сингари мўйқалам сохибларининг ижоди унинг ижодий фаолиятига сезиларли даражада таъсир ўтказди. Рубенс уларнинг ижодини кунт билан ўрганди. 1608 йил Рубенс Антверпенга қайтиб келгач, ижодга муккасидан кетиб, турли мавзуларда асарлар ярата бошлади. Бу эса тез орада рассом номини оммага кенг танитди. Буюртмачиларнинг тобора кўпайиши натижасида у ўз устахонасини яратиш имконига эга бўлди. Рубенс ўз атрофига бир

қанча истеъдодли ёшларни тўплаб граверлар мактабини ташкил этди. Мусаввирнинг илк ижоди 1610 йилларга тўғри келади. Рубенснинг асарлари динамик жўшқин, ички куч-қудратга тўлалиги билан киши эътиборини ўзига тортади. Унинг мифологик ва аллегорик мавзудаги асарлари ҳам ўзига хос. Улар ҳажм жиҳатидан катта, ёрқин рангли, декоратив, ҳис-ҳаяжонли, образлари эса тўлақонли, улкан, забардаст, куч-қувватга тўла. Мусаввир қайси мавзуга қўл урмасин, ўз қаҳрамонларини жисмонан бақувват этиб гавдалантирганига гувоҳ бўламиз. “Вакханалия”, “Левкипп қизларининг ўғирланиши”, “Шерлар ови” асарлари шулар жумласидандир. 1620 йили Рубенс ижодининг энг гуллаган даври бўлди. У яратган асарлар ҳис-туйғуга бойлиги билан ажралиб туради. Турфа хил ранглар асарларининг таъсирчанлигини белгиловчи асосий восита ва омиллардан бири бўлиб қолди. Шу йилларда яратган унинг дастлабки “Персей ва Андромеда” асари диққатга сазовордир. Қадимги грек афсоналаридан олинган сюжет асосида ишланган бу асар ўзининг образли пластик ечими ҳамда қаҳрамонларнинг психологик ҳолатининг ёрқин бўёқларда ифодаланиши билан томошабин диққатини ўзига ром этади. Унинг қиролича Мария Медичи ҳаётига бағишланган тарихий мавзудаги туркум асарлари санъат тарихида муҳим воқеалардан бўлди, десак янглишмаймиз. Люксембург саройини безаш учун мўлжалланган бу сурагда Франция қироличасининг ҳаёти тўлақонли ёритилиши билан бирга реал кўринишлар нореал образлар билан уйғунлаштирилиб, синтез ҳолатда тасвирланган. 1609 йил октябрда Рубенс машҳур гуманист Ян Брантнинг кизи Изабелла Брант билан турмуш қуриб, сеvimли рафикаси Изабеллага бағишлаб бир нечта асарлар яратишга муваффақ бўлади. Унинг машҳур асарларидан бири “Изабелла портрети” фикримизнинг тасдиғидир. Изабелланинг мунгли нигоҳи ва очик

чехрасидан унинг соф қалбли, нафосатли аёл экани яққол кўриниб турибди.

1630 йиллар мусаввир ижодининг сўнгги даври бўлиб, эндиликда Рубенс кичик ҳажмдаги асарлар ишлашга кўпроқ эътибор бера бошлади. Шу даврда яратилган асарлари мазмунан чуқур, уларнинг композициясида хотиржамлик кўзга яққол ташланиб туради. Шу йилларда у оддий халқ ҳаётига кўпроқ мурожаат қила бошлади. Табиат манзараларини тасвирлади, ўз яқинларининг портретларини чизди. Айниқса, аёли ва фарзандлари тасвирланган қатор композициялар яратди. Рубенснинг қишлоқ ҳаётига оид талай асарлари ҳам эътирофга лойиқ. Хушчақчақ, серзавқ деҳқонлар ҳаёти “Деҳқонлар рақси” асарида гоёат жўшқин ва таъсирли гавдалантирилган.

Буюк мусаввир ижодий фаолияти давомида “Венера байрами”, “Деҳқонларнинг даладан қайтиши”, “Левкипп қизларнинг ўғирланиши”, “Персей ва Андромеда”, “Севги боғи”, “Изабелла Брант портрети”, “Авлиё Иероним”, “Вакханалия”, “Шерлар жанги” каби кўплаб нодир ва ўлмас асарларини яратди. Сирасини айтганда, Рубенс ижоди Европа санъати тарихида муҳим ўрин тутди. Унинг кейинги тараққиётини Рубенс ижоди таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Фламанд рангтасвири равнақи ҳам Рубенс ижоди билан чамбарчас боғлиқ. Кўпгина фламанд рассомлари унинг ижодидан таъсирландилар, илҳомландилар ва уни давом эттирдилар. Унинг кўплаб шогирдлари, издошлари фламанд рангтасвири шухратини янада оширишга ўз хиссаларини қўшдилар.

*Шаҳноза ҚОСИМОВА,  
санъатшунос*



## ТАҚВИМ



## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАН ЭДИЛАР...

### 1 июнь

1804 йил, **Михаил Глинка**, россиялик бастакор, миллий Опера мактабининг асосчиси. “Руслан ва Людмила”, “Венеция туни”, “Шубҳа”, “Тунги зефир”, “Мери”, “Адель”, “Йўл-йўлакай кўшиқ” каби романс ва кўшиқлари, “Вальс-фантазия”, альти ва фортепиано учун сонаталар, “Сомнамбула”, “Капулетти ва Монтекилар” сингари асарлар муаллифи.

### 2 июнь

1857 йил, **Карль Адольф Гьеллеруп**, даниялик ёзувчи ва драматург. “Идеалист” асари адабнинг илк романидир. Унинг “Брунхильд” шеърий драмаси эътиборга молик топилган дастлабки асарларидан биридир. Адиб “Хагбард ва Сигне”, “Минна” ишқий романлари, “Менинг севгим китоби” деб номланган шеърий тўплами, шунингдек, “Герман Бандель”, “Вуторн”, “Жаноби олийлари” драмалари билан ном қозонган. “Вуторн” драмаси Копенгагендаги Дагмар театрида юз мартадан ортиқроқ ўйналган. “Серқирра шеърий ижоди ва юксак идеаллари учун” 1917 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган.

### 4 июнь

1848 йил, **Гоген Поль Эжен Анри**, француз rassоми, посимпрессионизмнинг йирик вакили. У “Арлдаги қаҳвахона”, “Рашк қиласанми?”, “Таити пасторали”, “Қиролнинг хотини”, “Мева терими” сингари асарларида инсон ва табиат уйғунлигини ифодалаган. Мусаввирнинг ижодига хос бўлган жўшқин ранг, безак ва маҳобатлилиқ XX асрда яшаган rassомларнинг ижодий изланишларига таъсир кўрсатди.

### 5 июнь

1898 йил, **Федерико Гарсиа Лорка**, испаниялик шоир, драматург, мусиқачи, шунингдек, rassом сифатида ҳам шуҳрат топган серқирра ижодкор. XX аср маданияти ривожига катта ҳисса қўшган. У “Зулмат севги ҳақида сонетлар”, “Лўли романсероси”, “Сальвадор Далига мадҳия” каби шеърий китоблари, “Беш йил ўтганда”, “Омма”, “Мариана Пинеда”, “Қонли тўй”, “Бернард Альбанинг уйи”, “Дон Перлимплиннинг муҳаббати” сингари пьесалари билан ном қозонган. 2003 йилда Гранада шаҳрида Федерико Гарсиа Лорка номли халқаро шеърий мукофоти таъсис этилган.

### 6 июнь

1599 йил, **Диего Веласкес**, испан rassоми. “Сильва Веласкес”, “Граф Оливарес”, “Филипп IV”, “Маврларни сургун қилиш” “Шоҳ Филипп IVнинг отдаги сурати”, “Шута Калаба-Сильяс”, “Бреднинг топшириғи” сингари портретларни яратган.

1606 йил, **Корнель Пьер**, француз драматурги, классицизмнинг асосчиларидан бири. У “Мелита”, “Бева” комедиялари ва “Сид”, “Медея”, “Горация” каби

трагедиялари билан машхур. “Иинна ёки Август марҳамати”, “Помпейнинг ўлими”, “Иракий ёки Шарқ султони”, “Эдип”, “Оттон”, “Атилла – хуннлар шоҳи”, “Тит ва Береника” сингари драмалар муаллифи.

1799 йил, **Александр Сергеевич Пушкин**, рус ёзувчиси, янги рус адабиётининг асосчиси. У бадиий-ижтимоий савияси юксак шеърлари, “Бокчасарой фонтани”, “Лўлилар”, “Граф Нулин”, “Полтава”, “Мис Чавандоз” каби дostonлари, “Евгений Онегин” шеърый романи, “Борис Годунов”, “Хасис рицарь”, “Тош меҳмон”, “Моцарт ва Сальери” трагедиялари билан машхур. “Белкин қиссалари”, “Капитан қизи” каби насрий асарлари ҳам адиб ижодида алоҳида ўрин тутади.

1865 йил, **Пауль Томас Манн**, немис адиби. “Баҳорги жала” деб номланган адабий-фалсафий журналнинг ташкилотчиси. У “Тристиан” ҳикоялар тўплами, “Будденброклар”, “Сеҳрли тоғ”, “Лотта Веймарда” романлари ҳамда “Иосиф ва унинг акалари” тетралогиясини яратган. Адиб 1929 йилда “Будденброклар” романи учун Нобель мукофоти билан тақдирланган.

## 8 ИЮНЬ

1810 йил, **Роберт Шуман**, немис композитори, XIX аср мусиқий романтизмнинг намояндаси. Унинг фортепиано учун “Симфоник этюдлар”, “Карнавал”, “Фантастик пьесалар” каби туркумлари, шунингдек, “Фантазия”, “Уч соната”, концертлари машхур. У “Гепоева” операси, Ж.Байроннинг “Манфред” поэмасига мусиқа, тўртта симфония, камер ҳамда хор асарларининг муаллифи. Композитор “Арабча”, “Шарқ манзаралари” камер-чолғу, “Шарқ гулларидан”, “Мағриб-Машрик девонидан” камер-вокал куйлари, “Жаннат ва Пери” йирик ораториясини ҳам ёзган.

## 10 ИЮНЬ

1920 йил, **Саид Аҳмад** (Хусанхўжаев Саидахмад), Ўзбекистон халқ ёзувчиси. “Тортик”, “Эр юрак”, “Фарғона ҳикоялари”, “Чўл бургути”, “Чўл окшомлари”, “Одам ва бўрон” каби ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. “Уфқ” трилогияси, “Жимжитлик” романи, “Келинлар кўзғолони”, “Куёв” комедиялари адиб ижодида алоҳида ўрин тутади. Бундан ташқари “Хандон писта”, “Бир ўпич баҳоси” ҳажвий тўпламлари, “Йўқотганларим ва топганларим”, “Қорақўз мажнун”, “Киприкда қолган тонг” китоблари ўқувчилар меҳрини қозонган. 2013 йил 10 июнь куни Тошкент шаҳрида Саид Аҳмад ва унинг рафиқаси шоира Саида Зуннунова хотирасига бағишланган ҳайкал-композиция очилди.

## 11 ИЮНЬ

1912 йил, **Мухтор Ашрафий**, Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек опера санъати асосчиси. У “Бўрон” (К.Яшин либреттоси), “Буюк канал” (К.Яшин ва М.Раҳмонов либреттоси) каби илк ўзбек операларини ёзган. Унинг “Қаҳрамонлик”, “Ғолибларга шон-шарафлар” симфониялари, “Дилором” (К.Яшин ва М.Муҳамедов либреттоси), “Шоир қалби” (И.Султон либреттоси) опералари, “Севги тумори”, “Матонат”, “Муҳаббат ва қилич” балетлари, “Рустам ҳақида дoston” (“Шоҳнома” асосида) ораторияси ўзбек мусиқа маданиятига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

## 13 ИЮНЬ

1865 йил, **Уильям Батлер Йейтс**, ирланд шоири ва драматурги. 1889 йилда унинг илк “Оссианнинг жаҳонгашталиги ва бошқа шеърлар” китоби босмадан чиққан. Адиб “Графиня Кетлин”, “Кетлин, Хулиэннинг қизи” драмаларини ёзган. У умрининг сўнгги йилларида “Минора”, “Винтли зина ва бошқа

шеърлар” китобларини яратган. 1913 йилда “миллат руҳини бадий юксак шаклда ифода этган илҳомбахш шеърый асарлари” учун Нобель мукофотига сазовор бўлади.

## 14 ИЮНЬ

1811 йил, **Гарриет Элизабет Бичер-Стоу**, америкалик адиба. У “Том тоғанинг кулбаси” номли романи билан ном қозонган. “Орр ороли дури”, “Олдтаунск фуқаролари”, “Леди Байронни оқлаш”, “Хотиним ва мен”, “Оқ-пуштиранг тирания” каби асарларни ёзиб, машҳурлик шохсупасига кўтарилган.

## 17 ИЮНЬ

1946 йил, **Жавлон Умарбеков**, Ўзбекистон халқ рассоми. У “Болалик”, “Кўшиқ”, “Менинг дўстим”, “Тафаккурли инсон”, “Мен инсонман”, “Ховуз бўйида”, “Келинчак”, “Соҳибқирон Амир Темур”, “Етти иқлим султони”, “Учрашув”, “Захириддин Муҳаммад Бобур” сингари кўплаб ранг-тасвир асарлар муаллифи.

## 18 ИЮНЬ

1942 йил, **Жеймс Пол Маккартни**, британиялик мусиқачи, ҳонанда, бастакор, мультиинструменталист ва продюсер. У “Илтимос, илтимос, мени”, “Кеча”, “Уайт оролидаги Райд шаҳарчаси”, “Мен уни шу ерда кўрдим” кўшиқлари билан шухрат қозонган.

## 25 ИЮНЬ

1882 йил, **Янка Купала**, Беларусия халқ шоири. Замонавий белорус адабиёти асосчиларидан. Муаллифнинг “Най”, “Чолғучи”, “Ҳаёт йўлидан” шеърый тўпламлари, “Мангу кўшиқ”, “Кўрғондаги туш”, “Арслоннинг қабри” дostonлари машҳур. Ижодкорнинг “Павлинка”, “Бузилган уя” пьесалари белорус реалистик драматургияси ва миллий театр санъати ривожига самарали таъсир кўрсатган.

## 26 ИЮНЬ

1892 йил, **Перл Бак**, америкалик адиба. У “Шарқ шамоли, ғарб шамоли”, “Замин” романлари муаллифи. “Замин”дан сўнг унинг давоми сифатида икки романи – “Уғлонлар”, “Бўлиб ташланган уй” дунё юзини кўради ва учала асар кўшилиб, “Замин уйи” номи билан чоп этилади. Шунингдек, у “Она”, “Кувғин”, “Курашаётган фаришта”, “Ҳамма бир-бирига биродар” романларини ҳам ёзган. 1938 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган.

## 27 ИЮНЬ

1867 йил, **Луижи Пиранделло**, италиялик адиб. “Рад этилган киз” романи, “Муҳаббатсиз ишқ” ҳикоялар тўплами, “Хотима” пьесаси муаллифи. “Мархум Маттиа Паскаль” романи унга катта омад олиб келади. “Бас, шундай бўлади”, “Муаллифни излаган олти қаҳрамон”, “Генрих IV” драмалари адиб ижодининг чўққиси деб тан олинган. 1934 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган.

## 28 ИЮНЬ

1712 йил, **Жан-Жак Руссо**, буюк француз ёзувчиси, файласуфи, бастакор, ботаник олим. “Ҳарбий асирлар”, “Иқроп”, “Юлия ёки Янги ҳаёт”, “Эмил”, “Ёлғиз ҳаёлпарастнинг сайри” сингари ижод намуналари билан жаҳонга танилган. “Жамоат келишуви борасида ёки сиёсий ҳуқуқлар принциплари”, “Замонавий мусиқа ҳақида диссертация” номли илмий мақолалари омма диққатини тортган. “Фанлар ва санъатлар ҳақида мулоҳазалар”, “Сиёсий шартнома” каби фалсафий-таълимий асарларида шахс тарбияси, фикр ва туйғулар эркинлиги, санъат ва фалсафанинг маънавиятга таъсири каби масалалар чуқур ёритилган.

*М.Темур қизи тайёрлади*

**Бош муҳаррир:**

Шухрат РИЗАЕВ

**Тахрир ҳайъати:**

Усмон ҚЎЧҚОР

(бош муҳаррир ўринбосари)

Юлдуз ҲОШИМОВА

(масъул котиб)

Амир ФАЙЗУЛЛА

Тоҳир ҚАҲҲОР

Назира ЖЎРАЕВА

Музаффар АҲМАД

Матлуба МАҲКАМОВА

Дилдора АЛИЕВА

Алимурод ТОЖИЕВ

# Жаҳон АДАБИЁТИ

2013 йил июнь сони

Навбатчи муҳаррир Н.ЖЎРАЕВА  
Техник муҳаррир Д.МУҲИДДИНОВ  
Мусаххих Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи М.АЛИЕВА

**Жаҳон адабиёти, 2013**

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-  
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

**Таҳририят манзили:**

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)

E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 10.07.2013 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Жами 2270 нусха. \_\_\_\_\_ рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигининг “Ўқитувчи” НМИУда чоп этилди.

100206, Ўзбекистон, Тошкент ш. Янгишаҳар кўчаси, 1.

© **Жаҳон адабиёти, 2013 й.**

ЖАҲОН АДАБИЁТИ  
208